



Куз

СИМФОНИЯСИ

ШЕРЗОД ОРТИҚОВ

Бошқа фаслларнинг борлиги руё,
Бу дунёда фақат куз бор. азизим...

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirishi shart

ilgari berilmalar miqdori _____

--	--



Куз СИМФОНИЯСИ

ШЕРЗОД ОРТИҚОВ



ҲАМ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2020

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5У)7

О-75

Ортиков, Шерзод

Куз симфонияси: ҳикоялар / Ш.Ортиков. Сузбоши муаллифи ва таъризи Т.Пулатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 208 б.

ISBN 978-9943-20-779-0

Ҳамма замонларда адабиёт ва адиб миллат таракқиётининг устуни ҳисобланади. Давр ёзувчиларини ўқувчиларга танитиш, асарларини сўқиб бериш эса нашриётларнинг энг муҳим вазифаси, десақ муболаға бўлмайди.


Ёш ёзувчи Шерзод Ортиковнинг ҳазқур китобини нашр этиш орқали адабиётимизга яна бир янги ном кириб хелаётганини тўғри қилмоқчимиз. Таъкидлаш жоизки, Шерзод Ортиков ҳикоялари илк бор китоб шаклида чоп этилаётган бўлса-да, аммо шу давргача қатор хорижий давлатлар адабий нашрларида дунё юзини кўрган.

Мутолаа ва таҳлил қилинг ҳамда баҳо беринг. Мақсадимиз адабиёт орқали, китоблар орқали миллат болаларининг интеллектуал салоҳияти юксатишга хизмат қилиш экан, демак, китоб мутолаасидан кейин фикрларингизни қутамиз. Бу биз учун жуда муҳим!

Сузбоши муаллифи ва таъризи

ТЕМУР ПУЛАТОВ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



ISBN 978-9943-20-779-0

© Шерзод Ортиков, «Куз симфонияси», «Янги аср авлоди», 2020.

ЁШ АВЛОДДАН УМИДИМ

Адабиёт ҳар бир даврда ўз мавзуси ва катта саволлар билан ижод кишиен олдиди бадий тафаккур қудратини бутун жозибаси ва синоати билан намоён бўладики, унинг оҳанрабосига тортилган ва шу муҳташам ҳисси туйган қалам аҳли ундан ташқарига чиқиб кетишни ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Ёзувчи учун адабиётнинг қудрати фикримча, унинг шу оҳанрабосида, китобхонни асар меҳварига тортиш ва унга батамом боғлаб олиш синоатида намоён бўлади. Ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Умидим комилки, ўзбек адабиётига етишиб келётган янги авлод ёзувчилари ҳақиқат билан, оригинал тил билан, янги услуб билан китобхонларни ҳақиқат, одамгарчилик, ватанпарварлик тулқинларига бошлай олишади. Инчунун, Сурхон Буриев, Шерзод Комил Халил, Нурилла Чори, Зухра Мамадалиева, Нодирабегим Иброҳимова, Рахшона Аҳмедова, Гулноз Мамарасулова, Холиёр Сафаров, Жасур Кенгбоев, Жавлон Жониев ва Робия Саидова каби бир қатор ёш ёзувчилар бугунги кунда бир гуруҳ бўлиб ўзбек адабиётига кириб келганлигини илғаш кийин эмас. Ёш ёзувчи Шерзод Ортиқов ҳам шу ёшлар сафида ўз овозига эга.

Мен ёш ёзувчи Шерзод Ортиқовнинг «Куз симфонияси» номли йигирма ҳикояси жамланган тўпламини кўздан кечирарканман, ёш ёзувчининг ҳикояни баён қилиш услуби ва унга хос нозик қочиримли хулосаларидан завқландим. Шеърят кенг қулоч ёйган ва наср ёзувчилар камайиб кетган бугунги ёш ўзбек ижодкорлари ичида бу йигитни ўз урни бор. Унинг қалами жаҳон адабиёти анъаналарини ўзлаштирганлиги ва шу билан бирга Шарк

миллий нигоҳини бир концепция уларок бирлаштирганлиги билан алоҳида жозиба ва таъсир кучига эга. Унинг ҳикояларидаги ажабтовур сюжетлар, портрет ва характер яратишга уринишлари унинг истиқболига умид билан қарашига асос беради. Мен бу ҳикояларнинг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида сузлаб утирмайман, китобдаги ҳикояларни укувчилар узлари уқиганлари ва ёш ёзувчи оламини бир китобхон уларок кашф этганларини маъқул, деб уйлайман.

Мен ёш ёзувчи Шерзод Ортиқовнинг «Куз симфонияси» ҳикоялар китобини уқирканман, адабиётимизга бир ёш ёзувчи кириб келаётганлигини пайқадим. Мен унинг эртасига умид билдирияпман ва бу ишончни оқлаш учун ёш ёзувчидан шижоат ва изланувчанликни тухтатмасликни, адабиёт йўлидаги меҳнат ва машаққат олдида собит ва мардонавор бўлишини тилайман. Шунда суз мулки уз хазиналарини ёзувчи учун очиб бораверади. Шу йўлда ёш ёзувчига омад. «Куз симфонияси» узбек адабиётида суз симфонияси бўлиб қолишига ишонч билдираман.

*Темур Пулатов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

ҲИКОЯЛАР

ТУШКУН ШЕЪРЛАР

Бекатга учинчи марта автобус келиб тухтади. Унга чикмадим. Жойимдан жилмай утиравердим. У йуловчиларни бағрига олди-да, бекатни шилпийдам қилиб, эшикларини тарақ-туруқ этиб ёлганча, жунаб кетди. Яна бир узим, ёлғиз қолдим. Атрофга декабрнинг этни савалайдиган изғиринли оқшоми чуқишга чоғланар, қулранг тусга кирган осмон борган сари қорайиб бораётгандек тасаввур уйғотарди.

Тусини узгартираётган осмон билан узимни қалғитолмай, қулимдаги икки чети боғланган қалин папкага қарадим. Йук, карамадим. Уни қулимда тургани эсимга тушиб кетиб, толиққан кузларим билан унга термилдим. Уни авайлаб очарқанман, озгин қулларим титрар, пароканда бўлган дилимда уни очма, деган дилгир уй чархпалақдек айланар, шунданми, очайми-очмайми, деб аввалига роса иккиландим. Охири, барибир очдим. Унинг ичига тартиб билан жойлаштирилган, оқ қоғозга туширилган, саналари бирма-бир қуйилган шеърларим у ердан яна менга узларини намоён қилишди.

Афсуски, уларга беш дақиқа ҳам тикилиб туролмадим. Асабланишиб кетдим, бошим қакшаб оғрий бошлади ва шартта папкани ёпиб қуйдим. Бу бир лаҳзалик хатти-ҳаракатимда инсон темпераментининг барча салбий унсурлари – алам ҳам, нафрат ҳам, қайғу ҳам уз ифодасини топганди. Папкани ёлғач, уни ортик қулимда ушлаб тура олмадим. Оғирлик қилди. Афтимни буриштирганча уни ёнимга қуйдим-да, совукдан таранна қотган қулларимни худди ток ургандек ундан тортиб, эскириб кетган пальтомининг ичига тикиб олдим. Бир муддат шундай, ҳеч нимани уйламай, гарангсиб утирдим.

Толикиш натижасида кизариб кетган кузларим вақт утиб, бекаг рунарасидаги янги қурилган куп каватли уйларга қадалди, аниқроғи, бешинчи каватнинг уртасидаги чиройли равони кузга ташланиб турган хонадондан уларни узиб ҳеч қасрга қарамадим. Кузимни узмай уша ерга дадил тикилар эканман, ҳозиргина уша чиройли равонли хонадондан кайфиятим бузилиб, одамларга бўлган нафратим янаям кучайиб, дунёга ут қуяр даражада узимни абгор ҳис қилиб чикканимга сира ишонгим келмасди...

...Эрталаб университет аудиториясида навбатдаги маъруза уз якунига етгач, дугонам Мохирага суюниб, «Устоз Малик Самад шеърларимни таҳрир қилиб, сузбоши ёзиб нашриётга бераркан», деганимда:

– Хонадонига таклиф қилдими? – деди у неғадир.

– Ҳа, шундай, – дедим жавобан. – Бирга таҳрир қиламиз шеърларининг, маъқул келса сузбоши ёзиб, нашриётга топшираман, деди.

У бошқа гапирмади. Нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, аммо қўл телефони жиринглаб мендан нари кетди. Аудиторияни тарк этиш мақсадида дафтар ва китобларимни чарм сумкамга соларканман, кутаринки кайфиятимга ҳеч нима соя сололмаслигини ҳис қилдим. Мен хурсанд эдим. Ниҳоят, менинг ҳам китобим чиқади деган уй гуё менга бир жуфт қанот бергандек осмонларда тентираб учардим. Оғзим қулоғимда эди, қўшиқ хирғойи қилардим.

Устоз тушдан сунг хонадонига келишимни айтганди. Арзон ошхонада тушлик қилиб олгач, у ерга бориш учун автобусга чикдим. Устознинг хонадони Юнусободда экан. Шеърларим жамланган папкани қўлтиклаб, йўл буйи автобусга чиқарканман, хурсандчилигимни яширолмасдим. Куз олдимдан тез орада нашрдан чиқиш эҳтимоли ортган китобим, унинг жимжимадор ва гузал муковаси, қағга тақдирот маросими, китобим ҳақида фикр билдираётган китобхон ва адабиётшунослар, уқувчиларга

дастхат улашаётганим бирма-бир утди. Қизик, китобим неча саҳифали буларкан, деб уйладим орқада колаётган телеминорани кайрилиб кузатарканман. Менимча, бир юз йигирма ёки бир юз уттиз саҳифали булади, ҳар ҳолда шундан ошмаса керак, дедим ҳеч қанча утмай шеърларимнинг тахминий ҳажмини ўзимча чамалаб. Мукова дизайнини танлашни ўзимга қуйиб беришса зур буларди, ўзим тактардим, шеърларимнинг руҳига мос суратларни ахтариб энг муносиб келадиганини, шеърят оламинини очиб берадиган тасвирдагисини топардим, дедим ҳаёлан ўзимга, автобус навбатдаги бекатда тўхтагач. Орала китобим каттиқ муковали булармикин ёки юмшоқми – яна бошим қотди. Қўп ўтмай, тақдимот маросимига кимларни таклиф қилсам экан, деган бошқа бир ўй онг остимдан муралади. Кейин Моҳирани, ўзимдан катта шоирларни, университетдаги дўстларимни ва устозлардан бир-иккитасини таклиф қиламан, тақдимот маросими Миллий кутубхонада ташкил қилинса ажойиб иш буларди, бу менинг азалий орзум, деб бирин-кетин ширин ҳаёлларга берилдим. Ҳаёлимда шу китобим билан боғлиқ эпизодлардан иборат бўлган митти спектакли саҳналаштирдим. Бу ҳаёлимдаги спектаклда худди театрда қўйиладиган спектаклга ўхшаб, томошабин қаршисида тургандек қаршимда турганча Моҳира, курсдошларим, адабиётшунослар ва энг асосийси қалби дарё, беминнат устоз Малик Самад бадиий асарнинг монологини ўқиётган актёрлардек дона-дона қилиб китобим ҳақида илиқ фикр билдиришар, мен томонга табриклар йўллашар, уларнинг фикрини мен тўғрисида аниқ-тиниқ эшитаётгандек лабларимда табассум жилваланиб кетарди. Қўлларим эса тез-тез қимирлар, уларда ўзимни ўқувчиларга дастхат улашаётгандек сезардим. Ҳатто китобимнинг ҳидини туйгандек, ундан маст бўлгандек ҳам булардим ва ногаҳон бир-икки чуқур-чуқур нафас олиб, энтикиб қўярдим.

Йулнинг ярмида навбатдаги бекатдан чиққан қари кампирга жой бушатгач, қолган масофагача тик оёқда кетдим. Ортда қолаётган осмонлар биноларни, бефарқ одамларни, ақлдан озган машиналарни кузатиб қоларканман, уларга юзаки эътибор берардим, холос. Мен узимда эмасдим. Кўнглим тоғдай кутарилганидан ундаги йиллар давомида тупланиб, пуланак босиб кетган губорлар тарқаб кетгандек туюлар, узимни бундан минг чандон енгил ва поклангандек ҳис қилардим. Ҳатто юрагимнинг қай бир бурчида қолиб, тоғдек уюмга айланган аламларни ҳам унутгандек узимдан ажабланар, шунингдек, қаршимда очилишга шай турган ижодий икболга тула йулакка бор кучим билан талпинар, ниҳоят, порлашнинг уддасидан чиқадиған юлдузимни кундузи бўлса-да осмондан кидириб чарчамасдим. Бундан ташқари мени йиллар давомида ҳаддан ташқари чуқур қайғуга солган кўп кўнглисиз хотираларни, воқеа-ҳодисаларни, чекланган ва тор ғасаввурлари, субъектив хулосалари ва қалбларидаги бефарқликнинг аянчли куриниши билан юрагимга чексиз оғриқлар солиб, уни чандиқларга тулдириб ташлаган одамларни йул бўйи бирин-кетин кечириб борардим. Ҳаммани кечириб борардим – аллақачон шаффофликдан четга чиқиб ултурган ва она сути оғзидан кетмаган, галюцинация касаллигига чалинган кизалокларнинг мукофотига айланган, менга ҳар гал лоақал қанча балл тушлаганимни айтишни ҳам раво кўрмайдиган уша адабий мукофот хайъатидан қолган дилимдаги чуқур жароҳатни ҳам, шеърларимда замонанинг руҳига айланган маддоҳлик ва кутаринкилик синдромини, шеърят деганда айни кунларда урфга айланган ташбеҳлару пафосни тополмай «Биринчи китобим» лойиҳасига мени киритмаган уюшманинг улуғвор аъзоларини ҳам, шеърларим нега рад этилганининг сабабини бир оғизгина суз билан айтишни-да узига ор деб билган нуфузли журналлар таҳририятларини ҳам, тоқчасида қанг босиб ётган

кулёзмаларимни уч-турт йил ичида бир марта булсин варақлаб кўрмаган, машхур ва чоми чиккан ижодкорларни асарларини қайтиб-қайтиб нашр қилишдан ҳечам зерикмайдиган нашриётларни ҳам, шеърларимни чет элда чиқартириш эвазига менга ўзи билан никоҳсиз яшашни таклиф қилиш даражасигача борган хусусий адабий агентлик муассисларини ҳам – ҳамма-ҳаммани ич-ичимдан кечириб борардим. Ўзимга ўзим «Бўлди, уларни унут, қаршингда турган саодатли келажакка назар сол ва олға қадам ташла», деганча автобус ичида тик оёқда, чайкалиб борардим. Қўлтиғимда эса етти йиллик мапакқатли меҳнатимни ўз ичига олган шеърларимга тула папка қистирилган ҳолда кетар, у эсимга тушса хиёл шодланиб жилмайиб қуяр ва у худди ерга тушиб кетадигандек уни маҳкам тутиб олардим.

Устознинг хонадонига стиб келганимда ҳам, эшик кўнғироғини чалаётганимда ҳам, устознинг ўзи эшикни очганида ҳам шу ажиб ҳиссиёт мени тарқ этмади.

– Ассалому алайкум, устоз! – дедим уни қуришим билан шоша-пиша.

Устоз Малик Самад эғнига эркаклар ҳалати кийиб олганди. Соқолини янгитдан олган, шекилли, ундан астойдил суртилган одекolon хиди анқир, лабларидаги сигарет бурксиб атрофга гутун пурқарди. У бусағада мени қуриб, қўллари билан ичкарига таклиф қилди. Секин кирдим. Папкадаги шеърларимни гуё йукотиб қўядигандек ҳануз қўлтиғимга қистириб олгандим.

– Умида, – деди устоз ичкарига кирганимдан сунг ёнимга келиб. – Хона иссиқ, пальтонгни ечиб қуй. Кел, мен ёрдамлашаман.

У пальтомни ечишга ёрдамлашди. Кейин уни йулак деворига ўрнатилган илғичга жойлаштирди. Бу орада мен йулакда турганча эшиги ланг очиқ хонага кўз югуртирдим. Афтидан, бу хона устознинг иш кабинети эди. Унинг деворларига таникли ёзувчи ва шоирларнинг

портретлари илинган, бурчакдаги катга жавонда турли хил муковадаги китоблар тартиб билан жойлаштирилган, дераза олдидаги эмандан тайёрланган нақшинкор стол устида кулёзма ва дафтарлар уюлиб ётар, унинг четида кайсидир ёзувчининг гипсдан тайёрланган бюсти турарди. Дераза тоқчаларига бир-бирига яқин масофада жойлаштирилган гувакдаги гуллар унинг пушти ранг ва харир пардаси ортидан кирган одамга муралар, шифтдаги сариқ рангли қандил чирок ёруғида тилладек товланар, денгиз манзараси туширилган каттакон картина оғирлиги сабаб нафис гулқоғоз ёпиштирилган девордан ичи узилиб ерга тушиб кетадигандек, остона ҳатлаган одамни бир зум хавотирга соларди.

– Қани, утир-чи, – деди устоз ортимдан хонага киргач.

Папканглии стол устига қўй!

Мен хонадаги стуллардан бирига омонатгина чукдим. Устоз столига жойлашгач, кузойнагини такиб, папкамни қулига олди ва уни очиб вараклаб чиқди.

– Шеърларинг бунча қуң, – деди қоғозларга битилган шеърларимни бирма-бир қулига олиб, бурни остига яқинлаштириб уларни кўздан кечираркан. – Купи тушқушлик руҳида ёзилган экан. Ҳа, шундай. Ҳатто, мана бу баҳор ҳақидагиси ҳам. Баҳорда тушқушликка нима бор? Баҳор яшариш фасли-ку! Бойчечак, гуллаган урик, навруз, сумалак одамнинг кайфиятини кутармайдими?

Унинг гаплари кутаринки кайфиятимга бир оз соя солгандек бўлди. Чунки у ҳам уюшма, журнал ва нашриётлар томонидан билдирилган хулоса ва муносабатни курсатишга тараддуд қураётганди, назаримда. Шунга қарамай умидимни узмай ва руҳан чукмай утиришга интилардим.

– Жуда тушқун ёзаркансан, – деди Малик Самад давом этиб. – Сени ёшингда инсон уйнаб-қулиши, ҳаётнинг ёрқин томонидан баҳраманд бўлиши, роҳатланиб яшаши керак. Эндигина йнғирма туртга кирдинг, адашмасам... Қолаверса, тушқун руҳдаги шеърларга ҳозир бизда зару-

рат йук. Адабиётимиз янги қон билан сугориляпти. Кундан кунга.

– Байрон, Ахматова, Посвятовскаялар ҳам тушкун руҳда ёзишган, – дедим ҳаддим сиғиб унга эътироз билдирикман. Уларни ҳозир тинмай таржима қилиб, журнал ва газеталар саҳифаларини тулдириб ётишибди-ку, устоз! Колаверса, жаҳон адабиётида декадентлик деган адабий оқим бор... Бу оқим тушкун тасаввурга асосланади. Сиз ҳам яхши биласиз бу ҳақида.

– Ҳечкиси йук, – деди у қўллари билан тинчлан дегандек ишора қилиб. – Сени шеърларингни ҳам нашр қилишнинг иложини топамиз. Бир йўли бордир, ахир!

У шундай деб эринибгина уридан қўзғалди.

– Асабийлашиб узингни уринтирма! Асло, бундай қилма! Ундан кура ойнага бир қара. Бай-бай-бай... Сен жуда чиройлисан, устига-устак, ёшсан. Худди шундай. Жилла курса, узингни мени нигоҳим билан кургин. Бир марта... Қўзларинг охуники каби боқади-я, сокин ва дилни нозик китиклаб. Узун ва тимқора сочларингга қараб туриб шамолнинг расмини қандай чизардим агар бўлмаганда сени сочларинг дегим келади, машхур шоирга ўхшаб. Ҳатто, эгингдаги тук қизил куйлагинг ҳам коматингга хуб ярашган. Коматинг ҳақида эса гап-суз бўлиши мумкин эмас. Жуда мафтункорсан.

У қўлидаги папкани стол устига қўйиб, аста ёнимга яқинлашди.

– Биламан, ёш қизларда тушкунлик купрок бахтсиз ёки жавобсиз муҳаббат боис юзага келади. Эркаклар ҳозир хиссиз-да, билиб-билмай шунақа таъсирчан қизларнинг қўнғилини яралаб қўйишади. Бу албатта уларга ёмон таъсир келади, улар тушкунликка тушиб, сунг ундан чиқишга қийналиб яшай бошлашади. Агар тушкунлик таъсирига тушган қиз шоир бўлса, урди Худо деявер. Шурлик дарров шунақа тушкун шеърлар ёзишга тушади худди сен каби.

У елкамга кулини қуйиб, менга диққат билан тикилди.

– Ваҳоланки, тушкунликдан чиқишининг йўли осон. Бу вазиятда ҳар қандай инсоннинг ёнида уни бу бало-дан олиб чиқадиған кишиси бўлиши керак, бўлганда ҳам ишончли, садоқатли ва ғамхур дўсти бўлиши керак.

Мен вақт утиб узимни ғалати сеза бошладим. Уни нима деяётганини ҳеч тушунмасдим. Гапларини узимча таҳлил қилишга уринсам-да, тезда бош-учини йўқотиб қуярдим, чунки у менга мутлақо тушунарсиз сузларни маржон каби ипга тизиш билан овора эди. Унинг ҳамон елкамда турган қули оғирлик қилса, ундан анқиётган оде-колон аралаш тамаки хиди кунглимни оздирарди.

У орада бир-икки хурсиниб қуйди-да, кулларини бир-бирига ишқалаганича қушни хонага кириб кетди. У ердан бир шиша шароб ва иккита пиёла олиб чиқди. Шишани очиб, пиёлаларга шароб қуйди.

– Ол, буни, – деди улардан бирини менга узатиб.

Мен бошимга худди кимдир гурзи билан ургандек чайқалиб кетдим, лекин узимни қўлга олдим.

– Мен ичмайман, устоз, – дедим бошимни қуйи солганча аранг пичирлаб.

– Унда мен ҳам ичмайман, – деди у қўлидаги шароб тўла пиёлани ёзув столи четига намоёншкорона қуйиб, тантанали оҳангда.

Кейин шароб шишасини чертиб-чертиб гапирга бошладим:

– Сен уз руҳий ҳолатингни тубдан узгартиришинг керак. Сенга ҳаётнинг гузаллигини, унинг ранг-баранг манзараларини кўрсатадиган, тажрибали инсон керак. У ёнингда бўлса ишонаманки, ажойиб ва кутаринки руҳдаги шеърлар ҳам ёза бошлайсан. Қарабсанки, кейин журналлар ҳам, нашриётлар ҳам сенга эътибор қаратишади. Уюшма ҳам. Ҳатто вақти келиб катта шоир бўлганинга уюшма сенга ҳам худди менга бергандек имтиёзлар беради. Ижод қилишинг учун қушимча мана шунақа алоҳида уй беради. Дурмондан ижод хонаси ажратади, ҳар йили

республикадаги нуфузли сиҳатгоҳларга соғлигини тиклашинг учун йулланмалар беради... Мухими, шунака инсонни, тўғрироғи, дустни ўз вақтида учратиш. Уни тақдир сенга рупара қилишида гап куп. Яна... яна уни ўзингга қай даражада яқин тутишингда ҳам.

Ҳамон бошимни куйи солиб, оғзимга толқон солгандек индамай утирганимни куриб, у келиб ёнимга утирди.

– Шундай чиройли қизга ярашадими тушқунлик? – деди яна елкамга кулини куйиб. – Ҳуш, дустлашамизми?

Бир оз ўтиб у энди бир қули билан елкамни укалаб, иккинчи қули билан билагимни силай бошлади. Аввалига майинлик билан, кейин кабарик қуллари танам ўзра қаттиқ-қаттиқ ботганча.

– Чегара бутунми? – сўради у бир маҳал пишиллаб нафас оларкан.

Бошимни куйи солганча уйладим: «Қанақа чегара? У нимани назарда тутяпти ўзи?» Дастлаб гўл, кишлоки, содда қизлигимга бориб, у нимани назарда тутганини тушунмабман. Тушунгач, рунарамдаги шароб тула шиша билан бошига туширишдан ўзимни аранг тутиб қолдим.

– Устоз, – дедим таранглашган асабимни базур жилвалаб, унинг қулларини елкам ва билагимдан шошилиб оларканман. – Мен сизни набирангиз қатеридаман, тўғрими?

У ўзига қаратилган дарғазаб нигоҳимни кўриб ва томдан тараша тушгандек берган саволимни эшитиб, тусатдан жиддий тортди-да, ичида бир нималар деб гўлдиради. Купинча нокулай аҳволда қолганда у шунақа ўзи унутган хоразмча шевасида гапириб юборарди. Одатда маъруза пайти талабаларга бирор-бир нарсани тушунтиролмаса ёки талабаларнинг мужмал саволларига жавоб тополмаса шу куйга тушарди.

У шу ҳолатда ёнимда анча утирди. Мен куп утмай уримдан турдим-да, стол устидаги ланкамни қўлтиғимга қистириб хонадан чиқиб кетдим.

— Айтганча, — дедим йулакда пальтомни кийгач, хонага кайтиб кириб. — Менда чегара бутун. Бу чегара мен учун шеърият ортидан келадиган имтиёз ва шон-шуҳратдан устун туради. Тушкун шеърларимга келсак, мени бирортаси ташлаб кетмаган. Шунчаки, мен ҳаётни шундай дунёкараш билан тасаввур қиламан.

У ковоғини солганча, утирган жойида қаддини ғоз тутди ва ортимдан отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган катта шоирларга ҳос булган ясама виқор билан қараб қолди.

Зиналардан асабий ҳолда тушаётганимда бошим айланиб кетиб, жойимда бир лаҳза тўхтаб қолдим. Деворга суянганча узимни тутиб турдим. Акс ҳолда, чайкалиб зиналар узра думалаб кетардим. Хўрлигимдан йиғлагим келди, бироқ бўғзимда шай турган йиғини иродам ёрдамида бўғдим. Напкани яна тушиб кетмаслиги учун култигимга маҳкам кистириб пастлашда давом этдим. Тоза ҳавога чиққачгина кишининг совуқ нафаси димоғимга урилиб бир оз енгил тортдим...

...Еттинчи бўлиб келган автобус эшнklarини ёпиб, жунаб кетди. Унга ҳам чиқмадим. Уриндикда сассиз утирарканман, танам буткул совуқ котганини сезмасдим. Аниқроғи, уни сезмайдиган даражада тарқок ҳаёлларим билан банд эдим. Атрофимда эса намозшомга бурканган Тошкентнинг — шу азим шаҳарнинг руҳи кезарди. Бу руҳни тутиб сурокка тутиш учун мен нукул атрофимга аланлардим, уни ҳар бир бурчакдан излардим, ахтарардим, топа олмагач эса зада бўлиб, бакириб дод солгим келарди. Вақт утиб, уни топа олмасам-да, у атрофимда кезиб юрибди, деган хулосага келдим ва ичимдан аламли нидо отилиб чиқди:

«Тошкент — азим шаҳар, бу ерга сени деб келгандим. Олис водийдан, туғилиб усган кишлоғимдан, меҳрибон онамнинг иссик бағридан узимни юлиб, хузурингга бош уриб келгандим. Сени онам деб, волидам деб келгандим. Мени бағрига олади, угай санамайди, укситмайди, бо-

шимни уз онамдек меҳр билан силайди, кулимдан тутадидеб келгандим... Энди булса чарчадим, жудаям чарчадим. Сендан меҳр кутишдан чарчадим. Тошкент. Сени бағрингда ўзимни ўгай ва бегона санашдан чарчадим. Сентарбиялаб вояга етказган, мен билан бир ҳавода нафас олаётган фарзандларингни бир парча юрагимни ва покиза хисларимни тинимсиз чавақлаб нимталашларидан чарчадим. «Тошкентим – онам!» Йук, бундай эмас. Ўша қушиқ ёлгон қушиқ. Мени кечир! Сен менинг онам эмассан. Она уз фарзандини ҳимоя қилади. Туғрими? Ҳимоя қилади... Керак булса тиш-тирноғи билан... Бағрини тутиб... Жонини тикиб... Набираси тенг қизини баданига ҳирс билан тикилиб, уни елкаларини уқалаб, билагини силаб, унга булмағур гапларни гапириб, уни иффати жойида-жойидамаслиги билан қизиқиб, у билан айш-ишрат қилишни мулжаллаётган, устоилик мақомига аллақачон тупурган, халқ ардоғидаги мункиллаб қолган чоллардан уни ҳимоя қилади. Сен бугун мени ҳимоя қила олмадинг.

Она уз фарзандларини тенг куради. Ҳа-ҳа, тенг куради. Ҳарчасини. Зеро, у она. Эшитяпсанми, Тошкент? Билмасанг, билиб қуй! Тенг куради, тамом-вассалом. Фарзандларига ризқ улашаётганида истеъдодсиз гудагини сунъий кутариб, истеъдодли фарзандининг кетига тепмайди. Она ҳамма фарзандига бир хил муносабатда бўлади. Номи чиққан, машҳур фарзандларини ҳадеб бошини силаб, номи чиқмаганларини узидан нарига итармайди. У ҳамма фарзандига уз сузини, фикрини эркин айтишга тенг имкон беради. Уларнинг маддоҳларига бағрини очиб, юрак амри билан яшаб юрганларига бағрини ёпмайди. Сен менинг онам эмассан, Тошкент! Менинг онам олис водийда, қишлоғимдаги пастак, тезак тепкисини сган деворлари букчайган кулбамда қолган».

...Бекатга яна автобус келиб тухтади. Саноқдан ҳам адашиб кетдим. Боя санаб утиргандим. Биринчи, иккинчи, учинчи деб... Ниҳоят, шу автобусга чиқдим. Бекат-

да ортик қола олмасдим, чунки биринчидан декабрнинг қаҳратон совуғи жон-жонимдан ўтиб кетган бўлса, иккинчидан, эртага университетда утадиган Чингиз Айтматов ижоди ва ҳаётига бағишланган давра суҳбатига тайёргарлик куришим керак эди.

Автобусда буш уриндиклардан бирига чуккач, култиғимдаги папкамни тиззамнинг устига куйдим. Оёқларим совуқдан титрар, папка тиззам устида ўз мувозанатини саклай олмай сезилар-сезилмас қимирларди. Унга қараб кетарканман, куп нарсаларни уйладим: «Майли, адабий мукофотлар отасининг сотилган машинаси пули эвазига келган шеърний китобчани бағрига босиб, маддоҳлик бўйича маъруза ўқийдиган гудакларга насиб этаверсин – қарсак чалиб йулимда давом этавераман. Майли, уюшма шеърларимни китоб қилиб чиқариш учун лойик кўрмасин – у лойик қурганларни табриклаб яшайвераман. Майли, кўлёмаларим журналлар томонидан кетма-кет рад этилаверсин, нашриётларда йиллаб чанг босиб ётаверсин – уларнинг саҳифаларини тулдираётганларни, улар эътибор қаратаётганларни ўқийман-да, зорим бор-у, зурим йук, деб кетавераман».

Сал ўтиб шеърларимни овоз чиқариб ўқий бошладим. Атрофимдаги кам сонли одамларга парво ҳам қилмадим. Пичирлаган куйи тушкун шеърларимни – ҳеч ким тушунмаган, ҳамма рад этган, танамга эғалик қилишни истаган одамларнигина узига жалб қилган, уларнинг менга етишиш учун кўприк вазифасини ўташга маҳкум этилган шеърларимни ўқий бошладим. Биринчи ғарқ тугаб, иккинчиси бошланди. Кейин учинчиси, тўртинчиси...

... Сиз излаб кетманг ҳеч,
Мен ҳам бормасман.
Согинсангиз, ана
китоб жавонингизда
Сарғайиб турибди китобим...

Шу мисраларни пичирларканман, энди ҳеч қачон ҳеч кимнинг китоб жавонида китобим саргайиб турмаслигини теран ҳис қилдим. Билмайман, қанча вақт уқидим. Ҳар ҳолда узок уқидим. Уқиш жараёнида шеърларим нечоғлик менга кадрли эканликларига ишонч ҳосил қилдим. Ва яна битта нарсани: сира бошқача ёза олмаслигимни – коллежлар, довлар, темир йуллар, боксчилар ҳақида ҳеч қачон дoston ва шеърлар ёза олмаслигимни, шунингдек, пафос устун бўлган, тасвир жараёни ташбеҳларга тулиб-тошиб кетган шеъриятга кунгил қуя олмаслигимни тушундим...

– Аҳволингиз яхшими?

Бошимни кутарганимда рупарамда кондуктор аёл турарди. Унга чўнтагимни қавлаб пул узатдим.

– Сиздан пул сурамадим, – деди у ерга гушиб кетган папкамни олиб менга узатаркан. – Аҳволингиз яхшими, деб сурадим.

Мен кузларимда беихтиёр ёш мавжланиб, қўлларим қалтираганча у қўлимга тутказган папкамнинг чангларини қокдим.

– Бу ерда икки юз йигирмата шеър бор, – дедим орада унга қарарканман. – Ҳаммаси тушкун шеърлар...

ТАНГО РАҚҚОСАСИ

«Нефтчилар» маданият уйининг асосий эшигидан ичкарига кирганимни қуриб, йулакда фаррошлар билан гаплашиб турган кутубхона мудираси Раъно опа ёнимга келди.

– Рашод, – деди мен билан саломлашгач. – Сизни узокдан қуриб, олган китобларини бунчалик тез уқиб бўлдимкин, деб уйлабман.

– Қуриб турганингиздек, қўлларим бўм-бўш, – дедим унга жилмайиб. – Кутубхонага эмас, иккинчи қаватдаги тадбирлар залига келгандим.

21/41. 85

– Ёдимдан кутарилибди, – деди у иккинчи каватга элтувчи зиналарга куз ташларкан. – Бугун «Куз рақслари» тадбири утказилади, туғри.

У култигимдан тутиб, муаммоларини гапира-гапира, ҳамроҳлигимда зиналар буйлаб иккинчи каватга кутарилди. Маданият уйи шаҳардаги нефтни қайта ишлайдиган завод тасарруфида бўлиб, бу ерда кутубхона, мусикали театр ва рақс ансамбли фаолият юритарди. Буларнинг барчаси завод ишчилари на уларнинг оилаларини маданий ҳордиқ чиқариши учун мулжалланганди. Мен бу ерга бой китоб фондига эга бўлган кутубхонадан фойдалангани келиб турардим. Бундан ташқари онда-сонда бу ерда бўлиб утадиган театр томошаси ёки рақс тадбирларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилардим.

Раъно опа кексалиги сабаб иккинчи каватга чиққунча чарчаб қолди. У ердаги йулакда бир муддат нафасини ростлаб олгач, мен билан томоша ва тадбирлар утказиладиган залга кирди. Залда одам одатдагидан кўп, назаримда, шанба кuni бўлгани учун завод ишчиларининг ҳам аксарият қисми келганди. Улар орқа қаторларда гуруҳларга бўлиниб жойлашганча узаро кизгин гурункта берилиб кетишганди. Биз олдинги қатордаги буш уриндиклардан бирига бориб утирдик.

Бир оз утиб тадбир бошланди. Маданият уйи рақс ансамблида фаолият юритувчи раққоса қизлар сахнада навбат билан ўз маҳоратларини кўрсатишга тушишди. Биринчи бўлиб қорачадан келган қиз атлас куйлакда тановар рақсини ижро этди. Унинг ортидан олқишлар тиниб улгурмай сочлари жингалак қиз Дилхирожга қойиллатиб уйнаб берди. Яна олқишлар зал буйлаб унинг акустикасида жаранглади. Шундан сўнг сценарий бўйича, шекилли, миллий рақслардан жаҳон рақс мактаби намуналарига ўтишди. Лулича кийиниб олган новча қиз француз бастакори Бизенинг «Кармен» операсидаги лули кизнинг рақсини мукаммал даражада оммага намойиш қилди. Ун-

дан кейин саҳнага ок-сарикдан келган, испан аёлларига монанд безаниб пардоз қилган, сочларини фавворасимон турмаклаган, тук қизил рангдаги узун ва кенг кўйлак кийган киз худди балериналар каби оёқларининг учида чикиб келди. Унга эргашиб иккита йигит саҳнага ёнғоқдан тайёрланган жигарранг стол кўтариб чиқишди. Стол каттагина эди ва у саҳна уртасига салобат билан жойлашди. Нима учун саҳнага стол олиб чиқилганини купчилик аниқлаб ултурмасидан саҳна ортидан дарров испанча мусика янграб кетди ва ок-сарикдан келган киз жилмайганича ана уша стол атрофида айланиб Тангога ракс туша бошлади.

Эрталабдан мазам йук эди. Буйрагим тинмай оғрир, бунинг натижасида букчайиб қадам ташлашга мажбур эдим. Кечқурунга буюртма қилинган ракслар учун озгина дам олмокчи бўлиб, иш жойимдаги кундузги ракс тадбирига бормасликка қарор қилгандим. Лекин, бадний рахбаримиз Нигора Каримовна ахволимни тушунишни истамади ва «Куз ракслари» тадбирида иштирок этишимни катъий талаб қилди. Иш жойимга келганимда ҳамма нарса – Маданият уйи аъзоларидан тортиб жиҳозлару лаш-лушларгача тадбирга тайёр эди. Қизлар зур бериб безанишар, кўшлик хиргойи қилиб сочларини турмаклашар, зарур кийимларни эгиларига илишиб талашиб-тортишганча ўзларини кузгуга солишарди. Мен хонада улар томонидан тартибсиз ҳолга келтирилган жавон олдидан ҳеч қаерга жилмай, ҳафсала билан кийимларимни алмаштирдим ва у ердаги кузгу қаршисига бориб утирмай турган еримда пардоз қилиб юз-қузимни эпакага келтирдим, сочимни турмакладим. Тадбирда Тангога ракс тушишимни унинг дастурини тузаётган хореографимиз Нигина Талгатовнага автобусла келаётиб телефон оркали айтгандим. Шу сабабли пардоз ёрдамида худди испан аёлларига ухшашга интилдим. Гардеробдан тангога тушаётганда кийинладиган узун ва кенг испанча кўйлакни олиб кийдим. Уни

кийиб, эғнимда тартибга келтираётганимда кулига қандайдир шеърый китоб ушлаб олган Нигина Талгатовна хонага кирди-да, мингирлаб шеър укиганча Гулмирадан сунг сахнага чиқишимни маълум қилиб чиқиб кетди.

Мендан олдинги кизларнинг чиқишларини очиги, сахнанинг четида бефарқлик билан кузатдим. Уларда истеъдод зур даражада эмасди, рақсларни шунчаки иштиёқ ва харизма билан ижро этишди, холос. Йиғилганлар эса рақс санъатида балониям тушунишмаса-да, бир зумда уларни олқишларга кўмиб ташлашди. Уларнинг карсаклари садосини эшитиб мийиғимда кулиб қўйдим. Шахсан менга факат шу Гулмира ижросидаги лули кизнинг рақси ёқди ва хиёл кизиқишимга сабабчи бўлди. У сахна ортига кириши билан, Нигора Каримовнанинг «Диёра» деган баланд овози қулоғимга чалинди. Мен отилиб сахнага чиқдим. Талабимга кўра ортимдан ёрдамчи йигитлар жигарранг стол кутариб чиқишиб, уни сахнанинг уртасига қўйишди. Шу стол билан мусика журлигида Тангога рақсга тушиш учун оғриётган танамни ҳаракатга келтирдим ва ҳеч қанча утмай оғрикни ҳам унутиб, бутун борлиғим билан қилаётган ишимга шўнғиб кетдим.

Тангони оддий стол билан бирга ижро этиш мумкинми? Мумкин экан. Буни қуриб расо ақлим бир лаҳза шошиб қолди. Олдин бунақасини сира кўрмагандим. Раққоса узининг нозик ва нафис тана ҳаракатлари билан стол атрофида, гоҳ унга ёпишиб, гоҳ ундан узоқлашиб Тангога рақс тушарди. У столга худди узининг суюкли маҳбубига қарагандек қарар, унинг атрофида парвона булар, нигоҳида зоҳир бўлган ёқимли ифодани ишга солиб унга мафтунлигини курсатар, уни бармоқлари ёрдамида оҳиста сийпалаб эркаларди. Унинг ҳаракатлари шу жонсиз стол билан жозибали мутаносиблик ҳосил қилган, мазкур рақсда узгача руҳдаги новаторлик белгилари яққол кузга ташланарди.

Зал рақсни томоша қиларкан, биров бирор оғиз суз демас, барча бир бўлиб унинг истеъдодига ва санъатига маҳлиё бўлганча мум тишлаб, эҳтимолки ҳаяжонини босиб, жиловлаб утирарди. Мен ҳам, рости, ҳайрату ҳаяжондан ҳеч узимга кела олмасдим. У ниҳоятда чиройли ва дид билан рақс тушарди. Унинг бу латофатли рақси фонида столнинг жойидан жилмай тургани ҳам билинмас, аксинча стол ҳам унга ҳамоҳанг равишда ҳаракатланаётгандек тасаввур уйғонарди.

Рақснинг ярмига бориб чарчаб қолдим. Буйрагим уқтин-уқтин санчиди. Аммо оғрикка чидаб, рақс тушишда давом этдим. Негадир олдинги қаторда утирган бир нотаниш йигит сираям мендан кузини узмасди. Унга бир-икки кузим тушаркан, нима бало, одам қурмаганим у, деб уйладим. У ҳар бир ҳаракатимни синчковлик билан кузатарди. Менимча, у оддий шинаванда ёки завод ишчиларидан эмасди. Бирорта рақс мутахассиси ёки хореограф бўлса керак. Ким бўлганидаям шу кузини узмай утириши менга ёқмади. Аммо у жуда келишган, хушсурат эди. Кузлари одамга сокин ва ёш болалардек беғубор боқидиниям алоҳида таъкидлаб утган булардим. У мендан ташқари вақти-вақти билан стол томонга ҳам қараб қуяр, тахминимча, стол билан Тангога тушаётганимни ё тушунмас, ё буни тасаввур қилолмай қийналарди. Стол билан ҳам Тангога тушса бўлади, яхши йигит.

У рақсни тугатган, Раъно опага узримни айтиб жойимдан қузгалдим-да, шошилмай сахна ортига бордим. У ерда қурикчилик қилиб турган бояги стол кутариб чиққан йигитлар мени танишиб қўл бериб сурашишди-да, илтимосимни ерда қолдирмай сахна ортига қуйиб юборишди. Орқа тарафга утдим. У ерда бир-бирига рунарама-рунара жойлашган кийиниш хоналарининг кия очик эшикларидан раққоса қизларнинг шодон овозлари, кикир-кикир култи-

лари, бакириб-чакирганлари йулакка эшитилиб тинмасди. Раккоса кизларнинг ҳам деярли ҳаммаси мени танишарди. Йулакда пайдо булишим билан лулича кийимдаги Гулмира (уни сахнада чукур пардозда танимабман) ана уша очик эшикларнинг биридан бошини чикарди-да, югуриб ёнимга келиб, дарҳол миннатдорчилик билдирди.

– Онамнинг пенсиясини банкдан нақд пул тарзида берадиган булишди. Сени тавсиянг билан булди бу. Ташаккур, дустим!

– Азизим, – деди хореограф Нигина Талгатовна мени тасодифан куриб қолиб эснаганча. – Тавсия қилган китобинг ажойиб экан. Халина Посвятовскаянинг шеърларини маза қилиб ўқияпман.

– Қачон тушликка таклиф қиласиз мени? – деди Дилхирожга ракс тушган Фарида ёнимдан утиб кетаётиб сирли жилмаяркан (уни ҳам пардози сабаб сахнада танимабман).

Мен уларга ортикча эътибор бермас, кузларим билан атрофдан Тангога ракс тушган қизни ахтарардим.

– Мени излаяпсанми? – деди бир пайт энди сочлари оқариб кетган, ориккина Нигора Каримовна йулакда пайдо булиб хахолаб куларкан.

Ансамбл рахбари булган бу кўнгли очик аёл ёнимга келиб мени маҳкам кучиб олди.

– Таъмирлаш учун мента кредит ажратганинг яхши булди. Қизга уйимни таъмирлаб олдим.

Бу дейман боя залда олдинги каторда, мендан кузини узмай утирган нотаниш йиғит ансамблимиз аъзолари орасида жуда машҳур, шекилли, уни куришлари билан ҳамманинг юзи ёришиб, лабларига табассум югурди. Йулакда овозини эшитиб, Гулмира аввалига хонадан шошилиб чиқиб кетди. Қия очик эшикдан йулакка куз киримни ташлаганимда Фарида атайин унинг ёнидан «Мени қачон тушликка таклиф қиласиз?» деб утиб кетганини кўрдим. Бошқа қизлар ҳам оғзиларидан бол томиб унга ажойибу

гаройиб тавсифлар беришди. Улардан секингина ким у, деб сурагандим, уни банкир, дейишди. У бу ердаги кутубхонадан фойдалангани келар, бундан ташқари Маданият уйининг ҳисоб-рақами у ишлайдиган банкда булгани боис унинг ансаблимиздаги купчиликка фойдаси тегиб тураркан.

Нигора Каримовнанинг қаршисида турарканман, очиги нима дейишимни билмай, бир неча дақика каловланиб қолдим.

– Нигора Каримовна, – дедим охири гапнинг дангалини айтиб. – Ҳозир саҳнада битта қиз Тангога ракс тушганди. У янги шекилли-а? Уни танимадим.

У мени диққат билан эшитгач, тушундим, дегандек бошини ирғади-да, йулак охиридаги хонага кириб кетди. Куп утмай, ичкаридан узи билан уша қизни етаклаб чиқди.

Юзимдаги пардоз қолдиқларини ювиб, ювиниш хонасида юз-кузимни тартибга келтираётганимда хонада бадий раҳбаримизнинг овози эшитилди. Дастлаб буни сувнинг шовуллашида эшитмабман. У қизлардан мени суради. Тинчликмикин, деб ювиниш хонасидан ҳаёлим булиниб чиқдим ва Нигора Каримовнани хонанинг уртасида, қулидаги газетани икки буклаганча бетоқатлигини очикдан-очик намойиш қилиб турганига гувоҳ бўлдим.

– Сен билан бир йигит танишмоқчи, – деди у қулимдан етаклаб мени ташқарига олиб чиқаркан.

Қизлар шунда бир-бирларига маъноли қараб қуйишди. Унга эрганиб йулакка чиқдим. Йулакда қулларнинг орқасига қилиб, деворга суялганча уша йигит турарди.

– Ассалому алайкум, – дедим унинг олдига боргач.

– Узингни яқиндан таништир, – деди Нигора Каримовна бизни ёлғиз қолдириб кетаётиб ҳазил қилганча.

– Диёра, – дедим унга истаб-истамай қулимни узатиб.

– Рашод, – деди у узини таништириб.

Сунг бир-икки йуталиб олди-да:

– Тангога зур рақсга тушаркансиз, – деди дона-дона килиб.

– Унчаликмас, – дедим унинг мактовидан кизариб.

– Бу ерда сизни олдин курмаганман.

– Ишга янги келдим.

У ёнимда бошини эгиб гулар, сахнадаги шаштидан асар ҳам қолмаганди. У йигирма-йигирма икки ёшлардаги, тортинчоқ киз эди. Тангога тушган кийимида эмас, одатий кундалик кийимида тургани учун ҳатто бошида Тангога тушган шу кизмиди ёки бошқасимиди, деб иккиланиб қолдим. Аммо кузларига боккач, шубҳам таркади. Тангога айнан шу киз рақсга тушганди. Унинг маънос кузларидан бир неча дақиқа илгари сахна бўйлаб атрофга уфурган самимийлик нафаси айна пайтда ҳам унинг қаршисида турган одамга сезиларди.

– Кечирасиз, – деди у суҳбатимиз давомида ногоҳ уни бўлиб. – Тезроқ уйга кетишим керак. Чунки бошқа ерда ҳам ишлайман. Озгина дам олвомасам бўлмайди. Мазам бўлмай кетяпти. Айбга буюрмайсиз.

У билан хайрлашгим келиб-келмай хайрлашдим. Кейин ҳалиям рақс тадбири давом этаётган залдан тарвузим қўлтиғимдан тушиб кучага чиқдим. У ерда четроқдаги киоска ёнида турган машинамнинг ичида анча утирдим. Утирганча бирпасда кетишни эмас, нима булсаям Диёрани кучага чиқишини кутишни мақсад қилдим. Бу кутиш давомида қандайдир оддий кизикишдан тубдан фарқ қиладиган туйғу ичимни киздирди. Фурсат утиб Диёра кулранг пальтосига ураниб кучага чиқди. Ортидан эшикни ёлғач, машинам томонга бир қараб қўйди. Машинанинг ичида утирганимни аниқ қурди. Аммо бунга гуё аҳамият қаратмагандек пиёда юриб кетди.

– Яхшимас, – деди шу пайт қимдир машинамнинг ён ойнасини бир-икки чертиб қуларкан. – Менга хиёнат қиляпсан.

Машинамнинг олдида Элеонора турарди. Уни пайқа-

гач кулим билан машинага чик, деб унга ишора қилдим. У эшикни очиб, олди уриндикка утирди.

– Қуёш бугун қайси тарафдан чикди? – деди кулиб.

– Кинояни қуй, – дедим машинани ут олдириб. – Сени уйингга ташлаб қуймоқчиман.

Иулда ундан Диёра хакида сурадим.

– У ҳақда айтарли ҳеч нарса билмайман, – деди Элеонора елкасини қисиб. – Келганига энди бир ҳафта бўлди. Онаси нафақахур, ўзи санъат коллежини тамомлаган. Билганим шу. Батафсил маълумотни Нигора Каримовна билади.

Унинг қимматбаҳо қора машинаси бор экан. Ноябрьнинг ёмғирли ва рутубатли, нафасни қисаётган ҳазонрезгининг теварак бўйлаб авж олган, чанг-тузонга қоришиб кетган шароитдаги манзарасида, атрофдаги кир-чир машиналардан фарқи равишда унинг тозалиги, ялтиллаб кузни камаштириб тургани мени ҳайрон қолдирди (у табиатан тозаликни хуш кўрадиган инсон бўлса керак). Кучага чикканимда у машинасининг ичида утирган эди. Узимни унга аҳамият қаратмагандек қилиб курсатиб сал нарироқдан ўтиб кетдим. Анча масофага боргачгина ортимга бир қўр назар солдим. Кучага мендан кейин чиккан Элеонора айна шу ойда унинг машинасининг олди уриндигига утирди. Бу менга ғалати туюлди. Икковининг ўртасида дустликми ё ишқ-муҳаббатга ухшаш нарса бор, чоғи. Унда боя нега у мен билан қизикди? Мени чакиртириб гапга тутди? Эркакларни умуман тушуниб бўлмайди. Улар ростдан бир тийинга қиммат.

Элеонора уйи олдида тушиб қолгач, машинамда банкка келдим. Банк тизимида шунақа ярамас одат бор: Расмий тарзда бўлмаса-да, шанба кунлари ҳам хизматчилар келиб ишлашади (бошқарманинг талаби шундай). Хонамга кирганимда сигаретнинг хумори тутди ва чўнтагимни кавлаб сигарет олдим. Уни чекиб, хонада лари бо-

риб бери келарканман, маданият уйида рўй берган воқеаларни шууримдан утказдим. Диёрани, унинг ижросидаги стол билан тушилан ажойиб Тангони, у билан йулакдаги қисқа суҳбатимизни... Диёра бениҳоя мени таъсирлантириб юборганди. Уни Тангога рақсга тушиши купрок таъсирлантирди деб тахмин қилсам, юрагим зўр бериб бундай эмас, дерди. Нахот, узи бўлса?

Уйда диванга ёнбошлаганимда кузим илинибди. Кузимни очишим билан тезда девордаги соатга қарадим. Соат миллари ун бешта кам бешини курсатарди. Шошилмасам Фарғонадаги обрули рестороанлардан бирига кеч қоладим. Кеча унинг хужайини уша ерда рақс тушиш учун телефон орқали мени таклиф қилганди. Қелишувга асосан ресторандаги мижозлар учун турт хил кийимда, турт турдаги рақсга тушишим лозим. Рақс кечасини арабча рақс билан очиб бераман. Бу қелишувнинг асосий шарти. Ресторан менга шу туртта рақс учун икки юз минг сўм тулайди. Шулар ҳаёлимдан утаётганда ҳаста бўйрагимда оғрик қучайиб бунга ҳам тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Аммо тоқчада турган бўйрак оғригига қарши ичиладиган доридан бир йула туртгасини тилим остига ташладим-да, ўрнимдан турдим.

Универмагдаги хотинчалиш сотувчи йигитдан утқир ифорили эркаклар атири харид қилгач, шаҳардаги узимга таниш бўлган рестороан сари бориш учун машинамни ўт олдирдим. Синфдошим Комрон уша ерга – туғилган қунига мени таклиф қилганди. Туғрисини айтсам, уша рестороанга боргим йўқ эди, адашмасам бир марта борганман ва ушанда у ердаги бемаъни муҳит менга сираям ёқмаганди. Лекин бу сафар боришга мажбур эдим. Бормасам Комрон ранжирди. Ҳечқиси йўқ, бирпас утириб кетаман, дедим машинамнинг рулини уша томонга бурарканман.

Ресторан эгасининг хонасидан тегишли курсатмаларни олиб чиқдим. У бирорта маст мижоз мабодо тегажог-

лик қилсаям узимни тутишимни, унга нисбатан куполлик қилмаслигимни маслаҳат берди, чунки бугун ресторанга фақат нозик мижозлар ташриф буюрган экан. Арабча рақс учун зарур кийимларимни кийгач, кузгудек олдида бир муддат хомуш, узимдан уялиб туриб қолдим. Унинг қаршисида ҳақиқий санъат кишиси бўлган, Тангога рақс тушишни хуш курадиган раққосадан бир зумда буюртма асосида рақсга тушадиган куча раққосасига айланиб қолганим таъбимни хира қилди.

Ресторанга кирганимда у ердаги хавонинг буғиклигидан, эшик томон таралаётган ёқимсиз ҳиддан бошим айланиб, кузим тиниб кетди. Бозорни эслатадиган шовқиндан қулогимни беркитиб олгим келди. У ердаги айлана шаклида жойлаштирилган столларнинг барчаси банд қилинган, ана уша столда утирганлар вақтичиғлик билан бири олиб, бири қуйиб қизғин суҳбатлашишарди. Деярли барча столда спиртли ичимликлар ва бахайбат, шарқона усулда ясалган чилим идишлари турар, куп столлар агрофида эркалар билан аёллар аралаш, бунинг устига тортинмай кучоқлашиб утиришарди.

Залга кирганимни куриб, Комрон исмимни айтиб чақирди-да, имлаб узи утирган стол томон чорлади. У ерга бордим. Стол олти кишига мулжалланган бўлиб, Комрон мендан ташқари яна тўрт кишини таклиф қилганди. Улардан учтаси аёл киши, биттаси эса шу аёллардан қолишмайдиган феъл-атвордаги эркак эди. Дустим мени улар билан эринмай, бирма-бир таништириб чиқди. Таништириш жараёнида улар Комроннинг ҳамкасблари эканликларини билиб олдим.

Очик кийимим билан залга чиқганимда мусика деярли янграшни бошлаганди. Зал тула одамлар эди. Уларнинг купини маст, эркалардан қолишмаган тарзда аёллар ҳам ҳеч иккиланмай, тортинмай стол устида турган спиртли ичим-

ликлардан ичишар, мис идишдаги чилимдан упкаларини тулдириб чекишарди. Бунга кузим тушганида кунгилним айниб, қайт қилиб юборишимга сал қолди. Айниқса, аёлларни эркакларнинг пинжига кириб, одатий ҳолдек уларга суйкалиб утиришлари киноямга сабаб бўлди. Лабларим беихтиёр киноя қилганча очилиб ёпилди. Зал уларнинг ҳиринг-ҳирингига, уларни бағрига олган эркакларнинг хайвоний ҳирс ва эҳтирос қайнаб турган таналарининг ҳароратига, спиртли ичимликлардан таралаётган бадбуй ҳидга ва ниҳоят, чилим идишларидан худди илгондек сирғалиб чиқиб ён-атрофга таралаётган тутунларга тулиб-тошиб кетганди. Шундай шароитда мени ярим яланғоч ҳолда, юзимга ҳарир тур тортиб чиқиб келишим бу ердаги ҳарорат даражасини янаям кутариб юборди. Рақсга туша бошлаганимда бу ширакайф одам болалари кузлари эҳтиросдан ола-кула бўлиб, мени еб қуйгудек киёфага киришиб, бир-бирлари билан мусобакалашгандек урилиридан турганча айғирлар каби ҳайкиришга, кашкирлар каби увиллашга тушишди. Ресторандаги муҳит қилчалик узгармаганди. Олдин қандай бўлса, айни пайтда ҳам шундай эди. Атрофга қараб шунга амин бўлдим. Ён-атрофимда тамомила таниш чехралар эди. Узлари ишлайдиган давлат ва жамоат муассасаларида кундуз кунлари ёки мажлисларда одоб-ахлоқ, кунгилнинг поклиги, одамийлик ҳақида лоф уриб маъруза уқийдиган, Тоҳир Маликнинг дидактик асарларидан иктибослар келтириб ёшлардан қимматли насиҳатларини, танбехларини ва маслаҳатларини аямайдиган улуғвор ҳамда муҳим кишилар атрофдаги столларда тирт маст аҳволда, чилим чекиб унинг тутунини оғзилари ва бурунларидан паға-паға чиқариб, жазманлари ёки бир кечалик ҳамроҳларининг пинжига беҳаёларча сукилиб кириб давра суҳбати куриб утиришарди.

Ковоғимни солиб, олма шарбатидан ҳушлаётганимда зал бўйлаб арабча рақс янгради. Мен аввалига бунга эъ-

тибор бермадим. Чунки атрофга караганим сари юрагим сикилиб, борган сари у заҳарли зардобга тулиб борар, шу тобда битта оргикча гап учун бировнинг дилини хуфтон қилиб қуйишим ҳеч гап эмасди.

– Раққоса даҳшат-ку! – деди Комрон мени туртиб.

Мен залга орка қилиб утиргандим. Шу боис раққосани курмадим. Комроннинг гапидан кейин уғирилдим. Залнинг уртасида беҳаёларча кийиниб олган раққоса зур бериб арабча мусикага рақсга тушарди. Кийимининг расволигини-чи буни, дедим гулдираб ва яна олма шарбатидан хупладим. Ичимдаги овоз унга яна бир марта эътибор қаратишимни сўради. Кейинги гап диққатимни жамлаб қарадим: у юзини оппоқ ҳарир тур билан беркитиб олган, ярим очик кўкраги ва беслини ноз-карашма билан қимирлатиб рақс тушар, атрофдаги искирт оломон эса унинг ҳар битта шундай юзсиз ҳаракатини гулдурос қарсақлар билан қарши оларди.

Бир оз утиб, иккита маст эркак ёнимда пайдо бўлди ва икковиям менга яқин масофада қийшайиб рақс тушгандан кура ҳачирлардек йўрғалашни бошлашди. Улар рақс тушиш асносида менга ҳирс билан тикилишар, кузларида пинҳон яширинган ҳайвоний ҳирс юзага чиқишга шай ҳолда турарди. Бир маҳал улардан бири менга яқинлашиб, билагимдан тутмоқчи бўлди. Уни сал туртиб узоқлашдим. Иккинчиси кулидаги ярмигача бушатишган вино шишасидаги ичимликни оёғим остига тукиб хиринглади ва лаҳза утмай юзимни яшириб турган пардани шартта юлиб олди.

Залнинг уртасида нима бўлаётганини тушунмасдим. Иккита чучка каби семирган ва букиб ичган маст эркак раққосанинг атрофини ураб унга шилқимлик қилишар, қолган утирганлар қарсақ қалиб гуёки уларнинг бу қилмишларига илҳом бағишлаб, уларни руҳлантиришарди. Тин-

май қарсак чалаётган бу жирканч қуллар уша раққосанинг урнида опалари, сингиллари, рафиқалари булганида нима қилишар экан? Ушанда ҳам бефарқлик ва ҳиссизликнинг юксак намунаси булган башараларидаги битта тукни ҳам узгартирмай шундай қарсак чалишда давом этишармиди? Раббим, не зиллат бу. Мен борган сари бу ерда бўғилиб кетар, ғазабимни босолмай ўзимни назорат қилиш хусусиятини йўқотиб борардим. Сухбатдошларим билан ҳам деярли гаплашмас, уларнинг саволларига тил учидан жавоб қайтарар, кузимни ўзини иккита эркакдан зур бериб ҳимоя қилишга уринаётган раққосадан узмасдим.

Ҳаммаси жуда тез содир бўлди. Юзимдаги пардани юлиб олган эркак менга суйкалмоқчи булганди, кимдир уни буйнидан ушлаб яқин орадаги столнинг остига тикиб юборди. Иккинчисини юзига мушт туширганди, у гандираклаб созандаларнинг олдига бориб тушди ва қонаш-ни бошлаган бурнини ушлаб фарёд урганча ҳирллади. Уларнинг таъзирини берган киши маданият уйидаги сахна ортида мен билан танишган уша йигит бўлиб чиқди. У қаердан пайдо бўлди – билмайман. Менимча, шу ердагиларнинг орасида утирганди. Унинг авзойи бузуқлигини бир қуришда сездим. Рашод ака қаршимда менга нафрат билан тикилиб турар, қўйиб берса шу ернинг ўзида мени бўғиб ёки нимталаб ташлашга тайёр эди. Шу дақиқаларда унинг нигоҳидан ёғилаётган кучли нафратдан авзойи баданимни олов камраб, унинг алангаси бутун вужудимни қўйдириб ташлади.

– Юр, мен билан, – деди у қутилмаганда костюмини устимга ташлаб қўлимдан тутаркан.

Уша раққоса Днёра эди. Унинг юзини яшириб турган парда очилгач, буни қўриб дод деб юборишимга сал қолди. Юрагим кинидан чиққудек уриб кетди ногаҳон. Кейин нима булганини эслай олмайман. Анави иккисини

дабдаласини чиқардим. Уларнинг бирини буйнидан ушлаб чилим чекиб утирган аёлларнинг столи остига тикиб юбордим. Иккинчисини аямай, бор кучим билан юзига мушт туширдим. Буни куриб уларнинг столида утирган дароз шериклари менга ташланмокчи булишди. Буни сезиб, узимга якин ердаги столда турган, очилмаган коньяк шишасини стол четига уриб синдирдим-да, шиша булагининг уткир қиррали томонини ҳаракатга келган уша шункорларга кўрсатдим.

– Шуни бўғзингга тикаман ҳаммангчи.

Улар авзойимни куриб ортга тисарилишди. Мен Дибранинг елкасига костюмимни таппладим-да, уни етаклаганча сув куйгандек жим булиб қолган зални ёкалаб ташқарига йўл олдим. Нима булганини ҳалигача тушуқолмай турган Комронга қулим билан хайр ишорасини билдирдим. Эшик олдида созандадар билан бирга турган иш бошқарувчига ташриф қоғозимни тутқаздим.

– Хўжайиннингга айт, – дедим уни норозилик билан турган юзига аччиқ устида қарарканман. – Эрталаб шу ердаги телефон рақамимга қўнғироқ қилсин. Етказилган зарарни тулиқ қоплайман.

У қулимни синдириб юборадиган даражала қаттиқ сиқиб олганди. Сезишимча, унинг ана шу қўли қалтирарди. Бу асабданми ё нафратданмиди, фарқлай олмадим. Мен унга кўр-кўрона эргашганча кетардим. Ҳаёлимда қўп нарсалар айланарди. Оқшом чўкиб улгурган кучага чиққач, у машинаси томон юрди ва унинг олди уриндиғини очиб менга утир деб бақирди. Мен базур уриндикка утирдим. Унинг узи машинага чиқишга шошилмади. Шишани синдирганида қўллари ва устига сачраган коньяк сувини даструмоли билан артиб тозалади. Бу ишни яқунлагач, очик ҳавода сигарет чекиб, бошини анчагача эгиб турди. Машинасининг олди балонини бир неча марта теппиб, қўллари билан кузовини шапатилаб, жамики ҳақо-

ратомуз сузлар билан бакириб сукинди. Рулга утиргач, менга алам билан юзини бурди.

– Суюгоёк, – деди личирлаб ва бу сузни кейин жирканиб такрорлади. – Суюгоёк!!!

Шунда мен унинг юзига тарсаки туширдим. У тарсаки туширган кулимни кузларини чакчайтириб маҳкам қисди-да, каттиқ силтаб ташлади ва машинасини ўт олдирди.

– Қасрга олиб кетмоқчисиз мени? – сурадим ундан хавотирланиб.

– Уйингга, – деди у асабийлашишда давом этиб.

– Ҳозир уйимга борсак онам нима дейди, айтайми? – дедим шу пайт алам билан кулиб.

У нега бирдан бундай кула бошлаганимни тушунолмай менга худди қарахт аҳволга тушгандек қараб қолди.

– У сизни куриб тахминан шундай дейди: «Қизим кечкурунлари рақс тушади. Ишлайди. Уни ишидан маҳрум қилгани уялмадингизми? «Кейин эса қон босими ошиб кетади ва «Тез ёрдам» чақирингга мажбур буламиз.

Шундай деб энди бирданига қах-қах уриб кулиб юбордим. У ҳамон менга уша алпозда қараб турарди.

Уни уйига ташлаб қуймоқчи эдим. Азбаройи Худо, шундай. Бу ердаги хайвон зотидан фарқ қилмайдиган одам болалари, улар мансуб булган искирт муҳитдан узоқроққа элтиб қуймоқчи эдим. У рози булмади. Онасидан қурқди. Онаси нима дейишини айтганди хайратдан ёқамни ушлаб қолдим. У эса алам билан бошини чайкаб қолди. Тинмай қолди. Мен ҳайкалдек қотиб худди қундузи Маданият уйида булганидек пича ундан қузимни узмай ўтирдим. Сал ўтиб у узини қўлга олди, анча жиддийлашди. Уртамизга сукунат чуқиб, шу сукунат бир неча дақиқа давом этди. Мен ҳам, у ҳам уз ҳаётларимиз тубида ёлғиз қолдик. Машинанинг ичида олаётган нафасимиз ва унинг ўт олган моторининг овози сезиларди, ҳолос.

– Менга бирорта эркакнинг қулини учи ҳам тегмаган,

– леги тусатдан Диёра оғир хурсиниб. – Лекин сиз юзимга айтган гапингизда жон бор. Ўшандай аёллардан мени деярли фарқим йук. Мана бугунги ахволим, устимдаги кийимим шунга исбот. Сиз ҳақсиз, мен енгилтакман.

Унинг юзимга айтган гапларидан бошида хафа булдим. Бироқ у қайсибир маънода ҳақ эди. Унинг ҳақиқатини тан олиб, айтишим лозим булган гапларни айтарканман ичим ловиллаб ёнарди. Тилим танглайига ёпишиб қолай дер, ҳар битга сузни ичимдан бир амаллаб суғуриб олардим.

– Ўлтимос, машинанинг моторини учиринг, – дедим орада рулни ушлаб. – Мен барибир ҳозир уйга боролмайман.

У воилож моторни учирди. Гудакдек гингшиётган машина тинчланди.

– Икки йилдан бери кафе ва ресторанларда раққосалик қиламан, – давом этдим шундан сўнг. – Санъат коллежини тамомладиму шу муҳитга тушиб қолдим. Коллеж... Коллежда ўқиётганимда ҳаётни бошқача нигоҳ билан кўрардим, орзулар билан яшардим. Дарҳақиқат, шундай. Рақсга ҳам санъат сифатида қарардим. Унга сиғинардим, топинардим. Рақс санъати назариясидан тортиб ҳар бир рақс турининг тарихигача қунт билан, пухта ўқиб-ўргинардим. Катта сахналарда рақс тушсам, дердим. Купрок испанча рақс тури – Танго мени узига тортар, унга улгудек кизикардим. Орзуларим айнан шу Танго билан чамбарчас боғлиқ эди. Бошқа рақс турларидан кура уни мукаммалроқ ўзлаштиришга тиришардим, машғулотларда боримни бериб қатнашардим. Шу рақс туридан ўзлимни топгандим, уни ижро этсам ўзимни мутлақо бахтиёр инсондек сезар ва теварак-атрофни, рангсиз ҳаётни, бефарқлиг-у ҳиссизлик ичида умр кечираётган минглаб одамларни унутардим. У билан боғлиқ янгиликлар уйлаб тоинардим, ихтиролар қилардим. Стол билан Тангога тушиш – ана шундай ихтироларимдан бири. Бундан ташқари оддий елпигич ва соябон билан Тангога рақс тушиш

каби ихтироларим бор. Сиз уларни курмагансиз. Курсангиз бу ихтироларим ҳам сизга ёқиши тайин.

Аммо ҳаёт биз уйлагандан мураккаб экан. Онам ҳақида боя булмағур гап айтдим. Аслида унда ҳеч қандай айб йук. Отам бизни ташлаб кетмаганида у бунчалик қийинчилик гирдобида қолмасди. Укам билан мени заводда ишлаб, шурлик бир узи қийналиб боқди. Тукис булма-са-да еб-ичирди, қийинтирди, уқитди. Яхши кунлар келишига умид қилиб, ушалмаган орзуларини бизга тикиб умрини утказди. Бечоранинг энди бор умиди пойтахтдаги Молия институтида ўқиётган укамдан. Анчадан бери у билан биргаликда укамнинг ўқиши учун шартнома пулини тулаймиз. Унинг нафақаси билан менинг ансамблларда фаолият юритиб оладиган арзимас маошим уша шартнома пули туғул рузгоримизга етмайди. Шунга онам гоҳида фаррошлик қилиб туради, мен кечкурунлари кафе ва ресторанларда ракс тушаман. Шу йул билан отнинг қалласидек булган шартнома пулига маблағ туплаймиз.

Уни машинанинг рулига ёпишиб олганча тингладим. Орада бирор гап қушмадим. Ҳатто у томонга угирилмадим. Ичимни тирнаётган номаълум дард мени тобора изтироб денгизининг энг олис ерига чуқтирар, бунинг натижасида худди ҳаво етмаётгандек оғир ва пишиллаб нафас олардим... Айтганимдек, рулга ёпишганча унинг гапларини тингладим. Унга ачиндимми йукми билмайман. Купрок ўзимга ачиндим. Уттиз икки ёшга киргунча уз метинлигини сақлаган, аёл зотиға бифарқлиги ва нари борса дустликдан бошқа туйғуни раво курмаслиги билан шуҳрат қозонган, ақлни ўтмаслаштирадиган ҳисларға уралашиб юришни узига эп курмаган юрагим қандайдир ун икки соатнинг ичида ипидан узилган маржондек замин узра сочилиб кетгани алам қилди. У бушашиб кетгандек бўлди. Биринчи марта ўзимни неғадир ҳаёт қаршисида қулидан ҳеч нарса қелмайдиган ожиз, нотавон ва

ёш боладек хис килдим.

– Энди ресторанга қайтиб кирмасам бўлмайди, – деди Диёра гапини тугатгач, ресторан томонга ишора қилиб. – Буюртма қилинган рақсларни давом эттиришим керак. Ҳозир қайтиб кирсам ресторан эгаси озгина ҳақорат қилади, балки муаммо келтириб чиқарганим учун юзимга тарсаки туширар, лекин ишимни давом эттиришимга монелик қилмайди, пулларимни ҳам беради.

Эғнимга ташланган костюминини ечиб, машинасидан тушаётганимда Рашид ака ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Ташқарида бир муддат туриб қолдим. Бир неча дақиқа олдин ресторанга қайтиб кириш осондек туюлганди. Машинадан тушгач, худди нимадир мени қўлимдан ушлаб тургандек ҳеч ҳаракатлана олмадим... У машинадан тушмади. Уни пастга тушишини, аччиқ устида яна мени сукишини, тергашини, жон ҳолатда уйингга олиб бориб қўяман деб бакиришини бутун вужудим билан интиқ бўлиб кутдим. Лекин у тушмади. У ҳануз рулга ёпишганча қимир этмасди. Охири, ўзимни мажбурлаб, совуқдан эгим жимирлаб ресторан сари юрдим. Ресторангача уттиз кадамлик масофа бор эди. Дастлабки ун кадамда қундузи Маданият уйида бўлиб ўтган воқеаларни кўнглимдан утказдим. Уни рақсим мобайнида мендан қўз узмай утиргани, мени ахтариб сахна орақасига киргани ва қаршимда туриб санъатим учун оққўнғиллик билан миннатдорчилик билдиргани бирма-бир кўнглим кучаларини кезиб чиқди. Бу ширин ҳаёл ундаги мен йиллар бўйи қўз қорачиғимдек асраб-авайлаган, бирор бир эркакка ишониб илинмаган, танам билан биргаликда пок тутган қордек ошшоқ ҳисларимни тузитиб юборди. Натижада, оний лаҳзада ҳаловатимни йўқотдим, руҳий мувозанатим издан чиқди, бугўзимга аччиқ нимадир тикилди, юрагим тулиб-тошиб кетгандек қийналиб, тез-тез уришга тушди.

У ресторан сари юриб кетди. Ортидан асабим таранг ҳолда уни кузатиб қолдим. Нигоҳимда ҳамдардлик ҳам, кучли нафрат ҳам барабарига ўз аксини топганди. Ортидан уни кузатиб қоларканман, ҳозир пастга тушиб уни кетма деб бақирсам нима бўлади, деб ҳаёл қилдим. Бу ҳаёлим дам утмай кузимга шунчалик бачкана туюлдики, ўз устимдан кула бошладим. Кейин машинани паришонхотирлик билан ўт олдирдим. Қалитни доим биттада бураганимда ўт оладиган машинам бу гал факат учинчи марта бураганимда ўт олди. Унинг чирокларини ёкиб, пайсалга солмай рулни катта кучага бурдим. Катта кучага чиқиб олгач, машинани уйимга – ота-онамнинг вафотидан кейин мени асраб олиб тарбиялаган амаким ва унинг хотини, шунингдек, Цезарь лакабли итимдан бошқа, неча йиллардан бўён, мени ҳеч ким қутмайдиган хонадон сари ҳайдадим.

Ресторангача ўн қадам қолганида у машинасини юргизиб кетди. Катта кучага чиқиб машиналар оқимига қушилди-да, қўздан ғойиб бўлди. Мен буни ҳазм қила олмай беихтиёр йиғлаб юбордим. Юзимдан дув-дув ёш тукилар, турган еримда букчайганимча унинг қўздан ғойиб бўлган машинаси ортидан йиғлардим. Шу туришда ҳатто такси тўхтатиб унинг ортидан кетишга-да тайёр эдим. Ҳатто шу майл ила катта куча бўйлаб тинимсиз тарзда бир-бирини қувиб, сигнал чалиб, тезликни ошириб юрган машиналар орасидан сарик рангли таксини ахтардим. У ҳам шу машиналарга қушилиб бир пайдо булар, бир уларнинг орасида йўқолар, агар имкон қилсам уни йўл четида туриб тутишнинг иложиси топиларди. Ўй фикрга бир сония кулок тутдим. Бир сониягина. Бироқ, қўп ўтмай онам ва Тошкентда ўқиётган укамнинг киёфалари қўз олдимда хира қўриниш берди. Қўпроқ укам қўз олдимдан кетмади. У Тошкентда ўқияпти, у онам иккимизнинг умидимиз, унинг ўқиши учун шартнома пулини тулаш керак, деган безовта ўй юрагимни тилиб ўтди ва мен ўзимда қўч топиб,

продамни йнгиб олдинга юришда давом этдим. Ресторан эшиги олдида етганимда эшик оғаси мени куриб эшикни очди. Мен юзимни енгимга артдим-да, остона хатладим. Ичкаридан дераза орқали куча тарафга каралим. Шунда негадир Халина Посвятовская деган шоиранинг кундузи Нигина Талгатовна укиган шеъридаги ёдимда қолган сатрлари дераза ойнасига чизилгандек бўлди:

...У тезлатди

Юрагим зарбин

Қаттиқ ҳазиллашиб вужудим билан

Уйғотди ҳисларим

Ва кетди...

КУЗ СИМФОНИЯСИ

Бошиқа фаслларнинг борлиги руё,

Бу дунёда фақат куз бор, азиятим...

Шухрат Ориф

«Le Potosore» ресторанига кечикиб бордим. Мафтуна аллақачон келиб улгурганли ва столга жойлашиб олиб, вақт утказиш учун тўқ қизил муқовали мода журналини зарақлаб утирарди. Ёнида эри қуринмади.

– Анча кечикдингиз, – деди у урнидан туриб, мени очик чехра билан қарши оларкан.

Унинг қаршисидаги стулга ҳорғин чўкдим.

– Элчихонада ишларим қупайиб кетди.

Мафтуна рукач қилган сабабимга ишониб-ишонқирамай кулидаги журнални ёпди-да, залдаги официантлардан бирини имлаб олдида чақирди.

– Мен қовурилган оқ урдақ гўштидан буюраман. Соуси билан, – деди менюни кизиқиш билан титқиларкан ва менга юзланди. – Сиз нима буюрасиз?

– Менга пиёзли шурва билан омлет олиб кела қолинг,
– дедим узим томондаги менюни очиб утирмай, официантга француз тилида дона-дона қилиб.

– Ичишга-чи? – деди официант.

– Апельсин шарбати, – деди Мафтуна биринчи бўлиб.

– Менга ҳам шундай, – дедим кискагина қилиб.

Официант кетгач, Мафтуна буйнини чузганча атрофни куздан кечириб чиқди. Унинг кайфияти чоғ қуринар, охуники каби чиройли кузлари одамга тетиклик билан боқар, кайфияти яхшилигидан бўлса керак узига анча оро бериб, дид билан кийинганди. Очик елкалари бўйлаб ёзилган тимқора сочлари, устидаги худди шу рангдаги куйлак ва буйнидаги товланиб турган тилла занжири уни бир қадар жозибали қилиб курсатарди.

– Қуринишингиз ёмон, – деди у энди мени диққат билан куздан кечириб. – Ҳар ҳолда, эрим бирга келмагани учун ранжимаётгандирсиз?

– Асло, лекин хайрон бўлдим. Адашмасам, мени бирга таклиф қилгандиларинг.

– Уни зарур иши чиқиб қолди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, официант патнисда буюртмаларимизни олиб келди. Таомга қўл уришдан олдин апельсин шарбатидан тўйиб симиридим. Мафтуна олдида турган ялтирок пичоқ ва санчки ёрдамида урдак гуштини майда булақларга ажратиб тановул қила бошлади. Ресторанда одам қўл эди. Бу ерга йиғилганлар стол атрофида кечки овқат баҳона бир-бирларининг қўнғилини олишга уринишар, қўнғилик ташвишлари билан урғоклашишар ва эҳтимол, шу орқали қўнғили тўпланиб қолган чарчокларини ёзишарди. Қўлоққа чалғинаётган, жазни ёдга солувчи аллақандай қўнғили бунга ҳамоҳат бўлиб тиним билмас ва оқибатда бунга қўнғилимаган ёки хилватни ҳушловчи одам узини ресторанга эмас, бозорга кириб қолгандек сезарди. Эҳтимол, шунгадир, бошимга оғрик кириб,

халоватим йуқолди.

– Менга Париж ёкиб қолди, – деди Мафтуна тановул қиларкан, қулидаги санчқини ҳавода айлантириб. – Ай-никса, ҳавоси. Бу ерда купрок қолмоқчиман. Эримга айтаман, визамизни яна чўздиради. Бунинг иложи бордир-а?

Шурвани ичишни бошлаганим учун жавоб бериш урнига иложи бор дегандек бошимни қимирлатиб қўя қолдим. Мафтунанинг иштаҳа билан овқатланаётгани дам утмай менга ҳам юқди ва бошимдаги оғриққа ортиқча аҳамият қаратмай, шу руҳда овқатланишни давом эттирдим. Таомлар борасида мутахассис бўлмасам-да, негадир пиёзли шурванинг таъми нордонрок, омлетни ошпазлар ортиқча қизартириб юборишгандек туюлди.

– Айбга буюрмасангиз сизга битта савол бераман, – деди Мафтуна шууримда таомлар борасида шунақа хулосаларни пиштаётганимда. – Аммо ута аҳмокона савол. Луврда учрашган кунимиз ҳам шу саволни бериш ҳаёлимдан утганди. Истасангиз жавоб берасиз, истамасангиз шарт эмас.

– Қанақа савол? – дедим овқатланишдан тухтаб.

У бир оз иккиланиб турди-да:

– Парижни муҳаббат шахри, дейишади, – деди садафдек оппоқ тишларини курсатиб, қувноқлик билан. – Шу ростми?

– Шунақа гап юради бу ерда, – дедим сийкаси чиққан гап яна қулоғимга чалингани учун энсам қотганча.

– Француз аёллариниям гузал бўлади, дейишади.

– Эътибор бермаган эканман.

– Аммо ҳеч эътиборсиз инсонга ухшамайсиз.

– Бу шаҳарнинг мен учун қизиқ жойи йўқ. Ишим шу ерда, шунинг учун бу ердаман. Кейин менинг шунақа олатим бор: шаҳар менга қизиқмасми, унинг одамлари ҳам қизиқтирмайди.

Аниқ ва лунда гапирганим унга бошқача таъсир қилди шекилли, у бирдан қах-қах уриб қулиб юборди.

– Бу яхши одат экан, – деди кулишдан тухтамай ва пушдан сунг боягидан ҳам иштаха билан тановул қила бошлади. – Оқ урдak гушти жону дилим. Бу ерда уни мазали тайёрлашаркан. Қойил.

Унинг кузлари бир зумда чакнаб кетди ва апельсин шарбатидан роҳатланиб ҳўпларкан, онда-сонда мен томонга зимдан караб қўярди.

– Демак, довруғи дунёга ёйилган Париж ҳаммагаям ёқавермас экан-да.

– Хулосангиз ажойиб!

– Уйлашимча, бу хулоса кашфиётга тенг.

– Шаҳарни узингизга ҳос тарзда қайтадан кашф қил-япсизми дейман? – дедим унга мийингимда кулиб.

– Булмасам-чи, – деди Мафтуна чехраси янаям ёришиб. – Қайтадан кашф қиляпман ва бундан жудаям хурсандман.

– Куриниб турибди бу, – дедим сочяк билан лабимни артиб, яна апельсин шарбатига ёлишарканман.

Сухбатнинг бундай тарзда давом этиши куп утмай иштахамга таъсир қилди. Мафтуна бугун узини галати тутаётганди. Қандайдир эркин, оддий кизиқувчанлик доирасидан четга чиккан ҳолда.

– Сизга бу таомлар ёкмаган булса, балки бошқаларига буюртма берармиз? – деди у олдимдаги таомларни илкис бир четга суриб қўйганимни куриб роса ажабланаркан.

– Ҳожати йук. Эрталабдан узи иштахам йуқроқ, – дедим кунглини огритиб қўймаслик учун унга ёлғон гапириб.

– Тушунарли.

У жавобимдан узини сал унгайсиз сездди, томоғини кириб бир-икки йуталди. Кейин кулидаги пичок билан санчкини хохлаб-хохламай стол устига қўйди.

– Бу ерда дарров сикилиб кетдим. Ҳаво етишмаяпти. Шаҳарни машинада айланишга нима дейсиз? – деди мен томонга бошини эгаркан, аста пичирлаб.

Унинг таклифини эшитиб, пешонамни тириштирдим. Қўз олдимдан келасан ҳафта элчихонада булиб утадиган маданий тадбир учун ҳали сценарий ёзмаганим утди. Боз

устига, чарчаганим боис ёстикка бошимни куйиб мизгин фикри, айни шу дақиқаларда уйларимга сукилиб кириб, хориган вужудим учун ягона чора булиб куринаётганди. Лекин Мафтунага, йук, дейишга негадир журъатим етмади. Тугрироғи, тақаллуфсиз булиб куринишни истамадим.

- Майли...

- Кечки овкат ҳам тугади, мана, - деди Мафтуна официантни чакириб, у билан шоша-пиша ҳисоб-китоб қиларкан. - Энди тезроқ тоза хавога чиқайлик, бу ерда кунглим беҳузур буляпти.

Кечки овкатни биргаликда тановул қилиб, сархуш утирган одамларни оралаб ташқарига чиқдик. Бояги хатти-ҳаракатим туфайли туси узгариб, яхши кайфиятига бирмунча путур етган бўлса-да, кучада Мафтуна ҳсчам сир бой бермади. У чиройли коматини тик тутиб, пошнаси баланд туфлисини тақ-тук этганча кадам ташлаб, виқор билан тугри йул четида турган кизил «Ситроен» томон юрди.

Эримнинг навбатдаги тухфаси, - деди уни менга курсатиб. - Ижарага олиб берди шаҳарни айланишим учун. У бирам меҳрибонки...

Унинг сўз оҳангидаги пардали кинояни илғаш қийин эмасди. Мен бунга у қадар диққатимни қаратмай, машинанинг олди уриндигига утирдим. Мафтуна очик хавода бир қанча вақт бемақсад турди-да, сунг рулга угириб машинани ут олдирди.

-«Зафар аркаси»га борсак нима дейсиз? - деди у қатта йулга чиққанимизда.

Хаёлларим билан булиб унга уз вақтида жавоб қайтаролмадим.

- Шу арканинг нимаси қизик? - дедим сал утибгина тобора туннинг домига кириб бораётган Парижни кузатиб кетарканман.

Машинанинг ичи диққинафас булиб кетгандек эди. У ҳам, мен ҳам бараварига «ух» тортиб, ён ойналарини тушириб қуйдик.

– Балки сизга кизикмасдир. Чунки сиз бу ерда анчадан бери яшайсиз. Лекин бошқаларга кизик. Масалан, менга. Худо биледи яна қачон бу ерга келаман.

«Зафар аркаси»га етиб боргач, Мафтуна машинанинг моторини учириб, ундан ирғиб тушди. Арка олдида одам куп эмас, бармоқ билан санарли одамларгина култиклашганча ивирсиб юришарди.

– Шу арка ҳақида Ремарк асар ёзган, – деди Мафтуна унга яқинлашгач, мен томонга угирилиб. – Биласизми?

У жавобимни кутиб утирмай, анча олислаб кетди. Унга етиб олиш учун кадамимни тезлатишга мажбур бўлдим.

– Уқи анман уша асарни, – дедим унга етиб олгач. – Яхудий доктор ва унинг маҳбубаси ҳақида эди, янглишмасам.

Шунда Мафтуна бошини бир томонга эгиб, кузларини хиёл қисиб мен турган ерга қаради.

– Сизни уқимаган нарсангиз борми узи? – деди менга яқин келиб, бошдан-оёқ разм соларкан. – Билмаган нарсангиз-чи? Бальзакни, Гюгони, Диккенсни, Маркесни уқигансиз. Мана, Ремаркни ҳам. Француз ва инглиз тилида бинойиндек гаплашасиз. Яхши таржимонсиз. Чиройлисиз.

У кутилмаганда менга янаям яқин келди. Ундан тараптатган аёллар атирининг маст қилувчи ёқимли иси димоғимга урилди. Орамиздаги масофа анча қисқарган ва мен унинг ҳатто қандай нафас олишигача эшитардим. У оғир-оғир нафас олар, кузларини булса мендан узмасди. Бир маҳал мендан ютокиб буса олди. Бу ҳол қуккисдан юз бергани учун дастлаб узимни йукотиб қуйдим. Узимга келгач, аста уни силтадим-да, икки кадам ортга тисарилдим. Бу хатти-ҳаракатим унинг нафсониятига тегди.

– Қўрқок! – деди у захархандалик билан куларкан.

Қанчалик узимни босишга уринмай, унинг бу гапидан роса жаҳлим чиқди.

– Эри бор аёл билан кунгилхушлик қилсам қурқмас буламанми? – дедим овозимни кўтариб.

– Сиз эркаклар ҳаммаларинг бир гўрсизлар, – давом этди у мендан узоқлашаркан, ногоҳ жойида қотиб. – Мени

ун олти ёшимда уша нусхага эрга берган отам ҳам, менга хиёнат қилмаган кунини эслай олмайдиган уша нусха ҳам, уз шахсига тинмай сизиниб яшайдиган сиз ҳам!

Мен унга карамаслик учун бошимни «Зафар аркаси» томон буриб олдим ва бир неча дақиқа шу ҳолатда турдим. Мафтуна ҳамон захархандалик билан куларди. У шу туришида турт кун бурун мен билан Луврни айланган, икки кун бурун эса эри билан элчихонага визасини чўздириш учун келган оғир на босик аёлга сираям ухшамас эди.

Кутилмаганда у машинаси томон юриб кетди. Унинг кетаётганини куриб, аввалига ортидан боргим келмади. Бироқ ноилж бордим.

– Эшикни очинг, Мафтуна! – дедим у ерга боргач.

У гапимга парво қилмай, аямасдан машинанинг газини босди. Бундан кунглим аллақандай ғашликни сезиб, йул четида буш турган таксилардан бири сари югурдим.

– Илтимос, хув анави кизил «Ситроен»нинг ортидан хайданг, – дедим энг яқин турган таксига чикиб хайдовчига.

Хайдовчи илтимосимни ерда қолдирмай, уртача тезликда уни қувнишга тушди. У қувиб етай деганида, узи шундоқ ҳам секин кетмаётган Мафтуна атайин қилгандек машинаси тезлигини оширди.

– Нима бало, у жонидан туйганми? – деди хайдовчи бошини бай-бай дегандек чайқаб қуйиб. – Шахар ичида машинани шунақа тез хайдаб буларканми?

Сена дарёси бўйидаги муюлишда, гўё осмондан тушгандек карама-қарши томонда юк машинаси пайдо бўлди. Мафтуна унга аранг чал беришга улгурди. Натижада, унинг машинаси тусатдан эзилган тормоз туфайли чийиллаб овоз чиқариб, йулнинг четигача сурилиб борди. Қаршисидан чиққан машина кетма-кет сигнал чалиб, унинг ёнидан утиб кетди. Таксидан тушарканман, юрагимни ховучлаб у томонга чопдим. Мафтуна машина ичида бошини рулга тираганича қимир этмай утирар, унга муъжиза туфайлигина ҳеч қандай шикаст етмаганди.

– Очинг эшикни! – дедим ойнага бир-икки каттик уриб. – Очинг деяпман сизга!!!

У эшикни очди. Уни даст кутариб пастга олдим. Сунг кутарганча Сена буйидаги уриндиклардан бирига олиб бордим.

– Ҳаётингизнинг сарик чакалик аҳамияти йукми сизга?! – дедим овозимни борича унга бакирарканман.

Мафтуна менга худди бушликка карагандек маъносиз тикилди.

– Ҳа, шундай. Нима эди?

У уриндик устида, бошини эгганича дағ-дағ калтирарди. Чамаси, уни четлаб утган фалокат руҳиятига салбий таъсир кўрсатган ва у ниҳоятда кўрқиб кетганди. Ҳатто мендаги ҳаяжон ва кўрқув ҳам босилмаганди. Уриндикқа утирмай унинг каршисида тик оёқда турарканман, юрагим тез-тез урарди.

– Ҳамма нарсадан чарчадим, – деди Мафтуна шовуллаб оқаётган дарё томонга тикиларкан.

Сентябрь якунланаётгани учун атрофга салқин оралаб, ҳаво ҳарорати бир мунча тушиб кетганди. Парижда уч-турт кундан бери енгил шабада эсар, осмон кун ора турфа ранг булутларнинг камалидан бушамас, гоҳи-гоҳида эса майдалаб ёмғир томчиларди. Бугун ҳам ҳаво тунд, осмонда таниш булутлар ҳукмирон, ёз нчи ҳар окшом шуъла сочиб кузни қувнатган ой уларнинг ортига беркинган ва бу манзара замин узра тонг отиб-отмасдан кузги ёмғир ёғиши мумкинлигидан дарак беради.

– Машинанинг чирюғили учирмабсиз, – дедим ортик тик оёқда туришни истамай, унинг ёнига утирарканман.

Мафтуна машина турган ерга нафрат билан қараб қўйди.

– Қизил «Ситроен», кип-қизил «Ситроен», – деди шу битта сузни бир неча марта такрорлаб.

У ҳамон калтирарди. Энди совуқдан. Буни қўриб қўймоғимни ечдим-да, унинг елкасига ташлаб қўйдим. У

личирлаб мзиннагдорчилик билдирди. Шу буйи анчагача бир оғиз гапирмади. Мен ҳам бошка оғиз очмадим.

– Отам мени ун олти ёшимда эрга берди, – деди Мафтуна анчадан кейин яна дарё томонга тикиларкан, чузилиб кетган бу сукунатни биринчи бўлиб бузиб. – Мени ёш демади. Куз ёшларимга ҳам карамади. Уша пайтларни куп эслайман. Ун олти ёшта энди тулгандим. Орзулари осмон киз эдим. Узимча ҳуқуқшуносликни урганмокчи булардим. Куп китоб укирдим, тил урганардим. Ҳамма қизларга ухшаб ширин ҳаёлларга берилардим. Бир куни эса ҳаммаси тугади. Мени эрга беришди. Кун келиб турмушга чиқишимни билардим-у, лекин уша дамни бунчалик эрта рўй беришини уйламагандим. Катта ҳаётга кадам қуйиб-қуймай турмушга чиқдим. Қизлигимда турмуш уртоғимни узимча «Андиша ва гурур» асаридаги Дарсига ухшашини орзу қилиб яшардим. У каби олижаноб, вафодор ва мард бўлса дердим. Ҳаётда купинча бошқача буларкан. Қаршимда Дарсининг бутунлай акси бўлган инсонни куриш ушанда мени чуқур ғам-қайғуга солди. Шундаям бир суз демадим, отамга қарши чиқмадим. Ахир, ҳамма шундай қиялпти, кам бўлгани йук, деб онам ҳам унинг ёнини олди. Хуллас, турмушга чиқдим. Эримни ёқтирмасдим, алдаб нима қилдим. Унда қўнглим йук эди (ҳозир ҳам йук). Қўнглим торгмасди. У ҳам менга муҳтож эмасди, хиёнат қилишини билардим. Кунлар, ҳафталар, ойлар утиб кетди кейин. Буни сезмай ҳам қолдим. Чунки узимни худди бошка муҳитга тушиб қолгандек сезардим. Бунинг натижасида ҳаётга қизиқшим кундан кунга камайиб, сулиб борардим. Саккиз йил шу тахлитда яшадим. Орзуларим тутундек таркаб кетди, ҳуқуқшунос бўлишдек мақсадим тағига олди, куп китоб уқимай қўйдим, тил урганишга бўлган иштиёким сунди.

Худди ҳаётимда мазмун йукдек эди. Турмушимнинг саккизинчи йилида ҳомиладорлигимни билиб қолдим. Ишонасизми, шунда қасрдандир ҳаётимга мазмун кириб

келгандек бўлди, юкоридаги орзуларим урнига Яратган менга бошка бир орзу – она бўлиш орзусини бергандек хурсанд бўлиб кетдим. Энди мени фарзандим булади, мен она буламан, деган уй бутун вужудимни яйратиб юборди. Натижада, бошқача кайфиятда яшай бошладим. Бир куни курик учун шифокорнинг хузурига берганимда, фарзандимни у ердаги текширув аппарати экранида кўрдим. Доктор аёл кулиб, у куллариини кимирилатиб чумилляпти, леди. Экранга термилиб қолдим. Дарҳақиқат, болажоним куллариини кимирилатиб чумиларди. Шундан сўнг, у билан ҳар куни гаплашадиган бўлдим. Унга кечалари эртақлар айтиб берардим, дукондан у тугилса кийдираман деб кийим-кечаклар сотиб олардим. Ҳаёгимга мазмун кирган, гуё яшашга кизикишим қайтгандек эди.

Ҳомилам бешинчи ойлигига утганида, жума куни эди шекилли, эрим уйга кеч қайтди. Ундан аёллар атирининг ҳиди анқир, узи ғирт маст эди. Кузига ёмон куриндим, шекилли, мени қаттиқ ҳақорат қилди. Шунинг узи етмагандек, кузлариини чакчайтириб ва ҳайвондек укириб мени уриб-тепкилади. Танам буйлаб унинг зарбаларидан пайдо бўлган чуқур оғрикни ҳис қиларканман, шу он ичимда нимадир узилгандек бўлди ва сезгир кўнглим бундан бир ёмон нарсани сезиб дод солиб бақириб юбордим. Эргасига касалхонада ҳомилам нобуд бўлганини билдим.

Мафтуна шу пайт тусатдан йиғлаб юборди. Ҳунграб йиғлади. Йиғлагани сари елкалари кучли силкиниб куяр, овозидан аламли фарёд атрофга тараларди.

– Шу тариқа узимга келолмай касалхонада анча ётдим. Рухий ҳолатим бузилиб, чуқур тушқунликка тушиб қолдим. Ҳеч кимни кўргим келмас, хонадан чиқмай кун буйи у ерда ётардим. Ҳатто ота-онамни кўргим келмасди. Эримдан эса жирканардим. Бу ёғига кўнглим тортмаган ва эндиликда жиркана бошлаган одамим билан бир уйда яшашни тасаввур қилолмасдим. Лекин бирга яшашда да-

вом этдим. Отам «Насиб килса Худо яна фарзанд беради», деб таскин берганча уникига ташлаб келди. Кулгили бу, туғрими? Нимага ҳаёт ва одамлар шунақа? Шу саволларимга ҳеч жавоб тополмайман. Эримнинг хатти-ҳаракатлари бундан ҳам кулгили. Мени тепкилаб, пушти камаридан бўлган фарзандини туғилмай туриб нобуд қилган одам кунгли ёзилар, деб хотинини мана – Парижга олиб келди.

У энди мен томонга қараб йиғлар, мен юрагим қаттиқ сиқилиб унга қарамасликка тиришардим.

– Бу ерга келган дастлабки кунимиз меҳмонхонадан ташқарига чиқмадим. Руҳиятимдаги жароҳат ҳали битмагани учун хатто миллионлаб одамларнинг орзуси бўлган шу шаҳар ҳам кўнглимга сиқмади. Кун бўйи деразанинг олдида утирдим. Деразадан Эйфель минораси шундок қурилиб турарди. Эрим эрталаб чиқиб кетиб, кечкурун келди. Эртасига ҳам, индинига ҳам шундай утди. Шаҳарни кун бўйи деразадан кузатдим. Ниҳоят, туртинчи кун эримдан мени Гюгонинг уй-музейига олиб боришини кўтимос қилдим. У йук демади. Музейга олиб борди-да, бир соатдан кейин олиб кетишини айтиб, ёлғиз узимни уша ерга ташлаб кетди. Севимли ёзувчимнинг уй-музеини олдида бир узим қолдим. Ичкарига кирганимда, у ердаги асосий залда йиғилиш бўлаётганди. Бу йиғилишдан кура кўпроқ тақдирот маросимига ухшарди. Пяча утиб, музей ходимаси бу тахминим туғрилигини тасдиқлади.

Эсингиздами, уша кун? У ерда Гюгонинг сиз узбек тилига угирган асари тақдироти бўлиб утар ва сиз Гюго ҳақида, унинг узбек ўқувчиси дунёқарашида тутган урни ҳақида атрофдагиларга гапириб берадингиз. Бир чеккада сизга қараб утирарканман, исгадир бир лахзага руҳимни анчадан бери қийнаб келган оғриқларни, унинг битмаган жароҳатини унутгандек бўлдим ва худди ун олти яшар пайтимга қайтгандек берилиб, завқ билан маърузангизни тингладим. Кейин сиз билан шахсан танишдим. Узингизни элчихонада ишлашингизни айтдингиз. Гюго

ва француз адабиёти ҳақида суҳбатлашдик. Гюгони деярли ҳамма асарларини уқиб чиққандим. Бунни эшитиб, сизни юзингиз ёришиб кетди. Бу адиб сизнинг ҳам севимли ёзувчингиз эди.

Музейдан қайтиб келганимда ўзимни анча тетик ҳис қилдим. Кунглим сарҳадларидаги туфонлар тингавдек, ундан ғам-андух аригандек, анчадан буён илк марға рухимда ҳаловат ва осудаликнинг нафаси сезилди. Меҳмонхона деразасини очиб атрофга қарарканман, кайфиятим кутарилди. Ҳаёт аслида чиройли, у факатгина оқ-қоранглардан иборат эмас деган ҳаёлга бордим. Энг кизиги, ўша кун иккунун иштаҳа билан овқатландим ва кечаси безовга бўлиб уйғонмай, хотиржам ва тиникиб ухладим.

Сиз ҳар дам олиш кун Луврга боришингизни айтгандингиз ўша кун. Дам олиш кунига икки кун бор эди. Шу икки кунни бир амаллаб утказиб, яқинлашди кун эртарок туриб Луврга бордим. Сизни учратиш мақсадида. Борлиму хайратда қолдим. У ер жудаям катта ва бунинг устига одамларга лик тула эди. Яхшиям, Мона Лиза картинаси ҳақидаги галлингиз эсимда қолган экан. Сураб-суриштириб шу картина турган хонани топдим. У ерга кирдим ва картина қаршисидаги одамлар орасида сизга қўлим тушди. Ўзимнинг танилмамдан қувониб кетдим. Мени пайкармикин деб сизга яқинлашдим. Сиз картинанинг олдиди туриб, қўлингиздаги ён дафтарчага нималарнидир қайд қилиш билан овора эдингиз. У ерда жимгина сизни қўзатиб турдим. Мени дарров булмаси-да, пайқадингиз. Қўриб жилмайдингиз. Мона Лиза ҳақида ўша кун роса суҳбатлашдик, музейни бирга айландик.

Меҳмонхонага қайтганимда шампань виноси ичиб утирган эрим визамиз туташига икки кун қолганини айтди. Шунда уни қўздирайлик деб унга ялдиндим. У хайрон бўлиб қаради. Бир амаллаб уни қўндирдим. Рост, Парижда яна озгина қолмоқчи эдим. Нима учунлигини ўзим ҳали билмасдим, қалбимда беҳос уйғонган номаълум

туйгу мени бу ерга михлаб куйгандек, шунчаки қолгим келар, ҳеч қаерга кетгим келмасди.

Икки кун утиб, эрим билан элчихонага бордик. У ерда яна сизни учратдим. Сиз визамизни чўздирингиз ёрдам бердингиз. Эрим ташаккур айтиб, сизни кечки овқатга таклиф қилди. Розилик билдирганингизда ундан ҳам кура мен купрок хурсанд булдим. Бугун эрталаб шу кечки овқат хаёли билан уйғондим. Кузгуга карамай куйганимга анча булганди. Унинг олдида илк марта узок утирдим. Олдин бирорта маросимга боришим керак булса дуч келган куйлакни кийиб кетаверардим. Бу сафар куйлак танлашга кийналдим. Жомадонимда йиллар буйи кул теккизилмай ётган тилла занжиримга ҳам иш топилди. Вакт утиб кеч булгани сари ҳаяжонимни ҳеч босолмасдим. Кеч тушгач, эрим иши борлигини пеш килиб, кучага чиқиб кетди. Сиздан келолмаганига узр сураб куйишимни тайинлади. Шунинг учун, бу ерга ёлғиз, у ижарага олиб берган анави машинада келдим. Ресторанда узимни анча эркин тутдим. Буни биламан. Бойси, узим гаплашишни истаган инсон билан яна мулоқот килиш шарафига муяссар булгандим. Шу мени бир оз чалғитди. Шунинг таъсирида кеча давомида сизга ахлоқона саволлар бердим, боя узимни жудаям ёмон тутдим, узимни назорат килишни унутдим. Мени енгилтак деб уйлаганингиз аниқ. Узим ҳам узимдан нафратланиб кетдим. Бу ҳис бутун вужудимни эгаллаб, шаънимга тушган иснод ва юзимдан сидирилган ҳаё пардасини кузимнинг олдига олиб келди. Шу туфайли рухимга азоб беришни бошлаган бу ҳисдан қутулиш учун узимни машина ичига урдим. Аммо у ерда баттар азобландим. Азоб исканжасида кузимни юмиб машинани тез хайдадим, сабаби вақт ўтган сари кучайиб бораётган бу ҳис улсамгина мени тинч қўяди, деган бемаъни ҳулосада эдим. Уздан нафратланиш ҳисси купинча инсонни шундай йул тутишига туртки бўлади. Қаршимдан юк машинаси чикқунича, менда ҳам шундай ҳолат кузатилди.

Бирок, машина пайдо булганида куркиб кетдим. Улишни эплай олмадим, кучим етмади, ожизлик килдим.

Мафтуна урнидан туриб, дарё киргоғи томон кетди. Сенанинг шовуллаб оқиши ва тун куйнида корамтир рангда куринаётган киёфасига бир неча дақиқа назар солиб турди. Кейин шошилмай ортига қайтди. У ортик йигламас, тинчланиб узини анча унглаб олганди.

— Умримизга куз келиб булганидан сунг унга бахорнинг кайтиши кийин экан,— деди дарё узра олисларга тикилиб ва хурсиниб ёддан қандайдир шеърни укий бошлади:

*Кимнидир, ненидир кутдим ишониб,
Осмонга термизиб ўтдим теракдай.
Хазон бўлиб ҳамки кетолмаякман,
Гуёки ҳалиям сизга керакдай...
Япроқдек омонат тебранади дил,
Тамаки тутатар яна голиб куз.
Дунёни бир гузал рангга бўярдим,
Афсус, сиздан олдин куз кетди, афсус...*

Шеърни уқиб булгач, эғнидаги костюмимни кулига олиб авайлаб тахлади ва уни секин ёнимга қуйди. Мен бунни жим кузатиб турдим.

— Эртагаёқ бу ердан жунаб кетаман. деди атрофга аланглаб қараркан, кузларимиз тукнашганида бирдан маъюслашиб, — Аслида худди сиз каби бу шаҳарни менга ҳам сира қизиги йук. Узоқроқ қолишимга сабаб булган нарса — унинг таровати эмасди.

Урнимдан кузғалиб, унга нимадир дейишга тараддудландим. Кунглини кутаришгами, тасалли беришгами, очиғи, аниқ билмадим. У томонга интилгандим, Мафтуна узини мендан олиб қочди ва куллари билан керак эмас, дегандек ишора қилди. Турган еримда қолдим, ичимдан ҳеч қандай садо чиқмади: на кунгил кутариш, на тасал-

ли бериш учун бирор оғиз суз. Куз олдимни қуюқ зулмат қоплаб олгандек кузларим тиниб, бошим чалкаш уйлардан ғовлаб кетди.

Бир оздан сунг у кетишга чоғланди ва мен билан хайрлашмасдан чироғи ҳануз ёник турган машинаси томон йул олди. Ортига угирилмай, қаддини яна тик тутиб, пошнаси баланд туфлисини тақ-туқ этганча виқор билан қадам ташларди.

– Қизил «Ситроен», кип-кизил «Ситроен», – деди кетаркан йул-йулакай. – Эримнинг тухфаси, «меҳрибон» эримнинг...

ЁМГИР ВАЛЬСИ

– Оёғингизга нима қилди?

Эшик қия очик турганди. Шунинг учун Назокатни хонага кирганини пайкамабман.

– Баъзида шундай оғриб туради, – дедим чап тиззамни лешонамни тириштирганча укаларканман.

Назокат бўйнидаги қора шарфи ва устидаги тук қизил костюминини ечиб, шкафнинг ичига илиб қуйди. Қулидаги сумкаси ҳам уша ердан қуним топди. У бугун кечагига қараганда анча иштиёқли қуринар, кечаги хорғинлиги қаергадир йуқолган ва дарров пианно қаршисига бориб утирганидан тезроқ машғулотларга киришиш истагида ёнаётганини чамалаш мумкин эди.

– Бетховен мендан хурсанд, – деди у партитурани қулига олиб, унга куз югуртираркан. – Бу ерда ҳам, уйда ҳам тинмай унинг сонатасини ижро этяпман.

Мен тиззамни бир-икки букиб қуриб, уримдан турдим.

– Танловга оз қолди. Улгуришимиз керак.

Назокат ок-қора клавишлар устида худди ёш боладек бармоқларини бирма-бир юргизиб чиқди.

– Партитурага қараб бехато ижро этяпман, – деди кейин партитурани жойига қуйиб. – Ёддан булса айрим жойларида ҳато қиляпман.

Бир оздан сунг хонадаги «Беларусь» пианиноси худди кечагидек яна овоз чикаришни бошлади. Бетховеннинг Элиза исмли кизга бағишлаб ёзган сонатаси Назокатнинг ижросида хона бўйлаб таралди. Уни бесас кузатдим. Назокат партитурага карамасликка интиларди. Бармоклари клавишлар узра охиста ҳаракатланар экан, ҳеч нарсага чалғимай уй-фикрини ижро жараёнидан узмасди.

– Бу гал учта жойда хато қилдинг, – дедим унинг ортидан туриб.

Назокат менга саволомуз каради. Олдига келиб қаерда хато қилганини партитурадан курсатиб бердим.

– Духтирга бориб келинг, – деди Назокат бир пайт сал эгилиб турган чап тиззамга караб. – Мен узим шуғулланиб тураман бу ерда.

– Ҳожати йўқ, – дедим дераза олдига бориб, ташқарида эсаётган шамол юзага келтирган манзарани кузатарканман.

Назокат билан тушликкача анча шуғулландим. Шаҳар маданият марказида ёш пианиночилар уртасида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий танловга икки кун қолганди. Шунга вақт тигиз, кўпроқ шуғулланиш талаб қилинарди.

– Баъзида партитурани йиртиб ташлагим келади, – деди Назокат коллеж ёнидаги кафега кирганимизда стол атрофига ўтиришдан олдин. – У мени чалғитади.

– Партитурасиз хато қиляпсан. Қўрдинг-ку.

– Сиз хато қилмайсиз, – давом этди у. – Мен ҳам бунга қуникаман.

Стол атрофига жойлашгач, иккита қаҳвага буюртма бердик. Октябрь бошлангани учун булса керак, уч-турт кундан бери ташқарида кучли шамол эсар, ҳаво ҳарорати тушиб кетганди. Бундай пайтда иссиқ қаҳва жонга аска-тади.

– Нега танлов учун Бетховенни танладингиз? – деди Назокат қаҳвадан шошилмай ҳушларкан. – Менга қолса бошқа бастакорнинг асарини ижро этардим.

– Бетховен мукаммал ёзган, – дедим унга жавобан. – Танлаганимга сабаб шу.

– Танловда факат Бетховен, Шопен, Штраусслар ижро этилади, – деди у уйланиб. – Ҳар йили шундай. Бу бир хиллик жонга тегиб кетади баъзан.

Тиззам оғришни бошлагач, уни тагин уқалай бошладим. Бунни куриб, Назокат менга узок тикилиб қолди.

– Ростан духтирга бориб учрашинг. Йук деманг. Мен узим машқ қилиб тураман унгача.

– Охири кундирдинг, – дедим ним табассум қилиб.

Қайтганимда Назокат хонада тиним билмай машқ қиларди. Ҳатто бир оз терлаб кетганди.

– Уша автохалокатнинг оқибатими бу оғришлар? – деди у дераза олдидаги креслога утириб сигарет чекаётганимда, диққатини менга қаратиб.

– Шундай. Ушанда чап оёғим каттиқ лат еган. Шундан бери ҳар гал совук тушганида оғрийдим.

Назокат кундан кунга сонатани яхши ижро этарди. Бугун унинг ижроси мукаммаликка жуда яқин келди. Бу мени хурсанд қилди. Куп утмай, у кетди. Дераза олдида сигаретимни тутатиб турарканман, таксига чиқишдан олдин негадир у мен турган томонга қаради. Кузларимиз бир нафас тукнашди. Бундан хижолат бўлиб пардани ёпиб куйдим. Сунг сигарет қолдиғини тоқчадаги қулдонга ташлаб, у ердан узоклашдим. Кечкурун уйимда Бетховеннинг рус тилига утирилган мактубларини укиб утирганимда Назокат кунгирок қилди.

– Оёғингизни оғриғи қолдими? – деди гушакни кутаргандим.

– Оғрик бор, дарров колармиди, – дедим унга дангал гапириб.

– Сизга бир гап айтмоқчи эдим, – деди у. – Эртага уйда машқ қилсам девдим. Олдингизга бормай. Майлими?

– Ихтиёринг, – дедим бунга бирорта узрли сабаби бўлса керак деб уйлаб.

Танлов бўлиб ўтадиган куни Назокатни маданият марказининг олдиди кутиб олдим. У бу сафар эгнига ҳаворанг костюм кийиб, доим елкалари ва белини сийпаб юрадиган узун сочларини замонавий услубда турмаклаб олганди. Сиртдан караганда у тетик куринар, жилмайишга интилар, аммо ичига ботиб кетган кузлари одамга толиқиш аралаш қарарди. Унинг ёнида ота-онаси ва яқин дутонаси бор эди.

– Сўглигингиз яхшими? – деди у менга юзида ҳавотир билан разм солиб. Кечаси билан тиззам оғриб чиққани учун аҳволим сал абгор куринди шекилли, у шу руҳда сўзлашда давом этди. – Куринишингиз яхши эмас.

– Залга кирайлик, – дедим унга аҳволим яхшилигини қўлларим билан тушунтиргач.

Назокат менга эргашди. Залга кирдик. У ерда бизни танлов ташкилотчилари кутиб олишди. Зал тулмаган эди. Ичкарида юзга яқин одам бўлиб, уларнинг аксарияти танлов иштирокчиларининг яқинлари ва бадий раҳбарлари, қолганлар эса мумтоз мусиканинг кам сонли шинавандалари эди.

Танловда йигирмага яқин иштирокчи қатнашаётганди. Ташкилотчилар уларни ва уларнинг ишини баҳолаб борадиган ҳакамларни атрофдагиларга бирма-бир таништириб чиқишди. Кейин танлов бошланди. Мен олдинги қаторга келиб жойлашдим. Бу ердан сахна уртасидаги жигарранг рояль аниқ-тиниқ курилиб турарди.

Дастлабки уч иштирокчи Назокатдан кура яхшироқ куринмади. Буни ич-ичимдан хис қилдим. Улар Шопен, Рахманинов ва Шостаковичларнинг асарларини ҳаддан гашқари куп жойда хато килиб ижро этишди. Қолган иштирокчилар ҳам ҳеч булмаганда Назокат даражасида эди. Фақат тўққизинчи бўлиб сахнага чиққан новча йигитгина Шуманнинг асарини ажойиб тарзда ижро этиб берди.

– Навбатдаги иштирокчимиз – Назокат Аҳмедова, – деди бошловчи аёл Назокатни залга таништираётган. – Ижро ўтадиган асари «Ёмғир вальси», муаллиф Акмал

Рустамов.

Хайрон қолдим. Назокат сахнага чиқиб, рояль қарши-сига утиришдан олдин кузлари билан залдан мени ахтарди. Менга кузи тушгач, рояль қаршисидаги стулга яхши-роқ урнашиб олди. Қўлидаги партитурани рояль устки қисмидаги жойига эмас, унинг ёнида турган стол устига қўйди. У мусикий асарни партитурасиз ижро этмокчи эди.

У вальсни ижро этишни бошлаганида кузларимни ундан узмадим. Кузларим унга «булди, бас қил» деётгандек илтижоли боқарди. Юрагимда эса кучли оғрик юзага келиб, у ҳар урганида илкис сесканиб, чучиб тушардим. Вальс тинмасди, ҳечам тинмасди. Назокат шунақанги ижро этардики, бутун зал сув қўйгандек жимжит бўлиб уни тинглар, фақат мен юрагимдаги оғриқдан, куз олдимдан бир-бир ута бошлаган утмиш хотираларининг залваридан афгимни буриштирганча номаълум азоб билан олишардим. Назокат рояль қаршисида чуққанича мен басталаган куйни ижро этарди. Мен бу куйни анча олдин басталагандим, аниқроғи, автохалокат натижасида ҳогиним оламдан утишидан сал олдин. Бу куй уз пайтида менга унглаб булмас мусибат келтирганди, шу сабаб уни ҳар сафар ижро этсам куз олдим қоронғилашиб кетар, юрагим кинидан чиқиб кетадигандек туюлар, шунгадир, уни бор-йўғи уч марта бошидан охиригача ижро этгандим. холос. Шу бўйи унинг борлиги ёдимдан ҳам чиқиб кетганди. Хонамдаги иш столимда турадиган папкада мана неча йилки, чанг босиб ётарди.

Вальс уз ниҳоясига етгач, урнимдан туриб сахна ортига бордим. Назокат узидан кейинги иштирокчининг чиқишини уша ерда кузатиб турганди.

— Мана омонатингиз, — деди у мени қуриб, партитурани қўлимга тутказаркан.

— Нега бундай қилдинг? — дедим партитурани гижимлаб.

Назокат сахнада янграшми бошлаган Листнинг таниш рапсодиясига бироз кизикиш билан кулок тутиб турди-да:

– Ажойиб ёзилган экан. Шунга уни ижро эттим келди, – деди менга угирилиб.

Партитурани култиғимга кистирганча жойимга қайтиб келдим. Бу орада барча иштирохчилар ўз чиқишларини якунлашди ва якуний қарорни эълон қилиш ҳакамларнинг зиммасида қолди. Ҳакамлар узок муҳокамага киришишиб, охир-оқибат, Шуманнинг асарини мукамал ижро этиб берган ўша новча йигитни ғолиб деб топишди. Назокатга иккинчи урин насиб этди. Совриндор булганини эшитиб ота-онаси ва дугонаси уни табриклай кетишди.

Танлов якунлангач, ташкилотчилар бошқалар катори бадий раҳбар сифатида мениям фикр ва хулосаларим билан кизикишди. Улар билан бир неча дақиқа суҳбатлашиб фикр алмашгач, куча томон юрдим. Кетаётганимни қуриб, Назокат югуриб ёнимга келди.

– Мендан хафа булдингизми, Акмал ака? – деди у рупарамдан чикиб.

– Хурсанд булишим керакми? – дедим унга қарамасликка тирилиб. – Биринчидан, битмаган ярамни янгиладинг. Иккинчидан, Бетховеннинг сонатасини ижро этганингда ғолиб булишинг мумкин эди. Сен шунга тайёрлангандинг.

– Утган сафар ҳам айтгандим сизга, – деди Назокат чуқур хурсиниб. – Бир хиллик жонимга теккан. Қачонгача танловларда фақат Бетховен ёки Шопен кабиларнинг басталаган куйлари ижро этилади? Ахир, мана сиз ҳам бинойидек куй басталаган экансиз-ку.

Суҳбатни давом эттиргим келмай, қулимни силтаб кучага чиқдим. Кучада яна шамол эсишни бошлаганди. Оёк ости тартибсиз равишда тушалган сарғимтир баргларга тулиб кетганди. Улар, мана, неча кунки, шашти синмаётган шамол эсганда бир тузир ва осмонга чанг аралаш

кутариларди-да, дам утмай уз жойини узгартириб ерга кайтадан тушаларди.

– Автохалокат бахтсиз ҳодиса бўлган, – деди Назокат оркамдан қолмай кучага ҳам чиқиб. – Хотинингизни улимида узингизни айблаб яшашни бас қилинг. Ҳали уттизга ҳам кирмагансиз, лекин узингизни тириклайин кумиб яшаяпсиз. Столингиз устидаги уша папкани очиб кўрдим. У ерда бир-биридан ажойиб соната ва вальслар бор. Чин сузим. Улар ажойиб басталанган.

Унинг гапларини тингларканман, бирдан жойимда тухтаб унга юзландим.

– Ушанда рулда мен бўлганман, – дедим унга бақириб. – Тушуняпсанми? Қўлим машинанинг рулида бўлган, ҳаёлим эса сен боя ижро қилган уша лаънати «Ёмғир вальси»да бўлган. Уни йул бўйи ҳаёлимда ижро этиб кетганим туфайли чалгиганман.

Назокат кузларида ёш калкиб, ёнимга келмоқчи бўлди. Уни қўлим билан тухтатдим.

– Совуқда бундай турма. Шамолнинг эсишини кара. Куз очгани куймаяпти. Ана ота-онанинг кучага чиқишибди ортингдан. Ҳозир дугонанинг ҳам чиқади. Улар билан ютуғингни нишонла, баҳам кўр. Бора қол.

Назокат жойидан жилмади. Мен тез-тез қадам ташлаганча ундан узоқлашдим. Автобус бекати томон кетдим. Бекатга етгач, автобус кутишга тоқатим етмай, такси тухтатдим. Такси утмишим билан юзма-юз келган бу жойдан дарров мени олиб кетди. Шу тобда уйга боргим йўқ эди. Эҳтимол, шунгадир ижодкорлар хиёбонида тушиб қолдим. У ерни пича ёлғиз айландим. Унинг бир четида кабутарлар майдони бор эди. Уша ерга бориб, юзлаб кабутарлар орасида вақтимни утказдим. Ниҳоят, иш жойимга боришга қарор қилдим. Шанба бўлгани учун дарсим йўқ эди. Шунчаки хонамга қамалиб, пианино чалгим келди. Зиналардан кутарилиб йулакка чиқарканман, хонамнинг олдида Назокатни куриб, ҳайрон бўлдим.

– Доим шунақа рупарамдан чикаверасанми? – дедим йулакдаги деворга елкам билан суянарканман.

Назокат эшикка беҳол суянди.

– Ҳа... бир умр...

ОТАМНИНГ КАБУТАРЛАРИ

– Сиз айтган жой шу ер, – деди хайдовчи машинани четта олиб тухтаркан.

Машинанинг ичидан атрофга тикилдим. Кўз олдимда бир-биридан унча узокликда жойлашмаган иккита яшил гумбазли бино ва унинг атрофида учиб юрган сон-саноксиз кабутарлардан иборат манзара гавдаланди. Узокдан куринмаган экан. Биноларга яқинлашганимда, уларнинг уртасидаги яланглик ҳам кабутарларга тула эканини кўрдим. Кабутарлар атрофга тупланган одамлар сепатган донларни териб ейишарди.

– Олдинлари бу ерни «Кабутарли мазор» дейишарди, – деди хайдовчи ортимдан келиб. – Ҳозир зиёратгоҳ бўлиб қолган. Шаҳарда машҳур аллома яшаб утган. Бурчакдаги бино урнида анча замонлар олдин унинг чиллахонаси бўлган экан.

У курсатган бино олдида одам куп бўлиб, улар навбат билан ичкарига кириб чиқишарди.

– Ҳар куни бу ерга юзлаб одамлар зиёратга келишади, – давом этди хайдовчи. – Уларнинг ичида шифоталаб беморлар, узок йиллаб фарзанд кўрмаганлар, дунёдан утган яқинларининг хакига дуо истаганлар, хонадонига кут-баракка сураб келганлар учрайди. Улар уша чиллахонага кириб, домлага Куръон тиловат қилдиришади. Ҳовлида юриб, мана шу кабутарларга дон сепишади. Орқа томондаги мазорга кириб, авлиёларнинг қабрини зиёрат қилишади.

Мен уни диққат билан эшитсам-да, очиги икки қўлим ва бутун диққат-эътиборим оёқ остида дон териб, осмонда тўда бўлиб парвоз қилиб юрган кабутарларда эди. Улар

худди отамнинг альбомида тасвирлангандек эди: оқ-кора ва кулранг, бири биридан нафис ва бегубор, одамга маъноли боқувчи ва бир оз хуркак.

– Меҳмон, мен машинада буламан, – деди хайдовчи бир оз утиб, машинаси томон кетишга чоғланаркан. – Айланиб булгач, чиқарсиз. Кузнинг хавосига аллергиям булмаганида сизга ҳамроҳлик қилган булардим. Бахтга қарши, кузда ташқарида куп турсам нукул аксираман.

У аксириб-аксириб, машинаси томон кетгач, ердаги донларни териб ёйиш билан банд булган кабутарларга яқинлашдим. Ерда айтарли дон қолмаган эди, шунга уларнинг қулига дон етмай, бир-бири билан улар дон таллашишарди. Бундай вазиятда худди одамларда булгани каби уларнинг ҳам заиф гуруҳи четга чиқиб қолар, факат чакқонроқларининг ошиғи олчи буларди.

Зиёратгоҳнинг бир четида орик кампир дон сотарди. Бошида қурмабман. Одамлар унинг олдидан селлофан халтада дон олиб келишарди. Кузим тушгач, бориб мен ҳам ундан анчагина дон сотиб олдим. Орқа-олдимга қарамай ерга дон сепаетганимни қуриб, кабутарлар мени ураб олишди. Осмонда учиб юрганлариям дастга тушиб, уларнинг сафига қушилишди. Бир зумда сон-саноксиз кабутарлар орасида қолдим. Уларнинг айримлари хуркиш-нияш унутиб, дон аралаш қулимни майингина чуқишса, айримлари сафда қисилиб кетгани учун пойабзалимнинг устигача чиқиб олишарди.

Куп утмай, қулимдаги халта бушади. Ҳориб четда турган уриндикқа утирдим. Ортимда мазор бор эди. Зиёратгоҳ ва мазор узун девор билан ажратилган, пишиқ гиштли деворлар уртасидан очилган панжарали тиркишлардан қуҳна мазор яққол қузга ташланиб турарди. Чамамда, унинг ёнида масжид ҳам бор эди, боиси маълум бир қисми чиқиб турган баланд гумбаз устида мисдан ясалган ярим ой тасвири қунчиқар томонга мойил бўлиб турарди.

Уриндикқа утириб кабутарларни қузарканман, фотоаппаратимни олиб уларни бир неча марта суратга ту-

ширдим. Бу ишни якунлагач, портфелимни очиб, ичидан отамнинг альбомини олдим. Альбомда чизилган кабу-тарлар билан атрофимдаги кабутарларни солиштирдим. У ердаги расмлар остига ёзилган қайдлар ва саналарни кайтадан куздан кечирдим. Ҳар бир расм остида қайд ва сана курсатилганди. Масалан, остига «04.06.1995» сана куйилган кулранг кабутарнинг расми ёнига «Кадрдоним, фарзандим бугун биринчи синфга борди» деган ёзув қайд қилинганди. Остига «02.11.2001» санаси куйилган оқ ка-бутарнинг расми четида «Кеча деразадан осмонга кара-гандим, худди сени кургандек бўлдим, Оппоёой» деган иловали ёзув бор эди. Уларнинг ичида бу сафар эътибо-римни кўпроқ тортгани оқ-қора, семиз кабутарнинг расми бўлди. Отам унинг остига «07.06.2006» санасини куйиб, ёнига «Бугун магазиндан шоколад олгандим, қоғозига ка-бутар тасвири туширилган экан, у худди сенга ухшаркан, Момиквой», деган ёзувни қайд этиб утганди.

Боя хайдовчи айтган алломанинг чиллахонаси олдида одам қолмагач, урнимдан туриб ўша ерга бордим. Ичка-рида хонанинг туридаги қурпа устида бошига салла ура-ган, соч-соқолига оқ тушган домла утирар, унинг қарши-сидаги кум-қўқ духоба ёпилган хонтахта устида Қуръон ва тасбех турарди.

– Келинг, таксир, – деди домла мени илик қарши олиб.

– Отамнинг руҳига бағишлаб Қуръон уқитмокчи эдим,
– дедим унинг саволомуз нигоҳини қургач.

Домла Қуръон ўқишни бошлади. Уни тингларканман, дам ўтмай отам кўз олдимга келди. Чикагодаги «Нор-твестри Мемориал» клиникасининг онкология бўлими-да ўтган унинг сўнгги кунларини хаёлимдан ўтказдим. Ушанда бош мия саратони сабаб санокли кунлари қо-либ, бошидаги сочлари бутунлай тукилиб кетган ҳолда, озиб-тузиб, кўзлари киртайиб қаравотда ётаркан, отам-нинг ёнида қўпинча мен қолардим. У доим менинг қў-лимни ушлаб ётар, унга қошиқда сув ёки суюқ овқат

берсам, лаблари тамшаниб ва кўзлари пирпираб менга тикиларди. У доим менга нимадир демокчи булар, лекин тилдан колгани учун гапиришга қурби етмай, оғир нафас олганча хирилларди, холос.

Бир куни унинг аҳволи янаям ёмонлашди. Унинг ёнидан ҳеч қаерга силжимас эканман, деворга ўрнатилган телевизор пультамини олиб, узимни чалғитиш учун ундаги каналларни бирма-бир титкиладим. Бир пайт отам унг қўлини кутариб, телевизор томонга қараганча фарёд ургандек паст овозда хириллади. Телевизордаги каналда кабутарларни курсатишарди. Дастлаб унинг хириллашини бошқа каналга ол, деб тушунибман. Бошқа каналга олгандим, отам энди асабийлашиб қўлларини ҳадеб кимирлата бошлади.

– Кабутарларни курсатаётган канални қайтар, – деди шунда у ерда ўтирган онам отамга яқинлашиб, уни тинчлантираркан.

Пульт ёрдамида уша канални қайтардим. Отам кабутарларни кўргач, дарров тинчланди. Лекин қўллари ҳамон қалтирар, онам ушлаб турган жағи титраб, ушлаб турилмаса осилиб кетадигандек туюларди.

– Рамазон, кабутарларингизни соғиндингизми? – деди онам унинг жағини каттиқ ушлаганча, кўзларидан бирор нарсани ўқмокчи бўлиб.

Отамнинг кўзларидан ёш чикиб кетди, унга нимадир демокчи бўлди, бир-икки шунга оғиз жуфтлади, бироқ яна хириллашдан нарига утмади.

– Менимча, отанг кабутарларини соғинибди, – деди онам менга юзланиб. – Биз туғилган Марғилонда «Кабутарли мазор» деган жой бор эди. Отангнинг болалиги уша ерда ўтган. Ёшлиги ҳам. У ерда сон-саноксиз кабутарлар буларди. Отанг уларни жонидан ортиқ қулар, куп вақтини улар билан утказарди. Мени ҳам у ерга куп олиб борган. Борсак, доим дон сепиб кабутарларнинг қорнини тўйдираддик. уларга тикилиб ҳаёл сурганча соатлаб уша ерда утираддик.

Отам жимгина онамни эшитиб ётарди. Бир унинг кимир-лаётган оғзига, бир телевизордаги кабутарларга қарарди. Эшитиш жараёнида унинг гапларини озми-купми аёнлар ва эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, қўзларидан шашқатор ёш тинмай оқар, қўллари билан нуқул қаравот тушагининг четини ғижимлаганча урнидан туришга уринарди.

Домла тиловатини яқунлагач, дуо учун қўл очди. Мен ҳам унга эргашдим. Иккимиз юзимизга снғил фотиҳа тортдик.

– Сураганда айб йўқ, – деди домла шундан сўнг менга қўз кирини ташлаб, – Уғлим, мусофирга ухшайсиз.

– Америкаданман, – дедим унга узимви тақиштириб, – Аммо ўзбекман. Ота-онам шу ерда туғилишган. Маргилонда бир муддат яшаб, «кайта қуриш» йилларида Америкага қучиб кетишган.

– Мустақилликдан олдин қучиб кетишган экан-да, – деди у уйланиб туриб.

Унинг олдидан чиққанимда, осмоннинг киёфаси тундлашиб тусини ўзгартирганди. Унинг дуч келган ерида қора булутлар сузиб юрарди. Чиллахона олдидagi бир туп чинорнинг сарик барглари эсаётган шамол таъсирида тинмай оёқ остига тукиларди. Баргларни эзиб утаётганимда, Чикагода ўтган болалигимни хотирладим. Отамнинг айтишича, улар Америкага қучиб келишганида мен онамнинг қорнида бўлган эканман. Отам ўзи болалар уйида вояга етгани учун менга меҳри булакча эди. Ҳар дам олиш қуни ё «Чикаго Буллз» баскетбол жамоасининг ўйинларини томоша қилишга, ё табиат музейига борардик. Кинотеатрга ҳам қўп тушардик. Кечалари мени эртақ ва маталлар айтиб ухлатарди. Ишдан бўш пайтларида, хонасига чакириб олиб менга ўзбек тилини ва шахмат ўйнашни ўргатарди. Ўша кезлари у менда жудаям қувноқ ва ҳаётдан мамнун инсондек таассурот қолдирарди. Бунинг устига жудаям ҳазилкаш эди.

Ҳатто улғайганимдан сўнг ҳам изтироб, соғинч ёки хижрон каби одам боласида қўп ўчрайдиган ҳисларнинг

бирортасини унда курмаганман. Туғри, баъзида отам «Чикаго Булвэз»нинг уйинини куриб, пиёда уйга кайтаётганимизда ёки ёз кунлари псшайвонда чой ичиб утирганимизда осмонда кушлар галаси пайдо булса галатиллашиб, маънос тортиб қоларди. Бу шунақанги тез содир булардики, у бирорта латифа ёки қизиқарли воқеани айтаётган жойида дарҳол тилдан қолган одамдек жим бўлиб қолар ва унинг руҳиятида юзага келган ногаҳоний узгариш шу билан бир неча кунгача давом этарди. Баъзида отамни тонг пайтида деразани ланг очиб, узоқ-узоқларга тикилиб турганини курардим. Ушанда ҳам осмонда кушлар учиб юрган булар, отам уларнинг қий-чувини эшитиб, ҳаракатларини берилиб кузатиб турган буларди.

У олмос сандоси билан шуғулланадиган фирмада ишларди. Иши куплигидан купинча уйда ҳам ишларди. Гоҳида кечалари хонасининг эшиги тирқишидан пойлаб уни кузатардим. Уни юзидаги терларини артиб ишлаётганини курсам раҳмим келарди. У ҳаддан ташқари куп ишларди. Аммо орада танаффус қилар ва танаффус пайти ҳозир мени қулимда бўлган мазкур альбомини қулидан қуймас, қулини жағига тираганча қалам билан унга ёзув-чизувлар қилиб утирарди. Ушанда альбомга кабутарларнинг расмини чизганини кейин билгандим.

Унинг вафотидан сунг, ҳар кун и кечкурун мана шу альбомни варақлаб чиқардим. Хонамдаги чирокни алламаҳалгача ўчмаганини куриб, купинча онам хонамга кирар ва менга қушилиб кузларида ёш билан альбомни томоша қиларди. У ердаги кабутарларнинг расмидан ҳам кура ҳар бир расм остига қайд этилган ёзувлар ва саналар юрагимни эзарди. Уларни укиганим сари хотираларнинг юкидан ўзимни букчайиб қолгандек сезар, натижада дардим икки-уч бараварга ортарди.

– Менимча, отанг ватанига қайтиб боришни хоҳлаган, – дерди онам ана шундай қайғули лаҳзаларда. – Кабутарларини кургиси келган.

Бирпасда ёмғир томчилай бошлади. Бу ернинг октябри ҳам худди Чикагоники каби экан. Қандайдир булутли ва серёмғир. Ёмғир ёға бошлагач, зиёратгоҳга келган одамлар тарқала бошлашди. Уларнинг кетаётганларини куриб, кабутарлар алланечук гамгин бўлиб қолишди. Улар худди ҳеч нимага тушунмагандек бир-бирларига қарашар ва дон сепиб уларни сийлаган одамларнинг кетидан уйчан қараб қолишарди. Ёмғир тезлашгач, шамоллаб қолмаслик учун мен ҳам зиёратгоҳнинг шарқий томонида турган машина томон юрдим. Мени кутавериб ҳайдовчининг кузи кетиб қолган экан. Тусатдан эшикни очгандим, у чучиб қуш уйқусидан уйғониб кетди.

– Чикдингизми? – деди у мени куриб, кузларини ишқаларкан.

Йулда ёмғир янаям тезлашди. Машинанинг ойна аргувчи мосламаси унга урилаётган ёмғир томчиларини артиб улгурмасди. Ёмғирнинг шаптини куриб, бир оз хавотир билан кабутарлар хақида уйладим. Уларни ёмғир остида қолиб кетишди, деган хаёлга бордим. Сал утиб, ёмғирдан жон саклагани уларга пана жой бордир, деб узимни тинчлантирдим. Аммо бу узоққа бормади. Сон-саноксиз шунча кабутар ёмғирда каерда жон саклайди, пана жой курмадим у ерда, деган бошқа бир хаёл бир зумда онг остимда гимирай бошлади.

– Бирор нарсангизни унутиб қолдирибсизми у ерда? – деди ҳайдовчи машинани ортга қайтаришини илтимос қилгандим, менга угирилиб.

Зиёратгоҳга қайтиб келгач, машинадан шошиб тушдим. Кабутарлар масканига айланган ялангликка кадамини тезлатиб бордим. Бироқ, у ерда кабутарлар йук эди. На ерда, на осмонда. Улар худди каергадир изсиз йуқолгандек эди. Нима қилишимни билмай бирпас ёмғир остида бошим котиб турдим.

– Бирор нарсангизни унутиб қолдирибсизми?

Чилдахонанинг эшигини беркитаётган домла ҳам менга ҳайдовчи берган саволни берди.

– Кабутарлар қаерга кетишди? – дедим унга юзланиб. Домла тушунмагандек атрофга назар ташлади.

– Ҳеч қаерга кетишгани йук, – деди кейин хотиржам тарзда. – Чидлаҳонанинг томига қаранг. Уша ерда уларнинг ини бор. Улар уша ерда.

Мен чидлаҳонанинг томига қарадим. Аввалига, пана жойни кузим илғамади. Маълум вақт утгачгина у ердаги узун ингичка йулакни курдим. Йулакнинг атрофи уралиб, ичкарига ёруғлик кириб туриши учун ундан бир нечта дарча очиб қуйилганди. Дарчалардан кабутарлар бир-бирининг пинжига кирганча, бошларини чиқариб ташқарида ёғаетган ёмғирни кузатиб туришарди.

– Уларнинг ҳаммаси уша ерга сиғадими? – дедим ҳавотирим тарқаб кунглим жойига тушаркан, барибир янаям аниқлик киритиш учун домлага қараб.

– Албатта, – деди у ёмғир ҳўл қилган юзини даструмоли билан артаркан. Узок йиллардан бери улар уша ерда бир оила бўлиб яшашади.

Меҳмонхонага кайтганимда, усти-бошим ивиб кетганди. Сувга тушган мушукдан фарқим қолмай асосий эшикдан кириб келганимни куриб, у ердаги хизматчилардан бири менга сочик тутди. Сочикқа артинарганман, Америкага кўнғирок қилиш учун у ердаги навбатчи менежерга буюртма бердим. У дарров мен айтган рақамларни териб, онамни улаб берди.

– Ойи, – дедим гушакдан онамнинг таниш овози келгач. – Отамнинг кабутарларини бориб курдим. Улар худди альбомда тасвирлангандек экан.

Онам нимадир демокчи бўлди, лекин овози чиқмади. Гушакдан унинг йиғлаётгани эшитиларди, холос...

ҚОРА НОУТБУК

Икки кун олдин мени даволаётган касалхона врачлари билан очикчасига гаплашдим. У афсус билан бошини

чайқаб ошқозонимнинг титилиб, дабдаласи чикиб кетган расмини курсатди (саратон боло-да). Ҳеч қандай умид йук. Врачнинг фикрича, нари борса икки ойлик умрим қолган. Яратганининг раҳми келса яна бир ой яшашим мумкин.

Бунчалик барвақт омонатимни толшираман, деб уйламагандим. Аммо на илож. Пешонага ёзилганидан қочиб-қутулиб бўлмайди. Йигирма олти ёшимда бу ёруғ дунёни тарк этиш пешонамга ёзилган экан – албатта шундай бўлади. Мен нимаям қила олардим.

Кеча касалхонадан уйга келдим. Тузалиб кетишимга умид қолмагач, у ерда пул тулаб ётишимнинг нима кераги бор? Улимимни уйда қутдим нима-ю, касалхонада қутдим нима? Ҳар ҳолда, уйдагиси камхаржрок. Бунинг устига, уйда яқинларимнинг қайғули қиёфаларини ҳар қадамда кўриб тураман ва бу менга тасалли беради. Ахир узининг улаётгани бошқаларни хафа қилаётганини, уларнинг куз ёшларига сабаб бўлаётганини курса кимнинг кўнгли таскин топмайди? Ҳамма бундай илик муносабатни кўриб, намунали ва яхши инсон бўлган эканман, деган тахминларга берилади. Ҳатто тубан ва ёвуз кимсалар ҳам. Шуларни уйлаб уйга келдим.

Ота-онам кеча эрталабдан кечгача ёнимда утиришди. Ҳеч қасрга кетмай ва қайғуга чумиб. Охири, бугун иш жойларига кетишди. Анча яхшиман, деб ёлғон гапириб, уларни узим кетказиб юбордим. Онам ёлғонимни сезиб, уйда қолмоқчи ва биратула иш жойидан таътилга чиқмоқчи бўлганди – рост бунга қўнмадим. Шунга эрталаб у йиғлаб-йиғлаб кетди. Лекин, менимча, пешинда қайтиб келса керак, қўн бўйи ишлаш юрагига сиғмайди.

Уйдаги шароит ёмон эмас. Хонамдаги ғичирлайдиган, темир қаравотда ётибман. Деразанинг ёнида. Тапқаридаги қузнинг маънос ва заъфарон манзарасига қараб, қўн ора ёғаётган ёмғир томчиларини деразамга неча марта урилишини санаб. Дераза тоқчасида бир тийинга қиммат до-

ри-дармонлар, чойнакда дарров совиб қолаётган кук чой, шунингдек, кора ноутбук турибди. Дориларни ҳовлидаги чиқинди қутисига ташлаб юборинг, деб онамга неча марта айтдим. Онам оғрик кучайса, нчасан, деб унамади. Камига дорихонадан янгиларини олиб келиб, уларнинг сафини тўлдирди.

Ноутбукни токчага қуйишини онамдан атайин илтимос қилдим. У шундан бери токчада турибди. Уни биров очиб, ичини титкилашидан ва тугмаларини нотўғри эзиб дастурдан чиқариб юборинишдан улгудек куркаман. Шу нарса мени хавотирга солади. Шунинг учун икки қўлим унда. Қўздан панада турсин деб устига қўлранг сочик ташлаб қўйганман.

– Балки уни шкафнинг ичига солиб қўярмиз, – дейди онам ҳар гал олдимга кирганида.

– Тураверсин, – дейман унга эътироз билдириб.

– Уни ишлатмаяпсан, менинг хонамда турса-чи? – дейди отам уни қўлига олиб, у ер бу ерини ушлаб қураarkan.

– Тураверсин, – дейман унга ҳам худди онамга гапиргандек.

Шу-шу, ҳасалхонадан келганимдан бери ноутбукни узимдан узоқлаштирмайман. У яп-янги эмас, деярли маънавий эскирган, ичидаги дастури ҳам ҳозирги андозалар билан солиштирганда ҳеч нимага ярамайди. Лекин ундан ажралишни истамайман. Нима учун эканлигини айтмайми? Чунки унинг ичида йигирма олти йиллик умрим яширинган. Айнан шундай. Йигирма олти йиллик умрим! Шу умрим давомида туплаган китобларим, ёзган қўлёзмаларим, мактубларим, кундалигим, тушган суратларим унинг ичига батартиб жойлаштирилган...

Ғоҳида хонадаги шкаф ва китоб жавонига қараб ётаман. Шкафнинг ичи бум-буш. Улимимдан сўнг, унинг ичкарисини биров титкилайдиган бўлса, ундан на бирор-та сурат, на қоғозга ёзилган мактуб топа олади. Бундай нарсалар йўқ у ерда. Оилавий ёки дўсту биродарлар би-

лан тушган суратларим ҳам, эришган ютуқларимни узида аке эттирган суратларим ҳам, жамики суратларим шу ноутбукнинг ичида. Худди шундай тарзда, у ерда коғозда ёзилган ва конвертга солиниб, почта маркаси ёпиштирилиб, бирортаси томонидан менга юборилган ҳеч қандай мактуб йук. Ҳаммаси электрон тарзда ёзилган, шу ноутбукнинг ичида.

Китоб жавонида эса бор-йўғи унта китоб туради. Улар қайси китоблар эканини қўзимни юмиб айтиб бера оламан. Бошқа китоб йук. Жавон бум-буш. Жоним узилгач, уни эҳтимол чойнак-пиёлалар териб қўйиладиган сервантга айлантиришар. Тергани китоб бўлмаганидан кейин у сервантга айланса нима қилти, туғрими? Барча узимга керакли, мени мафтун қилган, таъсирлантирган, онгим ва дунёқарашимни устирган, керак бўлса йиғлаган китоблар у ерда эмас, шу ноутбукнинг ичида.

Жанон олдидаги ёзув столимининг усти ҳам бум-буш. Уйлаб курсам бирорта қўлёзма ёки қўндалик туширилган дафтар йук у ерда. Мана у ерга қараб турибман. Ҳеч қандай дафтар қўзга ташланмайдди. Номзодлик диссертациямининг қўлёзмаси-ю асл нусхаси ҳам, монография ва мақолаларим ҳам, ҳатто ўз ҳаётим ҳақида ёзган қўндалигим ҳам шу ноутбукнинг ичида.

Демак, бутун ҳаётим шу ноутбукнинг ичида экан. Бугун ҳаётим! Энди қимдир нега ноутбукни ёнимга қўйиб олганимни тушунгандир. Аслида, бу қоп-қора, турли хил тугмалардан иборат матоҳ – мени ҳаётим, ҳаётимни ўз ичига олган қўрилма. Уни мабодо деразадан улоқтириб юборсам ёки қимдир дастурини бузиб, форматлаб ташласа у билан бирга бутун ҳаётим йуқолиб кетади ва мендан ҳеч қандай из қолмайди...

Ётавериш жонимга тегиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Оёққа туришим бу сафар хийла енгил кечди. Кеча ҳатто ҳожатга ҳам юриб чиқа олмагандим. Қарангдандан тургач, китоб жавони ва стол устини қўздан кечирдим.

Кейин хонадан юриб чиқиб, негадир йулак охиридаги отамнинг хонаси томон қадам ташладим. Отам эшикни очик қолдирган экан.

Унинг хонаси меники билан бир хил эди. Ҳажмининг назарда тутяпман. Қолаверса, инвентарлари ҳам. Бу хонада ҳам меникига ухшаган шкаф, китоб жавони ва ёнғок дарахтидан ясалган ёзув столи бўлиб, меникидан фарқи – бу ердаги китоб жавони китобларга лик тула, ёзув столининг устида дафтарлар ва қўлёзмалар кават-кават бўлиб ётарди.

Китоб жавонининг олдида борганимда, унинг ойнаванд эшиги ортидаги китоблардан бирортасини қўлимга олиш истагида ёндим. Олган китобим Толстойнинг «Анна Каренина» асари бўлди (бу асарни ноутбукимдаги кутубхонамда электрон варианты бор). Китобни очгандим, юзимга унинг ёқимли хиди урилди. Отам доим китобларнинг хиди ёқимли бўлади, дерди. Китобни туйиб-туйиб хидларканман, бунга яна бир бор амин бўлдим. Уйлашимча, жавондаги китобларнинг барчасида узига хос шунақа хид бор. Ноутбукимдаги электрон кутубхонада-чи? Шунини уйлаганимда ошқозоним енгил санчиб қўйди.

Китоб жавони олдида тик оёқда туравериш куп утмай мени чарчатди. Инсон ўлими яқин қолганда суякларини муртлашиб, тезда қолдан тойиб чарчайдиган бўлиб қолади чоғи, бирпасда ҳарсиллаб нафас ола бошладим. Ёзув столи қаршисидаги стулга утиргач, нафасим сал-пал ростланиб ўзимга келдим.

Ёзув столи устидаги отамнинг дафтарлари ва А4 форматидаги оқ қоғозга ёзилиб папкага тикилган ҳолда уст-ма-уст терилган қўлёзмалари эътиборимни тортди. Дастлаб қўлёзмаларни варақладим. Булар бир неча йиллар олдин отам химоя қилган докторлик диссертациясининг яралиш тарихи, унинг қораламаларидан иборат қўлёзмалар эди. Уларнинг орасида отамнинг театр ҳақидаги монография билан мақолаларининг илк вариантларини

узида камраган қоғозлар ҳам учрарди. Кулёзмалар ёнида калин дафтар турарди. Бу отамнинг кундалиги эди. Кундалик олис бир минг туккиз юз туксонинчи йилдан бошлаб шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олган, унга отам турли хил кайдларни, хотираларини ва шахсий фикр-мулоҳазаларини тинимсиз ёзиб борган эди.

Стол тортмасини очганимда у ердаги бир боғлам конвертлар ва қора ялтирок муқовали альбом диққатимни тортди. Конвертларда турли йилларда отамга юборилган мактублар урин олганди. Улар отамнинг дўстлари, ҳамкасблари, яқинларидан эди. Айримлари сиёҳли ручкала, айримлари шарикли ручкада ёзилганди. Альбомда эса отамнинг болалик, ўсмирлик, талабалик, ёшликдаги суратларидан тортиб оиламизнинг суратларигача бор эди. Уларнинг қўпчилиги альбомга ёпиштирилган, ёпиштирилмаган қисми бир тул қилиниб, унинг орасига кистириб қўйилганди. Ёпиштирилмаган суратларнинг орқа томонида суратга олинган жой ва саналар акс эттирилганди.

Отамнинг хонасидан кайфиятим тушиб чиқдим. Ўз хонамга кирганимда ошқозоним каттиқ санчишни бошлади. Оғрик қолдирувчи дорини афтимни бўймайтириб ичган, урнимга қайта қўзилдим. Каравотда ётарканман, кузим олдида отамнинг хонаси, унинг китоблари, кулёзмалари, мактублари ва суратлари доира шаклида айланишга тушди. Улар ҳақида ўйларканман, ноутбукнинг ичига тушиб қолган «хаётим» кайфиятимга янаям путур етказди ва ихтиёримга зид равишда чуқур тушқунлик сари шўнғидим.

Бир пайт кузим илинибди. Туш қурибман. Тушимда ҳам худди ўз хонамга ухшаш хонада, ушандай каравотда ётибман. У ерда ҳам деярли бум-буш китоб жавони билан ёзув столи, дераза тоқчасида эса қора ноутбук турибди. Тўсатдан, ана уша тоқчадаги қора ноутбук жойидан ҳавога кутарилди. У рўпарамдаги девор олдида ўчиб келиб нўғохон қатталашди. Унинг диаметри шунчалик қатталашдики, рўпарамдаги деворни бутунлай эгаллаб олди.

Кейин унинг экрани ёнди. Катта экранда аввалига узимга таниш манзара гавдаланди. Кетидан кутилмаганда одам бош чаноғи пайдо булди ва хунук, чийилдоқ овоз чикариб, менга мурожаат қилди: «Салом, Нодир». Сунгра, у оғзини кимиралатиб, хиринглаб бир-икки кулди. Бу бир неча дақиқа давом этди. У экрандан йуқолгач, бир оз тин олдим. Аммо унинг урнига энди одам устухонидаги ингичка қул суягини ёдга солувчи номаълум қул экранда куринди ва мени асабийлаштирганча экран четида турган папкаларни зур бериб титкилай бошлади. Шунда юрагимга росмана ғулғула тушди. Уша папкаларнинг ичига китобларим, қулёзмаларим, мактубларим, кундалигим ва суратларим жойлаштирилганди-да. Номаълум қул биринчи папкани очди. Бу менинг электрон кутубхонам эди. Унинг ичига узимга керакли китобларни йигиб туплаган эдим. Ғулғула кучайгандан кучайди ва асабийлашганимдан қулларим қалтираб кетди. Папкани титкиларкан, номаълум қул бирма-бир у ердаги китобларни учиршига тушди. «Анна Каренина»ни, «Мартин Иден»ни, «Горио ота»ни, «Евгений Онегин»ни... Буни куриб бир зумда бошим гангиб, тилим айланмай қолди. Оғзимни очиб нимадир демокчи булдим, лекин овозим кургур чикмади.

Китоблардан сунг номаълум қул бир неча дақиқа оралиғида қулёзмаларим жой олган папканинг авра-астарини чикариб ташлади. Кино санъати хакида кечалари ухламай, кийналиб, не-не машаққатлар билан ёзган мақола ва эсселаримни курсаткич бармоғи билан учирши тутмасини каттик ёзганча асфаласофилинга жунатди. Қулёзмаларим папкаси ҳеч қанча вақт утмай ҳеч вақоси йуқ, кераксиз папкага айланди-қолди.

Номаълум қул чарчок нималигини билмасди. Навбат қуп утмай электрон почтага келди. У йиллар давомида мактубларим жамланган папкани ичини очиб курмасдан, почтага қушиб бир йула учирди. Утган йиллар давомида яқин инсонларим, дусту биродарларим юборган қим-

матли ва кадрли мактублар арзимаган дақиқалар ичида уз мавжудлигини йукотди.

Шу тобда урнимдан туриб, экрандаги номаълум кулни чаваклаб, бурда-бурда қилиб ташлашга тайёр эдим, бироқ ғазабим қанчалик ошиб-тошмасин, қўл-оёғимни худди қимдир қаравотга маҳкам боғлаб қўйгандек ҳечам уларни қимирлата олмасдим. Овозим хануз чиқмас, қанчалик бақириб ёрдамга чақирмай, хонамга ҳеч қим кирмасди.

Номаълум қўл устига «қўлдалик» деб ёзилган папканинг ичини очганида ғазабдан кукариб кетдим. Оғзимдан ён-атрофимга тупук сачрай бошлади. Папкани титкилаб ташлади. Лекин, менга ниҳоятда азиз бўлган қўлдалигимни бирданига учирмади. Аксинча, худди эрмак қилгандек уни дам у еридан, дам бу еридан учирди. Дастлаб талабалик йилларим ҳақидаги бўлимни, кейин болалик пайтимни узида акс эттирган бўлимни йўқ қилди. Худди шундай тарзда, қўлдаликнинг қолган бўлимларини ҳам пианино клавишларини қалгандек тартибсиз ҳолда ноутбукнинг хотирасидан чиқариб ташлади.

У суратларим тупланган папкага етиб келганида мен аллақачон бушашиб, булаётган шафқатсиз жараённи илғай олмайдиган ҳолатга келиб улгургандим. Энди ғазабдан қўпик тупурмасдим. Қўз олдим оппоқ туманга йўлрилган ҳолда баҳайбатлашиб кетган ноутбукнинг экранига шунчаки гарантсиз термилардим.

Суратларим ҳам бирин-кетин ноутбукнинг хотирасидан учирила бошланди. Тандирдан узилган иссиқ нонни тишлаб тушган болаликдаги суратим биринчи бўлиб учирилди. Кейин, мактабда усти-бошим чанг ҳолда футбол тупи билан тушган суратим. Шу кетма-кетликда талабалик ва ёшлигимнинг олтин даврларини узига жо қилган суратлар ҳам, оиламизда нишонлаган туғилган кун ёки Янги йил байрамларидаги суратларим ҳам – ҳамма-ҳаммаси номаълум қўл томонидан тубанларча учирилди.

Ҳар гал у ниманидир учираётганида, ноутбук экранида бояги одам бош чаноғи куринар ва у гоҳ буридек увиллаб мени астойдил мазах қилса, гоҳ ҳар ёнга кимирлаб учирилаётган папкаларга ишора қилганча «қалай, зўрми?» деб очик оғзидан тутун пурқарди.

Экрандаги папкалар бум-буш ҳолга келгач, унда энди менинг сурагим намоён бўлди. Бу сураат каердан келди, билмайман. Папкалар ичида бундай сурагим йук эди. Чама-си, сураат янги эди. Сураатдаги чорасизлик акс этган аянчли ҳолатга касалхонадалигимда, аниқроғи, врач тез кунда улишим мумкинлигини айтганида тушгандим. Наҳот, ушанда кимдир мени пана жойдан туриб сураатга олган бўлса?

Бир оз утиб сураатнинг остига туғилган йилим ва эҳтимолӣ улиш йилим ёзилди: 1993 – 2019. Ўлган одамдан шунда фарқим қолмади. Бу мусибатни ҳазм қилолмай турганимда, бош чаноғи яна ноутбук экранида пайдо бўлди ва менга қарата баланд овозда «сен узидан ҳеч қандай из қолдирмайдиган йигирма биринчи аср авлодининг илк вакилисан», деди ва бу гапни бир неча марта такрорлади. Бу гапнинг маъносини мен англаб-англамай, унинг беух-шов ва совук кулгиси ноутбукдан хона бўйлаб таралди. У кулаверди, кулаверди, кулаверди...

Уйғониб кетганимда, онам қошимда утирарди. Терга пишиб кетиб, кийналиб нафас олганча унга қарадим. У хавотирли нигоҳи билан мендан кузини узмас, безовта туришидан нима қилишини билолмаётгандек таассурот уйғотарди.

– Сенга нима бўлди? – деди у бир оздан сунг менга пиёлада совиб қолган чойни тутаркан.

Пиёлани қулимга олиб, чойни ютоқиб ичдим.

– Эрталаб қоламан десам, қуярда қуймай ишга жунатдинг мени, – давом этди онам кўз ёши қилиб. – Шунақа бўлишини кўнглим сезганди.

Ноутбук, – дедим унга эътибор бермай атрофга олазарақ боқарканман. – Қора ноутбук!

Онам бир қули билан тоқчадаги ноутбукни олди.

– Уни бошқа ерга олиб қуяйми?

Мен шошиб унинг қулидан ноутбукни тортиб олдим ва пайсалга солмай экранини ёқдим. Экрани ёнғач, кузларимни катта-катта очиб ва юрагимни ҳовучлаб у ердаги папкаларни текширдим. Папкалар бут, уларнинг ичидаги нарсаларим жойида эди. Бундан анча енгил тортдим. Сал узимга келгач, ноутбукни эҳтиёткорлик билан учирдим-да, тоқчадаги урнига қайтиб қўйдим.

– Шу ерда тураверсин, – дедим онамга қараб.

Тинчланганимни курғач, онам оғир кадам ташлаганча тушликка мастава қайнатаман деб хонадан чикиб кетди. У ташқарилагач, каравотга чўзилиб ёнбошладим. Рупарамдаги оплоқ деворга тикилганча тушимни, унда асабимни қақшатган уша одам бош чаноғини, ноутбук экранидаги папкаларга жойланган «ҳаётим» ни учириб ташлаган номаълум қулни ўйладим.

Бу хосиятсиз тушни хотирамдан чиқариб ташлашни қанчалик истамай ва ортиқ уни эсламаслик учун бор ирода кучимни намоён қилишга уринмай, у барибир унут бўлмади. Айниқса, бош чаноғи ва унинг бетиним кулганча айтган сузлари қулоғим остида сира кетмади: «сен узидан ҳеч қандай из қолдирмайдиган йигирма биринчи аср авлодининг илк вакилисан»...

Унинг шу сузларини эсларканман, каравотда ётганча ноутбук турган ерга қараб бирдан узим ҳам хахолаб қулиб юбордим.

МАРКЕСНИНГ КИТОБИ

Октябрни яхши кураман. Унда купрок шамол эсади, купрок ёмғир ёғадиги. Ҳаво ҳам қўпинча булутли бўлади. Оёқ ости сарғимтир бариларга тулиб, атрофдаги ҳазонрезги кўнгилга қандайдир сокинлик бахш этиб, тасалли беради.

Кеча шамол эсланди, бугун ёмғир ёғди. Кечга бориб у тинган булса-да, ердан атроф бўйлаб тарқаган ачқимғир ва нам ҳид ҳалиям димокка урилади. Ҳарорат кечга бориб анча тушиб кетди, шунга булса керак, равонда туравериб совқотиб кетдим ва ичкарига кирдим.

У ерда биринчи бўлиб кузим тушган нарса узун ва катта китоб жавони бўлди. Унинг олдига келиб бир лахза нима қилишимни билмай турдим. Шу тобда китоб уқишга майлим йўқ эди. Бошим симилаб оғрир, юрагим сиқиларди. Бундай вазиятда китоб ўқигандек ҳам бўлмайсан киши.

Хонадаги битта-ю битта креслога чуқарканман, охирги кунларда бўлгани каби Нафисанинг китоб сўраб чиқмаётгани тагин эсимга тушди. У сўнги бор ун кунча олдин Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асарини ўқиш учун олганди. Шундан бери унинг дараги йўқ.

Вақт ўтиши билан бошимдаги оғрик кучайди. Дори ичмасам бўлмасди. Шунга урнимдан туриб бош оғриғига қарши дори ичдим. Кетидан янгитда ўзим дамлаган аччиқ қахвадан ҳўпладим. Шундан сўнг хонада бузчининг моқсидек у ёқдан бу ёққа бориб кела бошладим...

...Икки ой бурун рупарамдаги хонадонда яшаган урис кампир вафот этгач, оиласи билан уникига кучиб келган Нафиса мендан китоб олиб ўқирди. Бу ерда кампирнинг хориждаги ўғли уларга уйни сотибди, деган гап юрарди. Нафисанинг отаси ҳарбий бўлиб, шаҳардаги ҳарбий қисмда ишлар, ўзи адашмасам қайсидир мактабда инглиз тилидан дарс берарди.

У шахсий кутубхонам борлигини қўшнилардан эшитган шекилли, мендан бу ҳақида ўзи ҳеч сўрамаганди. Чунки куча-қўйда менга дуч келганида бирор нарса сўраш тўғул, лом-мим демас, ийманиб саломлашишдан нарига ўтмасди. Мен ҳам истиҳола қилиб уни ортиқча гапга тутмасдим.

— Китобларингиздан ўқигани олсам бўладими? — деди у бир кунги ногаҳон хонадоним олдида пайдо бўлиб.

Бошида рости хайрон булдим. Бу ерда ҳеч ким мендан китоб сурамасди-да. Шунга карамай уни ичкарига таклиф килдим.

– Бунча китобларингиз куп.

Нафиса кутубхонамни томоша киларкан, худди ёш боладек қувониб кетди. Мен индамасдан дераза олдида лабимга сигаретимни кистирганча туравердим. Унга жавоб кайтаришни истамадим. Жавоб кайтарсам у яна саволлар беради, деб уйладим. Сигарет чекаётганимда бировга жавоб беришга одатланмагандим.

– Жек Лондоннинг «Мартин Иден» асарини олсам буладими? – деди у куп утмай.

Унга орқа угирганча сигарет тутунини ичимга торгарканман, бошимни кимирлатиб розилигимни билдирдим. Нафиса китобни олгач, менга миннатдорчилик изҳор килди.

– Кагга раҳмат сизга! Уни тезда укиб чикаман.

Унинг биринчи олган китоби «Мартин Иден» булганди. Кейин, ҳар уч ё тўрт кунда олдимга чиқишни одат килди. Биз айтарли куп суҳбатлашмасдик, у бир оз тортинчок эди ёки камгаплигимни кўриб оғиз очгани уяларди. Мени дераза олдида купинча индамай сигарет чекиб турганимни кургач, у укиб булган китобини авайлаб жойига қўяр ва жавондан узига кераклисини олиб, тезда хонадан чикиб кетарди.

Бу ҳолат бир неча марта шундай давом этди. Лекин сунгги марта у олдимга чиққанида бари бошқача булди. Негалигини узим ҳам билмайман. Бу гал дераза олдида унга орқа угирганча сигарет чекиб турмадим. Аксинча, креслога жойлашиб ундан кўзимни узмадим. У ҳам хонага кирганиям билдинмай, бир китобни қўйиб, иккинчисини олганча дарров чикиб кетмади. Гуё китоб танлашга қийналгандек, жавонни одатдагидан узокроқ титкилади. Чўзилиб кетган титкилашлардан сунг, Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» китобини қўлига олди ва тик турганича, хонанинг уртасида анча вақт уни варақлаб турди.

– Сиз купрок жаҳон адабиётини уқиркансиз-а? – дедим илк марта унга синчковлик билан тикиларканман.

Нафиса унга тикилиб утирганимни пайқагач, аввалига лавлагидек кизариб кетди.

– Шундай, купинча жаҳон адабиётини уқийман, – деди узини қулга олиб китобни варақлашда давом этаркан.

Зимдан разм солинса, уни жозибали дейишга одам иккиланарди, боиси у сираям ўзига эътибор бермасди. Устига-устак, жудаям нозик куринарди. Шундай булса-да, уни узини тарбияли тутиши, ҳаракатлари ва феъл-атворидаги босиклик, кузларида порлаб турган ҳаётга чанқоқлик ҳисси одамни ўзига жалб этмай қолмасди.

– Бу ердаги китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз? – деди у бир маҳал китобдан бошини кутариб, мен томонга қараркан.

– Деярли ҳаммасини, – дедим жанон томонга назар солиб.

– Сизга ҳавасим келяпти, – давом этди у китобни ёпиб, қўлиғига қистирганча кетишга тараддуд қураркан.

– Қаҳва ичишга нима дейсиз? – дедим у бўсағага етгач, ногоҳ урнимдан туриб. – Айни қаҳва ичадиган ҳаво бўляпти-да. – Нафиса қия очик турган дераза томонга боқди. – Майли, агар сизга малол келмаса, – дедим сўнг хижолат бўлиб.

– Сизга шакарли булсинми ё шакарсиз?

– Шакарсиз була қолсин.

Қаҳва ичиш давомида мен камгаплигимни унутдим, у тортинчоклигини. Мен асосан, ўқиган китобларим ҳамда ўзим кадрлаган адиблар хусусида узоқ гапирдим. У мени диққатини бир ерга жамлаб, кизиқиш билан эшитди. Ўзининг навбати келгач, ўқиган китоблари хусусида мендан сира қолишмаган тарзда завқ билан гапирди. Уни тингларканман, дунёқараши ўзимники билан икки томчи сувдек ўхшаш инсон билан суҳбатлашиш инжик кўнглимга ёқаётганини, унга йиллар бўйи етишмаган ширин ҳало-

ватни йук жойдан топганимни тушундим. У чикиб кетгач, китоблар каршисида яна узим қолдим. Доимгидек ёлғиз. Ёлғизликка қуниққан юрагим бу сафар ҳам унинг хилват гушаларида сайру саёҳат қилишни бошлайди, деб қаттиқ янглишдим. Биринчи марта бундай бўлмади. Илк дафъа жудаям ёлғизлигимни, тўрт девор ичидаги бу ёлғизликнинг бутун насту баландини кўнглимдан чуқур утқаздим.

Эртасига уйдан чиқарканман, кучада Нафисага рупара бўлдим. Унинг ёнида мактабга борадиган синглиси бор эди. Ҳар доимгидек, у билан қисқа саломлашдим, автобус бекатигача чурқ этмай, орқама-орқа кетдим. Гапиргим келди, лекин журъатим етмади. Балки атрофдаги одамлардан уялгандирман.

Бекатда мен таксига, у автобусга чикиб кетди. Таксида кетаётганимда унинг ўқиш учун китоб олгани ёдимга тушди. Шунда ҳаёлимнинг сарҳадларини бу сафар ҳам китобни у тезда ўқиб чиқармикин, деган уй беармон кезиб чиқди. Охири, ўқиб чиқади, деган қарорга келдим.

Шу тариқа орадан тўрт кун ўтди. Олдинига ҳеч нарса билинмади. Бешинчи кунга бориб, Нафисани китобни алмаштиргани чиқмаётгани кутилмаганда руҳимдаги осойишталикни сиқиб чиқариб, унда тийиксиз безовталикни юзага келтирди. Олтинчи куни табиатимга зид равишда юрагим сиқилиб, рostaкамига асабийлашишни бошладим. Еттинчи куни одатимга қура дараза олдида сигарет чекиб турарканман, Маркеснинг уша китобини бир ҳафтада ўқиб тугатмаслик мумкин эмас, деган ҳулосага келдим ва шу ҳулоса тутоқиб кетишимга сабаб бўлди.

Кеча руҳиятимдаги ҳолат янаям ёмонлашди. Суғурта ташкилотидаги иш жойимда шу туфайли рисоладагидек ишлай олмадим. Уч юз саксон олти бетдан иборат бўлган китобни бунчалик узок ўқилиши сира тасаввуримга сиғмай, нуқул шу ҳақида уйладим. Турли хил саволлар

хам миямда гужгон уйнади. Балки, Нафисанинг вақти булмагандир китоб уқишга, дедим кулим ишга бормай. Ҳеч канча нақг утмай шунчаки китоб унга ёкмаган, шунга тоқчасида чанг босиб ётибди, менга кайтариш эсидан чиккан холос, деган уй шууримни камраб олди.

Иш жойимдагиларнинг купи китоб уқишга кизикмас, фақат «Рисклар ва хатарлар» бўлимидаги Феруза опа онда-сонда китоб уқиб турарди. У уттиз беш ёшлар атрофидаги, самимий ва жудаям зиёли аёл эди. Танаффуслар пайтида ундан бутун уй-фикримни эгаллаб олган Маркеснинг мазкур китоби хусусида сураб-суриштирмоқчи бўлдим.

– Феруза опа, – дедим олдига кириб. – Сиздан битта нарсасам буладими?

Феруза опа столи устидаги бир уюм қоғозларни тартибга келтираётганди.

– Майли, Ҳумоюн, – деди у ишидан бошини кутариб.

– Ҳажми уч юз саксон олти бет булган китобни сиз неча кунда уқиб чиққан булардингиз?

Феруза опа бир оз уйланиб турди-да:

– Бу қандай китоблигига боғлиқ. Агар у мени кизиктирса, етти кунда уни уқиб тугатаман. Агар кизиктирмаса, бир ойда ҳам уқиб тугата олмайман, – деди.

Иш давомида худди шу савол билан узимга яқин бўлиб қолган мижозлардан бирига ҳам мурожаат қилдим.

– Ҳафсала қилсам икки ҳафтада уқиб чиқсам керак, – деди у озгина уйланиб туриб.

Иш вақти тугаб, уйга қайтаётганимда бу саволни такси хайдовчисига берганим барчасидан утиб тушди.

– Очиғи, китоб уқишга кизикмайман, – деди у орқа уриндикни курсатиб турувчи ойнадан менга қулиб қараб.

Уйга келгач, ичкарига кирмай деворга суянганча йулакда турдим. Бу туришимдан Нафиса келганимни деразадан кўрган бўлса, эҳтимол, китобни алмаштиргани чиқар, деган мақсад бор эди. Йигирма дақиқагача чузилди бундай туришим. Аммо эшик тақилламади. Бундан

кайфиятим тушиб, шимимнинг чўнтагини кавладим. У ердан сигарет кутисини олдим. Кути деярли бўш эди. Ичида бахтимга бир дона сигарет қолган экан. Уни лабимга қистириб, бурнимнинг тагида тугурт чакдим. Сигаретни тутатганимча, китоб жавонининг олдига келдим. У ердан бир нечта китобларни қўлимга олдим. Уларнинг бири икки юз эллик тўрт, иккинчиси бир юз саксон уч, учинчиси бир юз йигирма тўрт бетдан иборат эди. Шу учинчисини қолдириб, қолганларини кайтариб жавонга солиб қўйдим. Китобни пича қўлимда ушлаб, эринмай бошидан охиригача варақлаб чикдим. Нафиса чиккудек бўлса, уқигани энди шуни тавсия қилсаммикин, деган фикрга ҳам бордим.

Хонада у ёқдан бу ёққа юранериш қўп утмай оёғимни чарчатди. Яна креслога чуқдим. Дори ичганимга бошимдаги оғриқ қолшини бошлади. Лекин юрагим ҳамон сиқиларди. Креслонинг четига бошимни қўйиб, бир зумга кузларимни юмдим. Куз олдимдан Нафиса, унинг ташки қуриниши ва феъл-атвори бирма-бир утди. Шунда ун қўн ичидаги безовталик, асабийлашиш, руҳиятимнинг ёмонлашиши — барчаси уни қутаётганимнинг ҳосиласи эканлигини ҳис қилдим. Ҳеч кимдан ҳеч нарса қутмасликка урганган камина мана неча кўнқи уни қўтиб яшаётгандим. Уни яна олдимга чиқишини, бу ерда менга бир оғиз гапиришини, ёқимли овози шу хона бўйлаб қисқа вақтга бўлсин таралишини интиқлик билан қутаётгандим. Дарҳақиқат, шундай. Ёлғон гапириб нима қилдим: Маркеснинг китобини қанча вақтда ўқилишини аслида мен учун аҳамияти йўқ эди.

Бу ҳақиқатни тан олғач, бирдан қаҳ-қаҳ ўриб қўлиб юбордим. Қўлгимда алам, соғинч, ҳижрон ўз ифодасини топганди. Тинмай қўлардим. Борган сари баландроқ ва бетизгин. Шу пайт эшик тақиллагандек бўлди. Аввалига эътибор бермадим. Тагин тақиллади. Уни бориб очншдан олдин ҳалигача алмаштирилмаган устимдаги иш кийи-

нимни тартибга келтирдим: буйнимда кийшайиб турган буйинбоғимни тутриладим, куйлагимнинг осилиб ётган тугмаларини қададим. Кейин, эшикни очдим. Остонада кулига китоб ушлаганча Нафиса турарди.

– Қийинчилик билан укиб тугатдим, – деди у қулидаги китобни менга курсатаркан жилмайишга ҳаракат қилиб.
– Маркес мени роса тер тукишга мажбур қилди...

БЕРЛИН ЭРТАГИ

Эрталаб Котбуссер Тордаги метро станциясига бордим. Ташқарида тиним билмай ёмғир ёғарди. Майдалаб, юракни эзиб-эзиб. Станцияга боргач, у ердаги кичкинагина емакхонага кирдим. Емакхона эшиги олдида йўқсил болакай скрипкасида аллақандай куйни ижро этарди. Утган-кетганлар унинг олдидаги мис идишга чой-чака ташлаб утишар, бир чеккада утирган дайди ит атрофига норози киёфада қараб, бурига ухшаб увилларди.

Емакхонада сендвич еб, сутли кахва ичдим. У ердаги столда кимдир «Билд» газетасининг эски сонини қолдириб кетган экан. Шунга куз югуртираётгандим, станцияга метро келиб тўхтади. Газета томон йўналган эътиборимни унга қаратдим. У ҳар доимгидек белгиланган вақтда жойидан қўзғалиб кетди.

Германияда аниқлик худди касалликка ухшайди. Метро, мисол учун, тонгги соат саккиздан ун беш дақиқа ўтганида жойидан қўзғалиши керакми, доим шундай бўлади. Муштарийни ушбу станцияда илк учратган куним ҳам шундай бўлганди. Ушанда ҳам ташқарида ёмғир шаррос қуярди. Мен метронинг ичида эдим. Метро юра бошлагач, Муштарийни у томонга югургани эсимда. Уни метро томон ҳаллослаб югуриб келаётганини куриб, урнимдан сакраб тургандим ҳамда метронинг ёпилишни бошлаган эшикларини гавдам билан тўсиб олгандим. Шундай қилинса метро юрмайди, аниқроғи, эшиклари ёпилмаса

юрмайди. Муштарий унга чикиб олгач, нафасини ростлаб-ростламай менга миннатдорчилик билдирганди.

– Сизга ачинганимдан шундай килдим, – дегандим унга жавобан.

У эса миннатдорчилик билдиришда давом этганди.

– Барибир ташаккур! Манзилимга ярим соат кечикиб боришдан халос килдингиз.

Ташқарида ёмғир ёғаётгани боис унинг усти ивиб кетган, турмакланмаган узун сочлари хул, буғдойранг юзидан тинмай ёмғир томчилари окиб тушарди.

– Соябон олиш эсингиздан чикибди-да.

– Хотирам сал чатоқроқ. Купинча зарур нарсалар шунака эсимдан чиқади.

Ушанда унинг эғида одмигина пушти ранг костюм бўлиб, шу ва қора рангдаги классик услубда бичилган, пўйчаси кенг шими билан қулидаги куримсиз сумкаси уни камтарона курсатар, кузлари тубидаги сокинлик ва ҳаракатларидаги босиклик одамда у билан гаплашишга майл уйғотарди...

Станциядан чикиб, Хеерштрасседаги китоб дуконига кирдим. Муштарий кетгач, бу ерда унинг урнига бошқа кизни ишга олишибди. У Лотин Америкаликка ухшади. Ёстаради, қорамағизгина. Ичкарига кирганимни куриб, дарров ёнимга ошиқди ва мендан ёрдам керак-керакмаслигини суради. Мен қулим билан бунга ҳожат йук дегандек ишора килдим. Китоб дуконинда айтарли ҳеч нима узгармаганди. Бу ерда куп қолмадим. Қурук чикиб кетишини узимга эп қурмай, Кафканинг унча қиммат бўлмаган китобларидан бирини қўлтиклаб ташқарига чиқдим.

Бу ерга биринчи киришимда сал бошқачароқ бўлганди. Менга Муштарий пешвоз чиққан, уни куриб бир зумда танигандим. У ҳам метро воқеасини эслаб, мени дарҳол таниган ва қирмизи лабларини сал қимтиб, сездирмай жилмайиб қуйган, кейин ёнимда юриб анча-мунча китобларни тавсия килганди.

– Университетдаги укишимдан буш пайтда шу ерда ишлайман, – деганди Райнер Мария Рилкенинг шеърини китобини менга тавсия қиларкан.

Унинг бу гапларига ушанда унча эътибор бермагандим, чунки бу табиий ҳол эди. Германияда маҳаллий талабалар ҳам, хориждан келган талабалар ҳам буш пайтларида турли хил дукон, ресторан ва ташкилотларда соатбай ишлашарди. Диккатимни узига жалб этган нарсая бошқа эди. Муштарий узини Ўзбекистондан эканлигини айтганда, унга каттиқ тикилиб қолгандим.

– Намунча тикилиб қолдингиз? – деганди у шунда қизариб-бузариб.

– Бобомнинг юртидан экансиз.

У гапимни эшитиб ҳайрон қолганди. Мени немис деб уйлагани аниқ. Ташқи томондан албатта немисга ўхшардим, онам немис аёли эди, узим оқ-сарикдан келгандим, соф немис тилида гапирардим. Қолаверса, калбан ҳам немис эдим. Лекин бобом ўзбек эди. Гарчи у бу ҳақида отам ва менга чурқ этиб гапирмаган, киндик қони тукилган юрт ҳақида лом-мим демаган бўлса-да, (отамни билмадим) мен бу ҳақида билардим. Туғрироғи, тасодифан билгандим. Унинг улими яқин қолган пайтда ёзган, болалигидан тортиб уруш пайти ва ундан кейинги ҳаётини қамраб олган кундалиги анча йиллар бурун қўлимга тушиб қолганди. Ушанда мактаб ўқувчиси эдим. Бобом кундалигида қўп нарсалар ҳақида ёзганди. Кундаликда ёзилишича, у юрти бўйлаб хунрезликларни йулга қуйган, отасини қатағон қилган, онасини Сибир деган совуқ улкага сургун қилган, сунъий очарчиликни юзага келтирган Сталин ва болшевиклардан жирканарди, эҳтимол шунинг учун бўлса керак, уруш йиллари Бухенвалд концлагеридаги асирликнинг аянчали оқибати ва узига ўхшаган асирларнинг қўндан қўнга бекорга улиб кетишадиганини қўриб, ана уша бир тўда болшевиклар учун умрини ҳазон қилишни истамай, Туркистон легионига ўтган ва ҳамюр-

ти, легион фаоли Рузи Назар қулида уруш тугагунича хизмат қилганди.

Кундалигида у узини аллақандай Марғилон деган шаҳардан эканлигини ёзганди. Бу шаҳар атрофи баланд тоғлар билан ўралган водий ён бағрида жойлашган экан. Мен ушанда бобом дунёга келган бу шаҳар ҳақида биринчи марта уқигандим ва у ҳақида туликрок билишни жуда-жуда хоҳлагандим. Ҳатто кундаликда бу ҳақида юзаки маълумот берилгани учун иложини топиб бобомдан батафсилроқ сурамоқчи бўлганман. Аммо хонадони-миздаги ғалати муҳит бунга ҳечам имкон бермасди.

Емакхонамизда бобомнинг Рузи Назар билан нацистлар ҳарбий кийимида тушган сураги ҳар доим деворда осилганча турар, овқат пайтида ҳам, байрамларда ҳам, қачон ва қайси пайт бўлмасин, бобом нуқул оғзига толқон солгандек жим утирар, юзи тунд куринар, унинг бу ҳолати ва жиддий қиёфаси ундан тайинли гап чикмаслигига мени ишонтирарди. Айниқса, у уз юрти ҳақида умуман гапирмас ва бунақа саволларга назаримда тоқат қилолмасди. У овқатдан олдин менга номаълум тилда қандайдир дуони пичирлаб, сунг овқатланар, кунботар томонга юзланиб четлари полукли узунчок гиламча устида куняга беш маҳал ибодат қилар, бироқ она юрти ва у билан боғлиқ хотиралардан доим узини олиб кочарди. Шу хотиралардан кутулиш учун ҳам, менимча, немис аёли бўлган бувимга уйланганди, отамга ҳам немисча тарбия берган, унга немис қаллик топган, ҳатто мени ҳам болалигимдан немис тили, маданияти ва удумлари асосида тарбиялаганди. Уйимизда немис тилидан бошқа тилда гапириш таъқиқланарди, ваҳоланки бунга бизда зарурат ҳам йўқ эди, чунки ҳаммамиз бобомнинг саъй-ҳаракатлари эвазига қон-қонимизгача немисга айланиб улгургандик.

Унинг бундай йўл тутганини тоҳида узимча тушунгандек булардим. У она юртидаги уша пайтдаги сиёсий

мухит ва вазиятдан улгудек норози, аламзада булган ва узининг наздида тутган йули учун узини айбламас, узини бунга тула ҳақли деб биларди. Бирок шунча норози ва аламзадалигига қарамай, нима учун у отам ва менга ўз исмига ўхшаш, ўзи туғилган юртни ва мансуб булган элни ёдга солиб турувчи исмлар куйганини сира тушунмасдим. Отамга Бахтиёр, менга эса Исфандиёр деб исм куйганди. Бу сиртдан қараганда худди тақдир ҳазилига ўхшарди. Айнан шу исмларимиз туфайли бу ерда айримлар бизни немис деб ҳисобламас ва Германияга Туркиянинг гадоёй топмас чекка қишлоқларидан келиб қолган деб ўйларди.

Муштарийга бу гапларни айтиб бераётганимда унинг кузларидан ёш чиқиб кетганди. Маълум бўлишича, унинг бобоси урушдан қайтмаган экан. Балки, у бобом ва унинг қуролдошлари булган легиончилар ёки нацистлар отган ўқларнинг бирортасидан ҳалок булгандир.

– Бобонгиз тилга олган шаҳар билан менинг она шаҳримни саксон чақиримлик масофа ажратиб туради, – деганди кейин Муштарий узини қўлга олиб.

У билан гаплашарканман, бобомнинг кундалиги орқали менга маълум булган юртга нисбатан тафаккуримда яралган кизикиш тобора ортиб борарди. Марғилон, Андижон, Фарғона... Муштарий бу атрофи осмонупар тоғлар билан уралган, сулим водий бағрида жойлашган шаҳарларнинг ҳар бири ҳақида, у ердаги урф-одатлар ва анъаналар, одамларнинг турмуш тарзи ҳақида менга ҳар сафар эринмай гапириб берарди.

Мен доним банкдаги ишим тутагач, вақт топиб мана шу китоб дуконига шошардим. Табиийки, Муштарий шу ерда буларди. Мазкур китоб дукони томон мени қандайдир қўзга қуринмас қўл етаклар, узимга олдин номаълум булган ширин туйғу жалб қиларди. Бу ерга узок пайт келмай қўйсам ҳар гал менга кислород стишмаётгандек булар ва келиб Муштарий билан оёғина суҳбатлашганим-

дан сунггина кунглим жойига тушиб, бир текис ва равон нафас олишни бошлардим.

Гоҳида унга гул совға қилиш ёки уни бирорта ресторанга тушликка таклиф қилишни хаёл қилардим, аммо феъл-атвор жиҳатидан тортинчоқ инсон бўлганим ҳамда аёлларга эътибор қаратишга унча одатланмаганим учун бунга фаросатим тулиғича етмас, айрим ҳолларда эса журъатим заифлик қиларди. Ҳали бунга эрга деб ҳам ҳисоблардим, чунки Муштарийдан купинча бобомнинг юрти ҳақида сурардим, бошқа мавзуда деярли кам суҳбатлашардим, ийманардим. У ҳам фақат олисдаги ўзи ва бобом туғилган юрт ҳақида гапириб тасаввуримни кундан кунга бойитар ва у ҳақидаги билимимни ортиб боришига сабабчи булар, бунинг натижасида, уша юртни уз кузим билан куриш орзуси беихтиёр юрагимда аланга олиб гуриллаб ёнар ва бошқа мавзу ҳақида оғиз очиш ҳаёлимгаям келмасди.

Ниҳоят, бир кун журъатим етиб Муштарийни тушликка таклиф қилдим. У аввалига ишонқирмади, кейин бу таклифимни уйлаб куришини айтди. Европа маданияти билан яқин таниш бўлган мендек инсонга, тан оламан, бу ғалати туюлди, чунки бу ерда турмушга чиқмаган кизни кимдир тушликка таклиф қилса, у сираям буни уйлаб кураман, қабилида гапирмасди.

Бирга тушлик қилган кунимиз ҳам эсимда. Якшанба бўлгани учун мен ҳам, Муштарий ҳам енгил тин олиб, ресторанда хотиржам утиргандик.

– Ҳоҳлайсизми, сизга ўзбек тилини ўргатаман? – деди бир маҳал Муштарий сардиния балиғини тановул қилаётиб.

Бу пайтда мен содали сув ичаётгандим ва унинг саволи мен учун қутилмаган янгилик бўлди.

– Қандай бўларкин?

Уша кун илк машғулотимиз бўлиб ўтди. Торштраседаги унча катта бўлмаган рестораннынг ўзида, Муштарийнинг кумаги билан мен «салом», «хайрли кун»,

«ахволингиз яхшими» ва шунга ухшаш унлаб суз ва ибораларнинг узбекча варианты билан танишгандим. Уларни тилимда талаффуз қиларканман, кунглимда узгача хиссиётларни туйгандим. Бонси, биринчи марта бобомнинг она тилида гапиргандим. Бошка томондан, айнан уша кун Муштарийга биринчи марта аёл сифатида қарагандим. У беҳад чиройли эди. Бунинг устига кунтилчан ва самимийлиги чегара билмасди. Қурук ва табиатан жиддий юрадиган немис қизларига ухшамасди. Эғнидаги бинафшаранг куйлаги уни янаям чиройли қилиб курсатар ва юрагимда ниш уришни бошлаган ширин туйғу билан тулиб-тошиб бораётган меҳр аралаш унга бот-бот суқланиб тикиларканман, қузимиз тўқнаш қелиб қолса мен бу ишимдан хижолат булар, у эса икки ёноғи қизариб ноқулай ахволга тушарди.

– Исмिंगиз маъносини биласизми? – деди Муштарий ушанда уртага тушган ноқулайликка барҳам бериш учун.

Мен, масалан, Себастьян, Петер, Паул каби немисча исмлар маъносини, айримлари авлиёларнинг исмлари эканини билардим. Аммо уз исмим қандай маъно билдириши хусусида бирор марта уйлаб қурмагандим.

– Яратганининг тўхфаси... Исмिंगиз шундай маънони англатади.

У ҳақ эди. Исмимни бобом бежиз бундай қуймаган. Айтишларича, онам мени дунёга келтириш жараёнида жула қаттиқ қийналган, азоб тортган. Бобом уша кезлари отамдан ҳам чуқур изтиробга тушган ва ётоқхонасидаги жавонда турадиган уша гиламчага чук тушиб, ёрдам сураб тинмай Худога илтижо қилган экан.

Шундан сунг Муштарий ресторан деразаси узра қучага уйчан тикилиб қолганди ва пичирлаб уз исмининг маъносини айтганди.

– Сизга қизик эмасдир бу, шундай бўлса-да, айтдим.

У билан олти ойга яқин муддат ичида мулоқот қилиш ва кунда бўлмаса-да, дийдор қуришини натижасида унга

ҳаддан зиёд боғланиб қолгандим. Буни бутун вужудим билан ҳис қилиб яшардим. Шунгадир балки, бир кун у ўқишини тамомлаганини айтганида ичимда ғашлик юзага келди. У ўқишини тамомлаган ва бу ерда қолиш учун ортик унда сабаб йўқ эди. Мен ўзимга ўзим шундай дедим. Шунга қарамай бундан ич-этими ердим, безовталигим сарҳад билмасди. Энг қизиғи, у ҳам юртига қайтиб кетаётгани учун хурсанд қуринмас, мен каби безовталанар ва нигоҳидаги маъюслик менга тикилганида янаям аниқроқ қалқиб юзага чиқарди. Худди кечагидек эсимда:

– Ўзим ўқиган мактабда исми тилидан дарс бераман, – деди у йўл-йўлакай ундан келгусида нима қилмоқчилигини сураганимда менга узок ва маъюс тикилиб.

Аэропортда у билан хайрлашаётганимда эса:

– Германияни бир умр соғиниб яшайман, – деди менидан кузларини олиб қочиб.

Унинг кетганига ҳам, мана, уч ойдан ошди. Уч ой ўтди орадан. Уч ойдан бери мана бу хумрайган осмон остидаги биров билан иши йўқ, роботсимон, худди соат механизмидек аниқлик ичида қун қуриб зерикмайдиган одамларга тула улкан Берлинда энди у йўқ. Вақтим булди дегунча, уч ойдан буён мана шундай тентираб ўша метро станциясига, китоб дўконига ёки Торштрасседаги ресторанга бораман. Ҳис-туйғуларим ва Муштарий билан боғлиқ хотираларим мени ўша ерларга етаклайди. Соатлаб ўша ерларда утираман. Муштарийни эслаб, у ургатган ўзбекча сўз-ибораларни бирин-кетин талаффуз қиларканман, туриб-туриб бобомнинг юрти ҳақида энди ҳеч ким билан гаплаша олмамлигим алам қилиб кетади.

...Кечга яқин ҳеч тинишни билмаган ёмғир остида Херштрасседан Фридрихштрассе томон юрдим. Уйимиз ўша ерда эди. Ота-онам уйда бўлиб, отам газета ўқиш билан банд, онам одатига қура, қиш яқин қолгани учун иссиқ лайпок туқиш билан овора эди. Йўлакдан ўтиб, емакхонанинг уртасидаги столга яқинлашганимда девор-

даги бобомнинг Рузи Назар билан бирга тушган сурагига яна кузим тушди. У ҳарбий кийимда, виқордан кура дард билан атрофга тикилиб турарди. У ердаги стуллардан бирига утирдим. Онам ошхонадан косада товук шурва олиб чикиб олдимга қўйди. Қошиқ билан косанинг ичинини кавларканман, ичимда Муштарий кетганидан бери менга тинчлик бермай келаётган ҳис яна менга азоб бера бошлагандек бўлди. Балки соғинчдир ёки хижрондир бу ҳис. Балки айрилиқ ҳиссидир. Бирок мени жуда ёмон азоблашни бошлади. Охири, ортик бардошим етмади, чи-долмадим ва қандай қилиб бу гап оғзимдан чикиб кетганини билмай ҳам қолдим.

– Дада, мен бобомнинг юртига бориб келмоқчиман, – дедим бир маҳал овқатдан бошимни кутариб, отамга юзланарканман.

Отам газетадан бошини кутариб, уни икки буклади-да, кузойнаги остидан менга пича ҳайрон бўлиб тикилди. Кейин ҳеч нима бўлмагандек яна газета уқишга тушди. Орага бир неча дақиқалик жимжитлик оралади.

– Банкдаги ишинг қолиб кетади, – деди у анча утиб.

– Таътил оламан, – дедим мен ҳеч буш келгим келмай.

– Ўша ерга бориш сен учун шунчалик муҳимми? – деди у буш келмаётганимни кўриб пешонасини тиришти-раркан.

– Қуйинг, бориб келаверсин, – деди бир пайт бурчакдаги диванда ичинини қилиб жим утирган онам унинг олди-га келиб суҳбатимизга қушиларкан.

Отам бир лаҳза уйланиб қолди, сунг бошини кимирлатиб розилик бергандек бўлди. Онам эса бобомнинг хонасига хириб, у ердан нимадир кутариб чиқди. Бу ранг-баранг иплар ёрдамида атрофига туялар, ўртасига гумбазсимон масжид тасвири туширилган эскириб кетган даструмол эди.

– Ол буни, – деди онам уни қулимга тутказиб. – Бу даструмол бобонгни бир умр ёнида юрган.

Бобомнинг юртига кетадиган куним эрта турдим. Узимда кучли хаяжонни сездим. Бобомнинг юртидан секин-асталик билан Муштарийнинг юртига ҳам айланиб бораётган серкуёш замин ҳақидаги билган ва эшитганларимни энди ўз кузим билан куриш имкони пайдо бўлгани мени ҳаят таъсирлантириб юборди. Бундан ташқари, Муштарий ҳам куз олдимдан кетмай қолди.

Отам вақтли ишга кетганди. Шунинг учун уйимиз олдида такси келиб тўхтаганида фақат онам билан хайрлашдим. Онам озгина куз ёши тукиб олди, мени каттиқ бағрига босди, таксига утирганимда йнги аралаш қўллари сикитди.

– Хасратраседаги қабристонга кириб ўтамиз, – дедим ҳайдовчига машина катта йўлга чиққач.

У, тушундим, дегандек бош ирғаб, йўлида давом этди. Қабристонга етиб келганимизда, қуёш аллақачон теварак-атрофга нур сочишни бошлаганди. У ердаги узун йўлак орқали юриб бориб, бобомнинг қабрини топдим. Кузим тушган биринчи нарсаси – қабр устидаги мрамартошга уйиб чизилган бобомнинг сурати бўлди. У гуё менга «Исфандиёр, қаерга отландинг», дейтгандек булар ва унинг олдида тиз чўкқанимда бу сурат янада катталлашиб менга шу саволни такрорларди...

– Бобо, сизнинг юртингизга кетяпман, – дедим мрамартошнинг аста сийпалаб суратга аранг тикиларканман.

Қабрдан ҳеч қандай садо чиқмади, бобомнинг сурати эса менга яна уша саволни берди:

– Исфандиёр, қаерга отландинг?

ОРЗУ ОРТИДАН

Эрталаб беҳос уйғониб кетдим.

Кимдир мени баланд овозда чақираётганди. Овоз қўчадан келарди.

– Нурмат амакн, – дедим дарвозани очгач, қаршимда кутилмаганда жудаям юпун кийиниб олган купнимни куриб.

– Мен... мен, – деди у шоша-пиша, – Купдан бери чакираман. Совукда котиб қолдим. Ичкарига кирайлик.

Нурмат амаки етминш ёшлардаги, жуда орик, буйи паст, кексайган булишига карамай сочларининг бир туки ҳам тукилмаган киши булиб, уйида бир узи яшарди. Хотини анча йиллар бурун қазоси етиб уни ташлаб кетган, иккита кизи баъзи-баъзида кургани келиб туришар ва шуларни хисобга олмаганда бошқа иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган бирорта қон-қариндоши йук эди.

У умри давомида фақат иккинчи даражали ҳамда эпизодик ролларни ижро этиб кексайган, Шекспир қаҳрамонларини сахнада гавдалантириш орзуси ушаламай армонга айланган уртамиёна, нафақадаги бир театр актёри эди. Театрдаги фаолияти давомида эсда қолган ягона сезиларли роли «Ревизор» спектаклидаги Бобчинский бўлган бу инсон табиатан самимий, кексаларга хос бўлган ужалликдан четда қолган, юмшоқтабиат ва серғайрат кишилар тоифасидан булиб, шу ёшида уни ҳаётдан сўрайдиган ёки нолийдиган ҳеч нимаси қолмаганди. Аммо негадир Шекспирнинг «Қирол Лир» асаридаги кекса қиролнинг родини қирк йиллик актёрлик фаолияти давомида уйнай олмаганидан хуноб булиб яшарди.

– Кеча роса репетиция қилдим, қушни, – деди у совко-тиб кетганидан мендан ҳам олдин хонага кириб туғри печнинг олдига бориб исинаркан. – Булмади. Ўхшамади. Шуида ўзимга ўзим кечкурун ҳам репетиция қиладими, тонгда барвақт уйғониб репетиция қилиш лозим, дедим. Бу борада адашмабман. Шўрлик қиролнинг охирги сахнадаги монолог бори-ку, ана ушани кечкурун тўрт марта қайтаргандим. Ўхшамаганди. Тонгда бўлса қарорим иш бериб каминанинг ижроси кечкурундагига қараганда дурустроқ чиқди. – У шундай деб коксуяк қўллари-

ни бир-бирига ишқаб қуйди. – Стулга утирсам майлими? – давом этди танасига иссиқ югурди, шекилли, печнинг олдидан узоклашаркан. – Бир қаранг-да. Мана бундай утирдим. Тутри эмас. Сал букчайиб. Қирол Лир шундай утиради. У кекса, кучдан қолган-да. Қуллари доим қалтираб туради. Шу туфайли кизининг жонсиз танасини ҳам маҳкам кучолмайди. Бундан ташқари унинг жонсизлигига ишонгиси келмай, қўзларини катта-катта қилиб очади.

У қўзларини айтганидек қилиб очди, орала камзулининг чунтагидан йиртилиб кетиш арафасида турган қандайдир қоғозни чиқарди ва пировардида, қирол Лирнинг охирги сахнадаги ҳолатига тушиб, қоғозга қарай-қарай буғик овозда қайғули монологни ўқий бошлади.

– Айрим камчиликлар устида ишлашим керак, – деди монолог нихоялагач. – Асосан, шу охирги сахна устида мени машаққатли меҳнат кутяпти. Ўзиям энг мураккаб сахна шу-да. – У ўрнидан туриб ёнимга келди-да, дастлаб атрофга аламлиб чиқди. – Ҳатто, буюк актёрлар ҳам шу охирги сахнани аранг уддалашган. – деди сўнг қўлогимга яқин келиб. – Монологларга жиддий ёндашишим, уларни ёд олишим керак. Қачонгача қоғозга ёзиб уларни ёнимда олиб юраман? Эрта-индин театрга қайтсам, томошабинни олдига чиққанимда бунинг ҳечам иложи бўлмайди-ку.

У тапиришдан тухтаб, энди курсаткич бармоғи билан чаккасини нуқишга тушди.

– Мен ҳозир ўйга кириб шу муаммо устида ишламасам бўлмайди.

Наздида рўй бериши эҳтимоли юқори бўлган фавкулоддаги шу ҳодисаларни ўйлаб, у шоша-пиша ўрнидан турди ҳамда боя ўзи стул устида қолдирган қирол Лирнинг монологи битилган қоғозни олиб, менга репетициясини кузатганим учун миннатдорчилик билдирганча хонадан чиқиб кетди. У чиқиб кетгач, мен ҳам қийиниб кучага чиқдим. Кун бўйи шаҳар марказий кутубхонасида бўлдим. У ерда Лотин Америкаси адабиёти ҳақида ёзаёт-

ган илмий ишим учун турли рисола ва китобларни титкилаб маълумот йигдим. Кечга яқин уйга қайтганимда, Нурмат амакини яна дарвозам олдида учратдим. У худди эрталабгидек юпун кийинган, мушти билан тинмай дарвозамни тақиллатарди.

– Э, уйдасмасидингиз? – мени куриб ёнимга келди.

– Кутубхонага кетгандим, – дедим унга қулимдаги китобларни курсатиб

– Бугун театрга бордим, – деди у китобларга ахамият бермай. – Ишга қайтишимни директор билан маслахатлашгани. Хонасининг олдида уни роса кутдим. Лекин келмади. Эртага яна бораман. Унга ишга қайтишимни айтаман. Ишга қайтиб, кирол Лирни уйнайман.

Эртасига унинг уйи олдидан утаётганимда, уйнинг куча томонга қараган деразалари шарақ этиб очилиб, деразанинг олдида у пайдо бўлди.

– Кушни, – деди менга қўлларини силкитиб бакираркан. – Театрга бориб директорга учрадим. У келди. Мақсадимни унга айтгандим, мени диққат билан эшитди. Қайтишимга ижобий қаради. Факат бу иш бир оз кечиктирилади шекилли, чунки театрда ҳозир буш жой йук экан. Буш жой бўлиши билан менга телефон оркали хабар беришаркан.

Кейинги уч кун мобайнида Нурмат амаки бошқа олдимга чикмади. Факат учинчи куни утибгина чикди. У гоятда асабий куринарди.

– Ярамаслар, ярамаслар, – такрорларди бетиним.

У донмгидек печнинг олдида бориб утирди. Қуринишидан ким биландир жанжаллашганга ухшарди.

– Қизларим келишганди, – деди табиатига хос бўлмаган ғазаб билан. – Театрга қайтишимни айтгандим, улар бу фикримни маъқуллашмади. Кексайдингиз, ишлай олмайсиз, дейишди. Кексайибман, ишлай олмас эканман. Бундан чикди, кирол Лирни ҳам уйнай олмас эканман-да. Йук, бунакаси кетмайди. Ҳозир уни айни уйнайди эн пай-

тим. Ёшим ҳам туғри келади. Киrol Лир етмиш ёш атрофида булган. – У урпидан сапчиб оёкка туриб, кулларини оркасига қилиб олганича хонада бемаксад у ёқдан бу ёкка юра бошлади. – Ахир сиз кўрдингиз, туғрими? – деди ба-ногоҳ қаршимда тухтаб. – Киrol Лирни уйнай олишим-ни, унинг ахволини, рухиятини чуқур урганганимни уз кузларингиз билан кўрдингиз. Унинг монологини таъсирли қилиб уқиганимни кулокларингиз билан эшитдингиз. Улар эса кўришгани йук, эшитишгани ҳам йук. Шунга бе-маза гапларни гапириб дилимни хуфтон қилишяпти.

Мен килаётган ишимдан бошимни кутариб унга юзландим. Марио Бенедеттининг портретига чизгиларим ҳам бир чеккада қолиб кетди. Бу илмий ишимнинг бир қисми эди. Нурмат амакини хануз асабий ҳолдалигини кўргач, кўлим ишга бормади. Бу орада хонанинг бир бурчидаги электр чойнакдаги сув варақлаб қайнади. Урнимдан туриб чой дамладим.

– Шу тобда чой қон босимимни кутариб юборади, – деди Нурмат амаки унга чой узатгандим, ичгиси келмай пиёлани тоқчага қуйиб.

Мен узимга қуйган чойни охиригача ичдим-да:

– Амаки, балки кизларингиз туғри айтишаётгандир, – дедим пиёланинг тагида қолган шамаларга маъносиз тикилиб.

Нурмат амаки шунда менга маҳзунлик билан қаради.

– Улар ҳеч нимани билишмайди.

Бу ерда мен ижарада турардим. Институтда ишлаш билан бирга илмий ишни ёзиш қуп вақтимни олгани учун қишлоққа – ота-онамнинг олдига бориб, уларни йуклаб туришим баъзида қузилиб кетарди. Шу кунларда институт кафедрасидаги ишимдан таътилга чиққаним боис энди уларни йуклашга менда етарлича фурсат туғилганди.

– Эртага қишлоққа кетяпман, – дедим Нурмат амакига у бир оз ховуридан тушганини сезгач. – Ота-онамни кўриб келгани. Икки-уч кунга. Балки бир ҳафтагидир.

У яхши дегандек бошини кимирлатиб қуйди.

– Унгача менгаям театрдан кунгирок қилиб қолишади.

Қишлоқда икки ҳафта қолиб кетдим. Январнинг совук об-ҳавоси у ерда янаям билинди. Шунинг учун ташкарига чиқмай, хонамнинг ичига камалиб олиб илмий ишимни давом эттирдим. Ҳатто ана шундай зерикарли кунларнинг бирида Бенедеттининг битта ҳикоясини кизиқишда узбек тилига утирдим. Шаҳарга қайтадиган кунимдан бир кун олдин гупиллаб қор ёғди. Тизза бўйи қор. Иуллар сирпанчик бўлиб пиёда юришдан ташкари машинада юриш ҳам кийинлашиб кетди. Паст тезликда юргани учун спидометри ишлаб-ишламаётгандек тасаввур уйғотган таксида бир амаллаб шаҳаргача келиб олдим. Уйим олдида ундан тушганимда, негадир Нурмат амакининг уйи олдида турган «Тез ёрдам» машинасига кўзим тушди. Унинг ичидаги ҳайдовчи машина рулига қунишиб олганча кимир этмасди. Бир оз утиб, уйнинг ичидан қўлига тиббиёт анжомлари солинадиган темир жомадон кутариб олган фельдшер йигит чикди ва унинг олди уриндиғига утирди. Машина жойидан секин қўзғалиб юриб кетди.

Такси ҳайдовчиси билан ҳисоб-китоб қилгач, уйимга кирмай тўғри Нурмат амакининг уйи томон юрдим. Кирсам эшик олдида унинг катта қизи Зарифа қудукдан сув оляпти. Мени куриб саломлашди. Ундан ҳол-аҳвол сураб, ичкарига кирдим. Хонанинг ичида Нурмат амаки кузларини шифтга тикканча каравотда ётар, унинг боши олпоқ бинт билан ураб ташланганди.

– Кеча улғудек ичган эканлар. Қорда сирпаниб кетибдилар, – деди ортимдан ичкарига кирган Зарифа. – Оркамиялари шикастланибди.

Мен нарсаларимни четроққа қўйиб, секин каравотнинг олдида бордим ва у ерда турган стулга чуккаладим.

• Театрдан ҳали кунгирок қилишмади, – деди Нурмат амаки мени кургач.

Орага бир зум сукунат оралади. Мен бу вақтда хонага куз ташладим. Хонада шу шалдиروق каравот билан эски стулдан ташқари ичига ут каланмаган печь, йигирмага яқин китобдан иборат эшиги қийшайиб ётган шкаф бор эди. Бундан ташқари парда тортилмаган дераза тоқчасида эски телефон аппарати турар, унинг ёнида бум-буш вино шишаси билан бир уюм коғоз ҳамда икки-учта ишлатилган шприцлар ҳар тарафга сочилиб, тартибсиз ҳолда ётарди. Хонанинг ичи нихоятда совуқ эди.

– Қушни, – деди Нурмат амаки ҳовлидан утин олиб келиб, уларни ёкиш учун печнинг ичига жойлаётганимда безовталаниб. – Телефон аппаратини бир қаранг-чи, сими жойидамикин, узилиб кетмадимикин?

– Сими узилмаган, жойида, – дедим қулимдаги гугуртни чақиб ёндиришдан олдин телефон аппарати турган томонга бир қараб қўйиб.

– Узилмаган бўлса яхши, – деди у жавобимдан қонқиш ҳосил қилгач. – Қунироқ қилишса жиринглайди.

Қўп ўтмай утинлар қасир-қусир овоз чиқариб, печь гурллаб ёнишга тушди. Хонанинг ичида иссиқнинг тафти бир мунча билинди. Муридан чиқаётган тутунни қурди шекилли, ҳовлида иш қилиб юрган Зарифа ичкарига кириб совуқ қотган қўлларини печга тутиб иситди.

– Кекса қиролнинг ҳамма гаплари ва монологларини ёдладим, – деди Нурмат амаки қизи исиниб бўлиб, ҳовлига чиқиб кетгач.

У сирланиб йиқилиши оқибатида лат еган бошини қимирлата олмай қолганди. Шу боис гапирганида фақат қўзларини мен томонга бурарди.

– Бирок театрдан қунироқ қилишмаяпти. Ҳар қуни қутаман. Қунироқдан дарак йўқ.

Ҳали фельдшер йигит унга оғрик қолдирувчи укол қилганида, унинг таркибига ухлатадиган доридан ҳам қушган чоғи, Нурмат амаки сал утиб ухлаб қолди. Кичик қизи Замира қелганида ухлаб ётарди. Замира хонага ки-

риши билан тугри токча томон юрди ва у ерда сочилиб ётган коғозларни кулига олиб, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Бу ишни якунлагач, келиб отаси ётган қаравотнинг четига утирди.

— Қайсарлик қилмай қасалхонага ётасиз, — деди Нурмат амаки уйғонгач, унга яқин келиб.

Нурмат амаки гўё ҳеч нимага тушунмагандек бир унга, бир хонага чойнак кутариб кирган катта қизига пича анграйиб қараб қолди.

— Қасалхонага ётмайман. Менга ҳадемай театрдан кўнғирок қилишади.

Унинг гапини эшитиб қизлари бирин-кетин бошларини қангаллашди.

— Кўнғирок қилишмайди, — деди Замира оғир уҳ тортиб. — Биласизми нега? Чунки уларга сиз керак эмассиз. У ерда кирол Лирнинг родини уйнайдиган унлаб актёрлар бор. Ҳаммаси бир-биридан истеъдодли. Улар турганида сизга бу ролни топиришмайди. Худди шундай. Ишлаб юрган пайтингизда топиришмаган, ҳозир топиришармиди?

— Синглим тугри гапини айтяпти, — деди катта қизи Зарифа остонада турганича. — Кирол Лирни уйнашни бир умр орзу қилиб яшадингиз. Ёшлигингиз ва умрингизни катта қисми шу орзу ортидан утиб кетди. Аммо, насиб қилмаган экан. Энди кексайдингиз. Энди бу орзу ортидан чопиб юрадиган ёшда эмассиз.

Нурмат амаки бор кучи билан тушагининг четини гижимлади-да, оғир-оғир нафас олди.

— Хонадан чиқиб кетинглар. Икковинг ҳам.

Улар чиқиб кетишгач, эшикдан қўзини узмай бир неча дақиқа гапирмай ётди. Кейин узига узи гапирдими ё менгами — тугриси, буни ажрата олмадим.

— Умрим орзум ортидан эмас, аслида уларнинг ортидан утиб кетди. Театрга ҳамма эрталаб озода кийимда ва тараниб-негиб келса, мен эғнимда охори бузилган кий-

имлар билан соч-соқолимга ҳафталаб устара тегмаган ҳолда келардим, чунки узимга қараш учун менда фурсат бўлмасди. Хотиним касалманд бўлгани учун қизларимнинг кундалик ташвишлари менинг буйнимда эди. Уларга қарардим, ювинтирардим, овқатлантирардим, боғчага ва мактабга олиб борардим, бирга дарсларини тайёрлардим, касал бўлишса бир неча кун касалхонада олиб ётардим. Шу сабабдан театрда узим хоҳлагандек ишлай олмадим. Истеъдод менда ҳам бор эди. Фақат куп вақтим қизларимга қараш билан утарди. Бунинг натижасида театрда бирорта спектакль қуйиладиган бўлса режиссёрлардан куп танбех эшитардим, боиси менга топиширилган ролларни маромига етказиб ижро этиш тугул ундаги персонажларнинг таплари ва монологларини ҳам тузукрок ёд ола билмасдим. Бошқалар каби уз устимда деярли ишламасдим, китоб уқимасдим, нутқимни ривожлантирмасдим. Хаёлим йигирма тўрт соат қизларимда буларди.

Кейинчалик бора-бора менга роль ҳам бермай қўйишди. Ҳамма режиссёрларнинг назарида истеъдодсиз, рольга масъулнот билан ёндашмайдиган актёр бўлиб қолдим ва купинча спектаклларга роллар тақсимланаётганида мени четлаб ўтадиган бўлишди. Мен керак бўлса, ойлаб роль уйнамасдим. Айрим ҳолларда, тасодифан роль топиширишарди. Бироқ бу роллар ўртамиёна спектакллардаги аҳамияти йўқ, майда эпизодик роллар булар ва менинг ролим баъзида иккита ёки учта жумлани айтишнинггина ўз ичига оларди, ҳолос...

Нурмат амаки тоқчада турган телефон томон маъносини ҳоҳ ташлаганча жим қолди. Унинг қўлида қўтилмаганда ёш қалқиб, ёноғигача оқиб тушди.

— Умрим асло орзум ортидан ўтмади, — деди бир маҳал қўзларини юмаркан.

Печдаги ўтинлар ёниб ўлғурганга ухшади, чунки печь турган ердан елкамга урилаётган иссиқнинг тафти анча қамайди. Ташқарига чиқиб, яна бир даста ўтин олиб кел-

дим. Уларни печинг ичига солаётганимда, эшик очилиб остонада эрталабки фельдшер йигит пайдо бўлди.

– Ҳали касалхонага олиб кетмокчи бўлдик, – деди у ортидан хонага кирган Замирага айб мендамас қабилида.

– Узлари унамадилар.

– Одам кексайганида шунақа инжиқ бўлиб қолади. – деди Замира отаси ётган томонга хижолат аралаш куз югуртириб.

Нурмат амакини икки киши замбилга авайлаб ёткизишди ва тезда касалхонага олиб кетишди. У айтарли қаршилиқ кўрсатмади. Кузлариниям очмади.

Хонада бир муддат узим ёлғиз қолгач, деразининг олдига бордим. Унинг тоқчасида қирол Лирнинг монологи ва сузлари битилган қогозлар майдаланган ҳолда, айримлари вино шишаси ва шприцларнинг атрофида, айримлари эса телефон апаратининг ракамларини беркитганча сочилиб ётарди.

– Хонани бир оз шамоллатиб, тозалаб олсам дегандим.

Остонада турган Зарифани куриб хонани бушатиш учун йулакка чикдим. Йулакда бир оз деворни ушлаб уйчан турдим. Шунда ичкаридан телефоннинг жиринглагани эшитилди. Бир оз утиб гушакни кутарган Зарифанинг овози эшитилди.

– Касалхонага жойлаштирдингми? Мен хонани шамоллатяпман, деворларигача хидланиб кетибди.

«МОСКВА»ДАН МАКТУБЛАР

Почтальон кетгач, Зарина у берган конвертни камзуlining ён чўнтагига солди. Уйнинг ичига бир оз хавфсираб, безовталаниб кирди. Айниқса, укасининг хонаси олдидан оёқ учиди ўтди. Меҳмонхонага кирганида, онаси ўша ерда эди. Сочларининг қорасидан кура оқи куп бўлган, нимжонгина аёл газета ўқиб утирарди.

– Доимгидек, отамдан, – деди Зарина конвертни унга узатаркан.

Онаси конвертни шошилмай, очгиси келиб-келмай очди. Унинг ичидан бир варак қоғозга ёзилган мактубни чиқариб, овоз чиқармай укиди. Кейин Заринага қайтариб берди.

– Бу гал купрок сигарет ва иссиқ кийим юборишимизни сурабди.

Зарина мактубга куз югуртираркан, орада очик турган эшик томонга эҳтиёткорлик билан бир-икки қараб қуйди. Мактубни эса онасидан фаркли равишда узоқ укиди. Онаси бу нақт давомида садо чиқармай, мактуб ва ундан куз узмай утирди.

– Эртага маошимдан аванс оламан, – деди Зарина мактубни укиб чиккач, уни икки буклаб конвертга соларкан. – Айтган нарсаларини юборамиз.

Онаси унга индамади, бирор гап қўшмади. Фақат, тушунарли, дегандек бошини иргаб қуйди. Зарина конвертни олиб, ўз хонаси томон ошиқди. Укасининг хонаси ёнидан ўтаётиб, бу гал эшикка ёпишиб ичкарига кулоқ тутди. Укаси афтидан дарс тайёрлаётган эди, чунки одатига кура математик масалаларни овозини чиқариб, гўлдираб ечаётганди.

Хонасига киргач, Зарина кулидаги конвертни стол устига ташлади-да, унга четдан алам ва маҳзунлик билан назар солиб турди. Шу ҳолатда туриши анча давом этди. Унинг бутун диққат-эътибори шу конвертга қаратилиб, гўё туришидан бошқа нарса хусусида уйламаётгандек эди.

Ниҳоят, у стол олдига яқинлашди ва у ердаги стулга беҳол чўкди. Ҳафсаласизлик билан, шунингдек, бошини худди оғриётгандек чангаллаб стол устида турган оппок қоғозлардан бирини олдига қуйди. Уни бир зум орқа-олдини текшириб кўргач, ручкада чап қўли билан унга шошилмай ҳамда хурсиниб-хурсиниб нималарнидир ёза бошлади. Оппок қоғоз дам утмай ёзувларга тулди. Шун-

дан сунг, Зарина стол тортмасидан янги конверт олиб, коғозни ушанга жойлади. Конверт оғзини суюк елим ёрдамида беркитгач, почтальон берган конвертнинг оркасини ағдарди ва унга қараб бум-буш конверт устига у ердаги реквизитларни кучириб ездди. Бирпасда иккала конверт деярли ухшаш ҳолга келди. Фақат янги конвертнинг «каердан» деган ерига эски конвертнинг худди шу ерига ёзишган «Қарши» сузини эмас, «Москва» сузини ёзиб қуйди.

Бу ишларни якунлагач, у енгил тортди. Бир лахза стулга суяниб, кузларини юмганча узини буш қуйиб утирди. Лаблари қуриб қолгандек бир-икки тамшанди, чуқур-чуқур нафас олди. Дераза ойналарига урилаётган куз ёмғирига пича эътибор қаратди. Кейин отасидан келган мактубни конвертга қушиб йиртиб ташлади. Қоғоз булакларини кафтига туплаб, йулак четида турган чикинди челагининг энг пастига тўқди.

Янги конвертни қулига олгач, уни бир нарса уйлантирди. Унга почта маркаси ёпиштириш керак эди. Муҳр ҳам урилши зарур. Почта маркаси булмаса у шубҳаланиши мумкин, деди укасини куз олдига келтириб. Муҳрга-ку акли етмаса керак. Бироқ, қуп утмай тинчланди. Бундан олдингиларида сезмаган, бутун ҳам сезмайди, деди узига тасалли бериб.

Укасининг хонасига кирганида, у дарҳақиқат, дарс тайёрлаш билан овора эди. У диққатини бир ерга қуйиб математик масалаларни ечар, жажжи кузойнаги орасидан кузлари китобга зеҳн ва иштиёқ билан боқарди. Заринани қуриб, у китобдан бошини кутарди.

– Ким келибди, опа?

Зарина бориб дераза тоқчасига суянди.

– Почтальон.

Укаси почтальон сузини эшитиб яшин тезлигида ур-нидан турди.

– Отамдан мактуб олиб келибдимми? – сурали кузлари чакнаб.

Зарина тасдиқ маъносида бошини қимирлатиб, унга қулидаги конвертни узатди. Ишкилиб, почта маркаси йўқлигини сезмасин-да, деб қўйди ичида.

Укаси конвертни очиқдан олдин узок ва қизиқиш билан томоша қилди. Устидаги реквизитларини роса текширди. Унинг оғзини очганида қайфияти кутарилиб, шодликдан кийкириб юборди.

– Отамнинг мактуби, – деди бир Заринага, бир қулидаги мактубга қараркан.

Мактуб лотин эмас, кирил алифбосида ёзилгани учун укаси доимгидек уни хижжалаб ўкиди. Бир марта ўқиш камлик қилди шекилли, икки-уч марта ўқиб чиқди. Бу вақт давомида унинг қулчадек юзи кизариб, хаяжонланганидан қузлари пирпираб кетди. Мактубда ёзилган сузларнинг маъносини англаш учун лабларини чуччайтириб, пешонасини тириштириб қўйди.

– Отамга янги автобус беришибди, – деди бир пайт Заринага юзланиб хурсанд ҳолда. – Олдингисидан катта экан. Ранги қизил экан бунисини.

Зарина ортиқ чидаб туролмади. Унинг олдига келиб, энгапганча елкасидан аста тутди. Қузлари намланиб унинг чаккасидан, пешонасидан, ёноқларидан ўпди. Жингалак сочларини силаб-сийпаб эркалатди.

– Ушанга яна озгина ушланиб қоларкан, – деди бағрига босиб. – Янги автобусни мингани отамдан бошқа яхши ҳайдовчи йўқ экан-да.

Укаси соғинчданми ё бошқаларми енгил ютиниб қўйди.

– Мактубида шундай дебди, кўрдим.

Зарина уни анча вақтгача қучоқлаб турди. Укаси ҳам қаршилиқ қилмай, мактубни қулига унлаганча жим утирди. Бир оздан сунг, у Заринанинг қучоғидан чиқиб, хонасидаги кичкина китоб жавони томон борди. У ердаги тўқ қуқ муқовали китобни олиб қайтиб келди. Китобнинг орасига бир тўп конвертлар қистириб қўйилган эди.

– Бу отамнинг олдинги мактубларими? – деди Зарина худди уни кимдир ипсиз осаётгандек нафаси қайтиб уларни кулига оларкан.

Буларни ҳам унинг узи ёзганди.

– Ҳа, уларни сақлаб қўйганман, – деди укаси янги мактубни ҳам конвертга қайтариб солиб, уларнинг орасига қушиб қуяркан. – Ҳар куни ўқийман. Кунда икки марта. Ўйғонганимда ва ухлашга ётишдан олдин.

Зарина укасининг олдида куп қолиб кетди. Унга толпирилган уй вазифасини ечишига кумаклашди. Очиги, унга осонгина дарс қилдирди. Ахир, катталарга туртинчи синфлар учун мулжалланган математик масалаларни ечишдан осон нарса йўқ-да.

Укасининг хонасидан чиққач, у тез-тез кадам тапилаб туғри ошхонага борди. У ердаги дераза тоқчасида турган биллур графиндан буш стаканга муздек сув қуйди ва олон бўлиб ёнишни бошлаган юрагининг иссиқ тафтини шу сувнинг ҳарорати билан босди. Аммо юраги каттиқ-каттиқ ва беҳаловат уришдан тухтамади. Асаби ҳам хиёл тараңлашгандек сезилди. Ёунинг устига истамаса-да, хаёлида яқин ўтмиш хира қурилиш бериб, ҳали унутилмаган воқеалар шууридан ташқарига ўрмалаб чиқишди.

Буларнинг ҳаммаси отаси мастликда одам улдириб, ун икки йилга камалгач бошланганди. Зарина ҳам, онаси ҳам укасига унинг йўқлигини, уйга келмаётганини дастлаб қандай тушуниришни билишмади. Ҳатто, кейинчалик ҳам сабаб топа олишмади бунга. Укаси ҳар куни отасини сурар, унинг келишини пойлаб қош қорайгунча кучада ўтирар, гоҳида ҳикиллаб йиғларди. Бора-бора у мактабга ҳам бормай қуйди, иштаҳаси йўқолди, озиб-тузиб кетди.

Отасидан илк мактуб келганида Заринанинг паришон хаёлига шу фикр келди. Бошқа чораси ҳам йўқ эди. Отасини қамокда эканини укасига на у, на ойиси юрак ютиб айта олишарди. Шу-шу, икки йилдан бери қамокхонадан отаси юборган мактубларнинг ўрнига унинг узи мактуб ёзиб, укасига беради ва шу орқали унинг кўнглини ва

балки соғинчини тинчлантиради. Отасининг мактубини эса фақат ўзи ва онаси ўқийди, сўнг конвертга қўшиб уни йиртиб ташлайди-да, чихинди челаққа яширади.

Москва шахри қаердан эсига келган билмайди. Шунчаки конвертда курсатилган Қарши шахрининг (отаси Қаршидаги камокхонада эди) ўрнига ёзиш учун эсига биринчи келган олис ердаги шаҳар шу эди. Шу йўл билан Зарина отасини Москвада эканини тукиб чиқарди, укасини отаси Москвадаги транспорт паркида автобус хайдашига чипла-чин ишонтирди. Шундан буён ҳар ойда уйларига «Москва»дан мактублар келади.

– У бир куни конвертда почта маркаси йуклигини сезиб қолса нима қиласан?

Зарина стаканни иккинчи марта сувга тулдираётганида онасини ичкарига кирганини пайкамай қолди. Стакан сувга тулгач, у негадир иккала қўли билан уни маҳкам ўшлаб, онасига дадил бокди.

– Ҳеч қачон бундай бўлмайди, – деди шундан сўнг катъий оҳангда. – Кейинги сафар конвертда албатта марка ёпиштирилган бўлади. Москва почтасининг маркасини топаман, суриштириб топаман. Ернинг тагидан бўлса ҳам.

У шу катъияти билан стакандаги сувни охиригача ичди.

– Отамни қотиб эканлигини у билмаслиги керак, – деди чиқиб кетаётиб остонада тухтаркан, бирдан онаси томонга ўгирилиб. – Ҳеч бўлмаганда вояга етгунча.

ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ

Мурод Икромович қўл соагига тезда қараб олди-да, сўнг бир томонга эгилиб қолган кўзойнагини тўғрилаб театрнинг асосий зали томон бўйинини чузиб қаради.

– Премьера ҳозир бошланади.

Менинг икки кузим бу пайтда афишага ёзилган спектаклнинг номланишида эди.

– Профессор, спектаклнинг номланиши ғалати эканми? – дедим ичкарига кириб жойларимизни эгаллаб олганимиздан кейин унга йулакдаги катта ҳарфлар билан ёзилган афишани эслатиб.

Парда кутарилишини интиқлик билан кутиб утирган Мурод Икромович худди шундай дегандек тасдиқ маъносида бошини ирғаб қўйди. Бир неча дақиқалардан кейин, парда кутарилиб спектакль бошланди. Актёрлар секин-аста ўзларига режиссёр томонидан бириктириб берилган ролларини уйнашга киришишди. Уларнинг ҳаракатлари, монолог ва диалоглардаги ўзларини тутишлари ҳалигача куз олдимда турибди. Залга йиғилган оз сонли томошабинлар булса уларнинг ижроларидан завқ олишиб, спектаклни шу бўйи кизиқиш билан кузатишди.

– Гунтекиннинг шу вақтгача факат романларини ўқигандим, – деди Мурод Икромович спектакль ярмига етгач кулоғимга яқин келиб. – Мана, ажойиб сахна асарлари ҳам ёзган экан. Туғри, «Халала» сиз айтгандек спектакль учун ғалати ном. Лекин бунга аҳамият берманг.

Сахнада актёрларнинг ижроси туфайли кизиқарли куринишга келган драма бир оз маиший мавзуда бўлса-да, уни томоша қилиш қайсидир маънода одамни зериктирмас эди. Унда воқеалар сизими, уларнинг ривожланиш тенденцияси, кульминацияси ва ечими унга режиссёр томонидан маҳорат билан ёндашилганлигини курсатиб турарди. Шу сабабми ёки яна бошқа сабаблар бормиди, нима булган тақдирда ҳам охириги сахнага бориб профессор учун унинг аҳамияти янада ошди.

– Ажойиб, – деди у давомли қарсак чаларкан. – Бу спектакль театр репертуаридан доимий жой олиши керак.

Спектаклни кузатиш давомида, унинг берган баҳосига мен ҳам қўшилдим. Туғриси, шу пайтгача Гунтекиннинг романлари яхшироқ ёзилган деган хулоса билан яшардим

ва буни миямдан ҳеч чиқариб ташлай олмасдим. Балки, болалигимдан унинг романларини укиб катта булганим ва улар уша пайтлари менга жудаям манзур булгани учун шундай уйлагандирман. Спектакль якунлангач, залга йиғилганлар уларнинг олдиларига куриниш бергани чиққан актёр ва актрисаларни ролларини маромига етказиб ижро этганликлари билан анча вақтгача олқишлаб туришди. Олқишлар тингач, уларга миннатдорчилик юзасидан гулдаста берганлар ҳам топилди, самимий тилаклар билдириб улар билан суратга тушганлар ҳам.

– Якин орада Вина Дельмарнинг «Бундан бу ёғи сукунат» драмаси қуйиларкан, – деди Мурод Икромович залдан чиқиб гардеробнинг олдига етканимизда. – Ишонгим келмаяпти. Нахот, Дельмарни ҳам яна қуйишса?

Мен гардеробдан пальтомни олгач, профессорга унинг пальтосини узатдим.

– Бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлади.

– Сиз ҳақсиз, – деди профессор эгнига пальтосини кийгач, кузойнагини қулига олиб шойи даструмоли билан унинг ойналарини апил-тапил артаркан. – Шунчаки, кузларимга ишонмаяпман.

Мен унга қараб кулиб қўйдим.

– Дельмарнинг асари театрнинг режадаги репертуарида турибди. Хавотирга урин йук.

Профессор кучага чиқишдан олдин мендан фаркли равишда пальтосининг тугмаларини кадаб, унга маҳкам бурканиб олди. Кучада ҳаво ҳаддан ташқари совиб кетганди: декабрь охирлаб улгурган, кишнинг тулақонли хукмронлиги давом этар, енгил шамол эсиб, эзмаланиб майда қор ёғарди.

– Мурод Икромович, – дедим кучага чиқиб олганимиздан сўнг. – Сизга ҳам бугун театрга жуда оз томошабин киргандек туюлдим?

– Туюлди, – деди у дархол. – Мен ҳам ҳозир шуни уйлаб тургандим.

– Менимча, кунчилиқда спектаклнинг номланиши ёки муаллифи қизиқиш уйғотмади.

Профессор мендан илгари юриб театрни куча билан ажратиб турган улкан зинапоянинг олдига келгач, бир оз пауза қилгандек юзига майдалаб урилаётган корга тикилиб турди.

– Сиз ҳозирги одамларни сахна учун ёзилган асарларни ажрага олади деб уйлайсизми? – деди кейин юзимга кулимсираб караб.

У жавобимни кутиб утирмай баланд зинапоядан эҳтиёт бўлиб пастга тушди ва тушиб бўлгач ортидан мени тушиб келаётганимни куриб четга чикиб кутиб турди.

– Йигирма биринчи асрга кадам қуйганидан кейин инсоният анча узгарган, – деди саволини жавобсиз қолдирганимни курса-да парвосига ҳам келтирмай. – Фан-техника тараққиёти туфайли одамлар куп нарсалар қатори эндиликда адабиёт ва санъатга бўлган муносабатларини ҳам қайтадан куриб чиқишяпти. Одамларнинг аксарияти аллақачонлар кутубхоналарга, мумтоз мусиқалар ижро этиладиган концертларга, музейларга ва шу уринда, театрларга ҳам бормай қуйишган. Бугун Гунтекиннинг асарини кургани келган ва насибаси кушилса, келгуси гал Дельмарнинг асарини кургани келадиган боя сиз билан менинг атрофимда утирган ана уша одамлар эса инсониятнинг кам сонли узгармай қолган қисми ҳисобланишади. Айнан шу кам сонли қисм туфайли ҳам театр деб аталмиш муъжиза, айни пайтга келиб эпидемияга айланган маънавий эскиришдан бир амаллаб жон сақлаяпти.

Мурод Икромович театрга келганлар орасида баъзи ганишларини кучада учратди, шекилли, улар билан одатига мос равишда йул-йулакай бош ирғаб саломлашиб куйди.

– Ҳозир одамлар икки тоифага ажралишган: йигирманчи аср одамларига ва йигирма биринчи аср одамларига. Бу худди Тургеневнинг «Оталар ва болалар»ини эслатиб юборади. Йигирманчи аср одамлари кутубхоналарга ҳам,

мумтоз мусикалар ижро этиладиган концертларга ҳам, турли хил санъат ёки табиат музейларига ҳам, театрларга ҳам боришади, чунки улар адабиётни, мумтоз мусикани, тасвирий санъат ва тарихни севишади, ардоқлашади ва шунинг баробарида, уларни ўзларининг маънавий баҳолатлари учун зарур эканини яхши тушунишади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Бунинг сабаби шундаки, улар болаликларида «Уч оғайни ботирлар», «Буратино», «Қор маликаси», «Этик кийган мушук» каби эртакларни, «Гуруғли» ёки «Алпомиш»га ўхшаган халқ оғзаки ижоди намуналарини бувиларидан тинглаб, оналарининг ширали аллаларига ҳамоҳанг равишда катта бўлишган. Оталарини хира чироқнинг нурида, баъзан шам ёруғида китоб мутолаа қилаётганини қуриб ҳавас қилишиб, улар кутубхоналардан Абдулла Қодирийни, Чингиз Айтматовни, Толстойни олиб ўқишган, туллаган пулларига китоб дуконларидан китоб сотиб олишган. Мактабда бўлса ўқитувчилари уларни ҳар ҳафта кузга қуринган тасвирий санъат, тарихшунослик ёки ўлкашунослик каби музейларга экскурсияларга олиб боришган. Вояга етиб улар кўнгил қуйганларида бир-бирларига уялибгина қўпинча, театрға борамизми, дейишган. Мана уларнинг севишлари ва ардоқлашларининг сабаби қаерда. Шунинг учун улар ҳанузгача вақт топиб кутубхоналарга, мумтоз мусикалар ижро этиладиган концертларга, музейларга ва театрларга боришади.

Иигирма биринчи аср одамлари эса ҳаётни қўпроқ фан-техника тараққиёти қобилиятининг ичидан қўришади. Уларни маънавий баҳолатдан қўра фан-техника борасидаги баҳолат қўпроқ қизиқтиради. Уларга ҳеч қандай фантазия ёки тахайюл керак эмас. Бадиий дид ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлаверади. Улар учун аниқ ҳисоб-китобга асосланган ва маълум бир дастурга бириктирилиб ўртача саксон йилни ўзига жамлаган ҳаёт бўлса бўлди, шунга улар бахтли. Улар учун фантазия ёки ҳаёлот оламиниям,

бадий дидниям шу фан-техника тараққиётининг унсури булган дастур бошқаради. Шунинг учун уларда бино ичида жойлашган темир жавонларда сақланадиган қоғоз китоблардан ташкил топган кутубхоналарга; қандайдир Бетховеннинг «Бешинчи симфония»си-ю Моцартнинг «Дон Жуан» операсидан таркиб топган мумтоз мусика оламига; Моне, Сезанн, Ренуар ёки Пикассо кабиларнинг фантазиялари орқали дунёга келган картиналардан иборат булган музейларга ва нихоят Гунтекин ёки Вина Дельмар қахрамонларининг муаммоларидан бушамайдиган театрға зарурат йук. Бир томондан уларни айблаб ҳам булмайдди. Ахир, улар болаликларида эртақлар эшитиш урнига бувиларининг техник ҳисоблагич ёрдамида нафақасини ҳисоблаётганини, алла урнига булса меҳрибон оналарини телефонда дугонасига лақиллаб айтган гапларини тинглаб катта булишган-да. Оталарини доим туртта ғилдиракдан иборат булган машинасини хавас билан юваётгани ёки зур бериб тузатаётганининг устидан чиқишган. Мактаб уқитувчилари уларни музей ёки табиат қўйнига экскурсияга олиб чиқиш гугул ун икки варақли дафтарга бажарган мустақил иш ёки рефератларини электрон ҳолда эмас, ёзма ҳолда булгани учун қабул қилишни хоҳламаган. Муҳаббат деб аталмиш савдо бошларига тушганида улар бир-бирларини шаҳарда катта шов-шув булиб кетган, эшиклари одам яқинлашганда уз-уздан очиладиган ресторанга ёки бошни оғритиб кунглини айнитиш даражасига олиб келадиган темир атракционлардан иборат булган истироҳат боғларига таклиф этишган...

Профессор совкотди, шекилли, бошқа гапирмади. Театрдан унча узок булмаган ерда автобус бекати бор эди. Биз уша ергача пиёда юриб бордик. Автобусга чикканимизда совук шамолнинг эсиши янаям кучайди. Қишдаги шамол ута совук булишидан тапқари кучли ҳам эсди. У автобуснинг ойналарига келиб шиддат билан уриларкан,

онда-сонда дод-фарёдга ухшаш ингичка овоз ҳам чиқариб қуярди. Куп утмай унинг кетидан қор ёмғирга айланиб шаррос қуйиб юборди. Унинг нухатдек келадиган томчилари автобус ойналарига тез суръатларда, тинимсиз урилиб, бир зумда барча ойналарни ҳўл қилиб ташлади.

– Бир амаллаб уйга кириб олсам бўлди, – деди Мурод Икромович автобус у тушадиган бекатга етиб келгач, ур-нидан тураркан.

Унинг сонкотиб кетгани юз-кузидан билиниб турарди. Унинг ёшида бу табиий ҳол эди.

– Эртагача, – деди у автобусдан тушаётиб менга кул силкирган.

Мен у билан хайрлашдим ва автобус ойнаси олдидаги жойимда қолдим. У пастга тушгач, автобус юришидан олдин ойнага яқинлашиб менга овозини қутариб яна нимадир деди. Бирок нима деганини дастлаб англамадим. Бир томонда бунга чарчок нималигини билмай эсаётган шамолнинг овози тускинлик қилган бўлса, бошқа томондан мени бутун уй-хаёлим унинг бояги мулоҳазаларида эди. Афтидан, у «премьера зўр ўтди» деётганди...

ИҚРОР

Уни биринчи марта қўрганимда куз эди. Адашмасам октябрь охирлаётганди. Атроф гўё тилларангга бўялгандек сарик тусга кириб, саргайиб ерга туқилган дарахтларнинг барглари сабаб баъзида оёқ қуйгани жой топилмасди. Ҳаво ҳам секин-аста совишга тушиб, қуёшли кунларнинг урнини ёмғирли кунлар эгаллаш арафасида эди.

Уша куни мен ишлайдиган банкда катта йиғилиш бўлиши кутилаётганди. Шу сабабдан биз барча ходимлар йиғилиш ўтказиладиган хонанинг олдида тулганиб турардик. Ҳамма бири олиб, бири қуйиб суҳбатлашиш билан

банд, атрофда ҳар хил мавзулардаги суҳбатлар бир-бирига қоришиб кетиб кишида ғалати ҳиссиёт уйғотарди. Шунгадир балки, мен тезда зерикдим ва деразанинг олдига кетдим. У ерда ёлғиз қолиб ташкарини кузата бошладим. Анча кузатдим. Охири кучадаги машиналарнинг бир хилдаги, тинимсиз катнови ҳам жонимга тегди. Тезда кул соатимга караб олдим-да, ортимга уғирилдим. Шу пайт йулакда уртача буйли, дид билан кийинган, йигирма тўрт – йигирма беш ёшлар атрофидаги аёл кўринди. У шўшилмай биз турган томонга юриб келди-да, у ердаги аёллардан ниманидир суради. Аёллар ниманидир унга тушунтиргандек бўлишди. Уларнинг жавобини эшитиб, у хоникиш ҳосил қилгандек тушунарли деганча уларга бошини тасдиқ маъносидан ирғаб қуйди ва четга бориб кимнидир кутушга киришди. Янги ходим ишга олинибди шекилли, деб уйладим унинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатарканман. Кейин бошдан-оёқ унга разм солиб чиқдим. Уни кузатарканман, вақт утиб бу ишимдан уялиб кетдим, биров қуриб қолмадимикин деб хавотирга тушдим. Хайрият, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Шу йўсинда у билан боғлиқ илк таассуротлар худди кино лентасидек куз олдимдан бир-бир уга бошлади. У кўринишидан оғир-босиқ, жудаям одобли ва яхши тарбия курган аёлга ўхшарди. Яна ақлли экани ҳам шундоқ кўриниб турарди. Жозибали ҳам эди. Фақат негадир кузлари маънос эди, туришидан камга инсондек таассурот қолдирарди.

Бетизгин уйларимни бошқарувчининг йўғон овози бузди.

– Қани, ҳамма йиғилишга, – деди у томдан тараша тушгандек бирдан пайдо бўлиб.

У қаердан пайдо бўлди, билолмай қолдим. Унинг шунақа одати бор эди. Йўқ жойдан пайдо буларди. Шунинг учун ҳам банкда қупчилик уни ортидан қуринмас одам деб масҳара қиларди.

грайиб караб колдим. Ҳолатимни кўриб бўлим бошлиғи ковоғини солиб олди.

— Нима, одам курмаганмисиз? — деди шу аллозда.

У билан доимгидек ади-бади айтишга айни пайғда тоқатим йук эди. Шунинг учун ундан камчиликлар билан боғлиқ курсатмаларни олиб, тезда ташқарига чиқдим. Кучага чиккан, жон ҳолатда уни кидирдим.

Кучада ақлдан озиб тентирав юрган машиналару бир-бирига бефарқ одамлардан бошқа ҳеч зог йук эди. Энг асосийси, у йук эди. У кетиб бўлганди. Қайси томонга? Буни ҳам билмасдим. Ҳатто исмини ҳам сураб олмагандим. У ҳақида билганларим ҳаворанг костюми ва қизил хошияли сумкаси эди, холос. Биргина шулар эди.

Кучада бир муддат шундай бемақсад туриб колдим. Юрагим сиқилди. Сигарет чекким келди. Постда турган милиционердан сигарет сурагандим, у чекмасдингиз шекилли, деб хайрон бўлганча кулимга сигарет тутказди. Лекин, чекишни эпломмадим. Тезда йутал тутди ва сигаретни ташлаб юбордим.

Биринчи марта мен узим гаплашишни истаган одамни учратгандим. Аммо тезда йукотиб куйдим. Банкда мени купчилик одамови, такаббур ва ғоятда мағрур инсон деб ҳисоблашарди. Аслида улар айтганчалик эмасдим. Уларнинг гапида ҳақиқатнинг энг майда зарраси ҳам йук эди. Мен шунчаки узим гаплашишни истамаган одам билан гаплашмасдим, дилимдагиларни юзага чиқармасдим ва энг муҳими, қалбимдаги ички олашимга ҳамманиям киргизавермасдим. Бугун эса биринчи марта шунақа инсонни учратгандим ва у қалбимдаги барча куз илғамас тусиқларни олиб ташлаганди.

Уйга уша куни кайфиятим бузилиб қайтдим. Узимни бахтсиз одамдек ҳис қилдим. Бошқа томондан у билан битта хонада йигирма дақиқа утириб ҳеч бўлмаса исмини сураб олмаганимга жаҳдим чиқди. Бирок, шунга қарамай озгина бўлсин, умид бордек кўринди. Бўлим бошлиғидан

билиб олсам булади-ку, дедим ичимда хурсанд булиб. Бу фикр менга ёкиб тушди ва бунинг натижасида ичимга хира бўлса-да, чирок ёкилгандек бўлди.

Эртасига у ҳақида бўлим бошлиғидан сурашга қарор қилдим. Дастлаб бу жудаям осон ишдек кўринганди. Ҳақиқатда умуман журъатим етмади. Неча марта уриндим, туғриси, ҳисобдан ҳам адашиб кетдим. Барибир сурай олмадим. Бу ноҳол ишдек туюлди. У устимдан кулса-чи, деган фикр ҳам бор эдики, шу фикр қароримга таъсир қилди.

Кунлар шу йусинда утаверди. Уни яна тахминан ноябрнинг урталарида учратдим. Бу гал у қора пальтода эди. Уни банкимизнинг янги ходими деб таништиришди. У айнан бизнинг бўлимимизга, бошқа ишга утиб кетганига анча бўлган ҳамкасбимнинг ўрнига ишга қабул қилинганди. Энди у билан битта хонада, эрталабдан кечгача бирга ишлашим мумкин эди.

Мен тақдирнинг бу ўйинига қойил қолдим. Барчаси бир зумда ва мен учун қутилмаганда содир бўлди. Табиийки, бирга ишлаганимиздан кейин у ҳақида қўп нарсаларни билиб олдим. Унинг исми Гулнора булиб, қиз фарзанди билан ёлғиз яшарди. Ўри билан ажрашганди. Ёшимиздаги тафовут ҳам катта эмас, у мендан икки ёшга кичик эди.

Унинг табиати ва феъл-атвориға тўхталадиган бўлсам, у дастлабки кунлардан менда яхши таассурот қолдирди. Уни нафакат менга, балки бошқаларга ҳам муносабатида самимийлик ва илиқликнинг нафаси уфуриб турар, барчага бирдек яхши муомалада булар, тушунмаган нарсаларини илтимос аралаш суради. Бўлимимизда иш қалашиб ётарди, шунга бўлса керак, асосий масъулият бўлим бошлиғидан сўнг ёшим каттароқ бўлгани учун менда буларди, у келгач масъулият ҳисси бир оз қамайгандек бўлди. Асосий ишларимда менга ёрдам берарди.

Битта инсон билан бирга, бунинг устига битта хонада ишласанг, албатта, у ҳақида қўп нарсаларни билишга

муваффақ буласан. Балки шунгадир, киска фурсат ичида Гулноранинг нималарга кизиқишидан тортиб, нималарни ёктириш-ёктирмаслигигача барчасидан хабардор бўлдим. Бу муҳим эмасди аслида. Муҳими кундан кунга уртамизда илиқликнинг куз илғамас зарралари пайдо бўлаётгани эди.

Энг асосийси, бизнинг ухшаш жихатларимиз куп эди. У ҳам мен каби адабиётга кизикарди. Аёл киши бўлишига карамай, футболни яхши куради ва мен билан битта футбол жамоасига мухлислик қиларди. Тағин у гулларни севарди.

Мен дастлабки пайтларда ҳаётимдаги бу қутилмаган бурилишдан маст бўлиб қолгандек эдим. Ишга қулим бормасди. Нукул жиддий одамга қулгили туюладиган келажак режаларни тузардим. Бугунги кун билан эмас, гуё келажак билан яшардим. Бу режаларнинг барчаси наздимда ажойиб режалар эди. Уларни худди успириндек туну-кун уйлаб, узимча шууримда пишитиб чиқардим. Улар шунчалар ажойиб эдики, улар жой олган юрагимнинг тубидан агар ахтариб қурилса, қанчалик бачкана ва одми бўлмасин, Гулнора билан оила қуришим, у билан оила қургач, бизнинг қанақа уйимиз бўлишидан тортиб нечта фарзандимиз бўлишигача – барчаси осонгина юзага чиқарди. Бора-бора, хонада ёлғиз қолганимизда уни ҳазиллашиб, «онаси» деб чақира бошладим. У шундай кезларда:

– Одамни уялтирманг, – дерди ва қулимсираб қуярди.

Биз ҳар кун бирга тушлик қилардик. Банкнинг яқинидаги арзон ошхонага борардик. Банкадагиларнинг ҳеч бири у ерга бормасди. Аммо бизга бунинг кизиғи йук эди. Асосийси, биз бирга эдик. У ерда бирга тушлик қиларканмиз, купинча иш, ковоғи солиқ бўлим бошлиғининг топириқлари, бакирок бошқарувчи кун ора қолдирадиган таассуротлар бир четда қолиб, орзуларга берилиб кетардик. Иккимизда ҳам ҳар иккита одамнинг биттасида бўлгани каби дунёни айланиш орзуси бор эди. Кўнглимиз

тубидаги дунёни айланиш орзусини бир-биримиз билан тинмай булишардик. Гулнора Парижга боришни орзу киларди. Мен кўхна Рим орзуси билан яшардим. У ҳеч булмаганда бир марта Эйфель минорасини куришни истарди, мен Римдаги муҳаббат фавворасига танга ташлашни ёки Коллизей харобаларини куришни. Бундан ташқари тушлик пайтида ғалати одатимиз булиб, куп баҳслашардик. Баҳсимизнинг асосий мавзуларидан бири Моцарт ва Сальери буларди. Аниқроғи, тарихнинг бу икки инсон ҳақидаги кизик ва афсоналарга тула қисми. Мен Моцартни Сальери захарлаган дердим. У ундай эмас дерди ва фактларни келтиришни бошларди. Дастурхон четига тўкилган нон ушқоқларини бармоқларим билан терганча уни ҳар гал диққат билан эпитардим.

– Моцартни барибир Сальери захарлаган, – дердим у гапини тугатгач ўз фикримда қолиб.

– Ярамас. Шунча гапни деворга тапирдимми? – дерди шунда у мендан ранжиб.

Дам олиш кунлари эса вақт топсак купинча истироҳат боғида куришардик. У ерда бизнинг сеvimли уриндигимиз буларди. Агар унга бошқалар утириб олишганини куриб қолгудек бўлсак, хафа булиб қолардик. Ҳеч ким йўқ бўлса у ерга утириб олиб, китоб уқирдик. Sevimли ёзувчим Достоевскийнинг асарларини ўқисам у зерикиб қолар ва дарров қулига Дейл Карнегининг ўта ихчам ва тушуниш анча осон бўлган асарларидан бирини олиб, агайлаб жажимни чиқариш учун уни овозини чиқариб ўқишни бошлаб юборарди.

Уша кунлари ҳар ҳуни туни билан, кузим илингунча Яратганга шукрона айғиб чиқардим. Уни кеч бўлса-да, менга рупара қилгани учун шукрона айтардим. Ундан бутун қалбим миннатдор буларди. Гулнорани турт ой ичида йўқотиб қўйишим эса ҳаёлимга ҳам келмасди.

Афсуски, бахтиёр кунларим узокқа қузилмади. Қиш охишлаб баҳорнинг нафаси элас-элас сезила бошлаган

кунларнинг бирида ёмғир ёғди. Гулнора унинг ёғишини дераза олдидан кузатиб турарди ва ногоҳ чучиб кетди. Бунгача менга жилмайганча ёмғирни ёктиришини, ёмғирда сайр қилиш жону дили эканини такрор ва такрор айтиб, дераза тоқчасидаги гулларини жойини алмаштираётганди. Нима бўлганини мен илк дафъа тушунмадим. У бир менга, бир ташқарига қараб қолди. Шу пайт столининг устидаги телефон аппарати жиринглаб кетди. У тушакни жимгина, истаб-истамай кутарди ва қулоғига олиб борди. Бир оз вақтдан сунг уни жойига қўйиб, худди шу алфозда ташқарига йўл олди. У чиқиб кетгач, мен деразанинг олдига қолдим. Кучага чиққач, у кучанинг четига тиркаб қўйилган қора рангдаги машина олдида турган эркак томон яқинлашди. У билан нималарнидир асабий тарзда, узоқ гаплашгандек бўлди. Кейин норози қиёфада, шошилмай ортига қайтди. Хонага қайтиб кираркан, мени деразанинг олдида қўриб ранги учиб кетди, лекин сир бой бермади. Аксиича, пальтосини кийиб, сумкасини олди-да, яна ҳеч нима демай хонадан чиқиб кетди. Мен ҳеч нимани тушунмадим. Ундан сурашга боғинолмадим. Нима қилишимни билмай довдираб қолгандим. Эҳтимол, шу сабаб эртасига анча паришонхотир қўриндимми, билмайман, ишга ҳам қўлим бормади ва кечгача бир амаллаб зўрға ишладим. Бўлимдаги ҳеч ким билан гаплашмадим. У билан ҳам.

Ана уша воқеадан сўнг, негадир у билан уртамизга девор тушиб қолгандек бўлди. Бу шундай девор эдики, уни на қўл билан, на бирор нарса билан бузиб буларди. Унинг қўринмас маҳобати сабаб мен энди Гулнорани гуё пайқамасдим. Тўғри, у билан саломлашардим. Иш бўйича гаплашардим. Аммо бори шу ҳолос эди. Уртамиздаги қисқа муддатда юзага чиққан яқинлик, биримизни иккинчимизга боғлаган муқаддас ришта қасргадир ғойиб бўлгандек, ҳеч гапимиз қовушмасди. Бора-бора бирга тушлик ҳам қилмай қўйдик.

Бир куни ниҳоят тушликдан кейин бошим оғриётганини рукач қилиб уйга кетдим. Шомга яқин у менга кунгирок қилди.

– Сизга олдинроқ айтмоқчи эдим, – деди у овози тит-раркан. – Уша кунини машинадаги эркак эрим эди. У билан ажрашиб кетгандим. Буни биласиз. Энди ярашяпман. Буни мен хоҳламагандим. Ишонинг, хоҳламагандим. Ота-онамнинг гапларини ерда қолдиролмадим. Улар ярашишимни хоҳлашди. Мен нимаям қила олардим. Қолаверса, кизим ҳам отасиз усмаслиги керак. Ота-онамнинг гапларида жон бор. Сиздан илтимос, мени кечиринг.

Унинг гапларини эшитиб сени фарзандинг мени ҳам фарзандим буларди-ку, унга мен ҳам оталик қила олардим-ку, наҳот шуни тушунмаган бўлсанг, дегим келди. Факат шу гапларни унга айта олмадим. Аксинча, бир суз демай телефонни осонгина жойига қуйдим. Кейин ғазабланганча, хонадаги қулимга илинган нарса борки, барчасини рупарамдаги деворга отиб синдирдим.

Уша куниям ёмғир ёғди. Ёмғир томчилари дераза ойналарига эмас, худди юрагимга урилгандек, ойналардан чикаётган так-туқ этган овоз юрагимдаги нола билан ҳам-оҳанг бўлиб теварак-атрофга таралди. Юрагимни кимдир суғуриб олган-у, мен энди юраксиз қолгандек эдим. Кукрагимни ушларканман, у ердан келаётган дук-дук этган товуш юрагимнинг овозига ухшамасди. Мен бўғилиб кетгандек эдим. Деразани ланг очиб юборгандим ёмғир юзимга ёпирилиб урила бошлади. Тезда устим изиб сочларим, юзим ва кузларим ёмғир томчилари остида қолиб кетди. Кузларимни юмиб олгандим, чунки уларни юмиб олмасам узим истамаган тарзда йиғлаб юборишим мумкин эди. Мен эса йиғлашни ёмон қулардим. Шундай бўлса-да, кузларим ёмғир аралаш ёшга тўлди. Буни пайкагач, мени яна магнурлигим тутиб қолди ва кузларимни шартга артиб ташладим.

Эртасига банкка ҳар доимгидек кайфиятда бордим. Ҳамма билан эл катори саломлашдим, турли мавзуларда

сухбатлашдим, ҳазил-хузул қилдим. Гулнора билан деярли гаплашмадим. Фақат иш юзасидан унга баъзида мурожаат қилишимга тугри келди. Шу кундан бошлаб уни ҳар кунн, иш вақти тугагач, эри машинасида олиб кетадиган бўлди. У иш вақти тугашидан анча олдин банкка келар ва машинасида утирганча унинг ишдан чиқишини кутиб турарди. Бир куни у билан юзма-юз келиб қолдим. У куришишидан узига бино қуйган йигитга ухшади.

Эндиликда Гулнора ишдан эрининг машинасида кетарди. Мен автобусда. Таксида кетгани пулим бўлмасди. Автобусда тик туриб кетарканман, баъзида бемаъни уйдан ичим ёниб кулга айланарди. Бу уй бутун борлигимни шунчалик эгаллаб олардики, туги Гулнора ота-онасининг гапини ерда қолдирмаслик ёки қизининг келажагини деб эмас, балки қуриб кетгур машинам бўлмагани учун мени ташлаб кетганга, эрини эса уз-уздан машинаси бўлгани учун олдига кетганга ухшарди. Албатта, бу аҳмокона ҳаёл эди, бироқ бу ҳаёлни уша кезлар ҳечам миядан чиқариб ташлай олмасдим.

Уша кундан бошлаб негадир узимни рад этилган, кераксиз буюмдек улоқтириб ташланган инсондек ҳис қила бошладим. Хурлигим келиб кетди. Бошқа томондан алам қилди. Нафрат юрагимга чанг солди. Узимга узим шунда қуйидагиларни гапирдим.

– Менинг ҳам бир куни машинам бўлади. Жудаям чиройли ва ҳашаматли машинам. Мен ҳам бир куни бойбадавлат буламан. Катта амалдор буламан. Данғиллама ҳовлида тураман. Энг қиммат уст-бошларга бурканиб юраман. Шунда мени ҳеч қайси аёл рад этолмайди!

Шундан сунг мен шунчалик узгардимки, бошида узим бунга ҳайрон қолдим. Бир лахзада чинакамга узига бино қуйган, иззатталаб, такаббур инсонга айландим. Ҳеч қим билан саломлашмай қуйдим. Одамларни ҳурмат қилиш нималигини унутдим. Киноя ва кесатик гаплар билан атрофдагиларни ластга уришни ургандим. Вакт утган

сари мендаги бу узгариш шу даражага бориб етдики, мен банкимизнинг асосий ракобатчиси бўлган бошқа банкка уйламай-нетмай ишга утиб кетдим.

Охирги иш кунимни яхши эслайман. Уша кун ич ким билан хайрлашмадим. Нарсаларимни тинчгина йиғишти-раётгандим Гулнора менга ёрдамлашмоқчи бўлди.

– Кераги йўқ. Узим уддалайман, – дедим унга курслик килиб.

У хафти-ҳаракатларимдан ғалати аҳволга тушиб қолди ва индамасдан жойига бориб утирди. Мен нарсаларимни йиғиштириб бўлгач, уларни даст кутариб олганча хонадан тез-тез қадам ташлаб чикиб кетдим. У туғул агрофдаги бошқа ҳамкасбларимга ҳам бир оғиз хайр деб қўймадим. Тапшқарига чикиб атайлаб такси тухтатдим. Таксига ути-раётганимда беҳос деразанинг олдида Гулнорани куриб қолдим. У деразанинг олдидан жудаям ғамгин ҳолда мен-га қараб турарди.

Шима кипти, – деди шунда нчимдаги овоз. – Эрини ҳам қачон келиб олиб кетаркин деб ҳар кун шунақа қутади.

Янги жойда ишларим тезда юришиб кетди. Уч ой де-ганда меҳнатсеварлигим сабаб кредит бўлими бошлиғига айландим. Ҳурматим ҳам узгача эди. У ерда аёллар қўп бўлиб, тез орада мен уларнинг ёқимтойига айландим. Шунингдек, аёл миқозлар ҳам олдимда парвона бўлади-ган бўлишди. Банк кредит ҳисобидан менга машина бер-ди. Энди уриндиқлари уриниб кетган қандайдир автобус ёки ичини тамакининг аққимтир тутуни босиб кетган, сарик рангга бўялган таксида эмас, узимнинг яп-янги ма-шинамда ишга келиб кетардим.

Қўп утмай банк бошқарувчисига айландим. Уч йил деганда узим истаган ва олдимга мақсад қилиб қўйган нарсаларга эришдим. Энди амал, пул ёки аёллар мени уларни излаб келадиган бўлишди. Мен уларни изламас эдим. Аксинча, улар мени излашарди. Мен қаерга кета-ётганимни билмасдим. Бу мени мутлақо қизиқтирмасди.

Мен учун ахамиятлиси – қасос олаётганим эди. Шу менга бир дунё лаззат бағишларди. Мен гуёки бу ишларим билан Гулнорадан қасос олаётгандек эдим. Бу худди укситилган ёш боланинг исёнига ухшаб кетарди. Бирок, мен бахтиёр эдим.

Қўп утмай қўзимга бу ҳам етмаётгандек қўрина бошладди. Мен энди ўзимга ҳаддан ташқари эътибор берадиган ва аёлларга нисбатан ута шафқатсиз бўлиб борардим. Эндиликда мен Фабио Занетти мода уйи тикмаган костюмларни киймасдим. Роберто Вербано ишлаб чиқармаган бўлса уша пойабзалларга киё бокмасдим. Даниэле Мареттининг бренди ёпиштирилган қўйлақлардан бошқасига қўлимни теккизмасдим. Икки қаватли уйимни энг янги нарсалар билан жиҳозлардим. Иш жойимдаги қўрсимга виқор билан қарардим ва унга ястаниб утирардим. Аёлларни бўлса сурбетларча алмаштирардим. Улар мендан эмас, мен улардан воз кечардим. Улар мени эмас, балки мен энди уларни рад этардим. Уларга беҳаёларча назар ташлардим, сукланиб тикилардим ва устиларидан қах-қах уриб қўлардим.

Одамовилигимдан асар қолмаганди. Таратлабедод яшашга урганган, такасалтанг, лаганбардор дўстларим росаям қўпайганди. Мен уларнинг ичида ҳам биринчи бўлишни истардим. Биринчи эдим, шубҳасиз. Дўстларим бирорта аёлга эришиш учун қўнлаб унинг кетидан ялиниб юришса, мен қандайдир арзимаган дақиқаларда уша аёлга эришардим. Улар янги машина харид қилишса, мен эртасига ундан ҳам янгисини харид қилардим. Улар қўнгилочар зиёфағлар учун миллион сарфлашса, мен киприк қўқмай ун миллион сарфлардим. Улар уйларига бирорта ноёб жиҳоз олишган бўлса, мен ернинг тагидан бўлса ҳам ундан-да ноёброғидан ўзимни ўйимга топтириб қелардим.

Гулнорани гуё унутгандим. У аста-секин хотирамдан ўчиб, у билан боғлиқ хотиралар ҳам унутила бошлаганди. Шу-шу, бошқа уни ўчратмадим. Шу ўч йил мобайнида у

фақат бир марта – туғилган кунимда кунғироқ килди. Лекин кунғироғига жавоб бермадим. Унинг ёкимли овозини биринчи марта эшитгим келмади. Ярим яланғоч кийиниб олган, турки совук аёллар ва ҳисоб-китобдан бошқасини билмайдиган хиссиз, курук эркаклар даврасида утирарканман, кунғироғини куриб уни масҳара килгандек ичичимдан кулдим ва:

– Нима бало, яна эри билан уришиб қолибдими? – деб киноя килганча хахолаб кулдим.

Шон-шуҳрат чуққисидаги ҳаётимдаги навбатдаги туғилган куним ёмғирга тўғри келди. Яна ёмғир эрталабдан челақлаб қуйди. Таниш ёмғир. Туғилган кунимни шаҳардаги энг обрули ва энг қиммат ресторанга ишониб топширдим. Унинг ҳужайини шахсан олдимга келиб топшириқлар олиб кетди. Уша куни эрталабдан ёмғир тинмагандек табриқлар ҳам тинмади. Деярли барча мени таниганлар менга узоқ умр ва саломатлик тилаб бирма-бир табриқлаб чиқишди, табриқномалар йўллашди.

Мен кун буйи иш жойимда булдим. Охири ҳайдовчимга кунғироқ қилиб, банкка келиб мени олиб кетишини айтдим-да, кийиниб пастга тушдим. Ташқарида ёмғирга дуч келиб соябонимни туғиб олдим. Атрофга эринибгина алангладим ва бирдан турган еримда қотиб қолдим. Банкдан сал нарида бир қулида соябон, бир қулида рангли қоғозга уралган кути тутганча Гулнора турарди. Менга тикилиб турарди. Бошида ишонмадим.

– Тавба, – дедим. – Яна кузимга қуриняптими?

Аммо рупарамадаги Гулнора эди. Мени қуриб у кузларини уялгандек олиб қочди. Мен довдираб бир неча лақиқа шу ҳолатда туриб қолдим. Нихоят, бир амаллаб юриб унинг олдига бордим.

– Сочларингизга оқ тушибди, – деди унга якин боргандим у саломлашиш урнига. – Жудаям қуш оқ тушибди.

У ҳомиладор эди. Узоқдан ҳам билинарди бу. Лекин мен олдига боргачгина сездим.

– Ишларингиз яхшими? – дедим нима дейишимни билмай.

Унга шу уч йил мобайнида айтмокчи булган қанчадан-қанча гапларим турган булишига қарамай шу иккитагина сўз билан чекландим. Шу иккитагина сўз топилди холос бисотимда. Гапла чечан, киноя қилишга уста булган тилим айланмай қолгандек эди.

У жавоб бериш ўрнига менга узоқ тикилиб қолди. Бир пайтлар мен ардоқлаган уша кузлар яна қаршимда турарди. Улар айни пайтда ҳам уша пайтдагидек беғубор ва жудаям гузал эди.

– Ишларим... чакки эмас, – деди у бир оз утиб.

Бирок бу гапни у эмас, худди бошқа одам айтгандек эди. У менга жимгина тикилиб турарди. Кузларимдан нимани изларди – билмайман. Балки уша ўзи яхши таниган ва ҳатто бугунги кунга келиб каминанинг ўзи ҳам йўқотиб қўйган содда, самимий, ҳаёлпараст йигитни излагандир.

Бир оздан сўнг Гулнора ўзига келиб қўлидаги қутини менга узатди.

– Бу сизга, – деди лаблари билинар-билиномас пичирлаб. – Бугун туғилган кунингиз-ку.

Мен истаб-истамай қутини олдим. У шу пайт тусатдан йиғлаб юборди.

– Сизни соғиндим, – деди кейин куз ёшлари орасидан менга қараркан. – Жудаям соғиндим.

– Гулнора, қўйсангиз-чи, – дедим унинг гапларидан ўзимни поқулай сезиб.

У гапимга парво ҳам қилмай менга тикилганча унсиз йиғларди. Шу лаҳзада банкнинг олдида машинам келиб тўхтади. Ҳайловчимни қўриб, қўлларим билан унга шу ердан деб ишора қилдим. Гулнора бир менга, бир ичидан ҳайловчи тушган машинага қаради-да:

– Ҳа-я, ёдимдан қутарилибди, – деди синиқ овозда. – Меҳмонларнинг олдида боришингиз керак.

Менга яна нимадир демокчилиги кузларидан руй-рост билилиб турарди. Аммо бунинг урнига у боягидек гушкун қиёфада, мен билан хайрлашишни ҳам унутиб, бошини қуйи солганча ортига утирилиб кета бошлади. Шунда ичимда нимадир узилиб кетгандек бўлди. Юрагим санчиб-санчиб оғриди. Жудаям каттик оғриди. Куз олдимда шиддат билан якин утмишим гавдаланди ва дафъатан хотираларим жонланиб кетди.

– Моцартни Сальери заҳарламаган экан, – дедим унинг ортидан бакириб.

Бу гапни эшитгач, у яшин ургандек жойида тухтади. Бир неча сония кимир ҳам эгмади. Ортига угирилгач эса узок вақт кузларини катта-катта очганча ниманидир эсламоқчидек бўлди. Эслашга ҳаракат қилди. Сунгра, эслади шекилли, олдимга тез-тез юриб келиб мени қучоқлаб олди.

– Унутмабсиз-а мени? – деди бошини кутармай тишмай йиғларкан. – Ҳечам унутмабсиз.

Мен нима дейишимни билмасдим. Бошим гангиб, тилим энди бутунлай айланмай қолганди. Шунга қарамай фурсат утиб узимни қулга олдим ва атрофдаги одамлар бизга ғалати қарашаётганликларини сезиб, уни авайлаб-гина бағримдан бушатдим.

– Кечиринг, – деди у бир оз узига келгач вазиятни тушуниб ва шоша-пиша даструмолига кузларининг ёшини артиб олди.

– Бу ерга аслида сиз билан хайрлашгани келгандим, – деди шундан сунг. – Сиз билан хайрлашмасдан кета олмасдим. Кейинги ҳафта Тошкентга жунаб кетяпман. Эрим ишини ўша ерга қучиряпти.

Шу тобда юрагимдаги санчик яна тиклангандек бўлди. Кўкрагим худди уни катта харсанг тош эзаётгандек зиркираб оғришда давом этди.

– Меҳмонлар кутиб қолишди, – деди ортимдан кимдир.

Ёнимга яқинлашган ҳайдовчимни куриб қаерга кетаётганим эсимга тушди. Гулнора хурсинганча деди:

– Энди хайрлашайлик. Сизни кутиб қолишди. Меҳмонларни куттириш яхшимас.

Шу гапларни айтаркан, у хатто жилмайиб қўйди. Лекин, бу қандайдир кайғули жилмайиш эди. Унинг замирида чуқур дард ётар ва у қаршимдаги мушטיפар аёлнинг жилмайган чехрасига бетиним соя солиб турарди. Уни йул-йўлакай машинада уйига ташлаб қўймоқчи бўлгандим, кўнмади. Биз жимгина хайрлашдик. Хайрлашувимиз ҳам узгача бўлди. На бир-биримизни эслаб туришга ваъда бердик, на яна куришишга. Бунинг сабаби оддий эди. Биз иккимиз энди бошқа учрашмаслигимизни жуда яхши тушуниб турардик.

Гулнора кетмагунича мен машинага утирмадим. У секин кадам ташлаганча мендан узоқлашди ва якин орадаги бекат томон юрди. Бекатга етиб боргач, такси тухтатиб унга чиқиб кетди. Эшиклари ёпилган такси бир лаҳзада ғойиб бўлди. У кўздан ғойиб бўлгач, ана шу сарик рангли таксининг ортидан у билан бирга, эҳтимол, анча олдин йўқолган, бугун қайта топилган ҳаётимнинг бегубор ва орзуларга тўла онлари ҳам бутунлай ғойиб бўлгандек бўлди.

– Кетишимиз керак, – деди хайдовчим бу орада.

Мен унинг ортидан базур машина томон юрдим ва доимгидек орқа ўриндикка утирдим. Машина жойидан силжиб секин юрди. Мен унинг мотори қандай ут олганини ҳам пайкамадим. Куз олдим хиралашган, қулоғим ғувиллар, юрагим хувиллаб қолганди.

Шунча йил Гулнорадан уқиб, ранжиб яшадим. Истагим қасос олиш бўлди. Шу истак билан неча марта улиб тирилдим. Истагимга эришдим ҳисоб. Лекин, ютдимми ё ютқаздимми буни англай олмай юргандим. Бугун мана шу саволга жавоб топдим. Мен ҳеч қанақасига ютмагандим. Боя унга тикнларканман буни бутун вужудим билан теран ҳис қилдим. Бошидан ютқазган эдим. Аслида мен ундан кечирим сурашим керак эди. Уртамиздаги муқаддас риштанни саклаб қолмаганим учун, ёнимдаги бахтимни деб

курашмаганим учун ва осонгина таслим бўлиб уни бой берганим учун мен кечирим сурашим керак эди. У эмас.

Шу каби уйлар дилимни хуфтон қилиб узимни қуярга жой тополмасдим. Бир оз чалғиш учун бўлса керак Гулнора совға қилган кутини очдим. Унинг ичида қандайдир китоб бор эди. Китоб Александр Дюманинг «Уч мушкетёр» асари бўлиб, унинг ёнида шиша идишда авторучка ҳам турарди. Уларни бирма-бир томоша қилиб чиқдим. Китобни машинанинг ичи қоронғи бўлса-да, эринмай ва-рақлаб курдим.

Ҳайдовчим машина тезлигини оширди. Мен атрофда бирма-бир орқада қолиб кетаётган машиналару биноларни курмаслик учун кузимни юмиб уриндикка суяниб олдим. Суянгач, кузим илиниб бироз мудраб қолибман. Негадир шу қисқа фурсат ичида туш курдим. Тушимда Гулнора оппоқ келинлик либосида қаршимда турарди. Мен уни нуқул узимга чорлар, у эса менга жим қараб турарди. Бир пайт у томон узим қадам ташладим. Буни куриб у мендан узоқлашди. Қанча талпинмай, унга ета олмасдим. Охири, у куз увгимдан бутунлай йироқлашиб, унинг урида қаршимда алвастига ўхшаган аёл пайдо бўлди. Уни куриб куриб кетдим.

– Уйқудаги шахзодамиз уйғондилар, – деди қулоғим остида қандайдир овоз. Бу аёл кишининг овози эди. Димоғимга аёллар атирининг уткир исси урилди. Кузимни очдим. Қаршимда машина эшигини очиб мен томонга сал эгилганча таниш аёллардан бири турарди. Унинг ортида яна иккита аёл ва мени ҳар доимги дўстларимдан иборат жамоа мени тантана билан кутиб олишга чиққанди. Бояги аёл кузимни очганимни куриб менга яқинлашмоқчи бўлди. Лекин мен уни итариб юбордим. Ноодатий хатти-ҳаракатимдан у дастлаб эсанкираб қолди.

– Бу нима қилганингиз, – деди норози оҳангда.

Унинг ортидагилар эса бунга эътибор бермай, қарсақ чалишганча, инглиз тилидаги ўша машҳур «Тутилган ку-

нинг муборак», деб номланган қушиқни хиргойи қилишни бошлаб юборишди. Истамайгина машинадан тушдим. Шунда улар қўлтиғимдан тутиб олишди-да, ресторан сари етаклаб кетишди. Улардан коньякнинг бадбуй хиди анқирди. Бу хид дарҳол кўнглимни беҳузур қилди ва уларни дам ўтмай силтаб ташладим.

– Сенга нима бўлди? – дейишди улар мени қўйвортилари келмай, бараварига хайрон бўлишиб.

Уларга изох бериб ўтиришни лозим топмадим.

– Тортларинг қулингни ҳамманг, – дедим бунинг ўрнига уларни бор кучим билан ўзимдан нарига итарарканман жаҳлим чиқиб. – Яқинлашишма менга. Сенлардан ҳазар қиламан.

Улар нима бўлганини тушунмай қўзлари ола-қула бўлиб кетди. Мен машина томонга қараб юриб кетдим.

– Машинани ҳайданг, – дедим машинага чиққач ҳайдовчимга. – Факат тезрок. Илтимос.

Машина анча жўйгача боргач, ҳайдовчим орқа уриндикни қўрсатувчи ойнадан менга саволомуз қаради. Бу билан у машинани қаерга ҳайдай демокчига ўхшарди. Мен буни дарров сездим.

– Ўйга ҳайданг, – дедим яна бир бор у ойнадан қараганди.

У тушундим дегандек йўлга қаради. Бу сафар мен ҳам йўлга қараб олдим. Атрофни қўзатиб кетдим. Ўзимни диққат билан қўзатиб кетаётгандек тутсам-да, аслини олиб қараганда ҳаёлим бошқа ерда эди. У олис-олисларга ўчиб кетганди. Мен уни жиловлай олмай қолгандим. У бир пайтлар юрагим ардоқлаган, бугунга келиб эса бе-рахмларча дафн этиб ташлаган азиз ва қадрдон ўтмиш хотираларини излаб кетганди. Уни ҳар қанча уринмай, ортга қайтаролмасдим. Шунчаки бунинг илжиси йўқ эди.

СОҒИНЧ

Нью-Жерси уйлаганимдан ҳам катта шаҳар экан. Абрам амаким рулда, отам ва мен орқа уриндикда кетарканмиз, машиналар катновидаги узун тирбандлик билан бутун шаҳар буйлаб бир текисда жойлашган осмонупар биноларнинг ҳайбати бизда узгача таассуроғ қолдирди.

Абрам амаким узида йук хурсанд эди. У йул буйи отамга шаҳарнинг эътиборли масканларини таништириб, орада бу ердаги турли миллатга мансуб одамларнинг яшаш тарзи ҳақида гапириб борарди. Бир маҳал куча буйлаб чузилган машиналарнинг тирбандлиги ҳам, осмонупар бинолар ҳам ортда қолди ва энди бир томони дарахтларга тула, бир томони кизғиш ғиштдан қурилган икки қаватли уйлардан иборат бўлган магистрал йулда кетардик.

Абрам амаким шаҳар ташқарисида турарди. Унинг уйига етиб келганимизда сентябрь кўёши аллақачон уфққа ботиш тараддудини кўрган, атрофга қоронғи тула бошлаганди. Уй олдида Марина янгамни кўрдим. У кечки салқинда уй олдида экилган гулларга сув қуярди. Машинани уй олдида тўхтаганини қўриб, у ёш боладек хурсанд бўлиб кетди.

— Уларни олиб келдим, Марина! — деди Абрам амаким машинадан тушиб жилмайганича бизни курсатаркан. — Мана, ён қўшнилариимиз — жон қўшнилариимиз.

— Абрам, қанчалик хурсанд эканлигимни билсангиз эди, — деди Марина янгам бизни кўргач эрига миннатдорчилик билан тикиларкан.

Абрам амаким ҳам, Марина янгам ҳам ҳамон ўзбек тилида бинойидек гапиришарди. Америкадаги йигирма йиллик турмушлари бунга заррача салбий таъсир қўрмаганди.

— Анвар муаллим, — деди Марина янгам отам билан қадрдонлардек кучоклашиб қўришгач. — Сочларингиз оқариб кетибди-ку.

– Сизники ҳам, Марина синглим, – деди отам ва қушиб қўйди. – Ҳа, энди кексайдик-да.

Абрам амаким бир мен томонга, бир хотини томонга қувлик билан қараб қўйди.

– Марина, – деди мен томонга ишора қилиб, – бу зумрашани ҳам танидингми? Эсингдами, доим дарвозамизга оқ бурда нималарнидир чизиб қочарди. Ушанда бу катта булса рассом бўлади, дердим. Мана, айтганимдай рассом бўлибди.

Марина янгам унинг гапларига қулиб қуйиб, мени бағрига босди.

– Бир чиройли йигит бўлибди зумрашамиз, – давом этди Абрам амаким.

– Одамни хижолат қилманг, Абрам, – деди Марина янгам мени бағридан бушатгач.

Абрам амаким шундан сўнг отам билан мени елкамиздан тутиб ичкарига таклиф қилди.

– Болаларимиз улғайишди, – деди у йулакда бирма-бир костюмларимизни олиб девордаги илгичга иларкан. – Кечагина улар куча чангитиб юришарди. Бугун эса...

Шунда у нимадир эсига тушиб, кузига ёш олди ва атрофга аланглаб хотинига саволомуз қаради.

– Айтганча, кизинг Света қани?

– Туйга қўйлақ танлагани кетганди, – деди Марина янгам меҳмонхонадаги стол устини тартибга келтираркан. – Хавотир олманг. Қаллиғи билан бирга.

– Муаллим, мана кизингизни ҳам турмушга беряпмиз, – деди Абрам амаким отамга юзланиб. – У ҳам кап-катта бўлиб қолган. Эсингиздами, у мени дада деса, сизни «бой лада» дерди. Раҳматли Инобатхонни ҳам яхши қуларди.

– Албатта. Буни қандай унутиб бўлади? – деди отам йулакда бир муддат тухтаб.

Меҳмонхона шинам эди. Уртада олти кишилик думалок стол бўлиб, лифтдаги унга мос ўлчамдаги қандил хонани рисоладагидек ёритар, дсворлардаги оилавий су-

ратлар ва уймакорлик билан нақшинкорликнинг нозик намунаси булган жавон хонага кўрк бағишлаб турарди.

– Овқатингни тезроқ олиб кел, Марина, – деди Абрам амаким барчамиз стол атрофига утиргач, ошхонага кириб кетган хотинининг ортидан бакириб. – Тўғри аэропортдан келишди кушнилариимиз. Туз ҳам тотишгани йук.

Дастурхон усти бир зумда ноз-неъматга тўлди. Марина янгам Маргилонда ҳам кўли ширин пазандалиги билан ном чиқарганди. Ҳали ҳам шундай эди. У узи тайёрлаган ширинликни дастурхонга тортаётганида, эшик очилиб, остонада инглиз тилида «ойи» деган овоз эшитилди. Кейин йулак бўйлаб қадам товушлари. Бироз утгач, остонада урта буй, озгинрок, бурни бир мунча узун, сочлари ёйилган киз пайдо бўлди.

– Анвар муаллим, ана кизалоғингиз ҳам келди! – деди Абрам амаким овқатдан бошини кутариб.

Света анча ўзгарганди. Болалик хотираларимнинг бир қисми булган, мен билган уша Света билан ҳозиргиси уртасида умумийлик йукдєк эди. Лекин кузлари ушандай эди, хотиржам ва вазминлик билан боқарди.

– Туйингга келинди, кизим, – деди Абрам амаким унга инглиз тилида ва биз томонга қараб изох берди. – Ўзбекчани ҳам тушунади, гапиради, аммо нуқул шунақа инглиз тилида гапиради.

Света дарров бўлмаса-да, ҳар ҳолда дам утмай бизни таниди ва лабларида табассум билан югуриб отамни олдига борди. Отам урнидан туриб, «Бахтли бул, кизим», деб уни пешанасидан ўпиб қўйди. Кейин у мен томонга қаради ва бирдан юзида зоҳир булган табассум янада тиниклашди.

– Энди эслади, – деди Марина янгам.

– У дарвозамизга бурда расм чизарди! – деди Света мендан кўзини узмай.

– Худди шундай! – деди Абрам амаким қойил қолганини билдирмокчидек столнинг четини шалатилаб. – Кейин қочиб кетарди. Сениям эсингда экан-а?

Бирпасда Светанинг чехраси очилиб, бояги жиддий киздан асар ҳам қолмади. Биз беповлон кечки овқатланиш пайтида кўхна Марғилон ва у ерда йиллар оралаб утмиш бағрига сингиб кетган кунлар, бир умрга сакланиб қолган хотиралар ҳақида суҳбатлашдик. Йул-йулакай мавзу Америкага кўчди ва Абрам амаким Марғилонда ўзбек маҳаллаларида яшаб, мустақилликнинг дастлабки йилларида бу ерга кучиб келган яҳудийлар ҳозирда бутун Америка бўйлаб тарқаб кетишганини айтиб, уларнинг купчилиги айни пайтда Нью-Йорк билан Бостонда яшаётганликларини кистириб утди.

– Улар билан кўнғироқлашиб турамиз, – деди у ширинликдан ёнидаги ликопчага солаётиб.

Суҳбат давомида кўп ҳолларда у билан отам сузлади. Марина янгам орада гапга қўшилиб, баъзан бош ирғаб тасдиқлаб турди, Света иккимиз уларни жим эшитдик. Света болалиги утган шаҳар ҳақидаги хотираларни жим эшитаркан, уларнинг таъсирида жунбишга келибми, юзи кизариб кетди, отамдан қўзини узмай утирди.

Нью-Жерсининг чеккасида жойлашган бу уй утмиш хотираларига қумилиб кетганди. Ҳатто оқшом чуқиб, тун яримлагани ҳам билинмади. Абрам амаки бизни ётоқхонага – иккинчи каватга қўзатиб қўйди. Отам чарчаганлиги боис дарров ухлаб қолди. Менинг негадир қўзимга уйқу келмади. Бироз утиб, дераза олдига келдим ва уни ланг очдим. Сентябрь оқшомининг муздек ҳавоси қўзимга урилди. Тапқарида ларахтлар шитирлаб майин шабада эсарди. Шу пайт пастдан қўлоғимга ўзбекча қўшиқ эшитилди. Деразадан бошимни чиқариб, қўлок тутдим. Тавба... худди ўзимни Марғилондаги чойхоналардан бирида утиргандек ҳис қилдим. Қўшиқ эса тинмасди.

«Фигонқим гардиши даврон айирди шаҳсуворимдан.

Ғамим қўп, эй қўнғил сан беҳабарсан, оҳу зоримдан...»

Қушиқ пастдан, боя биз овқатланган меҳмонхонадан тараларди. Негадир кийиниб, пастга тушгим келди. Бошида иккиландим, бироқ лаҳза ўтмасдан кийиндим-да, зинадан пастга тушдим. Меҳмонхона олдида етганимда бу қушиқ янаям аниқ қўлогимга чалинди. Меҳмонхонанинг эшиги очик, лекин чироклари ўчик эди. У ердаги дераза олдида креслога суянганича кимдир тоқчадаги магнитофонга кулини текказиб кимир этмай утирарди. Қадам товушимни эшитиб, у чучиб кетди ва мен томонга ўгирилди. Бу Света эди.

– Сенмидинг? – Негадир у ўрганиб қолган инглиз тилида эмас, ўзбек тилида деди.

Унинг талаффузида америкаликларга хос бўлган жиҳатлар сезиларли бўлиб, унинг тимсолида қаршимда туриб худди ўзбек тилини янги ўрганган америкалик гапираётганга ўхшарди.

– Ўхшолмадим, – дедим унинг ёнидаги стулга утириб. Қўлогимга шу қушиқ чалиниб пастга тушдим.

– Нега бу қушиқни эшитаётганимни билмоқчисан? Шундайми?

– Ўнчаликмас...

Света магнитофонни шартта учирди.

– Бу қушиқни ҳар куни эшитаман. Аниқроғи, кассетани дадамнинг буюмлари орасидан толиб олганимдан бери.

У ўрнидан шошилмай туриб чирокни ёқди. Унинг қузлари қизариб кетган, афтидан, йиғлаганди.

– Марғилондан кетганимизда олти яшар қиз эдим. Ҳозир йиғирма олтига кирдим, – деди жойига қайтиб утиргач маҳзунлик билан. – Мана, энди индинга турмушга чиқяпман.

Қоронғида сезмаган эканман. Магнитофоннинг ёнида ликопчада қизғиш рангдаги ўзум турарди. Света ундан бир чимдим узиб еди.

– Барибир «Ризамат ота» ўзумлари ширинроқ эди. Ҳозир ҳам Марғилонда борми ўзумнинг шунақа нави?

У тасдиқ ишорамни куриб хурсиниб куйди.

— Кучамизни бошида Уктам амаки айрон сотарди. Ҳозир ҳам сотаяптими?

— Унинг казо қилганига анча булган. Энди уғли сотаяпти.

— Новвойхона-чи, турибдими? Иссиқ нон ёпиларди. Нони бирам ширин элики...

— Урнига дорихона қурилган.

— Бекинмачоқ пайти биз ортига беркинадиган катта чинор-чи?

— Уни беш йил олдин кесиб ташлашган.

— Наима холанинг ити-чи? Ҳа-я, у улиб кетгандир. Итлар узок яшашмайди.

Света яна нималарнидир эслашга урингандек дераза узра узокларга тикилиб қолди. Бироз ўтиб, яна савол-жавобимиз давом этди.

— Бой дадам Марғилон дуппи киймай куйибди. Ҳеч ким киймаяптими ҳозир?

— Ҳа, энди, купчилик дуппи киймаяпти.

— Инобат холамининг чиройли атлас куйлаклари буларди.

— Энди атлас куйлак ҳам киймаяпти купчилик.

— Уйлариңда бедана буларди. Доим сайрарди.

— Ҳозир йук. Бокмай куйганимизга анча булган.

— Инобат холам ширин чучваралар тайёрларди.

— Энди дукондан тайёрини оляпмиз.

Света бошқа гапирмади. Аксинча, илкис урнидан туриб хона буйлаб секин юра бошлади.

— Биласанми, бу ерга келган илк кунимиздан буён Марғилон куз олдимдан кетмайди. Уни унута олмайман. Мана бу катта шаҳар, одамлар ханузгача менга бегона, бу ерда яхши яшасам-да, ётсирайман. Айтишинг мумкин, олти яшарлигида кетган қиз ўзи туғилган шаҳарнинг нимасини ёдида саклаб қолган бўлиши мумкин деб? Лекин, ҳаммаси эсимда. У ердаги ҳар битта дарахт, ҳар битта жой хотирамда муҳрланиб қолган. Кучамизнинг боши-

даги новвойхонада ёпиладиган иссиқ нон билан Уктам амакининг айронидан тортиб доналари катта-катта уша кип-кизил узумнинг таъмигача. Ҳамма-хаммаси. Баъзида бу ерда юрагим сиқилиб кетади. Шунда деразани очиб, узок-узокларга тикиламан. Худди узокқа қарасам Марғилон куринадигандек. Баъзида эса ичимдаги англаб бўлмас ҳисни бояги қушиқ билан босаман. Охириги пайтларда узимда куникма ҳосил қилгандим. Лекин бугун сизларни курдим-у, яна ҳаммаси эсимга тушди...

Куз олдимда қуғирчоғини кутариб, Марғилоннинг чанг ва тор кучаларида лунжи тула кип-кизил узум билан чопиб юрган олти яшар қизалок гавдаланди.

Унинг кузларида ёш мавжлангандек бўлди. Боя йиғидан кизариб кетган кузлари сўлғинлашиб дераза томонга тикилиб қолди. Уни очиб тоза ҳаводан туйиб-туйиб нафас олди. Қулларини кутариб, узун бармоқларини тинмай эсаётган шабадага тутиб турди. Охири магнитофон тугмасини қайтадан босди. Қушиқ тухтаб қолган жойидан давом этди.

*Адашган ит киби Фўрқат, қаён борғум билолмасман,
Қачон бўлгайким топгайман хабар ёр уз диёримдан...*

Света бошларини эгиб, қулларини тоқчага тираганча уни эшитди. Қушиқ якунига етгач, йиғлаганича хонадан чиқиб кетди. Менга хайрли тун ҳам тиламади. Хонада узим ёлғиз қолгач, бошқа бир қушиқ жарангладини бошлаган магнитофонни учирдим. Орага жимжитлик чуқди. Шу алпозда пича жойимдан жилмай утирдим. Кейин кизикишда магнитофон ёнида турган ликопчадаги узумдан бир чимдим узиб едим. Узум бемаза эди...

ТУРТИНЧИ КАВАТДАГИ ХОНАДОН

Бугун операциям йуклиги сабаб эртарок бушадим. Касалхонадаги кечки курик – йукламани утказганимдан сунг, ишларни навбатчи ҳамкасбимга топшириб кучага чикдим. Ташқарида ёмғир ёғаётганди. Буни куриб эсиз кечагина урик гуллаганди-я, деган хаёлга бордим. Ёмғир майдалаб ёғар, унинг бундай тарзда ёғиши қандайдир асабийликни пайдо қиларди.

Таксига чикканимда орқа уриндикнинг ойнасини кимдир тушириб қуйган экан. Мен дарров кутариб қуйдим. Ҳайдовчи машинани тез ҳайдаркан. Секинроқ юришнинг иложиси борми деб унга мурожаат қилгандим, у бош ирғаб тезликни камайтирди. Ҳаво илик эмасди, ёмғир туфайли ҳарорат пасайиб кетганди. Шунинг учун совқотиб қўлларимни костюмининг чўнтақларига тикиб олдим.

Шунда ун чўнтагимдаги қандайдир қоғоз булақларига қўлим тегди ва тўсатдан яна ҳаммаси эсимга тушди-да, қоғоз булақларини бор қучим билан асабий тарзда эзгилай бошладим. Йул бўйи эзгилаб кетдим. Такси уйим олдида тўхтаганида, улар аллақачон кафтим орасида эзгиланиб ётарди. Ҳайдовчига пул бериш учун улардан кафтимни бушагишимга туғри келди.

Уйим беш қаватли бинонинг тўртинчи қаватида эди. Лифт томон юргим келмади. Зиналардан кутарилиб тепага чикдим. Биринчи қават, иккинчи қават, учинчи қават ва ниҳоят, тўртинчи қават ҳам етиб келди. Эшикни очиб ичкарига кирарканман, бутун уйнинг ичи бўйлаб Бетховеннинг таниш сонатаси пианинонинг буғик овози ёрдамида тараларди. Бунн эшитиб, йулакда бирпас тўхтаб қолдим. Қўлоқларимни беркитиб олгим келди. Бунинг урнига қўлимдаги бир дунё қоғозларга тула портфелимни йулакнинг охиридаги трюмининг четига қуйиб, қуй таралаётган хонага ичкариладим.

Наргиза дастлаб мени пайкамади. У пианинонинг олдида утирганча бармоқларини клавишлар устида тез-тез химирлатиб, Бетховеннинг сонатасини ижро этиш билан банд эди. Бугун у кечагидан ҳам, илгариги кундан ҳам асабий куринарди. Мени бусағада куриб, у янаям тез ҳаракат қила бошлади. Пианино деярли тиним билмасди. Унинг қок уртасига ноталар учун урнатилган ва айни пайтда буш турган қисми силкиниб-силкиниб қуярди.

Секин юриб пианинонинг ёнидан утдим. Наргиза куйни чалишда давом этди. Хонанинг туғрисида иш столим бўлиб, уша томон юрдим. Унга беҳол чуқарканман, унинг четидаги лампани ёқиб қуйдим. Шу алпозда анча утирдим. Бу орада Бетховеннинг машҳур сонатаси такрор ва такрор ижро этилди. Мен бу куйни ёддан билганим учун Наргиза уни беш-олти марта қайтадан ижро этганини сездим. У тўхташни хаёлигаям келтирмасди. Мен бунга эътибор бермасликка урғиниб, стол устида кеча қолиб кетган қоғозларимни лампанинг ёруғида тартибга келтириш учун киришдим. Булар асосан травматологияга оид илмий ишим борасидаги маълумотлар эди.

– Бас, етар! – деди шу пайт Наргиза куйни чалишдан тўхтаб овозини қутарганча.

Пианинонинг овози янаям бўғилиб, худди томоғи оғриган бемордек беухшов жаранглаб кетди. Бир оз утиб, Наргиза клавишлардан қулини олиб, қолқоғини шараклатиб ёпди.

– Бундай жим утиришни бас қилинг, – деди шундан сунг мен томонга утирилиб, асабий оҳангда. Бир оғиз гапирсангиз-чи. Уч кундан бери шу аҳвол. Гапирмайсиз.

Қоғозлардан бошимни қутариб, унга бир муддат тикилиб қолдим. Асабийлашганидан унинг лаблари титрар, қушлари сулғинлашиб кетганди.

– Гапиринг, илтимос сиздан, – деди у илтижо қилгандек.

У қаршимда турганча мендан қузини узмасди. Охири, бир қули билан пианинога суянганча йиғлашга тушди.

– Сизга кеча ҳам айтдим, илгари куни ҳам айтдим. Мендан кунглингиз тулмаётган булса руй-рост айтинг, хоҳлаганча айбланг, хоҳласангиз ажрашиш учун ариза топширинг, факат Худо ҳаққи, гапирмасдан одамни эзишни бас қилинг.

Чўнтагимдаги қоғоз булакларини тағин эзгилашни бошладим. Худди шу пайтда кимдир юрагимни шундай эзгилашга тушди. Номасълум қул кузга қуринмай юрагимни эзарди. Қоғоз булакларини мен қанчалик қаттиқ эзсам, у ҳам юрагимни шунчалик қаттиқ, бунинг устига аллақандай зугум билан эзарди.

Қуп утмай, Нарғиза йиғлаб хонадан чиқиб кетди. Эшикни ёпмадиям. Урнимдан туриб эшикни ёпдим-да, қайтиб жойимга утирдим. Пианинонинг буғик овози ҳам, Бетховеннинг сонатаси ҳам энди тинганди. Мен негадир илмий ишимга диққатимни қаратишни мақсад қилдим-у лекин бунинг урнига чўнтагимдаги қоғоз булакларини олиб стол устига қўйдим. Уларнинг ҳар бири гижимланиб кетганидан деярли ўқиб бўлмас ҳолатга келиб қолганди. Шунга қарамай, уларни стол четида турган елим ёрдамида бир-бирига ёпиштиришга ҳаракат қилдим. Қоғозни тиклаш учун анча вақтим кетди. Роса тер тукишим натижасида, булаклар бир амаллаб бирлашди ва қоғознинг аввалги шакли тикланди.

Бус-бутун ҳолга келган қоғозга кузларимни тикиб утирарканман, ҳаёлим беихтиёр уч кун олдинги воқеалар томон учиб кетди. Ҳаммасини эслашга уриниб кўрдим. Операция пайтида оёғимнинг сон қисмида бошланган оғрик, ҳолсизланиш, терлаш, операцияни бир амаллаб утказиб хонамда букчайиб ётганим ва пича утиб клиникамиздаги уролог ҳамкасбимнинг қуригида бўлганим – ҳамма-ҳаммаси куз олдимда бирма-бир гавдаланди. Булар худди дахшатли трагедиянинг дебочасидек эди гуё.

Қанчалик оғир бўлмасин, кейинги воқеаларни ҳам куз олдимдан утқаздим. Мени текшириб таҳлил натижаси-

ни кулига олгач, ҳамкасбимнинг ранги оқариб кетгани, сунг узини кулга олиб клиниканинг кафесига биттадан қаҳва ичишга таклиф қилгани ва у ерда деразанинг шундоққина ёнидаги туллаган урикка қараб туриб, қоғозга туширилган натижани юзимга қарамай, тутилиб-тутилиб айтганлари эсимга тушди. Ундан қоғозни кулимга олгач, бундай бўлиши мумкин эмас, деб бир қоғозга, бир унга қарадим. Сунг асабий кулганча хонамга кириб кетдим. Хонамда утириб уйланиб қолдим. Бу мумкин эмасдек эди тасаввуримда. Ахир, энди уттиз ёшга тулгандим. Менга тиркалаётган бу касаллик одатда, эллик ёшдан ўтган эркакларда учрарди. Йўқ, мен соғлом эдим, ҳеч қанақасига касал эмасдим. Касалликка чалинганим наздимда, сафсатадан бошқа нарса эмасдек, бунга сира ишонмасдим. Лекин таҳлил натижаси акс ўтган қоғозга қарарканман, ногоҳ юрагим орқасига тортиб кетди.

– Бемаънилик, – дедим ишонқирамай қоғозни майда-майда қилиб йиртиб ташларканман. – Менда простата беzi саратони бўлиши мумкин эмас.

Стол устидаги лампа кузимни оғрита бошлагач, уримдан турдим. Секин юриб пианинонинг олдига келдим. Уни тўқ қизил рангдаги ялтироқ, текис устки қисмида кулларимни юргиза бошладим. Кейин диққатимни унинг ёнидаги шкаф ичидаги узимни ва Наргизанинг китоблари тортди. Уларни бирин-кетин кулимга олиб, варақлаб қўрдим. Хонани қўздан кечирдим, уйим ҳақида уйладим. Пианино, китоб шкафи ва мана шу уй мени ўтмиш сари етаклаб кетди.

Ўз пайтида бу уйни кредитга олганимда жудаям хурсанд бўлгандим. Ниҳоят, ижарама-ижара юриш балосидан қутулгандим. Узимни уйим бўлганди, орзум ўшалганди. Ҳеч қанча ўтмай, бу тушунарсиз ҳаётда Наргизани учратдим. У билан турмуш қўрдим. Оилавий ҳаётим йўлга қўйилгач, аста-секинлик билан уйни жиҳозлаш ишлари бошланди. Мана шу пианино ва китоб шкафини сотиб

олдим биринчи навбатда. Пианино бирпасда Наргизанинг сеvimли ҳамроҳига айланди, бунинг натижасида кечкурунлари бутун уй буйлаб Бегховеннинг сонаталари ёки Шопеннинг вальслари тинмайдиган бўлиб қолди.

Утмиш хотиралари билан бир оз муддат овунгач, равонга чиқдим. Ташқарида ёмғир ҳалиям тинмаганди. Аксинча, кучли шамол таъсирида унинг шиддати кучайганди. Равоннинг кия очик ҳолда қолиб гичирлай бошлаган эшигини ёпиб қўйиб, ташқарида турганча атрофни куздан кечирдим. Кучада ҳаёт тухтамаган, ҳозир ҳам одамлар куп эди. Атроф тула булган куп каватли уйларда чироқлар ёниқ, ҳаёт қайнарди. Шу ҳолатда атрофни анча кузатарканман, ҳаёт дафъатан кузимга чиройли куруниб кетди, унга ҳали сира тўймаганимни чуқур ҳис қилдим. Бошқа томондан улим ҳақида уйладим. Биринчи марта жиддий уйладим.

Рости, одамнинг ишонгиси келмайди. У туғилади, яшайди ва қанчалик ачинарли, дахшатли бўлмасин, улади. Кимдир туғилган заҳоти улади, кимдир айни ёшлик пайтида. Кимдир эса ёшини яшаб, кексалик ганггини суриб оламдан утади. Ҳамма учун битта қисмат: туғилиш, яшаш ва ўлиш. Бу оддий формулага ухшайди. Бирок бунинг замирида қанчалар чуқур дард, оғир мусибат, инсоннинг кункиши қийин булган ақл бовар қилмас фалсафа ётганини купчилик тасаввур қилуолмайди. Инсон туғилиб, онги шаклланиб, ҳам жисмонан, ҳам руҳан улғайиб, уқиб-урганиб, жамиятда шахс сифатида уз урнини топиб, орзулар қилиб, севиб-севилиб, оила қуриб, фарзандлар вояга етказиб, сунгра буларнинг барчасини бир куни ташлаб кетади. Нима учун шундайлигини ҳеч ким тушунмайди ва аниқки, тушунтириб ҳам беролмайди. Бу саволга ҳагто мактаб тизимида қониқарсиз баҳога тортадиган жавоб берилмайди, шунчаки, катта-ю кичик елкалар қисилади-да, бошлар чайқалади. Бу биз англаб етиш ва жавоб бериш учун ожизлик қиламиз, деган маънони билдиради.

Улимни тасаввур қилиш қийин. Аммо, айли лаҳзада уни минг чандон яхши тасаввур қила бошладим. У тафаккуримда мени ҳамма нарсадан айирувчи куч сифатида гавдаланди. Яъни хоҳлайманми-йўқми, у бир куни мени маъна бу ковоқларини уюб олган булса-да, аслида бағри кенг осмондан, атрофга тинмай ёғаетган ёмғирдан, юзимга урилайётган шамолдан айириб, номаълум томонларга олиб кетади. У туфайли бир куни тинмай ураётган юрагим тўхтаydi, кузларим юмилиб, бошқа очилмаydi, оёқ-қулларим тарашадек қотиб қолади, лабларим кимирламаydi, кулоқларим эшитмаydi, бурним ҳид билмаydi.

У туфайли бир куни мен соатни, вақтни, утаётган лаҳзаларни; тонг отгач ёришадиган кун билан қош қорайгач тушадиган тунни; иссиқ билан совуқни; дарахтлар кумкўк бўлиб гуллайдиган баҳорни; мевалар ғарқ пишадиган ёзни; ссрёмғир, тумани кузни шамғалат қиладиган, хазонгрезгили куз ва қор ёғиб қалбларни покловчи кумуш кишни фарқига боролмайман.

У туфайли бир куни мен рус ёки инглиз тилларини мукаммал биладиган; нуфузли тиббиёт олийгоҳини тамомлаган; уз вақтида юзлаб бадий ва илмий асарларни мутолаа қилган; айтайлик, чанги учиргани, машина ҳайдашни, қўшниқ кўйлашни, расм чизишни, радиоприёмник тузатишни ёки одамлар қоринини ёриб операция қилишни биладиган инсондан бир уюм тупрокка айланаман.

Олисларга учиб кетган ўй-хаёлларим ҳали бери қайтиб келмайдигандек эди. Тез фурсатда улим ҳақидаги совуқ мулоҳазалар танамни нвитиб ташлаган ёмғир томчиларининг савалашига ҳамоҳанг бўлиб, мени руҳан эзиб қўydi. Айни пайтда ёмғирли оқшомнинг паст хароратли об-ҳавосидан эмас, айнан улим туғрисидаги совуқ мулоҳазалардан совқотиб, енгилгина дир-дир титтардим. Шу пайт равоъ эшигининг очилиши мени узимга келтирди. Эринибгина у томонга қарадим ва кузларим у ерда тунги қўйлақда турган Наргизанинг кузлари билан тўкна-

шди. Ундан кузимни олиб кочарканман, у энди ҳаммасини билади, деган тахмин хаёлимдан утди. Бир оз утиб, бу тахминим уз тасдиғини топди.

– Менга бу ҳақда айтишингиз керак эди, – деди у зўрга овози чикиб.

Унинг қиёфасида норозиликдан кура ачиниш ва ҳамдардлик ҳисси акс этиб турарди.

– Кошки бу айтадиган нарса булса экан.

Нарғиза гапларимни эшитиб-эшитмай, бошини чайкаганча менга яқинлашди ва елкамдан маҳкам кучиб олди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, – деди узини тетик тутиб, кунглимни кутараркан. – Биз курашамиз. Бирга курашамиз. Ҳозир тиббиёт анча ривожланган. Сиз яхши биласиз буни. Ахир шифокорсиз. Давоси йуқ касалликнинг узи қолмаган. Барини даволаса бўлади. Бизда даволаб бўлма-са, чет элда бунинг иложиси бор.

Нарғизани тингларканман, негадир ҳамкасбимнинг охирги гапини кунглимдан утказдим.

«Баҳодир, касалликни утказиб юбормадикмикин, деб куркаман. Бошланғич боскичда эканлиғига шубҳам бор».

Нарғиза бошқа гапирмай, ортимдан мени кучганча анча вақт турди. Танасининг илик ҳарорати шиддатли ёмғир ва сөвук мулоҳазалар таъсирида совиб улгурган танамга кучиб утиб, уни ва музлаб қолган шууримни илитди ҳамда фақат ўзигагина хос бўлган, бир пайтлар мени ўзига ипсиз боғлаб мафтун қилган узун сочларининг ёқимли иси димоғимга урилди. Натижада, борлиғимни оний фурсат эгаллаган умидсизлик ва унинг гарданидаги мулоҳазалар чекинишди, анча ортга чекинишди. Улар қиса бошлаган юрагим сал эрқни ҳис қилгач, беихтиёр шу тобда яна яшагим келиб кетди; ҳаётимга соя солиб турган улимни бутунлай унутганча, куйиб-ёниб яшагим келди; ҳаётнинг барча ғам-шодликларини охирги мисқо-лигача ҳис қилиб яшагим келди; юрагимнинг уриши тухтагунича, мана шу туртинчи каватдаги кадрдон уйимда,

мени эҳтимол факат унинг узигина чин дилдан яхши курадиган турмуш уртоғим билан ёнимдаги бахтимни кадрига етиб яшагим келди... У ёғига нима булса булар. Ахир, барибир ҳеч ким бу дунёга устун булмайди.

Ёмғир туфайли равонда куп туриб булмасди. Боя айтганимдек, куп турганим боис анчагина ивиб кетгандим. Наргиза ҳам ҳеч билинтирмаси-да, тунги куйлақда совқота бошлаганди. Айни пайтда иккимиз учун энг туғри йул – ичкарига кириш эди.

– Ичкарига кирайлик, – дедим шу мақсадда ортимга угирилиб. – Ёмғирда ивиб кетдим.

Наргиза ҳуш дегандек бош ирғаб куйди ва секин бошини кўтариб бир менга, бир устимдаги ҳул булиб кетган костюмимга қаради.

– Мени ташлаб кетишга ҳаққингиз йук, – деди у лабла-ри секин пичирларкан.

Бунга жавобан мен жилмайиб куйдим. Албатта, узимни мажбурлаб...

ОЛИС-ОЛИСЛАРДА

Шаҳар кутубхонасининг бадий асарлар жойлаштирилган қисмига кирганимда, узимда кўтаринки кайфиятни ва бу ерни жудаям соғинганимни ҳис қилдим. Ичкари ҳам негадир айнан шу хонада ҳатто уйимда тополмаган, узим ҳар доим интилиб келган хотиржамликни толардим.

У ердаги китоблар орасидан ўқиш учун айримларини танлаб олганимдан сунг кутубхона ходимаси китобларни абонентлик картага ёзиб расмийлаштирди. Уни расмий-ятчилиқни қачон якунлашини кутиб тургандим, укув за-лида утирган уқитувчим Расул Азизовични куриб қолдим. У охириги қаторда утирган булса-да, кутубхонада одам куп булмаганлиги боис бир қарашдаёқ яққол кўзга ташланарди. У олтмиш ёшлар атрофидаги, бир оз қорин солган,

сочлари асосан пешонасининг икки ёнидан тухилган, кузлари одамга дадил боқувчи, елкалари ҳарбийларники каби кенг, табиатан кунгилчан, анча босик фесьл-атвор ва мустаҳкам ирода соҳиби булган киши эди. Шаҳардаги мен укиган институтда, тахминан йигирма беш йилдан буён уқитувчилик киларди. Юраги билан боғлиқ муаммолар пайдо булгач, орада бир йил уқитувчилик қилмаган. Ҳатто врачларнинг маслаҳатига таяниб эртарок нафақага чиқмокчи булганди. Лекин угли Англияга уқилини давом эттириш учун жунаб кетгач, ишига қайтиб яна уқитувчилик кила бошлади.

Уни талабалик пайтимдан билардим. Гарчи уша пайтлари институтдаги аксарият уқитувчилар билан муносабатим унчалик яхши кечмаган булса-да, у билан тез-тез суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб турардим. Бунинг сабаби шундаки, Расул Азизович бошқа уқитувчиларга сира-ям ухшамасди. Унда туғма педагоглик қобилияти бор эди, ашаддий жонкуярлиги эндиликда юзаки фаолият юритишни бошлаган институт уқитувчилари билан таққосланганда кишида узгача таассурот қолдирарди.

– Очиги, яқинлашганингизда танидим, – деди у олдига боргандим мен билан саломлашгач.

Кейин ёнидаги буш стулни мен томонга суриб, утиришга таклиф қилди. У анчайин ҳорғин қуринди.

– Маърузаларим эртарок тугаганди, – деди мен стулга утиргач, у кузойнагини счиб қуйиб. – Шунга туғри бу ерга келавердим.

Кузойнак остида билинмаган экан. Унинг кузлари, толиқиш натижасида булса керак, кизариб кетганди. У кизарган кузлари билан атрофга бир қур назар солди-да, мени дабдурустдан саволга тутди. Унинг шунақа одати бор эди.

– Англия ҳақида нималарни биласиз? Кечирасиз... нима деб уйлайсиз, қандай фикрдасиз, демокчи эдим.

Унинг олдида яшил муковали энциклопедия турарди. Кузойнагини тақиб, у китобни варақлашга тушди. Ундаги

суратларни менга курсатаркан, саволи ҳам эсидан чиқди.

– Буни қаранг: мана Трафалгар майдони. Катта, шундай эмасми? Бу хойнаҳой Вестминистр аббатлиги бўлса керак. Мана бу Букингем саройи. Қизик, қанчалик чиройли ва мухташам бўлмасин, негадир узига тортмайди. Нима дедингиз?

У китобни бирма-бир варақларкан, уз касбининг устаси бўлган моҳир экскурсоводга ухшаб ундаги суратларни майда-чуйда тафсилотигача менга айтиб бера бошлади.

– Бу эса Британия музейидаги Фиръавннинг мумиёланган жасади, – деди ниҳоят китобнинг Англия ҳақидаги бўлими якунига етгач.

– Англиянинг диққатга сазовор жойлари куп, – дедим у китобни ёпиб бир четга суриб қўйгач, тўғриси, шундан бошқа яна нима дейишим мумкинлигини билмай.

Расул Азизович шунда нигоҳида хира қурилиш бериб турган маъюслик билан менга қаради.

– Ҳа, куп. Лекин, диққатга сазовор жойлар деярли ҳеч ким билмайдиган уша Муғулистон, Либерия ёки Фил суяги қирғоғида ҳам бор. Шундай эмасми?

Мен, бўлса бордир, аммо инглизлар юртидаги маданий мерос билан у ерлардаги маданий меросни солиштириш кулгили, демоқчи бўлдим. Аммо уни ранжитиб қўйсам-чи, деган ҳаёлга бориб фикримдан қайтдим.

– Диққатга сазовор жойлар, оламга машҳур Лондон, ҳафғасига минг фунт тулайдиган иш жойи, – деди у бир оз утиб, тусатдан кинояли кулганча. – Айтинг-чи, шулар фуқароликка арзийдими? Тушунмадингиз, шекилли. Инглиз фуқароси бўлиш учун арзийдими?

Дастлаб Англия ҳақида суз очилиши, сунг унинг маданий мероси хусусидаги гаплар ва охир-оқибат мана бу берилган савол мени рости хайрон қолдирди. Менга айни дамда изох керак эди, чунки гапнинг аслида нима ҳақида кетаётганини сираям тушунмай қолгандим. Хайрият, биров утиб Расул Азизовичнинг узи ёрдамга келди.

– Кеча уғлимдан хат олгандим. Кечга яқин. У Англияда бутунлай қолиш мақсадида инглиз ҳукуматидан сиёсий бошлана сурабди.

Шу пайт томоғига нимадир тикилиб қолгандек, у бир неча марта каттиқ ютинди, сунгра костюмининг ички чўнтагидан даструмолини олиб, уни лабига тутганича бир муддат ушлаб турди. Даструмолни чўнтагига қайтиб солиб қўйгач, бир нуктага тикилганча қотиб қолди.

– Буни мен анчадан бери ҳис қилиб келардим, – давом этди шундан сунг. – Кунглим сезарди. Уқишга кетганининг илк кунлари электрон почтага юборган хатларида, уғлим Англия ҳақида доим тулқинланиб ёзарди. Уларни уқиб бу илк таассуротнинг ҳосиласи, куп утмай утиб кетади, деб уйлардим. Туғрисиям шу-да. Инсон узи курмаган юртга биринчи бор ташриф буюрганида бошида кучли таассуротлар оғушида қолади, уларнинг таъсиридан чиқиб кетиши ҳар доим ҳам тез суръатда руй бермайди.

Хуллас, у Англия ҳақида, у ердаги диққатга сазовор жойларни бориб кургани ҳақида тулқинланиб мактублар ёзарди. Мени эса Англия ҳақидаги ажойиб тафсилотларга кумилган унинг мактублари ҳар гал бефарқ қолдирарди, чунки мен унинг сайру саёхатлари ҳусусида эмас, купрок уқиши ҳусусида билгим келарди. Айнан, уқиши ҳусусида. Уқиши қандай кетаётганини, дарсларни қандай узолаштираётганини, имтиҳонларга қандай тайёргарлик кураётганини билишни, купрок шулар ҳақида ёзишини истардим.

Уқишини тамомлаб магистрлик даражасини олгач, у қайтади, деб каттиқ ишондим. Аммо магистрлик даражасини олгач ҳам уғлим у ерда қолиб кетди. Табиийки, бундан хафа бўлдим. Шунга карамай, унга хафалигимни билдирмадим, аксинча нима учун бунча қолиб кетганини суриштирдим, холос. У айтмади, туғриси айттиси келмади. Яна сурагандим, яна шу ахвол такрорланди. Шу-шу бошқа сураб-суриштирмадим. Бу орада турли уй-хаёлларга берилиб ич-этимни еб юрдим. Охири, узи айтиб

қолди. Ишлаяпман, деб сзди хатида. Қасрда ишлаётгани мени қарахт қилиб қуйди. Ҳар ҳолда, ҳуқуқшунослик бўйича магистрлик даражасини қўлга киритган мутахассисни қандайдир ресторанда идиш-товок юваётганини эшитса, унинг ота-онаси нари қолиб етти ёт беғоналар ҳам анграйиб қолишса керак.

Шу сабаб бўлиб, биринчи марта ундан норозилигимни намойиш этдим. Ёзишмаларимиз давомида унга қаттиқ тегдим, танбеҳ бердим, ўзига номуносиб иш билан машғул бўлаётганини таъкидладим. У бунга жавобан мендан хафа бўлганини ёзиб юборди ва шу бўйи бир неча ҳафта мобайнида менга бир жумлаям ёзмади.

Анча вақт ўтиб, ниҳоят кеча ундан яна хат олдим. Хатни ўқиб чиққач, уни муносиб иш топганидан хабардор бўлдим. У ерда ҳафтасига минг фунт туланаркан. Бу хабар менга на ижобий, на салбий таъсир қурсатди. Фикру зикрим хатнинг иккинчи қисмига иппиз боғланиб қолганди. Унга қўз югуртирарканман, ўғлимни Англияда муҳожир бўлиб яшашга қарор қилгани ва кейинчалик фуқароликни олиш мақсадида инглиз ҳукуматидан сиёсий бошлана сураганини билиб, сал бўлмаса ақлдан озаёздим.

Расул Азизович шу ерда бўйинбоғини бушатиб, оғир ух тортиб қуйди.

– Тобингиз қочдим, домла? – дедим йуталиши натижасида энди унинг чаккасидаги томирлари буртиб чиққанини куриб хавотир олганча.

У қўли билан ҳаммаси жойида эканлигини билдирди.

– Ўғлимнинг охири хатини қўз олдимга келтирарканман, унга туғри тарбия бера олмагандек туюламан. Бу роса аламли эшитиларкан. Унинг ўзи учун чиқарган қарорлари берган тарбиямнинг маҳсули. Тан олишим керак, шундай. Қолаверса, миллий мафқуранинг тулик шаклланмаганини ҳам. Миллий мафқура битта ундагина тулик шаклланмаган эмас. Унга ухшаб Массачусетс, Огайо, Бирмингем, Глазго, Шеффилд каби шаҳарлардаги

дорилфунунларга ўқиш учун кетаётган бошқа маҳаллий ёшларнинг аксариятида ҳам тулик шаклланмаган. Тулик шаклланмай, юзакни шакллангани учун ҳам ватан, фуқаролик бурчи каби тушунчалар уларнинг онгига етиб бормайди. Шунинг учун улар ахлоқона қарорлар қабул қилишдан ўзларини тия олишмайди. Уларнинг онги банкни, корхонани қандай қилиб самарали бошқаришга ёки ҳуқуқий-дипломатик масалаларни бир зумда ечишга етади-ю, оддий ҳақиқатларни англашга келганда оқсайди. Бир қарасанг уларнинг бири, қилаётган ишининг моҳияти билан оқибатини ўйламай тили, дини, менталитети бошқа бўлган жамиятдан сиёсий бошпала сурайди; иккинчиси, ўша жамиятнинг тулақонли аъзоси бўлиш учун қўйиб берса ўша ерлик енгилтак аёл билан никоҳдан утади; учинчиси, яхши пул туланса олий маълумотли ва зиёли бўла туриб ресторанда идиш-товуқ ювади ёки пол артади; тўртинчиси, Ғарб менталитетининг беазабига айланган оммавий маданият қўзига жаннатдек қуриниб ота-онаси берган шарқона тарбияга ҳам, уни шахс сифатида шакллантирган миллий урф-одатлар ва анъаналарга ҳам қўл силтайди-да, ҳафтасига минг фунт топаяпман, деб она юртидан олисда тараллабсод қилиб яшай бошлайди ва ҳоказо...

Негадир шу паҳар кутубхонасида пашшанинг ўқганиям билинмасди. Шунгадир зал бўйлаб тусатдан янграб кетган қўнғирокчанинг овози Расул Азизовичниям, менниям бирдан ҳушёр торттирди. Кутубхонадаги навбатчи аёл яна бир неча марта қўлидаги қўнғирокчани чалди. Бу тушлик вақти бўлганини ва кутубхонани бир соатга ёпилишини билдирарди. Қўнғирокчанинг овозини эшитиб ҳамма ўрнидан турди-да, ўқув залида фойдаланиш учун олган китобларни навбат билан кутубхона ходимларига топшира бошлашди. Мен бошқалар қатори олган китобини топширгани кетган Расул Азизовични йўлакда қўтиб турдим. У китобини топшириб келгач, кутубхонадан ташқарига бирга чиқдик.

– Узим билан овора булиб касрда ишлаётганингиз ҳақида сурамабман, – деди у кучада менга бошдан-оёқ разм солиб.

Унга касрда ишлаётганимни айтдим.

– Яхши, – деди у жавобимни эшитгач. – Кам булманг.

Осмонда бу вақтда булутлар зич жойлашиб улгурган булиб, у бениҳоя кулранг тусга кирган ва ушбу манзара дарахтлардан насибаси узилиб ер узра ястаниб ётган сап-сарик барглар билан биргаликда юракни батамом сикарди.

– Қанийди, меням углим шу ерда булсайди, – деди Расул Азизович кучада бу манзарага умуман эътибор бермай уз ташвишлари билан елиб-югуриб юрган одамларга қараркан. – Аммо у олисда. Олис-олисларда.

Кейин у менга бушашибгина қулини узатиб хайрлашди. Одатига содик ҳолда шошилмай, бунинг устига оксок одамлардек оёқларини бир томонга сал ташлаб кетаркан, мен кутубхонадан олган китобларимни қўлтиғимга кистирганча, ноябрнинг рутубатли осмони остида анча муддатгача унинг ортидан қараб қолдим...

ОКТЯБРЬ РОМАНТИКАСИ

Охирги кунларда банк хизматчиларига нима бўлаётганини тушунмасдим. Деярли ҳамма банк ёнида жойлашган ёшлар хиёбонидаги рассомларга учрашиб, у ерда узининг суратини чиздиарди. Сурати ухшаганлар бир-бирларига калам ёрдамида чизилган портретини курсатиб мактанишар, ухшамаганлари рассомларнинг гурига ғишт қалашарди.

Бу мавзу октябрь бошланганидан бери банкнинг ичида кун ора айланверганидан мени ҳам бирпасда уз домига тортиб, қизиқтириб қўйди. Шу туфайли эриямни хизматчиларнинг суратларини бирма-бир томоша қилиб чиқдим. Айримларини куриб қолдим, айримларини куриб мушоҳадага берилдим.

– Суратини чиздирмаган битта сиз колдингиз, Навфал? – деди кредит булимидаги Фарида опа менга портретини курсатаркан ҳазил тарикасида.

– Балки мен ҳам чиздирарман, – дедим унга кулимсираб.

– Чиздиринг, – давом этди у. – Хиёбонда Рустам деган рассом йигит бор. Ухшатиб чизади. Хизмат хакига куп сурамайди.

Бошқарувчи иккимизга битта котиба бириктирилганди. Унга ташқарида бир соатлик ишим борлигини айтиб, кучага чиқдим. Хиёбонга борганимда, у ерда турнакатор булиб утирган рассомларга кузим тушди. Уларнинг ҳар бири каршисига мольбертини куйиб, ёнидаги стулда утирган буюртмачининг суратини чизиш устида тер тукарди. Рустам деган йигитни топишим кийин кечмади. Фарида опа уни соч-соқоли узун йигит деб тасвирлаганди. Рассомларнинг орасида фақатгина битта шундай йигит утирар, унинг атрофида суратини чиздираётган буюртмачидан ташқари яна икки-уч киши навбат кутиб туришарди.

Буни куриб, унинг олдига яқинлашмадим. Азалдан навбат кутишга урганмаганман. Бошқасига суратимни чиздирсам нима бўлади, деб уйладим. Шунда эътиборимни бир четда утирган ёшгина рассом қиз тортди. Бошқалардан фаркли равишда унинг олдига ҳеч ким йук эди. У атрофига эътибор бермас, каршисидаги мольбертига ҳам карамас, қулларини совқотган одамдек бир-бирига чирмаштириб уйчан ҳолда утирарди.

– Кечирасиз, – дедим унга яқин боргач. – Суратимни чиздирмокчи эдим.

У ярк этиб менга каради. Бехос суз котиб унинг хаёлларини булганим сезилди.

– Қора қаламдами? – суради у мольбертини тартибга келтираркан.

– Шуниси яхши, – дедим унинг ёнидаги стулга урнашиб олгач.

– Битта эскиз уттиз минг сўм, -- деди у узун қаламни қулига олиб, учини қаламтарош ёрдамида киртишларкан.

Чўнтагимни кавлаб айтилган пулни узимга яқин жойдаги курсининг устига қўйдим. Шундан сўнг, у менга қараб-қараб расмимни чиза бошладим. Айтганини қилиб ҳолатимни узгартирмай утирдим. Вақт утиб, у мен томонга умуман қарамай қўйди ва мольбертидан қузини узмай чизишга тушди. Шунақасиям бўларканми, дедим ичимда киноя қилиб. Бир маҳал тўсатдан унинг қулидаги қалам ерга тушиб кетди. Ўзи эса қузларини қатта-қатта очиб ўрнидан турди ва бир мен томонга, бир мольберт томонга қараб йиғлаб юборди. Нима бўлганини тушунмай, унинг олдига келдим. Мольбертда бутунлай бошқа эркакнинг чизилган сурати турарди.

– Яна унинг суратини чиздим, – деди у юзини яшириб, тик турганча йиғларкан.

Унинг ҳўнграб йиғлаши атрофдаги рассомларни ҳам, буюртмачиларни ҳам эътиборини тортди. Улар ҳудди мен каби нима бўлганини тушунмагандек, қизиқсиниб бирин-кетин биз томонга қарашга тушишди. Бундан хижолат бўлиб кетдим. Уларнинг нигоҳлари остида бундай шароитда туриш менга ноқулайлик тугдирди.

– Ҳечқиси йўқ, бошқа сафар келаман, – дедим кайфим бузилиб.

– Йўқ, қайта уриниб қураман, – деди рассом қиз қўз ёшларини артиб, мольбертга қистирилган оқ картон қоғозни бошқасига алмаштираркан. – Мендан утди, кечиринг.

– Ўзингизни айбламанг, – дедим уни тинчлантирарканман. – Бўлиб туради. Мен эртага келаман. Овораси йўқ. Ёнингиздаги банкда ишлайман.

Эртасига на бу воқеа, на унинг олдига боришим лозимлиги ёдимда қолди. Ишга бошим билан шўнғиб кетдим. Уч кун утиб, бўлимларнинг ҳисоботларидаги камчиликларни текшириб утирганимда хонамнинг эшигин тақиллади.

– Кириг, – дедим ишдан бошимни кутариб.

Эшик олдида хиёбондаги уша рассом киз курипти.

– Уч кун кутдим, келмадингиз, – деди у ичкарилагач, хонанинг уртасида тухтаб. – Шунга пулларингизни кайтариб олиб келдим.

У келиб стол устига пулларни куйди.

– Уша суратдаги акам эди, – деди сунг синик овозда.

– Яқинда бир йил булади автохалокатга учраб оламдан угганига. Йўқлигига ҳамон куника олмайман. Сийрати ҳеч куз олдимдан кетмайди. Булиб утган иш учун яна бир марта узр сурайман сиздан.

У хонада куп колмади. Ортига утирилиб ташкарилади. Одатдагидек бир узим колгач, қўлим ишга бормади. Иштиёким каергадир йуқолгандек, бушашиб кетдим. Рассом кизнинг маънос кузлари ичига яширинган дард, изтироб ва умидсизлик, шунингдек, овозидаги синиклик бир зумда иш билан банд бўлган уй-хаёлимни эгаллаб олди. Шу бўйи кечгача кунгилдагидек ишлай олмадим. Хаёлим сочилиб, фикрим булиниб кетаверди. Ҳатто кечкурун уйда иштаҳам бўлмай овқат емадим. Бу билан онамни тоза хайрон қолдирдим.

Вазият эртасига ҳам узгармади. Банкда утиролмадим. Иш қилиш тугул хонамга сиғмай қолдим. Нуқул уша кизни уйлардим. Хиёбонга қандай борганимни билмайман. Борсам у уша ерда экан. Яна ўзи ёлғиз утирар, ёнида бирорта буюртмачи йўқ эди. Унга одат бўлиб қолган шекилли, теварак-атроф билан мутлақо иши йўқ, нигоҳи уйчан.

Бир қатор қилиб экилган арчалар орасидан уни кузатарканман, бирдан унга ачиниб кетдим. Узимда ачиниш ҳиссини туйиб, тик оёқда қотиб турардим. Мен қабл каттиққул, дийдаси қотиб кетган инсон бировга ачина бошлаганди. Бу чинакамига қутилмаган янгилик эди. Айниқса, банкдагилар бу ҳақда билишса борми, роса қулишарди.

Икки кун ўтиб, китоб дуконига кирганим янаям ғалати бўлди. Бу арчалар орасига яшириниб одамови, биров

суратини чиздирмайдиган, кенг ва шалвираган куйлак кийган, курымсиз кизни кузатишимдан ҳам утиб тушди. Сабаби, мен пулга китоб олиб укимасдим. У ердаги консултант киздан нима учун тасвирий санъат туғрисидаги китоб сурадим, рости бунга ҳам узим тушунмадим. У бир қанча китобларни тавсия қилди. Тасвирий санъатга заррача қизиқмаганим учун уларга ортқча аҳамият қаратмадим ва китобларнинг ичидан дуч келган биттасини танлаб олдим. Китобнинг номи «Импрессионизм тарихи» эди.

Уни қулимга олиб, вараклаб курдим. Улай агар, бирор нарсага тушунган булсам. Дукондан уни култигимга қистириб чиққанимда узимга узим лол қолдим. Пулни обдан уйлаб кейин сарфлайдиган мендек инсон нечун битта китоб учун қирк беш минг сум сарфлади? Шуни уйлаб қучада турганимда ҳақи нима қилишимни аниқ билмасдим. Лекин икки кузим хиёбондаги рассомлар павильонида эди. Китоб дукони ҳам хиёбонда жойлашгани учун павильон аниқ-тиниқ куриниб турарди.

Бир муддат очик хавода тургач, туғри рассомлар павильони сари юрдим. У ерда одам қайнарди. Рассомлар қули қулига тегмай буюртмачиларнинг суратини чизишарди. Фақат уша кизнинг олдида ҳеч ким йук эди.

– Сизга битта таклифим бор, – дедим унинг олдида бориб.

У мени таниди-да, қулимдаги китобга анграйиб қаради.

– Шу китобни ўқиб ҳеч тушунмаяпман. Сиз менга ўқиб тушунтириб берсангиз, дегандим. Ҳар ҳолда тасвирий санъат ичидаги одамсиз. Мен уни юзаки биламан ҳолос, ҳавасқорман. Шунга китобни тушунишим кийин кечяпти.

Китобни унга узатдим. У қулига олиб, вараклаб курди.

– Импрессионист рассомларга қизиқасизми? – деди орада менга қараб-қараб.

– Шундай деса ҳам булади. Леонардо Да Винчига купрок.

Шунда у менга одатдагидан бошқача қаради, лекин китобни бир маромда вараклашда давом этди. Охири

шунга келишдик: у менга ҳар куни битта бўлимни ўқиб тушунтириб беради, мен унга ҳар учта бўлим учун битта портретга туланадиган пулни тулов сифатида бераман. Китоб ун икки бўлимдан иборат эди. Машғулоти эртадан бошлангга қарор қилдик. Китобнинг биринчи бўлимини у менга зур қилиб тушунтириб берди. Дунёга келиб биринчи марта Эдуард Мане, Огюст Ренуар, Клод Моне каби номларни эшитдим. Розия (унинг исми шундай эди) уларнинг ижоди ҳақида ажойиб нотиклардек аниқ ва лунда қилиб гапирди. Мен эса бирор нарсага тушунган бўлсам – бу ёлгон. Ҳеч нимага тушунмадим. Лекин Розиянинг жонлангани мени хурсанд қилди. У китобни мен учун ўқигандан кура ўзи учун ўқиганга ўхшарди. Менда ҳар қалай шундай таассурот қолдирди.

Иккинчи куни банкдаги ишимдан ортиб, сал кечикиб чиқдим. Розия икки кузи китобда, атрофига куз кириниям ташламасди. Мени куриб, юзи ёришди. Китобнинг иккинчи бўлими биринчисидан фарк қилмас экан. Яна ҳеч нимага тушунмадим. Шунга қарамай, бу мени ташвишга солмади. Розия кечагидан қайфияти кутаринкига ўхшар, китоб ва мен номини талаффуз қилишга бир умр қийналадиган импрессионист рассомларнинг ҳаёти билан ижоди уни анча қизиқтириб қўйгани кундек равшан эди. Боиси, бу гал у хаяжон билан тўлкинланиб гапирди. Учинчи ва тўртинчи бўлимларга келиб, Розияда китобдан ҳақиқий завқланиш пайдо бўлгандек сезилди. У ҳатто машғулоти пайтида урнидан туриб, хиёбон четидаги қахва сотувчи амакидан иккимиз учун иссиқ қахва олиб келди. Қахвани болалигимдан иссиқ ҳолда ича олмасдим. Уни пуфлаб ичишим Розиянинг жилмайишига сабаб бўлди. У ёқимли жилмаярди.

Импрессионизм тарихи ва импрессионистлар билан танишишим давом этарди. Бешинчи бўлимни тинглагани чикқанимда, Розиянинг ташки қўринишидаги ўзгаришларни пайқадим. Ҳечам ўзига эътибор бермайдиган

ган, курумсиз юрншни афзал курадиган қиз бугунлай узгарганди: сочлари чиройли турмакланган, устида кенг ва шалвираган куйлак урнига ёлишиб турган қора кузги куйлак ва юзида нозик пардоз элементлари... Китоб яримлаганида яна битта нарсаятиборимни тортди. Розия энди сурат чизарди. Мен келганимда унинг олдида ёш қиз ва кекса муйсафид утирар, афтидан у диққатини бир ерга жамлаб мольберт узра кулларини охиёта ҳаракатлантириб муйсафиднинг суратига чизгилар қиларди. Сурат тайёр булгач, муйсафид шодлигини яшира олмади.

– Суратдаги худди узим-ку. Раҳмат сенга, қизим.

Улар кетишгач, Розия мени четроқда турганимни куриб югуриб олдимга келди.

– Суюнчи беринг, – деди менга кунгли кутарилиб. – Яна сурат чиза бошладим. Бугун учта чиздим.

Китобнинг олтинчи бўлимида расмлар куп экан. Розия уларни менга бирма-бир курсатиб, ранглар мутаносиблиги ва картиналарнинг колорити ҳақида гапирди. Эдуард Мане деган рассомнинг «Майсазордаги нонушта» ва Клод Монеининг «Соябон кутарган аёл» картиналарини менга чуқур таҳлил қилиб берди. Кейин орага бироз сукунат чуқди. Мен атрофга тикилганимча ҳаёлларга берилдим. Розия китобдан кузини узмай жим қолди.

– Кузнинг таровати зур-да, – дедим оёқ остидаги сарик баргларга, ён-атроф бўйлаб эсаётган шамолга эътибор бериб. – Ҳаётнинг давомийлигини бизга эслатади. Сарик барглар, шамол тобора савалаётган дарахтларнинг маъюс қиёфаси, серёмғир оқшомлар – буларнинг ҳаммаси бизни маъюслаштиради, бироқ шу билан бирга эртанги кунга умид беради. Буларни куриб бахорни соғиниб яшай бошлаймиз ва қалбимизда пайдо булган умид учқунлари бизга яшаш учун туртки беради, ҳориган юрагимизни тўхтаб қолишдан асрайди. Куз, айниқса, октябрь чин маънода бетакрор.

Розия китобни маҳкам ушлаганча ундан кузини узмас, мен қалбимдаги ачиниш хиссининг урнини қандайдир

бошиқа ҳис эгаллай бошлаганини илғар, лекин уша ҳисга ном тополмай хаёлан қалбим тубида саргардон кезиб юардим. «Импрессионизм тарихи» китоби еттинчи ва саккизинчи бўлимларига келганда мен учун ут аҳамиятини тулик йўқотди. Розия ҳам гарчи ҳар кунгидек унга эътибор қаратса-да, мендаги узғариш сабаб бир оз юзаки тухталар, купрок вақтни узаро суҳбатлашиш ва яқиндан танишиш учун сарфлардик.

– Энди суратингизни чизсам ҳам бўлади, – деди Розия туккизинчи куни китобнинг навбатдаги бўлими якунлангач.

– Ҳозир бу шартмас, – дедим унга эътироз билдириб. Розия мендан упкалангандек бўлди.

– Яна акасининг суратини чизади дейсиз-да.

Эртасига шанба куни ёмғир ёғди. Шу сабаб машғулоти хийбондаги кафега қучиришга мажбур бўлдик. Лекин, бу сафар машғулоти бошланиб-бошланмай якунига етди. Китобнинг унинчи бўлими қолиб, куз ёмғири борасидаги хотираларимиз билан уртоқлашишни бошладик. «Импрессионизм тарихи» столнинг четида турганча узлатга чекинди.

– Куз ёмғири қандайдир одамга ҳузур бахш этади, – дедим деразадан ёмғирни кузатарканман. – Болалигимда кузда ёмғир ёгса уйкум келарди.

– Мен эса акам билан кучада сайр қилардим, – деди Розия менга қушилиб ёмғирни кузатаркан, бир пайт бахри дили очилиб. – Кўпинча, унинг ўрталарида, туғилган кунимда шунақа майдалаб ёмғир ёғарди.

– Октябрда туғилганмисиз?

– Ҳа, ун еттинчисида.

– Ҳаёт гузал, – дедим унинг борган сари тиниклашиб чирой очиб бораётган юзига куз ташлаб. – Шунинг учун ҳам унда яшаш керак. Ҳеч нима яшаш завоқининг киймати билан тенглаша олмайди.

– Мен ҳам энди шундай фикрдаман, – деди Розия менга юзини буриб.

Шу пайт ичимни нимадир кийнаб хурсиндим. Куп утмай, яхудий қушним Вениамин амакининг куп таъкидлайдиган бир гапи ҳаёлимдан ўтди. Бир инсонни ҳаётга қайтарган, мингта инсонни ҳаётга қайтарган билан баробар бўлади, дерди у Америкага кучиб кетишидан олдин. Шу гапни ҳаёлимдан ўтказиб, шунингдек, Розиянинг рухий ҳолатидаги муътадилликни куриб ва қалбимдаги ачиниш ҳисси урнини эгалламоқчи бўлаётган номаълум ҳиснинг кадам олишларини сезиб, «импрессионизм тарихи»ни урганиш машғулоти ортиқ давом этиши мумкин эмас, деган ҳулосага келдим.

– Китобни бугун олиб кетаман, – дедим официант келтирган олмали пирогдан енгил татиб кургач.

– Нима учун? – деди Розия ҳайрон бўлиб. – Ҳали яна иккита бўлими бор-ку!

Унинг саволига жавоб беришим бу сафар чузилиб кетди. Анчадан кейин жавоб бердим.

– Аслида, мен тасвирий санъатга умуман кизикмайман. Шунчаки сизни ҳаётга қайтармоқчи эдим.

Розия жавобимни эшитиб, бошини қуйи солди. Орада ёнидаги қахвадан бир-икки лабини теккизиб ҳўплаб қўйди.

– Тасвирий санъатга қизиқишингиз йўқлигини биринчи кунёқ билганман, – деди шундан сўнг бошини хануз қуйи солганча. – Да Винчи импрессионист рассомлардан анча олдин яшаган.

– Унда нега бу «томоша»ни давом эттирдиз? – сўрадим стулга ҳорғин суянарканман.

– Суратингизни чизгим келди, – деди у бошини қутариб, маънос қулишга чоғланиб.

– Жиддий сўраяпман, Розия.

Шунда унинг юзи қутилмаганда заъфаронлашди ва менга узоқ термилиб турди-да:

– Сизни исмингиз акамники билан бир хил, – деди ногоҳ кўзларида ёп пайдо бўлиб. – Ёшингиз ҳам тенг. У

ҳаёт булганида худди сизга ўхшаб йигирма саккиз ёшга кирган буларди. Шулар сабаб.

Аста-секин унинг кузларидаги ёш думалаб оқиб туша бошлади.

— Иккинчи марта яқин инсонимни йўқотишни истамадим. Шу ҳам сабаб. Яна сабабларини келтирайми?

Розия уялганидан қўллари билан юзини беркитиб олди. Кейин сумкасини қўлига олди-да, кафедан отилиб чиқиб кетди. Ортдан чиққанимда, у ёмғир остида секин кетиб борарди. Қадамимни тезлатиб унга етиб олдим.

— Бу кетишда шамоллаб қоласиз, — дедим қўнимга ушлаб олган костюмимни унинг елкасига ташларканман.

У бир сесканди-ю, лекин қаршилик кўрсатмади.

ХЕМИНГУЭЙ ВА ОНАМ

Якшанба куни тўйиб ухладим. Қолган кунлари уйқуга тўймасдим. Ишга кеч қолмаслик фикри бунга тўскизлик қиларди. Бир томонда нонушта кунгилдагидек утмасди. Апил-тапил сутли қахвадан ҳўплаб, бўйнимга бўйинбоғни осланча қўлда портфель билан туман марказидаги иш жойимга шошардим. Якшанбада эса бир оз енгил тин олар, ўрнимдан турмай анча вақтгача уй суриб ётар ва нонуштани ошам даврасида хотиржам тановул қилардим.

Бу дам олиш куни ҳам шундай бўлди. Уйғонгач ўрнимдан дарров турмадим. Диванда пар ёстикқа ёнбошлаганча дераза томонга тикилиб ётдим. Ташқарида дарахтларнинг сарғимтир барглари совуқ кузак шабадасида шитирлар, кузни олқишлаётган қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури қулоққа чалинардди.

Хотиним Нозима аллақачон туриб ҳовлига чиқиб кетганди. Шу тобда негадир кечаси билан уни ухлолмай чиққани ҳаёлимдан ўтди. У гуё бағримга сиймай, у ёнидан бу ёнига ағдарилиб ҳеч ухлолмади. Ўрнимдан туриб,

шу хаёлда дераза олдига келганимда ховлида уни курдим. У катта қорни билан қийналиб ховлини супурарди...

Уни кузатиб турарканман, бсихтиёр Хемингуэйнинг китоби билан боғлиқ кечаги воқеаларни эсладим. Кеча ишдан уйга келганимда онам хонасида йук эди (ишдан қайтгач биринчи булиб онамнинг олдига кирардим). Хонанинг булса чироғи ёниқ, эшиги кия очик турганди. Ичкарига кириб онамни тополмагач, бир муддат хона уртасида нима қилишимни билмай туриб қолдим. Бу орада унинг ётоқхонасига яқинлашиб эшигини бир-икки тақиллатиб қўриш фикри онг остимда пайдо бўлди. Тақиллатиб ҳам қўрдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Бирпас утиб, ховли томондан оёқ товушлари эшитилди.

– Ойим кутубхонадалар, – деди Нозима эшикдан ичкарига бош сукиб.

Шахсий кутубхонамга кирганимда, онам у ерда қахваранг гардишли кузойнагини тақиб, ёзув столи яқинидаги креслода қўнт билан китоб уқиб утирарди. Мени қўриб қўлидаги китобни қўрсатди.

– Хемингуэй! – деди фахр билан.

Унинг қўлидаги китоб Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!» романи эди.

– Яхши-да, – дедим унга қўлимсираганча стол қаршисидаги стулга жойлашиб.

Онам китобдан қўзини узиб, эринмай мендан обдан ҳол-аҳвол сўради. Қандай ишлаганим билан қизиқди. Қаттиқ чарчаганимни юзимга қараб туриб айтди. Бу энди унинг доимий одати эди.

– Шу ёзувчининг яқинда битта китобини ўқигандим, – деди шундан сўнг китобни яна қўлига олиб. – Битта денгизга бориб балиқ тутган чол хақидаги. Уша китоб ёққанди.

У «Чол ва денгиз»ни эсламоқчи булиб роса уринди-да, эслагач бирдан истарали юзи ёришиб кетди.

– «Чол ва денгиз» эди номи. Сен ҳам укигансан-а уша китобни?

– Унисиниям, бунисиниям, – дедим толиққан кузларимни ишқалаб яна кулимсираarkanман. – Уша китобдаги воқеалар яна озгина давом этганида узим уша чолни денгизга итариб юборардим.

– Китоблар ҳақида бундай ҳазил қилмаслик керак, – деди онам кузойнаги орасидан менга худди дакки бергандек қилиб қараб.

Шу пайт хонага Нозима кириб келди.

– Овкатни сузгандим. Совимасдан чиқасизми? – суради у мендан.

Иш жойимдан ҳар гал кеч қайтганим боис кечки овкатни купинча узим ёлғиз қилардим. Бу сафар ҳам куним ёлғиз овкатланишга қолганди.

– Шу ерга олиб келаверинг, – деди онам ковокларини солганча ўрнимга жавоб бераркан. – Тез-тез кимиранг. Эрингизнинг қорни оч.

– Шунақа қилманг, ойн, – дедим у чиқиб кетгач. – Ҳомиладор булганидан бери нуқул у билан олишасиз. Каранг, ўзи зўрга юрибди.

– Сен билмайсан, – деди у бир маҳал астойдил кузойнагини ечиб қўйиб. Ҳомиладор булганидан бери бу аспирантинг (онам Нозимани ортидан доим шундай дерди) янаям имиллаб иш қиладиган бўлиб қолган.

– Ҳомиладор-да, – дедим унга вазиятни юмшатиш учун сабаб курсатиб. – Шу туфайли уй юмушларига қийналяпти.

Онам менга тушунмагандек тикилди.

– Тарафини олаверма уни. Сени қорнимда олиб юрганымда мен ундан чакконроқ эдим.

Нозима кириб китоблар устма-уст қўйилган столни тартибга келтиргач, устига қулидаги сутранг дастурхонни солди ва ошхонадан нон билан косада овкат, шунингдек, чойнакда иссик чой олиб келди. Онам унга эътибор бермай, китобни келган жойидан уқишни давом эттирди.

Китоб роса кизиктириб қуйди мени, – деди орада бошини сарак-сарак қилиб қуйиб.

У китобнинг ярмидан ўтганди. Мен тинчгина овқатландим. Маства мазали бўлган экан. Стол устидаги ранг-баранг муковали китобларга назар солганча уни иштаҳа билан ичдим. Иссиқ қора чойдан ҳўплаётганимда онам уридан турди.

– Бирор нарса зарур бўлса хотинингга айт, – деди у қўлидаги китобни қўлигига қистираркан. – Сира қойил қолмайманда шу аспирантингга. Эрим ишдан келди деб ёнингда утирмайди. Мен отанг раҳматли ишдан келганида, олдидан кетмай ўтирардим. Оғзини пойлаб, яна бирор нарсани кўнгли тусармикин деб, сўраган нарсасини муҳайё қилиб.

– Нозимани бу борада тажрибаси йўқ-да ҳали, – дедим маставани ичаётгў қўлимдаги қошиқни ҳавода муаллақ тутганча жилмайиб.

– Сенинг кўнглинг буш. Ҳамма нарсага шунақа жилмайиб тураверасан.

Онам норози бўлгандек чиқиб кетди. Нозима кирганида аллақачон овқатланиб бўлгандим. Ўйчан ҳолда чойдан бостириб-бостириб ичардим.

– Соғлигинг яхшими? – дедим унга эътиборимни қаратиб.

У ёнимда тик турганча дастурхонни йиғиштира бошлади.

– Шўқр, чидаса бўлади. Ўй юмушларига яраб турибман бир амаллаб.

Ҳомила катга бўлгани сайин унинг жигарини эзиб қўяётган эди. Бу ҳақда уни текшириб курган врач гапирган, шўнга кўнда ундан ҳавотир олардим. У охириги пайтларда жисмоний меҳнатдан тез чарчаб қоладиган, ҳолдан тойганча нафасини ростлай олмай қийналадиган, гоҳида унг биқинини чангаллаганча букчайиб инграйдиган бўлиб қолганди.

– Купрок дам олсанг буларди, – дедим уни белидан кучиб узимга тортарканман.

– Икки ой қолди, – деди у бошимни кўкрагига босиб.
– Утиб кетади.

Шунда уни маҳкам кучокладим.

– Ойимдан хафа булма.

У бошини куйи солди.

– Урганиб кетганман.

– Диссергациянигн ҳам вақтинча ёзмай турсанг-чи.

– Ёзмасам булмайди-да...

...Нонуштага кечрок чикдим. Емакхонада онам худди кечагидек Хемингуэйнинг китобини укиб утирарди. Негадир бу сафар у китобни кузларида жикка ёш билан укир, куз ёшлари кузойнаги орасидан думалаганча юзини ювиб тушарди. Буни куриб кўнглимга хавотир оралади. Тинчликмикин, деб уйладим.

– Бечора Кэтрин, – деди у (менга гапирдимиз ё узига узими ажратолмадим). – Бечора Кэтрин! Оламдан ўтди. Уяди, бояқиш. Қизим ўлди. Фарзандини дунёга келтирди-ю, жон берди.

Аввалига онам нима деярди экан, деб роса бошимни қотирдим. Вақт утиб тушундим. У халиям Хемингуэйнинг романи таъсирида эди. Унинг гап-сузидан китоб ақунловчи қисмига келганди.

– Уруш ўлдирди уни, – давом этди онам йиғлаб, – Ғамхўрликнинг йўқлиги, қаровсизлик ўлдирди.

У кузларини артишни уйламас, бир қулидаги китобга, бир хонтахтага қараб йиғлар эди. Кўп ўтмай, тинчланди ва китобни секин силаб-сийпай бошлади. Орадан ҳеч қанча ўтмай куз ёшларини енгига артиб, узини унглаб олди-да, дастурхондаги нондан бир булак синдириб оғзига солди.

– Бу хотиннинг битта иссиқ чойни ҳам вақтида олиб келмайди, – деди нонни чайнарган менга юзини буриб.

Мен шунда бу ерга келаётганимда ховли четидаги учокка ут ёкиб, кумғонда чой қайнатаётган Нозимани куз олдимга келтирдим.

– Ойи, – дедим хонтахта устига қўлимни тираб онамга хомуш мурожаат қиларканман. – Нозима ҳам худди Кэтринга ухшаб улиб қолса нима қиламиз?

Онам нон чайнашдан тухтаб, ранги қув учиб менга қаради.

– Бу нима деганинг? Нафасингни ел учирсин сен болани.

– Энди айтаман-да. Нозима ҳам Кэтрин каби хомиладор.

– Китобдаги воқеалар уруш пайтида бўлган, – деди у эътироз билдириб. – Шунга қиз бечорага биров кунгилдагидек қарамаган, ғамхурлик қилинмаган.

Унинг гапи тугаб-тугамай урнимдан туриб дераза олдига келдим. Учок олдида Нозима кумғондаги сувнинг қайнашини совқотганча хануз кутиб турарди.

– Хомиласи катталашгани сари Нозиманинг жигарини эзиб қуйяпти, – дедим у ердан онамга угирлиниб, юзимга жиддий тус берарканман. – Врач шундай деди. У камроқ ҳаракат қилиб, купрок дам олиши керак.

Онам келинининг расмана аҳволи ҳақида эшитгач, беихтиёр лабларини тишлаганча жим қолди. На бир суз дейишга чоғланди, на савол беришга.

– Ҳозир уруш пайти эмас, – дедим гапимда давом этиб. – Демак, унга озгина қаров ва ғамхурликни илинсак булар.

Нозима чой дамлаб келганида у ҳамон сукут сақлаб утирарди. Унинг юз киёфаси узгарган, кайфияти тушиб кетган, қўлидаги китоб хонтахта четида турарди. Эшикдан Нозимани чойнак кутариб, ҳаллослаб кириб келганини кўргач, ногаҳон бошини кутариб унга куз кирини ташлади. Назаримда, ич-ичидан раҳми келиб, алланечук ачиниб. Менга эса хира кўзларини жовдиратиб термилди ва секингина пичирлади:

– Тўғри, ҳозир уруш пайти эмас.

БАҲОР ЯКШАНБАСИ

Уч яшар уғлим иссиқ нон ейман деб хархаша қила бошлади. Уни ҳадеганда тинчлантира олмас, у дакика сайин багтар инжиклик қилар, қулига қайси нон ёбулагини бермай, уни «иссиқ эмаскан» деб дастурхонга улоқтирарди.

– Кузимдан йукот бу тирмизагингни! – деди буни куриб боядан бери ковоғини солиб утирган кекса отам тилга кириб.

Бехос бундай суз қотганидан анграйиб турганимга нарво ҳам қилмай, у дастурхонда сочилиб ётган нон бўлақларини йиғиштириб, қулига ховучлаб олди ва уларни бирма-бир қузларига суртди.

– Чикиб кет хонадан боланг билан, – деди кейинги гал нон ушюқларини дастурхондан териб, кафтига тупларкан ер чизганча. – Ҳозироқ!

Отамнинг илк марта жиддий туриб гапиргани ва ва-жохати уғлимни чучитиб юборди (олдин бизга нисбатан у ҳеч бундай қилмаганди-да). Уғлим ҳикиллаб йиғлашга тушди. Мен уни кутариб, урнимдан қузгалдим.

– Бола-ку бу, ота! – дедим унга зорланиб. – Бу ниманиям биларди. Инжиклик қилса, қилибди-да. Узи уйингизга ойда бир зўрга келаман. Шунда ҳам сиғдирманг энди.

Отам менга жавобан индамади. Бунинг урнига нон ушюқларини оғзига солди-да, оғир ютинди ва пиёласидаги чойдан бир-икки ҳўплади. Мен унга аччиқ қилиб, дарғазаб ҳолда бошқа хонага чикиб кетдим. У ерда ёстикка юзимни беркитиб, хунграб йиғладим. Шу буйи тушликка ҳам чиқмадим. Онам, укам, унинг хотини навбат билан кириб ёлворишди – натижа бўлмади. Уғлимни қучоғимга олганимча аразлашни урнига қуйиб, толқон ютгандек жим утиравердим. Унинг кузи илинғач, бир қулида нон, иккинчи қулида косада овқат кутариб қутилмаганда отам хонага кириб келди.

– Қизим, вақтида овқатланиб олмасанг ошқозонинг оғриб қолади, – деди тушак ёнига қўлиғига қистирилган дуррасини ёзиб, унинг устига косадаги овқат ва нонни авайлаб қуяркан. – Кейин ошқозон яраси пайдо бўлади. Сенга айтсам, бу балодан ҳам ортикрок бало йўқ одам бўласи учун. Бирам санчиб оғрийдики...

Унинг томирлари буртиб чиққан қўллари титрар, нуроний чехрасидаги ажинлар янаям қупайгандек, уларнинг орасидан тикилиб турган қўзлари хира ва қисиниб бокарди. Мен косадаги овқатга қўлимни учини ҳам тек-кизмаганимни қўриб, у бушашиганча хона четидаги креслога бориб утирди.

– Бугун якшанба, – деди у ерлан дераза олдидаги оппоқ гуллаган уриқларга хомуш тикиларкан. – Баҳор якшанбаси. Қўнлар исиб, мана, урик дарахтиям гуллади. Эрта-индин апрель келади. Табиат янада кум-қуклашиб, чирой очади. Баҳор таровати ўз ифори билан одамни маст қилишга киришади.

У тоқчага тирсагини тираб, иккинчи қўли билан деразани қия ҳолатда сал очиб қўйди. Мен хануз ковоғимдан қор ёғилиб ўтирар, у томонга қарамаслик учун ўзимни ухлаётган ўғлимнинг сочларини силаш билан чалғитардим.

– Уруш пайтида ҳам баҳор шундай келарди, – давом этди отам менга бир қараб қўйиб, қафтларини бир-бирига ишкалаб. – Унинг фусункор жозибасини ҳис қиларканман, атрофни бир зум унутардим. Болалигим ёдимга тушар, ота-онам бағридаги қисқа утган бахтиёр қўнларим, ўз даври зиёлиси бўлган отам, сочларини доим ўриб юрган онам, бу ёруғ оламда тўрт йилгина яшаган норасида синглим ҳаёлимдан утарди. Ўзимга келгач эса бош қийимимни тузтириб, оқопдан бошимни чиқарар, атрофда давом этаётган уқлар ёмғирига, танкларнинг оғир қадам олишига, аэропланларнинг устимиздан визиллаб учиб ўтишига, атрофимиздаги ерларни ўпириб тушаётган снарядлар товушига ҳавфсираб назар солар ва туриб-туриб

кариш томондаги немисларга қарата «нега биз уришяпмиз ўзи?» деб бакиргим келарди.

Кучли аламли нидо бўғзимда доим шай турарди. Уша кезлари мен нима учун қулимга қурол олганимни тушунмасдим. Купчилик «ватанни ҳимоя қиялсан», дерди. Мен бу олдий жавобга кунмасдим. У мени мутлако қаноатлантирмасди. Шу билан бирга бу баландларвоз шиорни айтганларга ичимдаги гапларни, тафаккуримни кийнаётган саволларни бирдек бера олмасдим. Бунинг учун мени хоин сифатида уша захоти ҳарбий трибуналда суд қилишиб, отиб ташлашлари аниқ эди.

Рухимни энг куп безовта қилган ва борлигимни боши берк кучага михлаб ташлаган нарса – нима учун мен узим танимаган ва билмаган, менга зиён-заҳмат етказмаган одамлар билан уришаётганим эди. Шундай кезларда Карл, Себастьян, Пауль каби қишлоқи немис йигитлари менга нима ёмонлик қилишганди ва уз навбатида мен уларга нима ёмонлик қилган эдимки, қулимизга қурол олиб бир-биримизни ўлдиряпмиз, дердим асабларим қакшаб. Ахир, мен урушгача Маргилонда, улар эҳтимол Мюнхен ёки Дрезденда яшаётган бўлса, орамизда қелишмовчилик ва ихтилоф бўлмаган, уртаимизга нифок тушмаган, ҳеч нимани талашиб-тортишмаган бўлсак, ҳатто бир-биримизнинг исмимизни билмай туриб бунчалар уришаётганимиз мени охири мавжуд бўлмаган уйлар қаърига гирифтор қиларди.

Дам утмай юкоридагилардан ҳам баттар уйдан қарахт аҳволга тушардим. Гитлер ва Сталин бир-бири билан чикиша олмай қолган экан, бу шахсий низоларини нега ўзаро ҳал қилиб қўя қолишмаган, турт раундли бокс жанги уюштириб, бир-бирини қалтаклаб, хумордан чиқса буларди-ку, шунда уларнинг қасрига қолган миллионлаб одамлар улмасди, деган саволни узимга бериб оқопда тонг оттирар, кунни кеч қилар, қон кечар, дашту далаларни яёв кезардим.

Отамдан бу гапларни биринчи марта эшитиб туришим эди. Олдинлари у билан куп мавзуларда суҳбатлашардим. Бу суҳбатларнинг купи болалик ва усмирлигимда булганди. Кеч фарзанд кургани учун (мен туғилганимда отам эллик ёшдан ошганди) укам иккимизни у еру кукка ишонмас, доим ишдан келгач, илик кунлари бизни велосипедига мингаштириб, кечки салқинда куча айлантирарди. Шоколадли музкаймокни ялаб, шаҳар марказидаги фаввора каршисида унинг латифаларини ва ҳаётида бўлиб ўтган қизиқарли воқеаларни укам билан тинглар, аммо уруш мавзусида у ҳеч оғиз очмас, негадир уруш ҳақида менми ё укамми мабодо гап бошласақ, гапни дарров қайфиятни кутарадиган бошқа мавзуларга бурар ёки узи севган боғдорчилик ҳақида гапиришни бошларди.

– Украинанинг Львов шаҳри яқинида асирликка тушиб, поездда Польшанинг Краков шаҳри четидаги концлагерга олиб кетилаётганимда ҳам бу саволлар дилимни тарк этмаганди, – у сузлашдан тухтамасди. – Освенцим концлагери энг расво жой эди. Уни немислар Аушвиц, маҳаллий аҳоли «улим лагери» дейишарди. У учта турли колониал булинмага булинганди. Мени бошқа асирларга қушиб энг оғири булган – иккинчи булинмага олиб боришди. У ерга келган янги асирларни немислар дарҳол тўртта гуруҳга ажратишарди. Биринчи гуруҳга – ишга яроксиз қариялар, ногиронлар, касалмандлар, вужуди заиф кишиларни киритишар ва уларни туғри газ камерасига қамаб, газ иси ёрламида асфаласофилинга жунатишар, сунг жасадларини крематорийда ёқиб юборишарди. Иккинчи гуруҳдагилар бакувват, соғлом кишилар бўлиб, улар концлагерь атрофида қад ростлаган ҳар хил оғир саноат корхоналарида қулдек ишлатиш учун асирлар орасидан чертиб саралаб олинарди. Учинчи гуруҳга эгизаклар, паканалар ва бирор бир нотабийи хусусияти борларни киргизишар, улар кейинчалик устиларидан тиббий тажриба ўтказиш учун «Учинчи рейх»нинг докторлари ҳузурига жунати-

ларди. Туртинчи гуруҳга асосан чиройли хотин-қизлар танлаб олинарди. Улар немис зобитларининг уйида ёки харбий қисмлар қирхоналари ва ошхоналарида оксочлик қилиш учун оммавий сафарбар қилинарди.

Мен иккинчи гуруҳ сафига қушилиб, оғир саноат қорхонасида ишлаш учун жунатилдим. Биз ишлайдиган қорхона концлагерь яқинида жойлашган бўлиб, масофаси ярим соатлик йўл эди. Қорхонада танклар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилар, иш оғир ва зарарлигидан, шунингдек, ҳавонинг доимий диккинафаслигидан қупчилик бакувват асирлар ҳам кун ярмига бориб ишга ярамай қолишарди. Иш давомида немисларнинг асирларга нисбатан аччиқ ҳақорати ва буралаб суқишлари тинмас, ҳар соатда бошимиз ёки гарданимизга тушадиган калтак ва муштлардан бошимиз чиқмай қулдек ишлардик. Тушликда ювиндидан фарқ қилмайдиган (қупинча қайнатилган картошка пучоғи) ярим коса овқат билан қора қотган нон насиба сифатида улашилар, бу очкаган қорнимизни туйдириш тугул унга юк ҳам бўлмасди. Кун ботганда эса қорхонадан пишиқ ғиштли ётоқхонага қайтарканмиз, айримлар йўлда чарчоқ важдан юролмай сафдан ортда қолишар, шунда немислар аччиқланиб, уларни уша жойининг узида отиб ташлашар, айримлар бир амаллаб ётоқхонагача етиб, лекин зиналардан иккинчи қаватга кутарилиб чиқишга мажоли етмай ҳушларидан кетишар, табиийки, немислар уларни ҳам кечиктирмай гумдон қилишарди.

Якшанба кунлари ҳам ишлардик. Концлагерда ҳаёт ва улим уртасидаги мудҳиш оралик тухтовсиз ҳаракатда буларди. Баъзан қорхона дастгоҳлари ё ишдан чиққан булар, ё уларни умумий таъмирдан чиқарилар, шундай пайтларда асирларга мажбуран якшанба кунлари дам бериладди. Бундай якшанбалар қупинча баҳор ва куз ойларида рўй беради, уша кун асирлар ётоқхона олдидаги атрофи симтўр билан уралган қатта ер майдонига олиб чиқилар, уша ерда ёмғир челақлаб қуйиб турган бўлса

ҳам, офтоб ерни қиздираётган бўлса ҳам зурлаб ушлаб туриларди.

Освенцимнинг бу булинмасида туртта газ камераси ва шунча крематорий мавжуд эди. Улар блокларга ажратилган ётоқхоналарга яқин ерда жойлашган бўлиб, шунақа якшанба кунлари бир саф килиниб, улар томонга олиб кетилаётган янги асирларни кузимиз илғар, улар яқинлашганларида куплари катта-ю кичик яхудийлар экани диққатимизни узига жалб қиларди. Уларни сал утиб немислар тириклайин ёкиб юборишларини барча яхши тушунарди. Бунга купчиликнинг шуури қуниқиб улгурмай, бир оздан сўнг крематорий биноси томларидаги мўрилардан чиққан ноодатий тутун ҳидидан кунглимиз айнирди. Қўшимчасига крематорий биноси четида борган сари тоқ каби юксалаётган култепа юрагимизни сиқарди. Крематорийда хизмат қилишга ёлланган асирлар у ерга арава-чаларда кул тукишар, буни кузата туриб, шу кул уюми инсон жасадидан қолган нишона эканлигига, уларга айланишдан олдин шу нишона соҳиблари ҳозиргина куз олдиндан сафга тизилиб, уз оёқлари билан юриб утишганига ишонгинг келмасди.

Бир куни (адашмасам, қирқ туртинчи йилнинг апрели эди) шунақа якшанбада ҳар бир блокдаги ётоқхонадан барчани майдонга ҳайдаб чиқишди. Барча оч-наҳор, ювиндидан фарқ қилмайдиган овқатлар ва қотган қоранон таъсирида чўпдек озиб-тузиб, кузлари киртайиб, қовурғаси саналиб кетган ҳолда зурға оёқ босиб, юзида хавотир тоҳир бўлиб ташқарилади. Хавотирга урин бор эди, чунки бу якшанба насронийларнинг пасха байрами эди.

Байрамларда немислар албатта, кунгилхушлик қилишарди. Масалан, куп ичган дамлари улар асирлардан турт кишини танлаб олиб, уларга майдон атрофи бўйлаб уч айлана югуришни буюришар, ким биринчи бўлиб келса, уни тирик қолдириб, қолган уч кишини воқса жойидаёқ отиб ташлашарди (Рождество куни шундай қилиш-

ганди). Башарти қушиқ тинглагилари келса, бир неча кишини симтур атрофида саф торттириб, улардан бирини яккахон, қолганларни хор қилдирган ҳолда нацистларни улуғловчи қушиқларни айттиришарди. Энг ёмони – асирларга симтурнинг олдиғача «За Сталину» деб югуриб келишни, сунг у ерда унғ қулларини баланд кутарганча «Хайл Гитлер» деб овоз кутариб, фюрерни олқишлашни буюришлари эди. Буни улар алоҳида ишғиёқ билан амалга оширишарди. Крематорий тарафга яхудийлар олиб утилаётганда бу удум кенг ва тантанали тарзда қулланилар, гуёки асирлар оммавий равишда «Хайл Гитлер» сузини бакириб-чакириб, уларни крематорийга кутаришқин руҳда кузатиб қуйишлари шарт эди. Асирлар унғ қулларини баланд кутаришиб, бу сузни юз-юз эллик маргалаб қайтаришар, кимдир баланд овозда ёки астойдил бакирмаётганини, қулни сал пастрок кутарганини немислар сезиб қолгудек бўлишса, уни аяб утиришмас ва киприк қокмай яхудийларнинг кетидан утда ёкиб юборилиш учун равона қилишарди.

Бу сафар негадир улар жиддий қуринишарди. Байрамона кайфиятдан асар йук, юзларида сергаклик. Бизни шахсан коммендантнинг ўзи келиб текшириб кетгани ҳам ғалати туюлди. Автоматларини маҳкам тутган СС¹ аскарлари симтур олдида бир-бири билан ҳазиллашмай, зийракликни йукотмай туришарди. Бир пайт узокдан қора машина қуринди. Концлагерь коммендантининг қуналғаси ётоқхонамиз рупарасида бўлиб, машина овози келгач, у ёрдамчиларини эргаштириб уша бинодан чопиб чикди. Машина юриб келиб унинг эмас, бизнинг олдимизда тўхтади. Кечаси ёғиб утган ёмғир нағижасида йуллар лойкалангани учун машина кирлашиб, гилдираги лойга чалланиб кетганди. Эрталабдан ерни қизитаётган қуёш нурларида бу янаям якқолрок кузга ташланарди.

¹ СС – немис махфий полицияси.

– Хайл, Гитлер! – дейишди коммендант ва унга кушилиб бошқа зобиту аскарлар машинадан тушган меҳмонга ҳурмат курсатиб.

Меҳмон юкори унвонли каттакон эди. Ҳатто коммендантдан унвони анча юкори шекилли, концлагерь хужайини унинг олдида худди уқитувчиси қаршисида турган мактаб боласига ухшаб мулзам тортиб қолди. Каттакон улар билан қўл бериб қуришгач, кузойнагини даструмоли билан бир артиб олиб, плащчининг тутмаларини ечиб қўйди-да, агрофни куздан кечириб чиқди. Крематорий томонга, ётоқхонанинг пишиқ ғиштларига, култепанинг ҳайбатига ҳорғин тикилди. Симтур олдига яқинлашиб, бизни диққат билан кузатди.

У қирк беш-эллик ёшлардаги, урта буй, сочлари бир текисда таралган, узунчоқ юзли, елкалари кенг киши эди. Тасодифан менга кузи тушгач, олдига имлаб чакирди. Уни мен билан гаплашмоқчи эканини пайқаб, зобитлар ва аскарлар билан бирга сукут сақлаб турган лагерьдаги тилмоч йиғит симтур олдига яқинлашди.

– Яҳудиймисан? – суради каттакон бошдан-оёқ мени кузатиб.

Тилмоч унинг ҳар битта галини русчага угириб турди.

– Йук... Узбекман. – дедим унга карамасликка уриниб.

– Манави машинани кўряисанми? – деди у ортидаги машинани курсатиб.

– Худди шундай.

– Шуни ярим соат ичида ювиб, тюзалаб қуй. Вақт кетди...

Очликдан силлам қуригани учун дастлаб унинг охириги галини тушунмадим, тилмоч иккинчи марта тушунтиргач, тушундим, дегандек бошимни ирғаб қўйдим. Унинг семиз ҳайдовчиси битта СС аскарари билан омборхонадан иккита челақда сув, момик дока топиб чиқди ва келиб докани қудимга тутказди. Мен аста машинани ювишга ки-

ришдим. Уйримда илк марта уни рупарамда куриб, темир кузовини ушлаб туришим эди (бунгача унинг фотосура-тини кургандим, холос). Болалигимда отамнинг карвонсаройи буларди. Собир Мирзанинг карвонсаройи деган унинг машхур номи бор эди. Уша ерда онда-сонда Кузон аравалари ва рус аскарлари юрадиган фойтунларга кузим тушарди. Уни коллективлаштириш даврида отамдан тортиб олишгач, уларни ҳам бошқа учратмай қуйгандим. Мен юваётган машина уша араваларга ухшаб кетарди. Фақат тилдираги туртта, кузови темирдан, атрофи ойна билан уралган, ичидаги уриндиклари юмшоқ, рули ва бошқа мосламалари бор эди. Кузовнинг оркасига «Мерседес» деган ёзув буртма харфлар билан уйиб ёзилганди.

Уни юварканман, очлик силламни куришиб куз олдим тилиб кетаётганига эътибор бермаслик учун болалигимда онам ургатган миллий кушикни хиргойи қилиб узимни чалгитардим. Ҳайдовчи сигарет чекиб бир четда турар, челақда сув тугагач, ҳар сафар уни бошқатдан тўлдириб келар, СС аскарлари ва тилмоч йигит асирлар билан биргаликда ишимни кизиқиш аралаш кузатишарди. Қўл утмай, машина топ-тоза бўлди. Докани чайқаб ва сувини сиқиб ташлаб, унинг кузовини яна бир марта артиб чиққанимдан сўнг, у қуёш нурларида ярақлаб боплади.

Ишни ниҳоялагач, асирлар орасига қайтиб келдим. Ерга чуққанимча сим дсворга суяниб уша кушикни хиргойи қилавердим. Каттакон комендант ҳамроҳлигида бино ичидан қайтиб чиққач, бир муддат машина олдида куллариини белига тираганича тухтаб қолди. Кузовидан тортиб тилдирақларигача уни обдан текширди. Курсаткич бармоғи четини кузовга теккизиб кургач, мамнун ҳолда ёнида турган комендантга суз қотди. Комендант СС аскарларидан узига энг яқин турганини чакириб, унга тегишли курсатма бергач, каттакон машинага чиқишга шошилмай, унинг кузовига суянгачча чунтагидан сигарет қутисини олди.

Бояги аскар ошхона тарафдан уртача ҳажмдаги ликопчада нон кутариб чиққанида у сигаретни лабига қисгириб, тутуқини ичига торта бошлаганди. Аскарнинг қулидаги нон тула ликопчага кузи тушиб, симтур олдида келди-да, қули билан яна мени имлаб чақирди. Гандираклаб кетмаслик учун узимни қулга олиб, секин-аста юриб олдида бордим. Елкамга у бир-икки қоқиб қўйгач, аскарнинг қулидаги ликопчани курсатди ва доимгидек тилмоч ёрдамида ундаги нарса энди меники эканлигини тушунтирди.

Ликопчага оппоқ буханка нон бир текисда кесилиб, йиғирмага яқин булакка ажратилиб, устма-уст терилганди. Оппоқ нонни курмаганимга қанча бўлганди-аниқ эсимда йук. Нон тула ликопчани қулимга олганимда юрагим ҳаприқиб, тез-тез урди, бир неча дақиқа узимни йуқотиб қўйдим. Узимга келгач, юзимга қон югурди ва ликопчани маҳкам кучоқлаб ортимга уғирилдим. Шунда элликдан ортиқ қора қўзлар менга ҳам жавдираб, ҳам ҳавас билан тикилиб турганининг шохиди бўлдим. Уларнинг қаршисида узимни ноқулай ҳис қилдим. Парво қилмасликка интилиб, тезроқ нон булакларини оғзимга солишни, роҳат билан чайнашни, қўзларимни юмиб уларни ютишни, қорнимни туйғазнишни уйладим. Аммо шунда ичимда нимадир узилгандек қирс этди. Четга утиб қорним туйгунча нон истеъмол қилиш урнига уларнинг олдида бордим.

— Ол, Умар! — дедим биринчи бўлиб тошкентлик ҳамюртим Исламбековнинг олдида бориб.

У аввалига иккиланиб менга термилиб турди. Қулини узатишга истихола қилди. Пича утиб, бир булакни олиб, унинг ярмини қўрқа-қиса синдириб оғзига солди-да, қолган ярмини ликопчага қайтариб қўйди.

— Оппоқ нон, — дедим борган сари озиб кетаётган тожик йиғити Чориевнинг олдида боргач. — Навфал, татиб кур!

У ҳам ярим булакни олиб, оғзига солди. Қолганлар ҳам шундай йул тутишди. Шу тарика ликопчада нон булаг

деярли қолмади. Охирги ярим булакни козоқ йигити Ниязовга бердим. У бошида қайсарлик қилиб унамади, олдимда хижолат бўлди. Йук дегандек ичига ботиб кетган қисик кузларини юмиб олди. Аммо қорним туклигини унга қайта-қайта билдириб, нонни мажбурлаб едирдим. Ликолчани буш холича аскарга қайтариб бераётганимни қуриб, каттакон менга яқинлашди.

– Эсинг жойидами? – деди сигаретини торта-торта кузларимга тик қараб. – Машинани зўр ювганинг учун нонни сенга мукофот тариқасида бергандим. Сен бўлса қорнингни туйгазиб олиш ўрнига уни бошқаларга бўлиб бердинг. Нега бундай қилдинг?

Мен унга дарҳол жавоб қайтармадим. Куз олдимдан асирликка тушишидан олдин фарзандли бўлган Ислombeковнинг хотини, Навфал қуп гапирадиган кекса онаси, Ниязовнинг бир оёғи йук отаси ва бошқа асирларнинг яқинлари бир-бир ўтди.

– Нега бундай қилдинг? – деди каттакон бошимни эғиб, жим турганимни қуриб яна.

– Чунки уларнинг ватанида кутадиган одамлари бор, – дедим ниҳоят бошимни кутариб, бир унга ва бир тилмоч йигитга боқарканман. – Мени эса йук. Ота-онам улиб кетишган. Отамдан қолган уйимни ҳам амаким яқинда сотиб юборибди.

Гапимни эшитиб, каттакон оғир хурсиниб қуйди. Хорғин юзига зимдан куз ташларканман, унда ҳали инсонийлик унсурлари буткул йуқолмаганини кичкина кузларининг маънос ва рангсизлигидан тахмин қилдим. Хаёлга чўмган пайтим у сигаретини бирдан ерга ташлаб, товони билан қаттиқ эғилади. Плашчининг тугмаларини кетма-кет қадаб биз асирларга, ёнидаги зобит ва аскарларга, коммендант ва унинг ёрдамчисига, крематорий ва култепага қараркан, «Got vergib uns, wir sind alle

Geshopfe»² деб пичирлади. Шундан сунг коммендантга асабийлашиб катъий курсатмалар берди-да, барча билан курук хайрлашиб машинага утирди. Кетаётиб мен томонга караб куйиб, тилмоч йнгитга алоҳида гапирди. Унинг машинаси олислагач, автомагнни буйнига остан СС аскарлари тилмочнинг илтимосига биноан мени орқа томонга етаклаб кетди. Ортимдан асирлар хайрихоҳ нигоҳларини ачиниш арабаш менга тикканча, каттакон берган нонни узим емай, уларга булиб берганим учун чаккамдан отиб ташлашга ҳукм килинганимни чамалаб, узларини айблаганча симтур якнидан кета олмай қолишди.

– Исломбесков, Чорисев, Ниязов... барчаларинг мендан рози бўлинглар, – дедим ортимга угирилиб, уларга юрагим эзилиб қарарканман ичимда. – Мен ҳам сизлардан розиман.

Аскар билан ёнма-ён кетаётиб, у мени каерда отаркин, омборхонанинг олдидами ёки култепани айланиб утибми, деб уйладим. Йул буйи болалигимда урганган истиғфори калимага қушиб тинмай такрорлар, бошка гомондан барибир оркамдан йиғлаб қоладиган ҳеч кимим йуклиги улимни буйнимга олишимни бир мунча осонлашгирарди. Лекин у мени негадир ошхона томонга юришимни кули билан курсатди. Ҳеч нимага тушунмай, унинг айтганини қилдим. Ошхонага киргач, столга утиришимни суради. Қаловланиб утирдим. Сал утиб у ерда куймаланиб юрган ошпаз аёл олдимга ликопчада бир нечта булак нон, каттарок мис идишда бифштекс ва финжонда урик шарбатни қўйди. Ҳеч нимага тушунмай, мум тишлаб турганимда рўпарамга тилмоч йнгит келиб утирди.

– Бригаденфюрер³ сени овкатлантиришимизни буюрди.

² Got vergib uns, wir sind alle Geshopfe (немисча) – Яратган Эгам, бия хайвонларни узинг кечир.

³ Бригаденфюрер – бизнинг ҳарбий унвонлардан генерал-майор унвонига яқин бўлган немисларнинг ҳарбий унвони.

Демак, каттаконнинг унвони шундай экан-да. Уша лахзада бунга айтарли эътибор қаратмадим. Сабаби, фикру зикрим рупарамдаги тириклик нсъматларида эди. Мен кузларимга ишонмасдим. Кулларим қошиқни ушлаш-ушламаслиқни билмас, тилм танглайига ёпишиб қолгандек уни ҳеч қимирлата олмасдим. Бир амаллаб овқатланишни бошлаганимни қургач, тилмоч йигит чўнтагидан ён дафтарчасини олиб унинг ичидаги бир аёлнинг суратини томоша қила бошлади.

– Нон ширин эканми? – сурали орада ён дафтарчасидан бошини қутариб.

Мен бошимни қимирлатиб, унга шундайлигини таъкидладим. Нонни авайлаб тишлаб, секин чайнар, овқатни лабларим титраб ютинардим. Бошқа томондан ошқозоним оғришдан тин олиб борар, танамга қувват қира бошлагани боис қуз олдим ортик қоронғилашмасди.

– Хижолат бўлмай тановул қилавер, – деди у ийманиб овқатга қул ураётганимни қургач. – Тушликка яқин қолди. Шерикларингга ҳам яхшироқ овқат берилади энди. Бригаденфюрернинг буйруғи шундай. Коммендант унинг талабини хужалик бўлими раҳбарига етказди. Бугундан сизларга картошка пучоғини эмас, маҳаллий аҳолидан йиғиштириб олинган қора поляк картошкасини қайнатиб беришади.

Мен қошиқни ликопчага қуйиб, хайратланиб унга тикилдим. У бунга эътибор бермай, мени саволга тутишда давом этди.

– Исминг нима?

Биринчи бор уни яқиндан разм солиб қузатдим. У худди мен каби йигирма беш ёшлар атрофидаги, қизиқувчан, мушоҳадали, хушсурат немис йигит эди.

– Исмин Одил, – дедим унга жавобан.

– Меники Рихард. Рус тилини Берлиндаги университетда ўрганганман. Минг надоматким, ўқишим чала қо-

либ кетди. Уттиз саккизинчи йилда армияга чакирилиб, шу буйи уруш ячида юрибман.

Овкатланишимни бир пас кузатиб утиргач, у шахдам урнидан турди ва ногоҳ эшик тарафга йуналди. У ердан ортига угирилди. Менга ва девордаги натюрмортга теран маъюслик билан боқди.

– Бригаденфюрер Ленинград камали хакида баёнот бериб кетди, – деди сунг томоғини кириб олгач, синик овозда. – Сталинград жангидан сунг Гитлер бу стратегик жангни ҳам бой беришга якин турибди... Бир томонда Сталиннинг иттифокчилари Франция жанубидаги Нормандияда кимирлаб қолишди... Ҳадемай сизникилар қамални ёриб ўтиб, бу ергача етиб келишади. Оз қолди... Уруш тугайди...

Эшикни тутқичидан ушлаб очаркан, у бошини билинар-билинимас сарак-сарак қилиб қўйди. Шу буйи йулакдан унинг овози келди.

– Нега Сталин ва Гитлернинг узи урушиб қуя қолмайдими-а? Уларнинг урнига бошқалар урушиши ва ит азоби-ни қуриб ўлиб кетишидан маъно борми, Худойим?! Минг лаънат иккисига ҳам.

Тўққиз ойдан кейин – қирқ бешинчи йилнинг январь ойи охирларига келиб кизил армия аскарлари концлагерни озод қилишди. Исломбеков бу кунни қўрмади. Ун саккиз ёшида уйланиб, ун тўққиз ёшида урушга келган йигитча, бир йил ўтиб куз олдимда ичтерламадан казо қилди. Навфал кеч кузда ётоқхонада ўзини осиб қўйди. Улардан ташқари мен нонни бўлишиб еган асирларнинг ярмидан кўпи оғир меҳнат шароитини соғлиғи қутармай, азоб-уқубатда Освенцим бағрида мангу қўним топишди. Мен, Ниязов ва кам сонлиларгина уша дориламон қўнларга эсон-омон етиб келдик...

Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, уша қўнлар худди кеча бўлгандек эсимда туради. Айниқса, баҳор келиб ўрик гуллаганида шу ерда унинг гулларига тикилиб, уша қирқ

туртинчи йил баҳорининг илик ва серқуёш якшанбасини, маҳзун «оппок нон» воқеасини, немисларнинг сутранг ликопчасидаги ноннинг исини, унинг ҳатто яримта булагини қулига олиб шодланган – асирликда қорни ҳеч туймаган, қупи концлагерда ҳаёт билан видолашган, чупдек озғин, содда ва самимий, бир олам орзуси бўлган шурлик жонларни, уларнинг ютоқиб нон чайнашларини бир лаҳза хотирамда жонлантираман, душманам бўлган бўлса-да, бир кун душманлигини унутиб одамгарчилик қилган кузойнакли бригаденфюрерин ва исми Рихард бўлган тилмоч йигитнинг жон қуйдириб айтган гапларини бот-бот ёдга оламан.

Зеро, уша куни бир буханка нон «биз нима учун урушяпмиз узи» деган саволим билан немислар ҳам ҳеч бўлмаганда бир кун, бир соатгина яшаши мумкинлигига мени ишонтирганди. Уларнинг айримлари худди мен каби шу саволни узларига ҳар куни ёки ойда бир бўлсин пинхона беришар, нега урушаётганликларини гоҳ та-саввур қила олмай туссага чўмишар, тукилаётган қонлар орасида виждонлари дам-бадам уйғониб аёвсиз азоб ичида қолишар, акс ҳолда битта машинани қўл учида ювганим учун ликопчада тула нон бериб, ошхонада қорнимни тўйғизишмас ёки асирларга берилаётган аянчли овқат ра-ционини узгартиришмасди...

Отам гапирришдан тухтагач, урнимдан турдим. Коса-даги овқат совиб бўлган, унга қўл теккизмагандим. Бир муддат нима қилишимни билмай тургач, қия очик турган деразадан қираётган елвизакни олдини олиш учун бориб деразани ёпиб қўйдим. Дераза олдидан кетгим келмади. Отамга нимадир дегим келди. У урик дарахти томонга қараганича қотиб қолган, кресло четини ушлаган қўллари дағ-дағ титрарди.

– Мени кечиринг, – дедим охири узимни тутолмай.

Отам токчага тияб турган қулимни калтираётган қули билан тутди. Мен унинг бағрига узимни шитоб урдим. Унинг кузларидан тиркираб ёш чикиб кетди.

– Шунчаки... биласанми... шунчаки каерда тишланганми, синикми, қотганми нон булакларини курмай, уларни ҳалиям концлагердаги уша шерикларимга илинаман. Шундай, қизим, илинаман. Менга уларнинг қорни ҳалиям очдек туюлаверади...

ТУГАЛЛАНМАГАН КАРТИНА

Бир йил деганда ижодхонамга кирдим. Қалитни бураб, эшикни очишим билан англаб булмас соғинч ҳисси юрагимни бутунлай камраб олди. Севимли масканим яна қаршимда менга кучок очиб, пешвоз турарди. Унинг ҳар бир бурчидаги менга таниш ва азиз булган нарса – буюмлар беихтиёр кузларимда сунган иштиёқни қорачикларим орасига қайтадан жойлашга уринар, бусағада турганча гоҳ деворлардаги картина ва стол устида сочилиб ётган эскизларга, гоҳ хона ўртасида турган мольберт ва мовийранг пардаси тортиб қуйилган деразага қарарканман, узимни йукотиб қуйганча, ҳаяжон таъсирида ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмасдим.

Бир оз утиб, ичкарига кирдим. Қадрдон мольбертим рўпарасига бориб утирдим. У роса чанг босиб кетганди. Унинг олдидаги курси устида – мис патниседа турган буёқлар қотиб, пупанаклашган, бир йил олдия мен чизишни бошлаган картина қуриниши унинг атрофини қуюқ қоплаган чанг натижасида хира ҳолатга келиб, четдан қараганда тасвири тузукроқ қуринмасди. Мен унга яқин бориб, уни чангдан фориг қилиш учун бир-икки пуфладим-да, сунг даструмолим билан артиб тозаладим. Қуп утмай картина аник-тиник қуринди: Гуллаган урик дарахти... Эсимга тушди. Охирги мар-

та бу ерда гуллаган урик дарахтини чизишга киришгандим. Ушанда ташқарида март охирлаётган бир пайт эди. Дераза ромларини катта килиб очиб қуйиб, унинг олиндидаги гуллаган бир туп урикка маҳлиё бўлиб, узгача илҳом билан чизар, унинг оппоқ бўлиб куртак очган гуллари кайфиятимни бир кадар кутарса, бошқа томондан яшашга бўлган иштиёкимни кучайтирарди. Ҳаммаси эсимда. Қандай эсимда бўлмасин!...

Ётоқхонада кийимларимни алмаштиргач, биринчи қаватга тушдим. Азиза алакачон ижодхонасига кириб кетганди. Унга хонанинг калитини берганимда бефарқлик билан олган бўлса-да, уни уша ерда эканлигига ишончим комил, бунга заррача шубҳа қилмасдим. Шунгами дейман дарров уша ерга ошиқдим. Хона эшиклари очик бўлиб, у мольберт қаршисида хомуш ва сукутга берилганча утирарди. Ҳатто хонага кирганимни ҳам пайкамади. Ортидан бориб, кулларимни елкасига оҳиста қуйганимда бир сесканди-ю, лекин менга кузи тушгач, уша алпозда утиришда давом этди.

Унга юзма-юз турган мольбертда урик дарахтининг гуллаётгани акс этган картина узини намоён қилиб турар, назаримда, у чала ва тугалланмаган эди. Унга қараб, ҳаммасини эсладим. Азиза бир йил оядин шу ерда берилиб ва қизикини билан ҳовлидаги бир туп гуллаган урикка қарай-қарай уни чизишни бошлаган, лекин кутилмаганда авжига чиққан хасталиги сабаб якунига етказа олмаганди.

– Урик шохларига кунган кормикин? – дердим ушанда купинча ундан хабар олгани кирганимда дарахтга ишора қилиб.

У бўлса елкамга бошини қуйганча, узи ёқтирган тўлқинсимон сочларимни силаб-сийпаларкан:

– Тентаксиз-а? – дерди кулганча. – Урик гуллади, жаноб ҳазилкаш!

Шамшод акамнинг кулларини елкам узра ҳис қилгач, узимни бир кадар тетик тутишга эҳтиёжим ортди. У ор-

тимдан кучганида, кузларимни мириқиб юмдим. Февралнинг урталари булиб, совук бир оз чекинган булса-да, хона анчадан бери иситилмагани учун бу ерда куп утирган одам дарров совқотарди. Шунга булса керак, ногох жунжиқиб куйганимни куриб, эрим камзулини ечиб, елкамга ташлаб куйди.

– Ҳар ҳолда ишламокчи эмасдирсан, – деди кейин юзимдан упиб.

– Ишламокчи эмасман, – дедим хурсиниб кулларим билан бир ташқарини, бир картинани курсатарканман. – Баҳорга ҳали бор. Урик гуллагачгина буни яқунлашим мумкин. Битта картинани тугатмай, иккинчисига утолмайман. Шунақа бемаъни олатим бор.

Шундай деб, урнимдан кузгалдим-да, стол устидаги эскизларни тартибга солишни бошлаб юбордим. Аммо бирпасда кузларим тиниб, куз олдим қоронғилашиб кетди. Жойимда чайқалиб кетганимни куриб, эрим базур белимдан тутиб олди.

– Қуйсанг-чи, шу коғозларни, – деди маҳкам қучоқлаб. – Мазанг булмаётган булса... Ўзим сал туриб тартибга келтириб қўяман.

Лекин мен билганимдан қолмадим. Эскизларни бирма-бир устма-уст қилиб тахлашга тушдим. Улар турли-туман мавзулардаги пейзажларнинг эскизлари булиб, уларни асосан Чимён тоғига борган кезларим коғозга туширган, мойбуёқда чизиш учун хомаки нусха сифатида кейинчалик фойдаланишни мулжаллагандим. Улар билан овора булиб, боя қулга киритган тетиклигимни бир оз бой бердим. Ҳансираб нафас олганча бир неча дақиқа оралиғида ҳаллослаб қолдим. Бошимда тағин оғриқ қучайди. Уни маҳкам чангаллаб, инграб юборишдан ўзимни аранг тиярканман, эримга юзланиб, ётоқхонага олиб боришни илтимос қилдим. У белимдан авайлаб қутариб, хонадан ташқарилади.

Азиза ётоқхонадаги диванда оғир-оғир нафас олганча анча вақт ётди. Бир қули билан бошини, иккинчи қули билан ёстикни ушлаб, кузларини юмганча хадеганда очмади. Ҳолатидан унинг касали яна хуруж қилганини тахмин қилдим. Диванни четида утирганча, ундан мудом куз узмас эканман, ачиниб доимгидек ич-этимни ейишни бошладим. Шунда бир йил ичида тукилиб кетган юрагимда санчик турди.

– Шамшод ака, – деди шу пайт Азиза кузларини катта-катта қилиб очиб. – Қанчалик оғримай, қанчалик инграб дод солмай, қайтиб мени кимёвий терапияга олиб борманг. Илтимос, сиздан.

– Сени тушундим, – дедим унга қарамаслик учун кузларимни эшик томонга қадаб.

– Бир йил Туркияда яшадик, – давом этди Азиза. – Кимёвий терапиялардан танам безиллаб кетди. Ортиқ узимни азоблашни истамайман.

Унинг ичига ботган кузларига, озғин ва қурукшаган юзига, коксуяк қулларига, қимтинган лабларига ва таг-туғи билан кесиб ташланган сочларини яшириб турган кук румолига жавдираб тикиларканман, негадир клиникадаги кимёвий терапиялар пайти уни жон ҳолатда бакириб, исминни айтиб чакирганлари ёдимга тушди ва илкис бўғзимга нимадир тикилиб қолгандек бўлди.

Эрим тушлик тайёрлаш учун чиқиб кетгач, ётоқхонада улякдек қотиб ётдим. Бошимдаги оғрик кучайиб, дод солиб бакиргим келса-да, тишимни тишимга қўйиб, узимни қулга олишга ва бирор нарса билан чалғишга ҳаракат қилдим. Шу он беихтиёр ижодхонамдаги картина кўз олдимга келди. Чала ва тугалмас, мавзуси яхши, яқунланса зур манзара тасвири булади... Уни тугаллашим керак, деган уй пайдо бўлди шу дам ҳаёлимда. Бу уйдан шалвираб қолган танамда куч йиғилгандек, муртлашган иродам узининг асл мустаҳкам ҳолига қайтгандек бўлди. «Февраль яқунланаяпти, ҳадемай баҳор кела-

ди», дедим ховлига хотиржам назар солганча. Баҳорда уни давом эттиришим мумкин. Балки қайтадан чизарман. Нима бўлганда ҳам уни тугатишим, тайёр картина ҳолатига келтиришим лозим. Шунинг ҳаёл қиларканман, кутилмаганда шамдек сунаётган ҳаётимга жажжигина мазмун киргандек суюниб кетдим. Бошимдаги оғриққа ҳам лаҳза ўтмай парво қилмай қўйдим. Ўзимча картинани қандай чизишни режалаштирдим. Оппок гуллаган урик картинаси булади у. Шубҳасиз, шундай. Уни ҳам албатта, ўзим севган импрессионизм йўналишида чизаман. Ким нима деса десин. Импрессионизм – бу менинг томиримда оқаётган қон. Пикассонинг кубизми ҳам, Сальвадор Дали ёки Рене Магриттнинг сюрреализми ҳам қалбимга бегона. Мен тасвирий санъатда фақат импрессионизмда бирор бир аризулик парса чиза оламан. Олдин ҳам шундай эди, ҳозир ҳам.

Тугалланмаган картинам орадан яна бир оз фурсат ўтгач, менга руҳий бакувватлик ва далдани, танамга тетиқликни қайтарди. Диван четида турган жавон тортмасидан оғриқ қолдирувчи дорини олиб, шоша-пиша тилим тагига ташладим. Унинг ёрдамида оғриқ маълум муддатга мени тарқ этиб, тасаввурим ва фикрим тиниклашди. Оғриқ ўзимни бемор санамай, наздимда мутлақо соғлом одамдек қуриниб кетдим. Иродам ёрдамида ўрнимдан дадил турдим. Ҳеч букчаймасдан, қаддимни гоз тутиб йўлакка чиққанимда ошхонадан овқатнинг ёқимли хиди буй таратарди. Мен бунига аҳамият бермай ижодхонам сари қадам ташладим. У ерда мольберт қаршисига қўқиб, янгитдан зарур бўёқларни қўнт билан тайёрладим. Улар тайёр ҳолга келгач, картинани чизиш учун мўйқаламни ўшладим. Бироқ, қўп ўтмай унга қўл теккиза олмаслигимни тушундим. Чунки ташқарида қишининг ҳукмронлиги давом этарди. Мен гуллаган урик дарахтини ўз қўзларим билан қўрмай туриб, унинг кичик деталлини ҳам чиза олмасдим. Шу бирдан алам қилиб кетди. Боя

унчалик билинмаганди. Эндиликда – узимни мажбурлаб оёкка калкитганимда буни уддалай олмаслигим ҳафсаламни пир қилди. Қанчалик ғайритабиий туюлмасин – мен бахорга қарам эдим. Мартнинг сунгги кунларида гуллайдиган уриқни қуришим учун қамида бир ярим ой бу ёруғ дунёда қўзим очик туриши, ураётган юрагим тухтамаслиги зарур эди.

Азизадек қайсар аёлни сира қурмаганман. Эҳтимол, мени узига тортган ундаги асосий жиҳат ҳам шу эди. Ётоҳхонадан бошимни чайқаб-чайқаб унинг ижодхонасига кирганимда, у мольбертга кистирилганча чала ётган картинасига ҳайкалдек тикилиб утирар, қўзлари хаддан зиёд маъюслашиб кетганди.

– Бекор ўрнингдан турибсан, – дедим ичкарига қирмай, бўсағада турганимча.

– Ижодкорнинг аҳволи шу, – деди Азиза менга угирилмай синик овозда. – Сизни ҳам қийнаб юбордим. Аввалига ижодкорлик темпераментим билан, кейин хасталигим билан.

– Шу гапларни қуй. Қуймоқ тайёсрладим, овқатланамизми?

– Албатта.

Овқатланаётган пайтимизда унинг жонланганига ҳайрон қолдим. Азалдан унда метин ирода бўй курсатарди. Лекин бу ерга келишдан олдин ундаги уша ирода қаергадир изсиз йуқолиб, у чуқур тушқунликка тушиб қолганди. Шунинг учун бир неча соат олдинги Азиза билан айни пайтда мен билан бирга тамадди қилаётган Азиза уртасида осмон билан ерчалик фарқ қўзга ташланар, ҳайронлигимга шу ҳол асос бўлиб хизмат қиларди.

– Мен яхши овқатланишим керак, – деди у майда булақларга ажратилган қуймоқни санчқи ёрдамида истеъмол қиларкан. – Қуч тўплашим керак. Шунда картинални тугата оламан. Шундай эмасми?

– Менимча, сен дам олишинг керак. – дедим унга обдан разм солиб.

– Сизга айтсам, эргалабдан кечгача бир ерда ётиш – бу жудаям номаъқул иш. Ундан кура мольберт қаршисида тасаввур қилиб, нимадир яратган яхши.

Шундай деб у жилмайиб қуйди. Унинг шу жилмайишини ёқтирардим. У билан илк танишган пайтимиз ҳам шу жилмайиш мени мафтун қилган, шу буйи бир неча кунлаб унинг таъсиридан чиқа олмай юргандим.

– Яхши, – дедим тезгина бошимни ирғаб. – Унда ижодхонангдаги стулни креслога алмаштирамиз. Чарчаганингда бошингни унга қуйиб дам оласан, балки мизгирсан. Иссик одеялни ҳам олиб кириб бераман. Тиззанга ташлаб утирасан.

Азиза менга бу гал меҳр аралаш бокди. Вакт утиб, бирдан жиддийлашди.

– Фақат битта муаммо бор-да.

– Қанақа муаммо экан?

– Урикнинг гуллашига ҳали бор... Уни уша ерда кутиб, қаргинам билан гаплашиб утираман энди.

Мен беҳос хахолаб кулиб юбордим.

– Унинг гуллашини ётоқхонада ҳам кутсанг булади-ку... Ёнбошлаб ётганча.

Азиза аразлагандек ковоғини уйиб, бошини чайқаб қуйди.

– Булмайди. Балки, гуллаган урикни кутишим ҳам шарт булмас... Дарров чизиб қуярман илҳомим келса.

Узок танаффусдан кейин бу ерга келганим учунми, илк кечада ярим тунгача кузимга уйқу келмади. Шамшод акам менга орка угириб ширин уйқуда ётар, уни бир маромда нафас олиши аниқ-тиниқ эшитилиб турар, шуни ва девордаги соатнинг бетухтов чиқиллашини ҳисобга олмаса, хонада оғир сукунат ҳукм суларди.

Мен эримнинг сочларини силай бошладим. Унинг тулқинсимон ва майин сочлари бармоқларим орасида эгилиб-эгилиб кетди. Орада очик турган елкаларига яқин келиб, туйиб хидладим. Сочлари ва буйниларига қушиб

бир неча бор бўса олдим. Аммо давом эттирмадим. Узимни мажбурлаб тухтадим. Фурсат утиб, юзимни ёстикка яширганча йиғлагим келди. Йиғлашга уриниб курдим, оз-моз куз ёши тукиб ҳам олдим. Бу бир неча дақиқага чузилди, холос. Дарров узимни кулга олдим-да, картина ҳамкида уй суришга утдим. Тугалланмаган картина яна уз вақтида чалғитувчи ролини маромига етказиб бажарди. У шу бугуннинг узида иккинчи марта мени оғир ҳасталик сабаб одамдек яшамай қуйганимни, чиқитта чиқишга шай турганимни эслаб фиғон чекишимдан гуёки тиш-тирноғи билан асраб-авайлади. Уни (нечанчи марта – билмайман) куз олдимга келтиргандим, дарҳақиқат узим билан боғлиқ барча ҳақиқат худди кундуз кунни булганидек ортга тисарилди. Тасвирий санъат ҳамкида ҳаёл қилдим ва секин-аста шамдек учиб бораётган умримни бутунлай унутдим.

Унинг бармоклари сочларимни сийпаларкан, танамда тийиксиз майл бош кутарди. У мени ухляпти деб уйлагани аниқ. Аслида кузларимни юмиб ётардим, холос. Елкам ва буйнимдан упаётганида яшин тезлигида унга угирилиб, олов булиб ёнаётган бағримга унинг вужудини каттик босишни ва қайноқ бусаларимга кумиб ташлашни шунақанги истадимки, агарда узимни бошқариш хусусиятига эга булмаганимда бу шаксиз амалга ошарди. Аммо иродам кумагида ногаҳон уз чуққисига чиккан майлимни буғиб ташладим. Кузларимни юмиб худди ухлаётгандек ётишни қойиллатдим. Орада Азизанинг пиқиллаб йиғлагани қулоғимга чалинди. Ҳеч канча утмай у ҳам тинчланиб, афтидан шифтга тикилганча севимли рассомларининг картиналарини пичирлаб санаб чиқди:

– Эдуард Мане «Майсазордаги нонушта», Клод Моне «Сенадаги тонг», Ван Гог «Арледаги узумзор»...

Эртасига ундан илгари уйгондим. Узимча унга кутилмаган совға тайёрламокчи эдим. Шу важдан ижод-

хонасига кириб, у ерни тубдан узгартирдим. Мольберт қаршисига кресло олиб келиб, устига одеял куйдим-да, эскизлар турган столни мольбертга яқин сурдим. Шунда у кулайроқ бўлади. Азиза ҳам ҳадсб урнидан тура-вермайди. Стол устига жомадонда турган – Туркиядан харид қилган китобларимизни устма-уст териб куйдим. Энди у мольберт қаршисида утириб, урнидан гурмаслиги мумкин эди, чунки қулини узатса буёқлар ва патнис турган курсига ҳам, эскизлар ва китоблар турган столга ҳам етарди.

Ижодхонамга кирганимда куп нарса узгарганди. Буни куриб кўнглим тоғдек кутарилди. Эримга ҳаёлан ташаккур билдириб, креслога бориб утирганимда оёқ остида турган электр иситгичдан танамга иссиқ оралади. Тиззамни одеял билан ёпиб бир неча муддат ҳаракатсиз утирдим. Бир лаҳза картинамни, дераза ортидаги кишининг тунд ва истарасиз манзарасини кузатдим. Ташқарида қор учкунлаётганди. Унга қараганим сари баҳор гуё олислаб кетаётгандек туюлиб, охири юрагим сиқилиб кетди ва кузимни олиб қочдим-да, бориб дераза пардаларини тушириб куйдим. Жойимга қайтиб утираётганимда кузим стол устида турган китобларни илғади. Булар Урхон Памукнинг «Истанбул» ва «Менинг отим қирмизи» романлари, шунингдек, Клод Моненинг ҳаёти ва картиналаридан иборат китоб, Ван Гогнинг укаси Теога ёзган мактублари туплами ва Эдуард Мане ҳақидаги илмий-оммабоп китоблар эди. Уларнинг барчаси турк тилида бўлиб, Истанбулдаги китоб дўконидан эрим сотиб олиб берганди. Шу-шу, қаерга бормаи уларни узим билан олиб юрардим. Ҳар бирининг мен уқийдиган замони ва макони бўлиб, улар билан боғлиқ хотираларимга ҳали гард юкмаганди.

Истанбулда эрим билан баъзида тонг сахарда Қора денгиз қирғогидаги қахвахоналардан бирига борардик. Қахвахона очик осмон остида жойлашган, стол ва стул-

лари оддий ёғочдан ясалган эди. Унинг эгаси – муйлаби калин ва семиз амаки бизни «gun aude» деб хушфёъллик билан қарши оларди. У ерда сутли қахвадан хуплаб, шоколадли пирог билан тамалди қилардик. Қирғоқ буйлаб денгизнинг шовуллаши ва унинг устида учиб юрган чағалайларнинг чириллаши бир бўлиб, қахвахона теграсида ноодатий бир фусункор манзарани юзага келтирарди. Мен денгизга тикилиб, Клод Моненнинг пейзажларини томоша қилар, китобни эринмай ва завқ билан варақлаб чиқардим.

Дам олиш кунлари купинча шаҳар ташқарисига чиқар, ижарага олган машинамизда денгиз бўйига борардик. Июнь куёши остида, ялангоёқ кумга чўккалаб ўтирарканман, Ван Гогнинг укасига ёзган маънос мактубларини уқир, эрим денгизда қийкириб чумиларди. Бот-бот китобдан бошимни кутариб унга қулиб қараб қуяр, у бўлса эътиборимни тортиш учун қулидан келган барча нарсани қиларди. Ҳатто баъзида денгиз тубига шунғиб, йук бўлиб кетар, шундай кезларда мен хавотир билан сувга яқин келиб, белимга қадар ботганча уни исми билан тинмай чақирардим. У бўлса қутилмаганда сув остидан оёғимдан маҳкам қучганча, қаҳ-қаҳ уриб, ёнимда пайдо бўларди.

– Ҳазилингиз курсин! – дердим шунда ундан упкаланиб ирим қилганча қуйлагимнинг ичига туфларканман.

Урхон Памукнинг «Истанбул» романини касалхонада ётган кезларим, баҳорнинг илиқ окшомларида уқирдим. Шундай кезларда ҳамшира китоб уқишимни купинча таъжиклар, унга қушилиб эрим ҳам тергаб қуяр, аммо мен барибир уқирдим. Ҳовлидан эса қандайдир бемор аёлнинг турк тилидаги қушиқ хиргойиси таралар, мутолаа жараёни шу умидбахш қушиқ билан бирга менга тасалли берар, гўё ҳар кун шу китобни мутолаа қилмасам ва уша узим бирор марта қурмаган аёлнинг ширали овозини эшитмасам, эртанги кунга бўлган умидим сунаётган

шамнинг шамойилига кирарди. Шунинг учун дарҳол китобга ёпишар, деразани очиб уша аёлнинг ховлига чиқиб чиник кутиб ётардим.

У стол устидаги китобларга тикилганча кимир этмасди. Остона хатлаб ичкарига киргим келмади. Йулакдан унга кўз қиримни ташлаш билан кифояландим. Ишончим комилки, у китоблар билан боғлиқ ширин хотираларни қалбида жонлантириш билан банд эди. Елкамни деворга тираганча, хотиралар учун ноқулай ва ноодатий жой бўлган шу йулакда Азизани илк марта учратган кунимни эсладим. Бу унинг илк кургазмасига тўғри келганди. Ушанда кургазма утаётган бинони таъмирлаш учун кетадиган сметани чамалашга боргандим (шерикчиликдаги қурилиш фирмамиз бинони таъмирдан чиқариш ҳуқуқини тендерда ютиб олганди). Кургазма бўлаётганини куриб, зални бир оз айланган, унинг уртасида турган рассомларга норози нигоҳ ташлаб қўйгандим. Очиги, ушанда рассом йигитлар менга умуман ёқинмаганди. Бошига шляпа кундирган, соқоли усган, эгнига жинси ва спорт қўйлаги кийган. оёғида хореографлар пойабзали бўлган, елкасига чарм портфель оingan бу мойбўёк усталарини куриб, роса жиғибийрон бўлганим кечагилек эсимда. Эҳтимол, кийиниш маданиятига тартибли ва масъулият билан ёндашганим боис эркинлик ёрлиғи остида афт-бошини ғар кунгли тусаган исталган қурилишга келтирган эркакларни ҳазм қилолмагандирман. Ҳар ҳолда, уларни куриб лабларимга табассум югурмагани бор гап эди.

– Сизга картиналар ёқдими? – деганди ушанда улардан бири олдимга келиб.

Жавоб бериш учун тараддудланиб турганимни куриб, бошқалари ва уларга қўшилиб иккита киз ҳам ёнимга келишганди.

Бу срдан тезакнинг ҳиди келяпти, – дегандим дабдурустан ён-атрофимга аланглаб.

Бундан уларнинг оғзи ланг очилиб қолган, айниқса, урта буй, сочлари узун, эғнидаги бинафшаранг куйлаги товланиб турган кизнинг қовоғидан қор ёғилиб кетганди. Бирок у бирпасда узини қўлга олиб «картиналарнинг бўёқларига тезак қушилганди, шунга шекилли», дсб жилмайиб суз қотганди.

Ушанда диққатимни тортган картиналар ажойиб эди. Асосан, табиат манзаралари акс этган картиналар уша кезлари тасвирий санъатга умуман қизиқмайдиган каминани узига ром этган, аммо биринчидан, зерикарли миссиям туфайли, иккинчидан хотинчалишга ўхшаган рассом эркакларнинг ташқи қуринишлари туфайли улардан ўзим истагандек баҳраманд бўла олмаган, қискагина эстетик завқланиш, рости, татимаганди.

Кейинчалик Азизани китоб дуконида учратдим. Шаҳардаги китоб дукони якшанба куни мен боришни чин дилдан хоҳлаган ягона жой эди. Кинотеатрга кино кургани ёки бассейнга чумилгани боришдан воз кечсам кечардимки, у ерга боришни асло қанда қилмасдим. Ҳар сафар у ердан бирорта прозада ёзилган китобни сотиб олар, шеърый китобларга эса ҳушим йуклиги учун қамроқ пул сарфлардим.

— Бу ердан ҳам тезакнинг ҳиди келяптими? — деганди Азиза ана шундай кунларнинг бирида у ерда мени учратиб, дарров таниркан, қувлик билан жилмайганча.

— Йук, ок атиргулнинг ифори.

Шунда у қутилмаганда икки юзи ловуллаб, хижолат бўлиб кетган ва ёнимда кизариб-бузариб:

— Шунчалик билиняпти атиримнинг ифори, — деганди.

Номинг танилиб, барча сени таниб олқишлаётган ва Худо юктирган истеълодингга тан бераётган бир пайтда қоқилишинг фожаа. Бундан ортик бахтсизлик ёки омадсизлик бўлмайди. Азизага бу мудҳиш ташҳисни қўйишганида у иккинчи курғазмасига астойдил тайёргарлик кураётган, куплаб буюртмалари устидан ишлаётганди.

Бирдан бу мусибатга дуч келиб, руҳан синиб қолди. Шу-шу, Туркияга кетаётганимизда ҳам ижодхонасидан ҳеч нимани узи билан олмади. Истанбулда эса даволаниш ва соғайиб кечиш учун ихтиёрида булган ҳамма нарсани қилди. Кимё терапия кетидан бошқа муолажалар ҳам уни анча-мунча қийнамади.

Китобларни бирма-бир қулимга оларканман, уларни туйиб-туйиб ҳидлагим келди. Туркияда купинча шундай қилардим. Уларни уқишдан олдин димоғимга яқинлаштирар ва электрон китоблардан канчалик нафратланишимни ҳис қилганча уларни узоқ ҳидлардим. Шунда ҳам барибир уларга туймас, ҳидларидан маст булганим купга бормасди.

Клод Моненинг пейзажлари акс этган китобни ва-рақларканман, узимда ғайриоддий кутаринкилик сездим. Бир китобдаги пейзажларга, бир мольбертга қисгирилган картинамга кизиқсиниб ва кузларим порлаб қарадим. Бошқа томондан баҳорнинг соғинчи дилимни эзди. Ҳовлига чиқиб, пардаси тортилган дераза олдида шумшайиб турган урик дарахтининг яланғоч таналарини кучиб йиғлагим, табиатдан Худонинг зорини қилганча баҳорни бетиним талаб қилиб, ёлвориб сурагим келди.

Танилаётган пайтимда тусатдан қоқилганим, энди менга насиб қилишни бошлаган шон-шухратдан ҳам, одамларнинг меҳр-мухаббатидан ҳам қисматим йуриғида айрилганим айнаи шу дақиқаларда билиниб кетди. Аммо мен унга лаънат тошларини ёғдирмадим. Моненинг пейзажларини бармоқларим билан кетма-кет силарканман, суқир қисматимдан ҳеч булмаганда мана шу картинамни тугатиб олишимга имкон беришини сураб пичирладим, холос. Мен шунчаки узимдан кейин чала асар қолдиришни истамасдим. Бу худди снам этизакларини ёки ногирон болани дунёга келтириш билан баробар эди. Бу мени даҳшатга соларди. Шу сабаб умрим онлари тобора тугаб бораётганини англайканман, шуни амалга оширишга ул-

туриб қолишимга кучли истак билдириб, қандайдир бир неча соат ичида фикру зикрим мазкур сунгги ният осто-насидан ҳеч қасрга кетишни истамай қолди.

Йулакда туришда давом этдим. Ичкарига иккинчи бор карагани юрагим бстламади. Яна Азизани мунгли қиёфа-да кўриб юрагим эзилди, кейин шу буйи кун давоми-да бу нохуш кайфият узанидан чикиб кета олмаслигимга идроким етди. Колаверса, ишга ҳам чикишим зарур эди. Қаринийб бир йилдан бери кучмас мулк билан боғлиқ булган хусусий бизнесимни масофадан туриб бошкар-ган, идорага қорамни курсатмагандим. Балки у ерда бир талай ишлар мени кутаётгандир. Балки бугун боришим керакмиди. Лекин оёқларим узимга буйсунмади. Катта ховлида Азизанинг бир узини ташлаб кетгим келмади. Уз хонамга кирдим-да, қотибага кўнғирок қилиб, ишларнинг қандай кетаётгани билан доимгидек телефонда танишиб қўя қолдим.

Азиза умр шони яқинлашаётганини сезиб, ижодхона-сидаги тугалланмаган картинаси билан чалғишга урина-ётганини очик-ойдин тушуниб турардим. Мен-чи? Мен нима билан чалғирдим? Афсус, менда бундай восита йук эди. Мен уша кунни қурқув билан кутар, шунга карамай узимни умидлантиришга интилар, Худога тиз чуққанча ялиниб ёлвормасам-да, Азизанинг умри бир оз булсин узайишини жон ҳолатда хоҳлардим. Шунинг учун бугун эргалаб уйғонгач, ёнимда уни тинч ухлаб ётганини кўриб, узимни дунёдаги энг бахтли инсондан кам ҳисобламадим. Хона ичида угиргани, китоб варақлаётгани, картинасини чизмокчи бўлаётгани ҳам мени бахтиёр қилар, гуё у касал эмасдек, дориламон кунларимиздек танаси ҳам, руҳи ҳам саломатдек таассурот қолдирар, аммо бу гузал тушга монанд булган энтикиш бир неча дақиқа давом этар, сунг аччиқ ҳақиқат тагин юзага чикиб, юрагимни илма-теши-гини чиқариб чавақлаб ташларди.

Кунларим энди шу қаргина қаршисида утарди. Унинг қаршисидаги креслода устимга иссик одеялни ташлаб

утирарканман, пардалари бир ёнга тортилган (уларни ортик ёпик ҳолда туришини истамадим) деразадан ҳовлидаги бир туп урик дарахтига бокканча баҳорни интизор кутар, орада стол устидаги китобларни мутолаа қилар, гоҳида тушлик пайти кузим илиниб узок уйкуга кетардим. Эрим билан овқатланаётган пайтимда эса кун санар, «баҳоргача беш кун қолди», «уч кундан сунг баҳор келади» қабилидаги гапларни шодон такрорлардим. Лекин ташким қулса-да, баҳор яқинлашгани сайин танам беҳад ҳолсизланиб заифлашар, бошимдаги бир қолипга солинган оғриқнинг босими ортар, кузларим уз-узидан хиралашиб борарди.

Баҳорга бир кун қолганда кузларим росаям хиралашиб, икки қадам наридаги нарсани қуришда муаммоларга дуч келдим. Ёунинг оқибатида кузойнак тақишга мажбур бўлдим. Шамшод акам олиб келган антиқа кузойнакни такқач, унга яқин келиб «энди рассомлардан кура уқитувчиларга ухшаб қолдим», деб ҳазил қилдим. Куз муаммоси шу билан ҳал бўлди. Лекин бошимдаги оғриққа жавондаги дорилар тавсир қилмай қўйди. Шунинг учун уларни қуп ва меъёридан ошиқроқ миқдорда қабул қилишни йўлга қўйдим. Баҳорни эса ногиронлар аравачасида қарши олдим. Ҳаракатланишимда қийинчиликларга йулика бошлагач, эрим билан шундай қарорга келдик. Энди ётоқхонадан ижодхонамга ногиронлар аравачасида чиқар, эримнинг ёрдамида аравачани креслога алмашган, тушликни ҳисобга олмаса, ундан қўзғалмай тўрт девор ичида картинамга термилиб кун бўйи утирардим.

Шунга карамай, баҳорнинг келгани мени анча завқлантирди. Гарчи эрта баҳорда осмон қуп ҳолларда қулранг тусда, қаттиқ шамол эсиб, бир неча кун ёмғир ёққан бўлса-да, негадир кунглим яйрар, ҳадемай урик дарахтининг оппоқ бўлиб гуллашини куз олдимга келтирарканман, картинални тугатишимни ўйлаб қувониб кетардим. Ёнг асосийси, баҳор келганди. Энди урик гуллаши қолганди, ҳолос. Шунинг учун баъзи кунлари осмон мовийлашиб,

куёш кукка буй чузганини, кунлар исий бошлаганини курарканман, дераза ойналарини ланг очиб куяр, бу ман-зара урик дарахтининг гуллашини тезлаштиришини уй-лаб табассум билан кулларимни бир-бирига ишкалардим. Айни шу куёшли кунларда гоҳида телевизордан об-хаво маълумотларини ҳам ўтказиб юбормасликка интилар, су-хандон бир неча кун куёшли хаво бўлишини айтса, бсих-тиёр хайкириб юборар, календардан кунларни бирма-бир учириб, бу билан гуёки урик гуллайдиган дакикаларни тезлаштиардим. Гоҳида эса ёмғирли кунлар тухтамас, бир неча кун ёмғир майдалаб ёғар, шунда безовта бўлиб лабларимни қимтиганча креслода шумшайиб колардим. Ҳатто зада бўлиб, оппок холетга⁴ бошқатдан гуллаган урик дарахти тасвирини туширишни уйлар, аммо уни жонли кўрмасдан туриб чиза олмаслигимни англаб на-домат чекардим. Ёмғирли кунлар тинмаётгани купин-ча мени асабийлаштирар ва «қачон урик гуллайди» деб бакирганча хонани бошимга кутарар, рупарамдаги кар-тинани майда-майда қилиб йиртиб ташлаганим келарди. Мана шундай дакикаларда хонага отилиб кирган эримни кучганча ухириб йиғларканман, бағтар холсизланиб, ху-шимдан кетар алпозга келардим.

Азизага қараб туриб, охирги пайтларда ачиннишим икки ҳисса ортаётганига иқрор булардим. Қандайдир, йи-гирма кун ичида у кузойнак тақадиган, ўзи ҳаракатлана олмай ногиронлар аравачасида юрадиган бўлиб қолгани мени ҳам ташвишга, ҳам қарахт аҳволга соларди. Мен уша кун жуда яқин қолганига иймон келтирар, аммо бун-га тулақонли ишонгим келмас, Азизанинг бу тахминимга бутунлай тесқари бўлган бир меъёрдаги узғарувчан қай-фияти гуё гумонга берилишимга кафорат буларди. Ижод-хонасида қулига муйкаламини чангаллаганча у кун буйи дераза орқали ҳовлидан кўзини узмас, бот-бот очик тур-

⁴ Холет -- рамхага тортилган ва оқ рангга буяб, силлиқлаб қуйилган материал.

ган деразадан кираётган тоза куклам хавосидан туйиб на-
фас олар, бироқ картинасига кул теккизмасди. Шундай
онларда у хонага кирганимни-да сезмас, анча вақт утга-
гина мени илғаб, «качон ўрик гулларкин, Шамшод ака»
деб зорланиб қуяр, кейин Ўрхон Памукнинг «Истанбул»
асаридан парча уқиб беришимни илтимос қилар, китобни
уқий бошлаганимдан сўнг ҳеч қанча утмай уйкуга кетар-
ди. Унинг мизғиб қолганини қўргач, елвизакни олдини
олиш учун дераза ойналарини ёпиб қўярдим. Кейин у
ерда осмонга тикилиб турар, унинг умрига қўшилаётган
ҳар бир кун учун Худога миннатдорчилик изҳор қилиш
аралаш тилимни тишлаб қолардим. Гоҳида хонасида
унинг бақираётганини эшитиб, уз хонамдаги компью-
тер қаршисидан отилиб унинг олдига чиқар, эскизларни
атрофга сочиб унинг йиғлаётганини, картинасини чан-
галлаб йиртиб ташлашга шай турганини қуриб, уни қуч-
ганча бисотимдаги бор сузларим билан юпатардим.

– Ҳамма сени олқишляётган, оммавий таний бошлаган.
сенда миллат тасвирий санъатининг келажagini кураёт-
ган пайтда қоқилишинг азоб экан. – дерди Азиза шунақа
оғрикли лаҳзаларда. – Нега шундай бўлди, Шамшод ака?
Ахир, йигирма бешга ҳам кирганим йук! Қани, менинг
мухлисларим? Қани, дўстларим? Қани буюртмачиларим?
Қани, мени Клод Моне ёки Эдгар Дега каби импрессио-
нист рассомларга тенглаштираётган санъатшунослар? Йук
улар. Йук ҳаммаси. Даф бўлишган... Даволангани Турки-
яга кетдим-у, санъат оламида тиригимча дафн этилдим.
Аслида ҳам тирик эмасман. Аллакачон улганман. Соям
юримди, ҳолюс, ивиреиб, тимирскиланиб... Мана, қаранг
менга. Илтимос, яхшилаб қаранг. Сиз яхши кўрган тилла-
ранг сочларим йук энди. Кимёвий терапиялар натижасида
тукилиб бўлди. Кузларим хиралаша-хиралаша кузойнак
гақадиган бўлдим. Куним погиронлик аравачасига қолди.
Ичим-чи? Ичим ҳеч бир дорихонадан фарқи қолмаган.
Шунча нарсани раво қўрган қисмат сўнгги кунларимда

ҳам мен билан уйнашяпти. Бунисига нима дейсиз? Март яримлади. Нега урик дарахти гулламаяпти? Мана шу қуриб кетгур картинални якунлаб, ўлишни максад қилишга ҳам имкон бермаяпти у. Тушуняпсизми, имкон бермаяпти.

Унинг қулларидан картинани бир амаллаб юлқиб оларканман. бушашиб кетган қуллари қулларимга шилқ этиб осилиб тушар, уни шунда кутариб ётоқхонага олиб чиқиб кетар, шу буйи у бир неча кун жойида кимираммай ётар, узига келгач эса тинчланиб, мени хайрон қолдирганча тагин ижодхонаси сари шошарди. Март яримлагани сари у айрим ҳолларда асаби дош бермай шунақа портласа-да, тезда ўзини руҳлантирар, мен ўша даҳшатли кунни тобора яқин қолганини тахмин қилиб ўзимни қуярга жой тополмай қолардим. Уйимиз ҳам гуё икки утнинг орасида қолгандек, букчайиб қолган қулбани эслатарди. Ота-онам ҳам, Азизанинг ота-онаси ҳам келишганида шуни гап орасида қистириб утишарди:

– Уйларинг хувиллаб қолгандек...

Ота-онам келишганида ётоқхонада ётардим. Аҳволим ёмонлашгани сабаб ижодхонамга икки кун чиқолмадим. Наврўз яқинлиги учун онам кўк сомса билан сумалак олиб келган экан. Олдин буни қуриб қарсақ чалиб юборардим. Бу сафар бефарқ қабул қилдим. Картинални тугата олмаётганим деярли руҳан мени издан чиқарган, шунга асабийлашиб кетмаслик учун оғзимга толқон солгандек жим ётардим. Улар буни оғриётганимга йўйишди. Онам қўз ёши тўкиб олди, отам хурсиниб қуйди. Улар кетишгач, шу буйи яна икки кун ўрнимдан турмадим. Ҳатто кейинги пайтларда дори ичмай қўйдим. Оғрик ўзининг юқори кульминациясига чиқди ва ҳар кунни тонггача инграб чиқишни одат тутдим. Менга қўшилиб Шамшод акам ҳам ухламас, тун билан ёнимдан жилмай, тонггача хонада безовталаниб у ёқдан бу ёққа юриб чиқарди.

– Урик гулламадимми ҳалиям? – дердим унга тонг отиши билан.

Эрталабдан кун ботгунча бу саволни кейин яна йи-
гирма ё уттиз марга берардим. У хар сафар киртайган
кузларини пирпиратиб, бошини чайкаганини куриб, хи-
ралашган кузларимни юмганча ихтиёримга терс равишда
қисматни лаънатлай бошлардим. Энди унинг юзига туф-
ламокчи, ундан бор алаимни олмокчи булардим. Ур-
нимдан туришга интилиб, бемаксад ҳаракатланар, бироқ
мажолим етмай яна тушакка ағанардим. Охири Навруз-
нинг эртасига узимни базур қулга олиб, ёстикдан бошим-
ни кутардим ва Шамшод акамдан ижодхонамга олиб бо-
ришини илтимос қилдим. У ерга аравачада эмас, кутариб
олиб чиқди. Креслога жойлаштиргач, стол устидаги Па-
мукнинг романини келган жойидан уқимокчи бўлди.

– Ҳозир эмас, – дедим унга ёлворганча нигоҳ ташлаб.
– Картинамни бугун тугатмоқчиман. Ортиқ урикнинг
гуллашини кутмайман.

– Яхши, – деди эрим китобни ёпиб қуйиб. – Сени ёлғиз
қолдираман.

У чикиб кетгач, рунарамдаги деворга қағтик тикилдим.
У хиралашган кузларимга янаям оқариб кетгандек туюлди.
Сал утиб, бунга ахамият бермай, кузойнагимни тақдим-да,
картинамга эътиборимни қаратдим. Тасавурум ёрдамида
гуллаган урикнинг манзарасини куз олдимга келтиришга
чоғландим. Аммо бунинг урнига кузим тиниб, бошим бир
томонга оғиб кетди. Тусатдан нафас олишим қийинлаш-
гандек бўлиб, ютокиб чуқур-чуқур нафас олишга кириш-
дим. Бунинг фойдаси бўлмай, нафасим қайтиб бўғилдим
ва қайтанга янаям ҳаво етмаётгандек булаверди. Унг қу-
лимга тутган муйқаламни маҳкам ушлаганча, эшик томон-
га алаҳсираб боқдим. Эримни чақирдим. Менимча, аранг
пичирладим. Бир, икки ва уч марта. Шундан сунг, лабла-
римни кимирлатишга мажолим етмади. Муйқаламни тут-
ганча картинамга қарай-қарай креслога бошимни суядим.
Ортиқ қул-оёқларим узимга буйсунмас, уларни кимирла-
тишга қанча уринмай тарашадек қотиб турарди.

Рупарамдаги девор эса энди бир маҳал қора тусга кира бошлади. Бир пайт хонага зулмат чуққандек бўлди. Шу зулмат ичида фақат картинам ёруғлик таратиб турарди. Бирдан унинг фонида гуллаган урикнинг чала манзараси йўқолиб, телевизор экранига ўхшаш турбурчак нариса пайдо бўлди. Унда куча чангитиб юрган жажжи қизалоқ гавдаланди. Мен-ку бу, дедим ҳайратимни жиловлай олмай. Мана куғирчоғимни кучганча, атлас куйлагимда куча чангитиб юрибман. Бир кулимда хурозканд ва онам тандирда ёлган иссиқ нон. Болалигим... Қандай маза эди Фарғонада қолган болалигим, беташвиш ва беғубор эди. Катта бўлиш қанчалик машаққат-а, азоб-уқубат... Болалигим тасвирига қуникиб улгурмай, экранда талабалик пайтим намоён бўлди. Кутубхонада тасвирий санъатга оид китоблардан бошини кутармай утирган киз. Бунча маъсум ва ҳаётга чанқоқ-а, бу киз, деб уйладим беихтиёр. Талабалик рўздан олтин давр, йўқ, олтин эмас, олмос давр. Шундан сунг, оппоқ келинлик либосида қуриниш бердим. Аёллик бахти бунча ширин-а, туғрими, айниқса севган ёринг билан бирга булсанг? Бирин-кетин биринчи қургазмам, ҳомиламни йўқотган пайтдаги нурсиз қуналарим, бош мия саратони таъхиси қўйилгач йиғлаганларим, Туркияда ўтган бахтли ва бахтсиз дамларим ҳам экранда гавдаланди. Хуллас, бутун ҳаётим қўз унгимда намоён бўлди. Йигирма беш йиллик яхши-ёмон қуналарим жамланмаси...

Мен бу хотиралар таъсирида тобора бушашиб борар, танам музлаётгандек, унинг аъзолари тарашадек қотиб бораётгандек туюлар, узимни ҳеч англамасдим. Охири, узимни унутдим. Қўз олдим, гурт атрофим зулматга бурканди. Болалигимда хонанинг ичида беҳос чироқ ўчганида шундай бўларди. Қоп-қора, зулмат, қилдек ёруғлик йўқ... «Наҳот, уялпман» деб уйладим бир оз ўтгач. «Урик гулламади барибир» дедим нафас олишим оғирлашишни бошлагач ўқсиниб ҳовли томондан қўзимни узмай. Кейин

«Шамшод ака» деб эримни чақиргандек бўлдим. Лабларим аста пичирлади, астагина, бироқ овозим чикмади.

Электрон почтамга юборилган хисоботлар билан тушликкача андармон бўлдим. Анча иш йиғилиб қолган экан. Уларни бирма-бир куздан кечириб, фирманинг жорий молиявий аҳволини чамалаб чиқдим. Ҳар ҳолда, фирмада ишлар жойида эди ва масофадан бошқараётганим салбий оқибатларни олиб келмаганди. Уларни қуриб чиққач, кунглим бир оз тинчиди. Кетидан бошқа ташвиш қундаланг туриб, тушликка нима тайёрласам керак экан, деб бошим қотди. Азиза бифштексни хуш қуларди, балки шуни тайёрларман, дедим-да, эҳтиёт шарт узидан ҳам бир сураб қуришни мақсад қилдим. Ижодхонасига шу мақсадда кирдим. У креслога суяниб, бошини дераза томонга угирганча утирарди. Қулида муйкалами. Дастлаб уни ухлаб қолибди, шекилли деб ўйладим. Аммо кузлари очик эди.

– Хона диккинафас бўлиб кетибди, – дедим дераза олдига бориб, унинг ойналарини очарканман. – Шунақада чақирсанг, келиб деразани очиб қуяман.

У индамасди. Ҳануз дераза томонга қараб жим ётарди. Охириги пайтларда сукут саклашни афзал билаётгани ёдимга тушиб, бунга дастлаб аҳамият бермадим. Лекин эътиборимни ҳовлидаги урик дарахти тортди. Унинг новдалари гул тугишни бошлаганди. Буни қуриб, узимда йук севиниб кетдим. Бу ҳадемай уни оппоқ бўлиб гуллашидан далолат берарди.

– Урикнинг гуллашига оз қолибди, – дедим суюнганча бир ҳовли томонга, бир Азизага қараб.

У хануз индамасди. Кунглим ғаш бўлиб, унинг олди-га келганимда юрагим орқасига тортиб кетди ва дарров тиз чуқиб унинг тиззасига қуйилган кулларини ушладим. Улар музлаб, тарашадек қотиб улгурганди. Кузлари дераза томонга қадалганча қорачиғига қушилиб тирикликдан бирор-бир нишона бермасди. Унг кафтидаги бармоқлари

муйкаламни маҳкам ушлаб олган, оёқлари жуфт ҳолда гуё бир-бирига ёлишиб қолганди.

– Азиза, – дедим кузларимдан тиркираб ёш оқиб унинг тиззасидан кучарканман. – Урик гуллашига оз қолибди. Эшитяпсанми?!

Азиза бу сафар ҳам индамади.

РАХМАНИНОВ СОНАТАСИ

Нилуфар узида йук хурсанд эди. Ниҳоят, у пианино каршисида утириб, узи севган бастакорнинг сонатасини партитурасиз, ҳеч бир ерида хато қилмай ижро эта олди. Унинг учун бу ҳалдан ташқари қувончли янгилик бўлди. Чунки, ҳафталаб бунинг уддасидан чиқа олмаётган, қанча ҳаракат қилмасин, интилишлари бесамар кетаётган эди. Охири тинимсиз ва машаққатли меҳнати тақдирланди мана.

Энди у узок қутилган илк концерт дастурида Рахманиновнинг машҳур «ре-минор» сонатасини партитурасиз, бемалол ижро этиши мумкин. Худди шундай. Партитурага ортик эҳтиёжи йук бу соната буйинча. Шунини уйлarkan, унинг шодлиги сарҳад билмас, узини қуярга жой тополмай гоҳ ҳаяжонланиб тук қизил пианиноси олдига борар, гоҳ хона деворларига осилган бастакорларнинг суратларига тикилганча у ёқдан бу ёққа енгил одимларди. Ҳатто балериналарга ухшаб оёқ учида рақсга тушиб кетгиси келар, бироқ хонада ҳеч ким бўлмаса-да, ийманиб фикридан қайтарди.

Мабодо эгизаклари ҳозир ёнида бўлишганида борми, уларни бағрига босиб, юз-қузларидан упиб, шубҳасиз улар билан қувончини бўлишган буларди. Бахтга қарши улар футбол интернатида, ҳафта охирида келишади. Шунини уйлаб, афсус билан бош чайқайди. Кечки овқат тайёрлаётган пайтида бу қувончини қим биландир росаям

булишгиси келаётганини теран ҳис қилди, қувончи ичига сиғмай қолди, шунинг учун булса керак йулакдаги жавон устида турган қора рангдаги телефон апаратига тез-тез куз ташлаб қуйди. Бир оз утиб, иложсиз равишда унинг олдига келди. Гушакни кутариб, керакли рақамларни терди. Ҳадеганда алоқа тикланавермади. У рақамларни қайта териб, сим қокди. Шундагина алоқа тикланиб, гушакдан таниш овоз эшитилди:

– Мажлисда эдим.

– Бугун уйга эртароқ келасизми? – деди у еттинчи осмонда учиб юргани сабаб эрининг мажлисда эканига парво қилмай.

– Тинчликми? – суради эри энсаси қотиб.

– Тинчлик, – давом этди Нилуфар уни тинчлантириб. – Келсангиз айтаман. Ажойиб бир иш бўлди.

– Яхши, бораман.

Гушакдан илкис эрининг овози келмай қолди. «Алоқа узилди», деб тахмин қилди у. Бундан сал кунгли чуқиб, гушакни ҳафсаласизлик билан жойига қуйган булса-да, бояги ютуғи яна эсига тушиб, кайфиятини имкон қадар кутарди ва йулакдаги деворга осилган кузгуга қараб, мамнун табассум қилди.

Уни айни пайтда ҳеч нарса ва ҳеч ким тулалигича ранжита олмасди, бойси узи учун улкан ютукни қулга киритганди. У шу кунгача факат Бетховеннинг Элизага бағишланган сонатасини, Брамсинг вальсларини ва Шопеннинг унча катта бўлмаган ҳажмдаги ноктюрларидан икки-учтасини партитурасиз ижро эта оларди, ҳолос. Аммо улар қисқа мусикий композициялар бўлиб, буни ҳар қандай ҳаваскор пианиночи бажариши мумкин эди. Бунга ортикча укув ёки иктидор талаб қилинмасди. Рахманиновнинг сонатаси эса улар билан солиштирилганда давомийлиги узунроқ ва структураси мураккаб бўлиб, бу икки унсур мабодо бир лаҳзага ҳам эътибор сусайтирилса ижрочини қалғитиб, хато қилишга мажбур

киларди. Ҳатто партитура билан ижро этилган тақдирда ҳам.

– Нима гап ўзи? – деди эри сузида туриб, ишдан эрта-рок қайтгач.

Нилуфар уни остонада куриб, хурсандлигидан қарсак чалиб юборишига оз қолди. Концерти куни ҳам залга шундай тарзда – ораста кийинган, келишган қиёфада, бунинг устига қулларида гулдаста билан кириб келса қанийди, деб ҳаёл қилди ва бу ҳаёлини тез кунда руёда юз беришига чиппа-чин ишониб қуңгли тагин тоғдек қутарилди. Шу ҳаёлни узидан узоқлаштирмай, уни қулидан оҳиста тутиб, туғри пианино турган хона томон ошиқди. Хонага кириб, у ердаги жигарранг креслони пианинога яқин сурди-да, эридан унга утиришینی илтимос қилди. Ҳеч нимага тушунмай турган эри креслога беҳол чуккач, ўзи пианино қаршисига келиб тухтади.

– Рахманиновнинг «ре минор» сонатасини ёлдан чаламан, – деди стулга утираркан. – Дикҳат билан тингланг.

Эрига ёш боладек курсаткич бармоғини курсатиб, уни хавода ўйнатаркан, икки ёноғи ҳаяжондан қизариб кетди. Сунг бармоғини бурнига олиб келди ва эрига қарата ҳазил тарикасида «те!» деб қўйди-да, сонатани партитурасиз ижро этишга киришди. Мусиканинг асрлар бўйи инсон қалбини тоҳ ларзага солган, тоҳ унга таскин бериб бахтиёр этган, тоҳ ҳаёт сукмоқларидаги унинг рангсиз умрига жило ва мазмун бахш этган, тоҳ покиза муҳаббати ва аламли нафратини ўзида ифодалаган, тоҳ ошпоқ орзулари ва изтиробли армонларига шерик бўлган таниш, қуринмас, сиру синоатларга тула оҳанги пианино клавишлари кумагида хона бўйлаб соқин таралди. Оҳанг бу сафар инсон бисотидаги ўтмиш хотираларини ўзида мужассам қилганди.

Бу соната доим Нилуфарнинг болалигини ёлига солиб, қалбининг қилват гушаларидан уни излаб топарди. Консерваторияда ўқиб юрган кезлари ҳам, турли-туман тан-

ловларда уни шахсий дастурига киритганида ҳам, қачон ва қаерда ижро этмасин, ҳатто шунчаки у туширилган партитурани куздан кечирганида ҳам болалиги дарҳол эсига тушаверарди. Боя ҳам, кеча ҳам шундай бўлганди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Узун ва ингичка бармоқларини оқ-қора клавишлар узра ҳаракатлантириб, бир текисда уни ижро этаркан, олинса қолган беташвиш ва хушнуд болалиги билан боғлиқ бўлган ширин хотиралари бирин-кетин куз олдида гавдаланди. Онасини пешонасига оқ дурра боғлаб, тандирда иссиқ нон ёпишлари бу хотираларнинг дебочаси сифатида худди эски кино лентасига муҳрланган ранг-баранг кадрлардек қалбини бир зумга тузитиб юборди.

Болалигида онаси доим якшанба кунлари тандирда нон ёпар, у ҳажман узидан ҳам катта бўлган саватни кутариб, унинг ёнидан ҳеч қаерга сийғимасди. Нонлар қизариб ва бўрсилшоқ ҳолда пишгач, онаси уларни узиб саватга ташлар, у булса тезроқ совиши учун уларни яйратиб-йяратиб турар, орада узига аталган мийти, ҳамирри сутда қорилган қулчаларни иссиқ ҳолича ва уғринча пахтали камзули чунтагига солиб қуярди. Шундан сунг, қулчаларидан оқиб утадиган муздек арик сувига уларни буктириб совитар ва урик дарахтига суянганича чайлаб рохатланарди.

Соната яримлаганида болалик хотиралари янаям тиниқ куринишда хотирасида жонланди. Мана, у қулчаларидаги чириган симёғочга пешонасини тегизиб, санок сонларини қайтаряпти. Кичкинагина, синчалакдек келадиган узиям. Сочлари сарик, ушанда ҳам уни ҳамма «сариксоч» деб атарди. У тўхтовсиз бир ва икки хонали сонларни тартибини бузмай тилга оларкан, уртоқлари бу вақтда турли жойларга беркинишарди. Бир оз вақт ўтгач, у ҳар ердан уларни ахтарарди. «Беркинмачок», деб энтикди у клавишлар устида тинмаётган қуллари бирдан бушашиб.

Ёз кунларида отаси кулоклари устига илиб қўйган гипосларга эътибор бермай, онаси мажнунтол новдаларига ўхшатиб ўриб қўйган сочларини хилпиратиб, кўчадан бери келмасди. Уйинқароқ эди-да. Қиш кунларида гупиллаб қор ёгса, унинг учун роса байрам буларди. У болалар билан кучанинг уртасида қорбобо ясар ёки кучани бошига қутариб қорбурон уйнар, отаси олиб берган чанасини етаклаб кунни кеч қиларди.

Қўп ўтмай, узини кучалари бошидаги нишолда сотадиган амакининг қозони олдида қўрди. Болалигида рамазон пайтлари қўлидаги қосасини ўша амаки ҳар сафар нишоллага тулдириб бергач, то уйларига етгунча у нишолда устини бармоғи билан ялаб кетарди. Қўлтиғида қир қўғирчоғи, оёғида ичидан сув ўтадиган пойабзали. «Бирам ширин буларди нишолда», деди у беҳос шуни хотирлаб. Ортидан муқаддас ой оқшомларида кучаларидаги болалар билан ҳар бир уйга кириб, рамазон қўшиғини айтиб юрган кезлари қўз олдидан ўтди.

*«Рамазон айтиб келдик эшигингизга
Худойим ўғил берсин бешигингизга...»*

Шу қўшиқни айтишарди. Мана элади. Қўшиқ узун эди. Афсуски, боши эсида қолган, ҳолос. Шундай бошланарди тахминан. Болалар билан биргалашиб айтишарди. Ўғил ва қиз болалар аралаш ҳолда, қўлларига узун дастурхонни ёйиб олганча... Ҳар бир хонадон остонасида... Бакириб-чакириб... Қўшнилари тоҳ чой-чақа, тоҳ ширинлик, қанд-курс ва мева беришар, дастурхон лаҳза ўтмай улар берган нарсаларга тулиб кетарди. Кейин кучанинг бошидаги харсангтошга ўтириб, болалар бу «ўлжа»ларини тенг тақсимлашарди. Унга қўпинча олма ва шоколадли печенье тегар, тангаларни ўғил болалар олишарди.

Соната ниҳоялаётганда унинг кузларига ёш келди. Олисда қолган болалигини, оламдан утиб кетганига ҳеч қанча бўлмаган ота-онасини жудаям соғинганини тушунди. Аслида бу сонатани ёддан чалишга ургатган нарсаси ҳам қўпчилик санъатшунослардан олган унинг иктидори эмас, айнан болалик соғинчи эди. Назарида шундай. У болалигини соғингани учун бу сонатани сўнгги пайтларда қўп ва алоҳида иштиёқ билан ижро қиларди. Эркин ижодкор сифатида концерт ўтказишга розилик берганига ҳам шу сабаб эди, очиги. Эҳтимол, Сергей Рахманинов ҳам АҚШда муҳожирликда яшаган йиллари, ватанида қолган болалигини қўп қўмсаган, шунга бўлса керак, бу сонатани Америка шаҳарлари бўйлаб гастрол сафарларида қўп марта ижро этган ва олқишларга қўмилган, эътирофларга сазовор бўлганди.

Сонатани ижро этиб бўлгач, у эрига саволомуз қаради. Унинг нигоҳида «яхши ижро этдимми?» деган саволдан қўра «сизнинг ҳам болалигингиз ёдингизга тушдимми?» деган савол қўпроқ зоҳир бўлганди. Шунингдек, кейинги ҳафта шаҳардаги маданият уйида бўладиган илк концерти ҳақида унга айтмоқчи эди. Эри эса аксига олиб ер қўзганча, нигоҳидан қизиқишга ўхшаш бирор бир нишона ёки белги бермай ўтирар, афтидан соната унинг ҳам хотираларини ё ўйғотиб юборган, ё бошқа ташвишли уйлар билан қалласи банд қўринарди.

– Шу сонатани партитурасиз ижро этипман эди, – деди у эридан садо чиқмагач очик чехра билан. Шунингизга айтмоқчи эдим. Яна шунингизга айтмоқчи эдимки, кейинги ҳафта илк концертим бўлади. Маданият уйида.

Унинг гапларини эшитгач, эри тарвузи қўлигидан тушган одамдек урнидан қўзғалиб, пешонасини тиритирганча, бўйинбоғини сал бушатиб, олдига келди.

– Шу олатингни ёмон қўраман-да, – деди эрмак қилгандек пианино клавишларини бир-икки эзиб, устидан

бармоқларини юргизаркан. – Арзимаган нарсалар учун доим мени овора қиласан. Мана бугун ҳам... Сен туфайли янги маҳсулотимизнинг шу оқшомга мулжалланган тақдиротда қатнашолмайман энди. Эсиз, тадбир!

Нилуфар бир хурсиниб қуйди-да, лабларини каттик тишлади. «Қонаб кетса қанийди», деб пичирлади уларни тишлари орасидан қуйиб юборгиси келмай. Кейин ми-ийгида кинояли кулиб, пианинони лоқайдлик билан ёпди. Унинг устига ногоҳ ҳолсизланган қўлларини қуйиб, анчагача шу алпозда уларни зўрлаб ушлаб турди. Қўллари қалтираб, қонталаш бўлиб кетган лаблари титради. Эри унинг жим бўлиб қолганини куриб, бошини чайқади-да, эшик томон юрди.

– Айтганча, – деди хонадан чиқиб кетаётиб. – Эрталаб ошга боришим керак. Бош менежеримиз туй қияпти. Шунга кулранг костюмим бор-ку, ушани бир дазмолдан утказиб қуярсан. Анчадан бери жавонда турибди, кийилмасдан. Оҳори бузилган булиши мумкин.

Нилуфар узини мажбурлаб, у томонга маънос қаради. Янгитда дунёга келиб, юрагида қайнаган, отилиб кетишга шай бўлиб, тулиб-тошган бояги қувончидан асар ҳам қолмаганди. У ўрнидан тургиси келмас, икки оёғига оғир тош боғлангандек, уларни ҳеч қимирлага олмасди.

– Ҳозирок дазмолдан утказиб қуяман, – деди синик овозда. – Сиз овкатланиб булгунча.

Шундай деб у икки қулоғини маҳкам беркитиб олди. Бу билан унинг остида янграётган овозларни бўғиб ташлашни истади. Аммо фойдаси бўлмади. Қулоғи остидан болалигида қолган узи ва уша болаларнинг шодон, беғубор ва ҳаёт ташвишларидан холи бўлган ширин овозлари кетмади:

*«Рамазон айтиб келдик эшигингизга
Худойим ушл берсин бешигингизга...»*

МУНДАРИЖА

<i>Ёш авлоддан умидим. Т.Пулатов</i>	3
Тушкун шеърлар.....	5
Танго раққосаси.....	17
Куз симфонияси.....	37
Ёмғир вальси.....	51
Отамнинг кабутарлари.....	58
Қора ноутбук.....	66
Маркеснинг китоби.....	74
Берлин эртаги.....	81
Орзу ортидан.....	90
Москвадан мактублар.....	99
Премьерадан сунг.....	104
Иқроф.....	110
Соғинч.....	129
Тургинчи каватдаги хонадон.....	136
Олис-олисларда.....	143
Октябрь романтикаси.....	149
Хемингуэй ва онам.....	157
Баҳор якшанбаси.....	164
Тугалланмаган картина.....	179
Рахманинов сонатаси.....	200

Адабий-бадний нашр

ШЕРЗОД ОРТИҚОВ

КУЗ СИМФОНИЯСИ

Ҳикоялар

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусахҳиҳ
Нигора ҚУДРАТОВА

Бадний муҳаррир
Зилола ТУЛАГАНОВА

Саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 14.10.2020 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоғи 6,5. Шартли босма табоғи 10,92.

Гарнитура «Times New Roman». Офсет қорози.

Адади 1 000 нусха. Буюртма № 156.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Муражаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru



ШЕРЗОД ОРТИҚОВ

1985 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Фарғона Политехника институтини тамомлаган. Асарлари республика даврий нашрларида, шунингдек, Россиянинг «Камертон», «Топос», Украинанинг «Автограф», Қозоғистоннинг «Дактиль», АҚШнинг «Makonim», Туркиянинг «Dilimiz ve edebiyatimiz», Сербиянинг «Nekazano», «Petruska Nastamba» каби адабий нашрларида чоп этилган. 2019 йилда утказилган «Марварид улкам» адабий танловининг наср йўналишидаги ғолибларидан бири.



ISBN 978-9943-20-760-8



9 789943 207608